ПЛУТАРХ

САЙЛАНМА

ИСКАНДАР МАҚИДУНЛИ

◆

ПОДШОҲЛАР
ВА САРКАРДАЛАРНИНГ
ҲИКМАТАИ СЎЗЛАРИ

◆

КЕЛИН-КУЁВЛАРГА
НАСИҲАТЛАР

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2006

Ушбу тўпламга юнонистонлик машҳур муаррих ва адиб Плутархнинг уч асари киритилган. Булар — «Искандар Маҳидунли», «Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари» ва «Келин-кўёларга насиҳатлар»дир. «Искандар Маҳидунли» асарида подшоҳ ва саркарда Искандарнинг инсоний фазилатлари имкони борича мукаммал ёритилган. «Подшоҳ ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари» асарида 91 подшоҳ ва саркарданинг беш юздан ортиқ ҳикматлари келтирилган. Нисбатан кичик ҳажмдаги «Келин ва кўёларга насиҳатлар»да янги турмуш қурган йигит ва қизларга Плутарх ажойиб панд-насиҳатлар беради.

Таржимонлар

Зоҳир АЪЛАМ ва Урфон ОТАЖОН

ISBN 5-633-01791-9
© Плутарх. «Сайланма». «Янги аср авлоди», 2006 йил

СЎЗ БОШИ

Плутарх кўп қиррали, улкан истеъдод соҳиби, буюк ёзувчи, муаррих ва файласуфдир. Асрлар давомида унинг бадиий, фалсафий асарларини энг ўқимишли, нозик дидли адабиёт мухлислари қайта-қайта мутолаа қилиб, ўрганиб келмоқдалар ва ҳозирги кунда ҳам унинг асарлари ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Плутарх ҳаёти акс эттирилган китобларда ёзилишича, унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар бизгача жуда кам етиб келган. Тахмин қилинишича, Плутарх мил.ав.46 йилда Херонея шаҳарчасида туғилган ва 120 - 130 йиллар орасида вафот этган. Адабиётларда таъкидланишича, Плутарх ўз даврининг энг маърифатли одамларидан бири бўлиб, адабиёт, фалсафа ва тарихни жуда яхши билган, мусиқа ва табиий фанлардан хабардор бўлган. Дастлаб у ўз уйида, отаси Автобул ҳамда буваси Ламприй раҳбарлигида ўқиган, кейин ўспиринлик пайтида Афинада ўқишни давом эттирган. Унинг ўспиринлик чоғларидаёқ яхши маълумотга эга бўлганлигига бир тарихий воқеа гувоҳлик беради: 66-йили император Нерон Юнонистон бўйлаб саёҳат қилганида 17-20 ёшлардаги Плутарх Афинада экан. Ана шу саёҳат давомида Нерон Делфада ўтказган диний-фалсафий суҳбатларда ёш Плутарх ҳам ўз устози файласуф Аммоний билан биргаликда қатнашган. Демак, унинг иқтидори ёш йигитлигидаёқ шу қадар юксак бўлган.

Плутарх Юнонистоннинг бошқа шаҳарларида, шунингдек, Искандария ва Римда ҳам бўлганлиги маълум. Ҳукмдор Траян уни Римда жуда яхши кутиб олган ва устоз сифатида эъзозлаган экан. Плутарх Римда фалсафий суҳбатлар ўтказди, дўстлар орттирди. Император Траян унга консуляр унвонини берди — бу унинг Римда расмий тан олиниши эди. Плутарх умрининг иккинчи қисмини ўзи туғилган Херонея шаҳрида ўтказди ва бу шаҳарнинг ижтимоий, маърифий ҳаётида фаол қатнашди, бу ерда фалсафий-ахлоқий мактаб ташкил этди.

Плутархдан жуда бой адабий мерос сақланиб қолган. Тахмин қилинишича, адибнинг ўғли, Ламприй томонидан тузилган асарлар рўйхатида унинг 210 асари санаб ўтилади. Плутарх ёзган асарлар асосан икки қисмга бўлинади, булар: «Қиёсий ҳаётномалар» ва «Ахлоқий асарлар»дир. Ушбу «Ахлоқий

асарлар» Moralia деб аталади ва у ҳам «Қиёсий ҳаётномалар» каби муаллифга катта шуҳрат келтиргандир.

«Қиёсий ҳаётномалар» машҳур юнонлар ва римликларнинг ҳаётлари баёнидан иборат бўлиб, жуфтликлар ёки юнонча «параллел»ларга бирлаштирилган. Ҳар бир жуфтликка юнон ва римлик киритилган, фақат бир асарида Плутарх иккита эмас, тўртта шахс ҳаётномасини баён қилган, булар: юнон томонидан Агид ва Клеомен; рим томонидан — ака-ука Тиберий ва Гай Гракхлардир. Бизнинг давримизгача қирқ олтита жуфт ҳаётномалар сақланиб қолган, бундан ташқари тўрт ҳаётноманинг ҳам жуфтлари сақланиб қолган экан. Ҳар бир жуфтликка киритилган шахслар ҳаётида Плутарх фикрича маълум бир ўхшашликлар бор, бу ўхшашликлар ё уларнинг тақдирларида ёки феъл-атворларида мавжуд. Масалан: Демосфен ва Цицерон, Искандар ва Цезар ҳаётномалари қиёсий баён этилади...

Плутархнинг ахлоқий асарлари туркумига «Дастурхон атрофидаги суҳбатлар», «Рим масалалари», «Юнон масалалари», «Етти донишманд зиёфати», «Спарталикларнинг ҳикматли сўзлари», «Спарта аёлларининг ҳикматли сўзлари», «Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари», «Келин ва куёвларга насиҳатлар» каби асарлари киради.

Ушбу сайланмага буюк адибнинг уч асари: «Искандар Мақидунли», «Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари» («Изречение царей и полководцев», «Застольные беседы» китобидан олинган, 1990й., «Наука» нашриётининг Ленинград бўлими.), «Келин-куёвларга насиҳатлар» («Наставление супругам». Плутарх. «Сравнительные жизнеописания. Трактаты и диалоги». Москва, 1998 й., «Рипол классик») киритилган. «Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари» га ёзилган изоҳлар «Застольные беседы» китобидаги изоҳлардан фойдаланиб тайёрланди.

Умид қиламизки, азиз китобхонлар ушбу асарлар орқали Плутарх ижоди билан маълум бир даражада танишадилар ва ундан баҳраманд бўладилар.

Урфон Отажон

ИСКАНДАР МАҚИДУНЛИ

I. Бу китобда биз шоҳ Искандар Мақидунли ва буюк Помпей устидан ғалаба қозонган Цезарнинг ҳаёт йўлларини тасвирлаймиз. Сўзбошимиздаёқ ўқувчилар бизни айбламасликларини илтимос қилмоқчимиз. Чунки, бу икки инсоннинг буюк қаҳрамонликларининг ҳар биттасини алоҳида-алоҳида таҳлил этмадик. Баёнларни ҳам имкон қадар мухтасар қилдик.

Чунончи биз тарихни эмас, инсоннинг ҳаёт йўлини тасвирлашни мақсад қилганмиз. Инсоннинг яхши-ёмонлиги эса, ҳамиша ҳам унинг улуғвор ишларида кўринавермайди. Қандайдир кичкина бир қилиғи ёки қаердадир оғзидан чиқиб кетган мутойибаси, қилган ҳазили — улкан жангда минглаб инсонларни ҳалок қилиш эвазига қозонилган ғалабаси ёки лак-лак қўшинни бошқарганидан кўра кўпроқ унинг феъли-атворини очиб бериши мумкин. Зероки, рассом ҳам баданнинг бошқа қисмларига камроқ аҳамият бериб, асосий эътиборини кишининг юзи ва кўзига қаратади. Чунки, инсоннинг феъл-атвори худди ана шу нуқталарида билинади. Биз ҳам киши руҳиятини кўрсатадиган ҳолатларни кенгроқ тасвирлашни истардик. Оламшумул воқеалару жангномаларни бошқалар ёзаверсин.

II. Искандарнинг насл-насаби, келиб чиқиши хусусида тарихчилар якдилдирлар: ота томонидан у Каран орқали Гераклга, она томонидан эса Неоптолем орқали Эакка бориб тақалади. Айтишларича, Филипп[1] ва Олимпиада[2] ёшлик чоғлари бири ўспирин, бири етим қизалоқлик пайтларидаёқ Самофракиялар сиру асроридан воқиф бўлганлар. Филипп Олимпиадани севиб қолган ва унинг акаси Ариббнинг рози-ризолигини олиб, уйланган. Гўшангага ки-

---

[1] Искандарнинг отаси
[2] Искандарнинг онаси

риш арафасидаги тунда Олимпиадага бир рўё кўринган. Бу рўёда гўёки унинг қорнига чақмоқ келиб урилган, ундан олов чиққан ва бу олов ҳар томонга ёйилиб, кейин сўнган. Тўйдан бир оз вақт ўтгач эса Филипп тушида хотинининг қорнини муҳрлаётганини, муҳрда эса шер тасвири борлигини кўрган. Фолбинлар тушни Филипп ўз хотинининг ҳуқуқини бошқаларникидан юқори қўйишида деб таъбирлашган. Лекин телмесслик Аристандр ҳеч қандай бўш нарса муҳрланмаслиги, Олимпиада ҳомиладор экани ва шердек довюрак ўғил кўришини айтиб бера олган. Кунлардан бир кун уйқуда ётган Олимпиаданинг ёнгинасида чўзилиб ётган илонни кўришган; айтишларича, бу ҳодиса Филиппнинг хотинидан кўнгли совишига сабаб бўлган. Шундан сўнг Филипп хотинининг жоду қилиши ёки бир нарсани ичириб қўйишидан қўрқиб, уни осмондан тушган мавжудот билан боғлиқ деб ўйлагани туфайли Олимпиададан ўзини четга олиб, унинг ётоғига камроқ қадам ранжида қиладиган бўлган. Худди шу воқеа ҳақида бошқа ривоят ҳам мавжуд. Қадимдан бу мамлакат аёллари Дионис шарафига ўтказиладиган орфик саъмо — зикр тушиш базмларида қатнашиб келишаркан. Бу пинҳоний зикр тушишларда қатнашувчи аёллар клодон ва мималлон отинлари деб аталиб, уларнинг хатти-ҳаракатлари эдонлик, шунингдек, Гемос[3] тоғи этакларида яшовчи фракиялик (менимча, диний маросимларда меъёрдан ортиқ расм-русм ва хатти-ҳаракатларни белгиловчи «фрэскуэйи» (threskeuein) ифодаси мана шундан олинган) аёлларнинг урф-одатларига ўхшаб кетарди. Олимпиаданинг зикр тушгандаги тебранишлари варварчасига тизгинсиз эди. Тантанали юришларда катта-катта ўргатилган илонларни олиб юрар ва бу илонлар духоба ёпингичқлар ва муқаддас саватлардан ўрмалаб чиқиб, аёлларнинг бадан ва гулчамбарларини чулғашганда, эркакларнинг ўтакаси ёрилган. Олимпиада, айтиш мумкинки, бу маросимларга кўр-кўрона муккасидан кетганди.

III. Ўзига юборилган юқоридаги аломат белгидан сўнг Филипп Дельфага, мегалополлик Хероннинг олдига борган. Херон Филиппга Апполоннинг ваҳийномасидан кўра

---

[3] Гемос — Фракиядаги тоғ.

кўпроқ уни эъзозлашни тавсия этган экан. Яна айтишларича, худди мана шу кишидан кузаттани учун Филиппнинг бир кўзи оқиб тушган. Эратосфеннинг маълумот беришича, ўғлининг туғилиши ҳақидаги бор сир-асрорни Олимпиада Искандарни уруш сафарига кузата туриб, эътироф этган ва ҳамиша шу олий мақомга муносиб бўлиб қолишини сўраган. Бироқ бошқа маълумотларга кўра, Олимпиада ҳамиша бу каби миш-мишларни рад этган ва «Искандар қачон мени Гера[4] олдида ҳадеб маломат этишини тўхтатаркин?» деб хитоблар қилиб юрган.

Искандар гекатомбеон[5] ойининг олтинчи кунида туғилган. Македонларда бу ой «лой» деб аталади. Шу куни эфесслик Артемиданинг эҳромига ўт тушган экан. Шу боис магнесиялик Гегесий «Артемида эҳромининг куйиб кулга айланганлигига ажабланмаса бўлади. Ахир маъбуда ўша куни Искандарнинг дунёга келишига ёрдамлашиш билан банд эди», деган аччиқ ҳазил гап айтган эканки, бу гапнинг совуқлиги эҳромни чулғаган ўтни ўчиришга бемалол етарди деб ўйлайман. Бало юз берганда Эфесда бўлган мўғлар буни келажак офатларнинг дараги деб айтганлар ва шаҳар кўчаларида бетларига шапатилагаича у ёқдан-бу ёққа югуриб юриб, бу кун — Осиё учун буюк офат ва мусибатлар туққан кун деб жар солганлар. Яқингинада Петидеяни босиб олган Филиппга шу куни бирданига учта хабар етказилган: биринчиси, Парменион катта жанг натижасида иллирияликларни енганлиги, иккинчидан, унга тегишли арғумоқнинг олимпиада отчопарида ютиб чиққанлиги ва ниҳоят, учинчиси — Искандарнинг туғилганлиги ҳақидаги хабар бўлган. Табиийки, Филипп хурсанд бўлиб кетган. Қозонилган уч галаба билан бирга туғилган ўғлининг соҳибқирон бўлиши ҳақидаги ромчиларнинг гапини эслаб яна ҳам хурсанд бўлган.

IV. Искандарнинг ташқи кўринишини Лисиппнинг ҳайкаллари аниқроқ акслантирган. Дарвоқе, Искандарнинг ўзи ҳам шу ҳайкалтарошгина унинг қиёфасини акслантирган

---

[4] Гера — осмон худоси, Зевснинг хотини

[5] Гекатомбеон — юзта буқа қурбонлик қилинадиган, июл-августга тўғри келадиган ой.

ришга лойиқлигини таъкидлаган. Лисипп шоҳнинг ўзигагина хос бўлган — бўйнининг чап тарафга бир оз эгилганлиги ҳамда кўзларидаги хуморни жуда аниқ тасвир этган бўлиб, кейинчалик Искандарнинг дўстлари ва издошлари унга тақлид қилишда ана шу тасвирдан илҳомланганлар. Искандарни момақалдироқ сочувчи[6] қиёфасидаги расмини чизган Апеллес, унинг рангини аслидагидан қорароқ қилиб чизган. Айтишларича, Искандар ўта оқ бадан, айрим аъзолари, айниқса, юзи ва кўкси қизилга мойил оқ тусда бўлган. Искандарнинг терисидан анвойи ҳид таралган. Худди шунингдек, оғзидан ва бутун аъзойи баданидан ҳам ёқимли ҳид анқиб, кийимига ўтириб қоларкан. Бу ҳақда каминанинг ўзи Аристоксеннинг эсдаликларида ўқигандим. Эҳтимол, бу — мижозининг иссиқлиги, қизиққонлиги туфайлидир. Зероки, Теофрастнинг таъкидлашича, анвойи ҳид иссиқликнинг намликка ўтказган таъсири натижасида пайдо бўларкан. Мушк-анбар ва хуш исли зираворларнинг кўпчилиги ва энг аъло навлари иссиқ иқлимли мамлакатларда етиштирилиши бежиз бўлмаса керак. Чунки, барча жонзоту ўсимлик баданларида чиришнинг асосий манбайи бўлган намликни қуёш иссиғи қуритиб ташлайди. Эҳтимол, Искандардаги ичкиликка мойиллик ва феъли даги ўта қизиққонлик ҳам мижози иссиқлиги оқибати бўлиши мумкин.

Болалик чоғларидаёқ унда роҳат-фароғатга бефарқлик хусусияти борлиги намоён бўлган. Кейинчалик ҳам шиддаткорлик, ғазаб ва бошқа туйғуларида кўп тизгинсизлик намоён қилган бўлса-да, тан роҳатига доир ишларга бефарқлигича қолди ва уларга қаттиқ меъёр билан ёндошарди. У шон-шуҳратни севса-да, уни дуч келган ердан изламасди. Хусусан, сўзамоллигидан завқланувчи софистнинг ёки жанг аравасининг олимпиададаги ғалабаси шарафига танга зарб қилган отасининг шон-шуҳратларига у қиё боқмасди. Югуришда ўта тезкор бўлган Искандардан, олимпиада ўйинларида иштирок этишни хоҳламайсизми, деб сўрашганда, у шундай деб жавоб берган экан: «Хоҳлардим, агар мусобақадошларим шоҳлар бўлса!»

---

[6] Зевс ҳолатида

Умуман, Искандар атлетикачиларни хуш кўрмаган, шекилли. Трагик шоирлар, флейтачилар[7], кифаралар[8], рапсодчиларнинг мушоираларини, овчиликка оид турли-туман мусобақалар, таёқ билан сўқишмаларни кўплаб ўтказса-да, муштлашув мусобақаларига ёки панкратияга[9] тамом бефарқ қараган ва бу мусобақаларга совринлар белгиламаган.

V. Филипп Македониядан узоқда бўлганида, Искандар ўзини йўқотмай форс элчиларини қабул қилган. У элчиларни ўзининг очиққўнгиллиги ҳамда ёш болаларга хос саволлар бермаганлиги, аксинча Эронга саёҳат қилиш усуллари, йўлларнинг узунлиги ҳақида сўраб-суриштириши билан лол қолдирган. Искандар Эрон шоҳининг душман билан жангни қандай олиб бориши, шунингдек форсларнинг куч-қудрати билан қизиққан. Бундай қизиқиш элчиларни ҳайрон қолдирган ва улар болакайнинг ният ва мақсадлари шу қадар улуғворки, отаси Филиппнинг донг таратган айрим қобилиятларини ҳам орқада қолдиради, деган фикрга келишган. Айтишларича, Филиппнинг бирон-бир донғи чиққан шаҳар устидан галаба қозонгани ҳақида хабар келганда Искандар тундлашиб, тенгқурларига шундай деркан: «Ҳўв, болалар, отам ҳамма жойни босиб олиб, менга ва сизларга ҳеч қандай буюк ва ёрқин ишлар қолмайди» деб айтаркан. Чунки унинг мақсади бойлик ва ҳузур-ҳаловат эмас, балки жасорат ва шуҳрат қозониш бўлган. Шунинг учун отасидан қанчалик катта давлат қолса, ўзининг фаолият доираси шунчалик камайишини ўйлаган. Македония қудратининг ошиб бориши Искандарда жами буюк ишлар тугаб қолади деган ҳавотирни туғдирарди. Зероки, унинг нияти, бойлик, маишат ва зеб-зийнатларга эмас, жанглар, урушлар ва шон-шуҳрат учун курашларга ташна давлатга ворис бўлиш эди. Ўз-ўзидан маълумки, Искандарнинг баркамол бўлиб улғайиши учун сон-саноқсиз ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийлар шуғул-

---

[7] Флейта — сурнай
[8] Кифара — чолғу асбоби
[9] Панкрат — бешкураш

ланарди. Уларнинг бошлиғи Олимпиаданинг қариндоши Леонид эди. Леонид мард, қаттиққўл киши сифатида шуҳрат қозонганди. Тарбиячи ва тоға деган унвон ҳам обрўли саналса-да, ҳурматини қилиб ҳамда қариндошлиги ҳисобидан Леонидни Искандарнинг раҳбари ва устози деб чақиришарди. Аслида, қон-қардошлик юзасидан акарнанлик Лисимах Искандарнинг тоғаси эди. Бу кишида теранликдан ном-нишон бўлмаса-да, ўзини Феникс[10], Искандарни — Ахилл[11], Филиппни — Пелей[12] деб атагани учун обрўсини жойига қўйишар ва у мураббийлар ичида иккинчиси ҳисобланарди.

VI. Фессалиялик Филоник Филипп олдига Букефални[13] келтириб, ўн уч талантга[14] олишни таклиф қилди. Отни синаш учун майдонга олиб чиқдилар. Шунда Филиппнинг мулозимларидан бирортаси ҳам отни эплолмади. Букефал шу даражада ёввойи ва асов эканки, бирорта кимсани миндиришга қўймас, шу заҳотиёқ осмонга сапчирди ва устидаги одамни елпарчин қиларди. Аччиқланган Филипп бу отни жиловлаш мумкинмас, йўқотларинг кўзимдан, деди.

Воқеани кузатиб турган Искандар шундай деди: «Эҳ, бу одамлар қўрқоқ ва ландовурликлари туфайли ажойиб отдан маҳрум бўляптилар-а!»

Филипп аввалига индамади, бироқ Искандар бу гапни бир неча бор такрорлагандан сўнг: «Сен булардан ақллироқ ёки отни жиловлашда эпчилроқмисан? Нега ўзингдан катталарни камситасан?!» деб танбеҳ берди. «Ҳар ҳолда бу отни бошқалардан кўра яхшироқ эплайман. Жиловлаб оламан!» дебди Искандар. «Хўш, қўлингдан келмаса-чи? Жазоласам рози бўласанми?» — сўради Филиппшоҳ. «Зевс номи билан қасам ичаманки, отнинг пулини тўлайман!» деб жавоб берди Искандар. Атрофда кулги кўтарилди. Шу ернинг ўзидаёқ ота билан ўғил от-

---

[10] Феникс — куйиб, кулдан яна тирилувчи афсонавий қуш
[11] Ахилл — Троя урушининг қаҳрамони
[12] Пелей — Ахилл (Ахиллес)нинг отаси
[13] Букефал — Искандарга кўп йиллар хизмат қилган от
[14] Талант — пул ва оғирлик ўлчови, қадимда 26,5 кг кумуш

нинг пулига гаров боғлашишди. Искандар отнинг ёнига югуриб бориб, жиловидан ушлагану қуёшга бурган. Афтидан, Искандар отнинг олдига тушаётган соясидан ҳуркаётганлигини сезган, шекилли. Аввалига, отни силаганча ёнида югуриб борган, кейин жонивор бир оз тинчиб, кўкрагини тўлдириб текис нафас олаётганини билгач, елкасидаги камзулини ерга ташлаб, бир сакраб мониб олган ва отни ўз ҳолига қўйган, сўнг хатарли хусусиятлар ариганига амин бўлгач, жиловини бутунлай бўш қўйган, боз устига отнинг интилишини оёқ нуқиш ва қийқириқ билан рағбатлантирган. Филипп ҳамда унинг мулозимлари хавотирланиб дамларини ютганча жим кузатиб туришган. Бироқ, Искандар хотиржам қиёфада отни қайтариб, уларнинг олдида мағрур алфозда тўхтаганда ҳамма чин дилдан олқишлашга тушган. Айтишларича, хурсандлигидан Филиппнинг кўзларидан ёш чиқиб кетган. Отдан тушган Искандарни ўпаркан, шундай деган: «Ўзингга муносиб шоҳлик изла, Македония сенга торлик қилади!»

VII. Искандарнинг табиатан ўжарлигини, аччиқланган пайтда эса ҳар қанақа калтагу, азобга ҳам бўйин бермаслигини ва аксинча, яхши гап билан тўғри қарор қабул қилишга етаклаш мумкинлигини сезгани учун Филиппшоҳ ўғлини буйруқ эмас, маслаҳат бериш йўли билан тарбиялашни афзал кўрарди. Умумий таълим доирасига кирувчи мусиқа ва бошқа фанларнинг ўқитувчиларига ҳам ўғлини бутунлай топшириб қўйишдан истиҳола қиларди. Шоҳ фарзандининг тарбияси анча мураккаблигини тушунарди. Софокл айтганидек:

Бу ерда қаттиққўллик билан бирга ақл ҳам керак.

Шунинг учун шоҳ ўглининг тарбиясига юнон файласуфларининг энг машҳури — Арастуни жалб қилди. Унинг мураббийлик ҳақини чиндан ҳам гўзал ва шоҳона қилиб тўлади: ер билан яксон қилган, Арастунинг она шаҳри бўлмиш Стагирани қайта тиклади, ҳар ёққа қочиб ёки қул бўлиб тарқалиб кетган барча аҳолини ўз шаҳарларига қайтариб келтирди. Филипп Арасту билан Искандарнинг машғулот ва суҳбатлари учун нимфаларга ба-

ғишланган Миеза яқишидаги боғни ажратиб берган. Арасту у ерларда ҳозиргача сақланиб қолган тошдан ясалган ўриндиқларда ўтириб, ўқувчиси билан соя-салқинда сайр этиб юрган. Чамаси Искандар нафақат ахлоқ ва давлат ҳақидаги таълимотларни ўзлаштирган, балки сирли ва янада теран, файласуфлар «оғзаки» ва «яширин» деб номлайдиган, кенг омма учун ошкор қилинмайдиган таълимотларни ҳам ўрганган. Кейинчалик, Искандар Осиёни забт этиб юрганида, Арастунинг мана шу ҳуфиёна таълимотлардан баъзиларини китобларида ёриттани ҳақида билгач, жаҳли чиққанини яширмай хат ёзиб юборади. Хатда шундай сўзлар ёзилганди: «Искандар Арастуга омадлар тилайди! Фақат оғзаки ўгитга тааллуқли бўлган билимларни оммага ошкор этиб, нотўғри иш қилибсан. Биз тарбия топган билимлардан барча одамлар баҳра оладиган бўлса, бизнинг улардан нима фарқимиз қолади? Мен бошқалардан куч-қудратим ила ажралиб туришни қанчалик истаган бўлсам, олий теран нарсалар ҳақидаги билимим билан ажралиб туришни ундан-да кучлироқ истаганман. Омон бўл!» Искандарнинг поймол бўлган ғурурига малҳам сургандек, Арасту: сирли билимлар ошкор этилган тақдирда ҳам, сирлигича қолаверади, чунки табиат ҳақидаги чуқур билимлар энг сара ва энг ўқимишли одамларга мўлжаллангандир. Уларни оддий одамларга ўргатиш ёки мустақил ўқиб ўрганиш мумкин эмас, деган мазмунда жавоб ёзади.

VIII. Искандарда табибликка муҳаббат пайдо бўлишда ҳам бошқалардан кўра Арастунинг хизмати катта. У ёзган хатлар шундан дарак берадики, у бу илмнинг фақат назарий томонигагина қизиқмаган, балки хасталанган дўстларига қандай усулда даволаниш ҳақида ҳам лўндалўнда маслаҳатлар берган. Умуман олганда, Искандар илм эгаллашга, китоб ўқишга табиатан мойил эди. «Илиада»ни ҳарбий ўқув ва мардоналикни ўрганишда энг маъқул қўлланма деб ҳисоблаган ва буни кўп бора таъкидлаган. Онесикритнинг хабар беришича, Арасту тузатган ва «Қутичадаги Илиада» номи билан машҳур бўлган китобни у ҳамиша ёнида олиб юрган ва ёстиғининг остига ханжар билан бирга қўйиб ухлаган. Осиёнинг ичкариларига юриш қил-

ганида, ўқишга бошқа нарса топилмагани учун Гарпалга — Филистнинг асарларини, Эврипид, Софокл ва Эсхилнинг «Фожеа»ларини, Телест ва Филоксеннинг қасидаларини юборишни буюрган. Дастлабки пайтларда Устози Арастуга ҳурмати жуда баланд эди. Ўзининг айтишига кўра, устозига бўлган муҳаббат, отасига бўлган муҳаббатдан кам эмасди. Филипп мени дунёга келтирди, Арасту эса тўғри яшашни ўргатди, дерди у. Кейинчалик эса, Искандар ва Арасту оралари бузилди. Тўғри, бу муносабат файласуфга бирон зарар етказиш даражасига етмаган, бироқ устозига бўлган ҳурмат ва мафтунлик сўнди. Лекин фалсафага бўлган туғма мойиллиги сабабли бу фанга нисбатан чанқоқлик ва ҳурмат умрининг охиригача сўнмаган. Анаксархга кўрсатган иззат-эътиборлари, эллик талантнинг Ксенократга юборилиши, Дандамид ва Каланга қилишган ғамхўрликлар бунга исботдир.

IX. Филипп византияликлар устига юриш қилганда, ўн олти ёшли Искандар Македонияда унинг ўрнида қолган ва Давлат муҳри ҳам унга ишониб топширилган. Бу муддат давомида Искандар исён кўтарган медларни бўйсундирган, уларнинг шаҳрини эгаллаб, ҳаммасини қувғин қилиб, ўрнига ҳар ёқдан бошқа аҳолини келтириб жойлаштирган ва шаҳарга Александропол деб ном берган. У шунингдек, Херонея ёнида юнонлар билан урушган. Айтишларича, фиваликларнинг муқаддас жангчилар бўлинмасига қарши биринчи бўлиб ташланган. Кефис дарёси бўйида бир қари эман бор. Унинг нарирогида ўша пайтда ҳалок бўлган македонларнинг қабрлари ҳозир ҳам сақланган. Қари эман остида ўша пайтда Искандарнинг чодири турган экан. Шу кунларда одамлар уни кўрсатиб: ана Искандарнинг эмани деб қўйишади. Турган гапки, Филипп ўғлининг бу сифатлари учун уни жуда яхши кўрган ва македонияликлар Искандарни — шоҳ, Филиппни эса қўмондон деб атаганларидан, ҳатто хурсанд ҳам бўларкан.

Бироқ, Филиппнинг айш бобидаги саргузаштлари, хотин устига хотин олишлари шоҳ оиласидаги жанжалларнинг ташқарига ҳатлаб чиқишига ва давлатдаги вазиятга таъсир кўрсатишига, ўзаро низолар ва турли ши-

Бироқ, Филиппнинг айш бобидаги саргузаштлари, хотин устига хотин олишлари шоҳ оиласидаги жанжалларнинг ташқарига ҳатлаб чиқишига ва давлатдаги вазиятга таъсир кўрсатишига, ўзаро низолар ва турли шикоятларнинг кучайиб кетишига олиб келди. Олимпиаданинг рашкчилиги бу ёнғинчаларга мой бўлиб сепилар, айниқса, у Искандарни тинмай отасига қарши гиж-гижларди. Ота-бола ўртасидаги энг катта жанжал — Филиппнинг ёши ўтиб қолганига қарамай ишқи тушган ёш Клеопатрага уйланиш тўйида юз берди. Клеопатранинг тоғаси Аттал тўйда кайфи ошиб қолиб, худоларга илтижо қилинглар, эй македонияликлар, Клеопатрадан тахтнинг қонуний вориси туғилсин, деб хитоб қилди. Бундан қутуриб кетган Искандар: «Эй, ярамас, нима, мен қонунсиз туғилганманми?» деди-да, афтига қадаҳини отди. Филипп қиличини яланғочлаганча Искандарга ташланганда, ота-боланинг бахтига май аро кириб, фожеа юз бермади: маст Филипп ўзини тутолмай йиқилиб тушди ва ерга чўзилиб қолди. «Қаранглар, одамлар! — деди Искандар отасини масхаралаб, — Европадан Осиёга ўтишни ният қилган мана бу одам, тўшакдан тўшакка ўтаётиб чўзилиб қолди!» Бу жанжалдан сўнг, Искандар Олимпиадани олиб кетиб Эпирга жойлаштирди-да, ўзи Иллирияга кўчди. Шу орада Филиппга қўноқлик ришталари билан боғлангани учун бемалол гапиравериш ҳуқуқига эга бўлган коринфлик[15] Демарат меҳмон бўлиб келди. Мулозаматга оид омон-эсонлик ҳақидаги лутфлардан кейин, Филипп: грекларнинг ўзаро тотувлиги қандай, деб сўради. «Эй нимасини айтасан, Филипп, ўзининг уйига низо ва бало олиб кирса-да, Юнонистонга ғамхўрлик қиладиган сендан бошқаси қолмади!» Бу гап Филиппнинг хатти-ҳаракатини ўзгартиришга мажбур этди. У Демаратни ўртага солиб, Искандарни қайтиб келишга кўндирди.

Х. Карияниинг[16] сатрапи[17] Пиксодар Филипп билан ҳарбий иттифоқ тузиш ниятида унинг ўғли Арридейга

---

[15] Коринф — қадимги юнон шаҳар давлати, ҳунармандчилик маркази
[16] Кария — Кичик Осиёнинг жануби-ғарбидаги ўлка
[17] Сатрап — Эрон давлатида барча ҳуқуқка эга шоҳнинг нойби

деган миш-миш қила бошлашди. Бундан кучли таҳликага тушган Искандар фожеали роллар актёри Фессални Карияга жўнатди. Фессалнинг вазифаси, ноқонуний туғилган, боз устига ақли заиф бўлган Арридейни куёв қилишдан айнитиб, ўрнига Искандарни куёвликка олишга кўндириш эди. Бу режа Пиксодар ўзи ўйлаганидан ҳам яхшироқ кўриниб кетди. Бўлаётган бу гаплардан хабар топган Филипп...[18] ўғлининг дўсти — Филот Парменион ўғли билан бирга Искандарнинг хонасига кириб борди. Ўғлининг варварларга тобе бўлган карияликка қуда бўлиш нияти — олий даражасига номуносиб эканлигини тушунтириб гина қилди, ҳам қаттиқ уришди. Сўнгра шоҳ, Фессални занжирбанд қилиб, Македонияга жўнатиш ҳақида карияликларга хат йўллади. Ўғлининг Гарпал, Неарх деган дўстларини, шунингдек, Эригий ва Птолемейларни Македониядан бадарға қилди. Кейинчалик Искандар буларнинг барини қайтариб келтирган, иззат-икромини жойига қўйган.

Аттал ва Клеопатра тарафидан қаттиқ ҳақоратланган Павсаний, ҳақиқат излаб Филиппга боради. Бироқ, ҳақиқат тополмагач, аччиқланиб, Филиппни ўлдиради. Бу жиноятнинг содир бўлишида асосан Олимпиадани айблашади. Таҳқирланишдан қутуриб кетган Павсанийни гижгижлаган ва йўл-йўриқ берган шу, дейишади. Айбнинг бир чеккасини Искандарга ҳам юклашади. Павсаний Искандарни учратиб қолиб таҳқирланган тақдиридан шикоят қилганда, у «Медея» фожеасидан олинган:

Баридан — отадан, келиндан, куёвдан ўч олмоқ лозим,

сатри билан жавоб берган, деган миш-мишлар ҳам юради. Шуларга қарамасдан, Искандар жиноят иштирокчиларини туттириб жазолаган ва ўзи йўқлигида Клеопатрани шафқатсизларча ўлдирган Олимпиададан норози бўлган.

XI. Шундай қилиб, йигирма ёшга етганида қўшни давлатларнинг бари — бири ҳасад, бири эса адоват туя-

---

[18] Матн бузилган

диган бир мамлакатга шоҳ бўлди. Варварлар қулликда қолишни истамай ўз шоҳликларини тиклашни истардилар, юнонларни эса гарчи Филипп куч билан босиб олган бўлса-да, ҳали тобеъликда яшашга ўргатиб улгурмаганди. Юнонистон ағдар-тўнтар қилинган, эски тартиблари бузилган, бош-бошдоқлигича, одамлари нима қиларини билмайдиган, хуллас, мамлакат нотинч эди. Шу сабабларга кўра македонлар хавотирга тушишган. Искандар юнонлар ишига аралашмаслиги, зинҳор куч ишлатмаслиги лозим деб ҳисоблардилар. Варварлар масаласида ҳам куч ишлатмаслик, яқинроқ ўрганиб, қўзғолонларни туғилаётган пайтидаёқ пайини қирқиш афзалроқ, деган фикр тарафдорлари ҳам кўп эди. Искандарнинг фикри эса аксинча бўлиб, дадиллик билан хатарнинг олдини олиш шарт, агар ён босса душманлар бир бўлиб унга ташланиши мумкин деб ҳисобларди. Шунинг учун у, қўшини билан Истра[19] дарёси бўйларига яшин тезлигида етиб борди-да, у ерда катта жангда трибаллар шоҳи Сирмани тор-мор қилиб, варварлар ўртасидаги ғалаён ва низоларни дарров тинчитди. Кейин у фиваликларнинг[20] қўзғолон кўтарганини, афиналиклар эса уларга иттифоқдош бўлганликларини эшитди ва шу заҳотиёқ қўшинини Фермопил[21] орқали олиб ўтди. Йўлда у: «Мени иллирия ва трибаллар билан урушганимда бола, фессалияга юрганимда ўсмир деб ҳақорат қилган Демосфен — менинг йигитлигимни кўриш учун Афина деворлари олдига келсин», деб жар солдирди. Фивага етиб келганда, Искандар унинг аҳолисига тавба қилишлари учун яна бир имкон бериб, Феник билан Протитни топширишни буюрди ҳамда ўзи томонига ўтадиганларга омонлик беришини эълон қилди. Бунга жавобан фиваликлар, Филот билан Антипатрни ўзларига топширишни талаб қилдилар, ҳамда озодликка чиқишга хайрихоҳ одамларни ўзлари томонга ўтиб жанг қилишга чақирдилар. Искандар жанг бошлашга буйруқ берди. Фива-

---

[19] Истра — Дунай дарёси
[20] Фива — Ўрта Юнонистон (Фессалия)
[21] Фермопил — тоғлар орасидаги йўл

омонлик беришини эълон қилди. Бунга жавобан фиваликлар, Филот билан Антипатрни ўзларига топширишни талаб қилдилар, ҳамда озодликка чиқишга хайрихоҳ одамларни ўзлари томонга ўтиб жанг қилишга чақирдилар. Искандар жанг бошлашга буйруқ берди. Фиваликлар сон жиҳатдан кўп марта ортиқ бўлган македонияликларга қарши мардлик билан урушдилар. Аммо Кадмеяни эгаллаб турган македонлар қалъадан чиқиб, фиваликларнинг орқасидан зарба берганларида икки ўт орасида қолиб, кўплари ҳалок бўлди. Шаҳар ишғол этилиб таланди ва ер юзидан ўчириб ташланди. Искандар, юнонлар қўрқитиб қўйилса, бундан кейин тинч юрадилар, деб ўйлаганди. Бундан ташқари, ўзининг иттифоқчилари бўлмиш фокейлик ва платейликларнинг фиваликларга қўйган бир қатор айбларини бўйнига қўйиши лозим эди. Хуллас, фақат қоҳинларга, македонлар билан қўноқлик алоқаси борларга, Пиндарнинг авлодларига, шунингдек, қўзғолонга қарши овоз берганларга шафқат қилиб, қолган барча аҳолини қул қилиб сотди. Қулликка кетганлар ўттиз мингдан, ҳалок бўлганлар сони эса олти мингдан ортиқ эди.

XII. Шаҳар бошига тушган фалокат ва бахтсизликлар оқибати сифатида қуйидаги воқеа содир бўлганди. Обрў-эътиборли, иззат-номусли, покиза Тимоклея деган аёлнинг уйига бир неча фракияликлар бостириб киришади. Аскарлар уйни талон-тарож қилаётган пайтда уларнинг бошлиғи аёлни зўрлаб номусига тегади. Сўнг эса, бирон ерга тиллаю кумушларингни яширмаганмисан, деб сўрайди. Яширганман, дейди Тимоклея ва фракияликни боққа — қудуқнинг бошига олиб келади. Шаҳар ишғол бўлаётганда бутун тилла ва кумушларимни шунга ташлаганман, дейди. Фракиялик энгашиб қудуқ тубига тикила бошлайди. Аёл унинг орқасига ўтиб, пастга итариб юборади-да, то ўлдиргунча қудуққа тош ташлайди. Тимоклеяни қўли боғлиқ ҳолда Искандарнинг қошига олиб келишганда унинг юриши ва қомати, ўзини тутишиданоқ олийнасаб одамлар сирасидан эканлиги яққол кўринарди. Фракияликлар етагида келаркан, аёл мутлақо хотиржам эди. Шоҳнинг, сен кимсан, деган

саволига, Тимоклея: юнонлар озодлиги учун Филиппга қарши курашиб келган ва Херонея жангида ҳалок бўлган саркарда Теагеннинг синглисиман, деб жавоб беради. Аёлнинг жавобидан, шунингдек, қилган ишларидан лол қолган Искандар болалари билан бирга уни қўйиб юборишни буюради.

XIII. Афиналиклар Фиванинг қисматига чуқур ҳамдардлик билдириб, эндигина бошлаган байрамларини тўхтатиб мотам эълон қилдилар. Фивалик қочоқларга қўлларидан келган ҳар қандай ёрдамни аямадилар. Шундан сўнг, Искандар ўзини қаҳрини қондириб бўлган шерга ўхшатдими ёки ғайриинсоний шавқатсизликлардан сўнг марҳамат қилгиси келиб қолдими, негадир афиналикларнинг гуноҳидан ўтибгина қолмай, уларга мамлакатдаги вазиятни назорат қилиб боришни топширди. Унинг фикрича, ўзига бирон кор-ҳол юз берса, бутун Юнонистон афиналиклар қўлида қолиши керак эди. Айтишларича, кейинчалик Искандар фиваликларнинг қулфати хусусида кўп афсуслар чеккан, бу туйғу эса уларнинг кўпчилиги билан юмшоқ муомалада бўлишга ундаган. Бундан ташқари, кейинчалик маст ҳолда Клитни ўлдириб қўйишини ҳам, ҳиндларга қарши юришдан қўрқоқларча воз кечишини ва худди шу воз кечиш туфайли дунёни эгаллаш режаси тугалланмай қолганини ҳам, шу сабабли шон-шуҳрати кемтик бўлиб қолганини ҳам барини — Искандар Дионисниг[22] ғазаби ва ўч олишига йўйди. Фиваликларнинг тирик қолганлари кейинчалик шоҳ ҳузурига келиб, ундан бирор нима сўраганда бирортаси ҳам рад жавобини олган эмас. Фивага боғлиқ воқеалар мана шулардир.

XIV. Истмдаги қурултойда барча юнонлар Искандарни ўзларига доҳий сайлаб, унинг бошчилигида Эронга қарши юришга аҳдлашдилар. Шу муносабат билан кўпчилик (юнон) давлатларининг сиёсий арбоблари ва файласуфлар шоҳни зиёрат қилиб, хурсандчилик баён

---

[22] Дионис — Зевс билан Фива шоҳи Қадининг қизи Семеланинг ўғли Шодлик, базм, миришкорлик худоси. Фиванинг паноҳкори

этардилар. Ўша пайтда Коринф яқинида яшаётган синоплик файласуф Диоген ҳам келса керак деб, Искандар кўп кутдн. Лекин Диогеннинг Искандар билан зиғирчалик иши йўқ, Крания да баҳузур вақт ўтказарди. Ниҳоят, Искандарнинг ўзи уннинг қошига борди. Диоген баданини офтобга тоблаб ётарди. Кўпчиликнинг ўзи тарафга келаётганини сезган Диоген бошини бир оз кўтариб, шоҳга тикилиб қаради. Искандар салом берди-да, бирон-бир илтимоснинг йўқми, деб сўради. Диоген эса: «Сал чеккароқ ўт, қуёшнн тўсаяпсан», деган экан ўшанда. Айтишларича, Диогеннинг шоҳга бундай муомаласи ва берган жавоби Искандарга жуда қаттиқ таъсир қилган. Орқасига қайтар экан, файласуфни мазах қилиб, кулиб келаётган йўлдошларига шундай деган экан: «Афсуски Искандарман. Агар Искандар бўлмаганимда Диоген бўлишни хоҳлардим!»

Бўлажак сафарининг натижаси ҳақида фол очтириш учун Искандар Дельфага[23] келади. Тасодифан бу ташрифи номақбул вақтга тўғри келиб, қонун бу куни фол очишни тақиқларди. Фолбин аёлга одам юборилган эди, у қонунга амал қилиб, келишдан бош тортди. Шунда Искандар куч билан олиб келиши учун унинг олдига ўзи борди. Фолбин аёл Искандарнинг қистовларига зўрға рози бўлади: «Сенга бас келиб бўлмайди!» дейди. Искандар бу гапни эшитиб: «Бўлди, энди фолнинг кераги йўқ. Мен худолардан ният қилган фолимни олиб бўлдим», деган-у, жўнаб кетган.

Искандар қўшин билан йўлга тушганда худолардан келган ваҳий сифатида шундай воқеа содир бўлган: Либетрадаги сарв ёғочидан ишланган Орфейнинг[24] ҳайкали жуда қаттиқ терлаб пастга чак-чак тома бошлаган. Бундан барча ваҳимага тушган. Шунда Аристандр, Искандар достон ва қўшиқларга лойиқ ишлар қилади, қасидагўйлар ва қўшиқчилар буларни куйлайвериб терга ботадилар, деб одамларни тинчлантирган.

---

[23] Дельфа — бутун Юнонистон тан оладиган эҳромлар жойлашган шаҳарча

[24] Орфей — афсонавий қўшиқчи. Қўшиғи билан жонсиз-у жонли нарсаларни ҳаракатга келтирган

XV. Искандар қўшининнинг сони ҳақида ҳар хил маълумот бор. Баъзи биров: пиёдаси ўттиз минг, отлиғини тўрт минг дейишган. Бошқалар эса, пиёда қўшини қирқ тўрт минг, отлиғи беш минг деб айтиб кетишган. Аристобулнинг айтишича, қўшинни боқишга Искандарнинг етмиш талант пули, Дуриднинг маълумотига кўра ўттиз кунлик озиқ-овқати бўлган. Онесикритнинг хабар беришича, Искандар бу пайтга келиб икки юз талант қарз бўлиб қолган. Ана шундай, ўзи молиявий жиҳатдан танглигига қарамай кемага чиқишдан аввал, ҳар бир дўстининг рўзғорини сўраб-суриштириб, бирига ер, иккинчисига қишлоқ, учинчисига бирорта кент ёки бандаргоҳдан келадиган даромадни тайинларди. Шоҳнинг деярли ҳамма мол-мулки тақсимланиб битганда, Пердиккa: «Ўзингга-чи, шоҳ? Ўзингга нима қолдиряпсан?», — деб сўраганда, Искандар: «Умидларимни!» деб жавоб берган. «У ҳолда, — деган Пердикка, — сен билан бирга отланган биз ҳам умидларингдан улушлик бўлишни истаймиз». Пердикка шундай деб, Искандарнинг совғасидан воз кечган. Шоҳнинг бошқа яна бир неча дўсти ҳам Пердиккага эргашиб совғадан воз кечишган. Лекин совғани олганларнинг барига Искандар чин дилдан тортиқ қилган ва шу йўсинда Македониядаги деярли бари мулкини тарқатиб чиққан.

Искандар ана шундай шашт билан, ана шундай фикрлар таъсирида Геллеспонтни[25] кечиб ўтган. Илионга[26] етиб келгач, у Афинага атаб қурбонликлар қилди ва ўтган қаҳрамонлар руҳига атаб майхўрлик уюштирди. Ахиллининг мақбараси тепасида Искандар одатга биноан баданига мой сурдириб, дўстлари билан қаҳрамоннинг ҳайкали атрофида югуришдан мусобақалашди. Сўнг ҳайкалга гулчамбар қўяркан: Ахилл — тириклигида содиқ дўстга, ўлгандан кейин эса — шон-шуҳратини дунёга ёйган буюк жарчига[27] эга бўлган бахтиёр одамдир,

---

[25] Геллеспонт — Гелле қўшиқчи. Қўшиғи билан жонсизу жонли нарсаларни ҳаракатга келтирган

[26] Илион — Геллеспонтнинг Осий қирғоғидаги шаҳар ва вилоят.

[27] Ҳомерга ишора (тарж.изоҳи)

деб хитоб қилган. Ундан кейин, Илионнинг кўришга арзирли ерларини томоша қилиб юрганида кимдир ундан Искандарнинг лирасини кўришни истайсанми деб сўраган. Шоҳ, йўқ, мени у ҳеч ҳам қизиқтирмайди, мен Ахиллнинг ўзи чертиб, буюк эрларнинг жасоратини куйлаган лирасини излаяпман, деб жавоб берган.

XVI. Бу орада Доронинг лашкарбошлари Граник дарёсининг кечув ерига катта қўшин тўплаб тайёр турардилар. Жанг бўлиши муқаррар эди. Чунки бу кечув маълум маънода Осиёнинг дарвозаси эди. Кўпларни дарёнинг чуқурлиги, нариги қирғоқнинг баландлиги, ҳамда шу баландликларни жанг билан олиш лозимлиги ҳавотирга соларди. Яна баъзилари, ҳозир десий[28] ойида македон шоҳлари юриш бошламасликларини ва бу одатга амал қилиш шартлигини рўкач қилдилар. Бу рўкачни Искандар ойни иккинчи артемисий[29] деб аташни буюриш билан йўқ қилди. Кун ботаётганда дарёдан ўтиш ўта хавфли деб қатъий турриб олган Перменионга Искандар кўрфаздан ўтиб, Граникдан ўта олмаса Геллеспонт олдида уятга қолишини айтган ва ўн уч иласини[30] бошлаб ўзини дарёга отган. У аскарларини ўқ ва найзаларга, тик жарликдаги қояларни эгаллаган душманнинг пиёда ва отлиқларига қарши, отлиқларини оқизиб, боши билан кўмиб юбораётган дарё ихтиёрига ташлаганини кўрган киши Искандарни ақл эмас, ақлсизлик етакламоқда, у — телбадир деб ўйлаши мумкин эди. Хуллас, Искандар сабот билан кечувни давом эттираверди ва фақат шу сабот туфайли лой ва сирпанчиқ соҳилнинг бир қисмини эгаллади. Шу заҳотиёқ, то бир тартибга солингунга қадар, яккам-дуккам жангчилар олишувга киришиб кетдилар. Ниҳоят дарёни кечиб ўтган аскарлар бир амаллаб сафларга бирлашди. Душман отлиқлари отлиқларга қарши қийқириқ билан жангга ташланди. Найзалар синар ва отлиқлар қиличларини ишга солардилар. Ўзининг қалқо

---

[28] Десий — македонча саккизинчи ой (апрел-май).
[29] Артемисий — македонча еттинчи ой (март-апрел)
[30] Ила — олтмишга якин (асосан отлиқ) аскарлардан иборат бўлинма

ни, дубулғасидаги султони туфайли бошқалардан ажралиб турган Искандаршоҳга аксарият ёв аскарлари интиларди. Султонининг икки тарафига ҳайратли даражада катта ва оппоқ пат тиқилгани учун у, айниқса, ярқ этиб ажралиб турарди. Искандарга отилган найза эгнидаги зирхни тешиб ўтиб бўртма бурчакка теккани учунгина баданига зарар етмади. Шу ондаёқ Искандарга бирваракай Ресак ва Спитридат деган икки форс лашкарбошиси ташланди. Шоҳ Спитридатга чап бериб, найзаси билан Ресакка ҳамла қилди. Найза зирҳга тегиб сингач, қиличини ялаҳочлади. Олишаётганларнинг биқин тарафида отини тўхтатган Спиртридат эгардан кўтарилиб Искандарга шамшир урди. Зарба дубулғанинг учини ва патлардан бирини кесиб ташлаб, шоҳнинг сочини ҳам ялаб ўтди. Дубулғанинг ўзи эса аранг жойида қолди. Спитридат иккинчи зарбага чоғланган ерида, лақаби Қора бўлган Клит эронийдан чаққонлик қилди ва найзаси билан кўкрагини ёрди. Шу пайтда Искандарнинг қиличидан Ресак ҳам қулади.

Искандарнинг отлиқлари шундай таҳликали жанг олиб борарканлар, македонларнинг фалангаси дарёни кечиб ўтиб, душманнинг пиёдалари билан сўқишувга тушди. Форслар суст ҳамда узоқ чўзилмаган қаршилик кўрсатдилар; кўп вақт ўтмай форсларга ёлланган юнонлардан бошқа бариси қочишга тушди. Юнонлар бир тепалик атрофида саф тортиб, агар Искандар омонлик ваъда қилса таслим бўлишга тайёр эканликларини билдирдилар. Лекин ақлдан кўра ғазаб таъсирида бўлган Искандар уларга қарши жангни ўзи бошлаб берди-да, отидан жудо бўлди. (Букефал эмас, бошқа от). Худди ана шу — ёлланма юнонлар билан тўқнашувда, умуман жангга нисбатан кўпроқ қурбон берилди, чунки улар жанговар, айниқса, омонликдан умидини узган аскарлар билан тўқнашгандилар. Айтишларича, форслар бу жангда йигирма минг пиёда ва икки ярим минг отлиқ йўқотдилар. Искандар қўшинида, Аристобулнинг ёзишича, борйўғи ўттиз тўрт киши ўлди, булардан тўққизтаси пиёда эди. Ҳалок бўлганларнинг ҳаммасига Искандар бронза (тунж)дан ҳайкал ясатдирган.

Ҳайкални Лисипп ясаган. Галабанинг маълум қисмини юнонлар билан, айниқса, афиналиклар билан баҳам кўриб, Искандар ўлжадан уч юз қалқонни уларга ажратди. Қолган ўлжага: «Филиппнинг ўғли Искандар ҳамда лакедомонлик юнонлар Осиёда яшовчи варварлардан олган ўлжа», деган дабдабали ёзув битишни буюрди-да, қадаҳлар, қирмизи мато ва шунга ўхшаш у-бу нарсадан озгина олиб, қолганларини онасига жўнатди.

XVII. Бу жанг натижасида вазият дарров Искандар фойдасига ўзгарди. Варварларнинг денгизбўйи ерларидаги энг катта таянчи Сард шаҳрини Искандар жангсиз олди. Шунингдек, кўпчилик шаҳар ва вилоятлар ҳам Искандарга тобелик билдирдилар. Фақат Галикарнас билан Милет шаҳарлари қаршилик кўрсатди. Бу шаҳарларни куч билан забт этиб, улар атрофидаги ерларни ўз итоатига ўтказгач, Искандар бундан буёғига нима қилиш кераклиги ҳақида кўп ўйлади ва қарорларини ҳам кўп марта ўзгартирди. Гоҳ Доро билан тезроқ тўқнашиб, ҳал қилувчи жангни ўтказмоқчи бўлар, гоҳ эса бу бой соҳилбўйи ўлканинг неъматларидан фойдаланиб қолиш, бунинг ёрдамида тағин-да куч йиғиб, сўнгра Дорога қарши юришни ўйларди.

Ликиядаги Ксанта шаҳрининг яқинида бир булоқ бор. Айтишларича, ўша кунлари бу булоқ ҳеч қандай сабабсиз бирдан ҳаракатга келган, кейин тўлиб-тошиб оққан ва қаъридан қадимги ёзув излари сақланган мис тахтани чиқариб ташлаган. Бу ёзувларда Эрон давлатининг тугаши ва бу тугатилиш юнонлар томонидан амалга оширилиши ёзилган экан. Ушбу белгидан руҳланган Искандар, денгиз бўйи ўлкасини то Финикия ва Киликиягача форслардан зудлик билан тозалаган. Македонларнинг Памфилия ичра бу каби тезликда сурилиб бориши кўпгина тарихчиларга турли уйдирмаю лофларни қўшиб-чатиб ёзишлари учун асос бўлган. Тарихчиларнинг: одатда ўз тўлқинларини тўхтовсиз соҳилга уриб, фақат қояларгагина дахл қилолмайдиган денгиз худонинг иродаси билан Искандар олдида чекиниб, унга йўл берган, деган чўпчаклари бунга мисол бўла олади.

Барча ишни уддалайман Искандар каби
Бировни изласам, ўзи келар лоп этиб дарров.
Денгиз ошмоқ бўлсам, сув узра кетаман мен ров.

Менандр ўзининг комедияларидан бирида шу сатрларни айтиб кулганда, шубҳасиз, тарихчиларнинг юқоридаги уйдирмасини назарда тутган. Шу хусусда Искандарнинг ўзи хатларида бу каби мўъжизалардан ҳеч бир оғиз очмайди, лекин Фаселидадан чиқиб, «Зина»дан ўтиб кетганини таъкидлаб ўтади. У бир неча кунни шаҳарда ўтказган. Яқинда вафот этган (асли фаселидалик бўлган) Теодентнинг бозор майдонидаги ҳайкалини кўрган. Кечки овқатдан кейин шўх улфатлар билан маст ҳолда яна ҳайкални зиёрат қилгани борган ва унинг пойига гулчамбарлар уйиб ташлаган. Мана шундай вақтичорлиқ ҳамда ҳазил-ҳузул аралаш Арасту ва фалсафа машғулотлари туфайли танишган бу одамнинг ҳурматини бажо келтирган.

XVIII. Шундан кейин шоҳ ўзига қаршилик кўрсатган Писидия аҳолисини бўйсундирди ва Фригияни эгаллади. Искандар қадимдаги Мидасшоҳнинг ватани деб юритилган Гордий шаҳрини олганда машҳур икки ғилдиракли жанг аравасини кўриб қолган. Бу жанг аравасининг якка шотисидаги бўйинтуруқ қизил дарахтнинг пўтлоғи билан маҳкам боғланган бўлиб, афсонага кўра (варварлар унинг чинлигига тўла-тўкис ишонишган) кимки бўйинтуруқнинг тугунини еча олса, унга жаҳонгирлик насиб этар экан. Аксар ёзувчиларнинг ҳикоя қилишларича, тугун шунчалик чалкашган, учлари эса маҳорат билан яширилганлигидан Искандар уни еча олмай қилич билан чопиб ташлаган. Чопилган жойдан яна бириктирилган учлар кўринган. Лекин Аристобулнинг айтишича, Искандар якка шотининг олд тарафидан бўйинтуруқнинг тасмаси маҳкамланадиган ҳестор (hestor) деб аталувчи илгакни олиб ташлаб, бу масалани осонгина ҳал этган.

Бу воқеадан бир оз вақт ўтиб, Искандар Пафлагония ва Каппадокияни ишғол этгач, форсларнинг денгиз бўйи улусларидаги лашкарбошиларидан бири Мемнонинг ўлганлигини эшитган. Бу хабар Искандарнинг мамла-

кат ичига юриш ниятини янада кучайтирган, чунки Мемнон Доронинг одамлари ичида энг кўп қийинчилик туғдириши мумкин бўлган лашкарбоши эди.

Бу пайтда Доро Суздан чиқиб, денгиз томон келарди. У қўшининнинг кўплигига ишонарди (олти юз минг лашкари бор эди). Бундан ташқари яқинда кўрган туши, айниқса, муғларнинг бу тушга қилган таъбирлари уни жуда руҳлантирган эди. Менимча, муғлар таъбирни — ҳақиқатни очиш эмас, шоҳга ёқиш нишабида амалга оширганлар. Доронинг тушига эса, ҳар тарафдан ўт ичида қолган македон фалангаси ва унга хизматкорлик қилаётган Искандар кирган. Искандарнинг эгнида эса шохнинг чопари бўлган чоғида кийиб юрган кийим (стола) эмишу кейин Искандар Бел[31] эҳромнга кириб ғойиб бўлган эмиш. Афтидан, худолар бу туш билан македонларнинг оламга донғи кетадиган порлоқ ғалабасини, Доро чопар бўлиб юриб, бирдан шоҳ бўлиб қолгани каби, Искандарнинг бутун Осиёга ҳукмрон бўлишини ва шундан кўп ўтмай шон-шуҳратга кўмилган македонлар подшосининг умр дафтари ёпилишини маълум қилмоқчи бўлганлар.

XIX. Искандар Киликияда узоқ қолиб кетганини эшитган Доро буни қўрқоқлик аломати деб билиб, янада дадиллашган. Аслида эса, бунга Искандаршоҳнинг касаллиги сабаб эди. Баъзиларнинг айтишига кўра, касаллик толиқишдан, баъзиларнинг маълумотига кўра эса, Кидна дарёсининг муздек сувида чўмилиш оқибатидаги шамоллашдан келиб чиққан. Хасталик жуда оғирлигидан шифо топилмаса македонларнинг ғазабига учрашдан қўрққан табибларнинг биронтаси ҳам Искандарни даволашни бўйнига олмаганлар. Ёлғиз акарнанлик Филипп деган табибгина Искандарнинг аҳволи шиҳоятда мушкуллигини кўриб, унинг бошига тушган хавфни баҳам кўрмасликни жиноят деб ҳисоблаб, дўстликни ҳамма нарсадан устун қўйиб, жонини хатарга қўйиб бўлсада — охирги иложини синаб кўришга қарор қилган. У

---

[31] Бел — Ассирия ва Бобилнинг олий худоси

бир дори тайёрлаб, агар урушни давом эттириш учун тузалишни истаса, ҳар қандай гумонни четга суриб шуни ичиш лозимлигини уқтирган. Бундан сал бурунроқ, македонлар қароргоҳида юрган Парменион Искандарга хат ёзиб, Доро томонидан катта совғалар ҳамда қизларидан биттасини бериш эвазига Искандарни ўлдиришга кўндирилган Филиппдан эҳтиёт бўлиш кераклиги ҳақида огоҳлантирганди. Шоҳ бу хатни ўқиб, дўстларидан бирортасига ҳам кўрсатмай ёстиғининг остига яшириб қўйганди. Келишилган пайтда Филипп шоҳ дўстларининг қуршовида, дорилик идиш билан кириб келган. Искандар хатни узатган-у, ҳеч бир иккиланишсиз идишни олган. Одам умр бўйи фақат ушбу ондаги ҳолатни томоша қилиш учун яшаса арзийди. Филипп хатни ўқиётган дақиқаларда Искандар дорини ичган. Кейин иккови бирбирига бирдан тикилган. Лекин уларнинг ҳолатлари бир хилда эмас эди. Искандарнинг нуроний юзида Филиппга нисбатан ҳайрихоҳлик ва ишонч акс этарди. Табиб сифатида туҳматдан аччиқланган Филипп эса, гоҳ қўлларини кўкка чўзганча худоларни шоҳидликка чақирар, гоҳ эса шоҳ тўшагига тиз чўкиб, Искандардан иродасини жамлаб, ўзига ишониши лозимлиги ҳақида ёлворарди. Дори Искандарга жуда қаттиқ таъсир қилди. Гўёки, танининг кучларини ичкарига ҳайдагандек у тилдан қолиб, хушидан кетди. Жони борлиги элас-элас сезиларди. Бироқ, тез орада Филипп Искандарни хушига келтириб олди. Хуллас, Искандар қувватга кирди ва ниҳоят македонлар қошига чиқиб, уларнинг ғам-андуҳларига чек қўйди.

XX. Доронинг қўшинида ўз юртидан қочган, Искандар феълини яхши биладиган Аминт исмли бир македонлик бор эди. У Доронинг Искандар устига тор тоғ даралари орқали қўшин тортмоқ ниятидалигини кўриб, ҳеч қаёққа бормай жойида туришни, ниҳоятда катта лашкарнинг афзалликларидан кенг майдонда фойдаланиш кераклигини маслаҳат қилди. Доро бунга жавобан душманларининг қочиб кетишидан, Искандарни қўлга туширолмай қолишидан хавфсираётганини айтган. «Бу нарсадан хавфсирамасанг ҳам бўлади, — деб жавоб бер-

ган Аминт. — Искандар сенга қарши, албатта, юриш қилади. Балки, йўлга чиққандир ҳам». Бироқ, Аминт Дорони кўндиролмади ва эронийлар қароргоҳдан қўзғалиб, Киликияга йўналдилар. Искандар эса бу пайтда уларга қарши Сурия орқали йўлга тушди. Тунда улар бир-бирларини кўрмай, ёнма-ён ўтиб кетишади-ю, лекин буни фаҳмлаб қолиб орқаларига қайтишади. Искандар бахт кулиб боққанидан суюниб, эронийларни даралар ичида босишга, Доро эса бу торликлардан тез чиқиб, тарк этган қароргоҳига қайтишга шошилади. Доро бу жар ва қоялардан иборат, бир томонини тоғ, бир томонини денгиз сиқиб турган, боз устида Пинар дарёси кесиб ўтадиган, кўп сонли отлиқ қўшини учун ноқулай, аксинча кам сонли душманлар учун жуда боп маконга кириб, катта хато қилганлигини англаб етган эди. Искандарга қулай вазиятни тақдир етказганига қарамай, барибир ғалабага фақат омад туфайли эмас, қўмондонлик маҳорати туфайли ҳам эришди. Варварлардан бир неча баробар кам қўшинга эга бўла туриб, қуршаб олишларига имкон бермай, аксинча, ўзининг бўронгори билан эронийларнинг суронгорини айланиб ўтиб, ҳужумга ташланди ва юзма-юз турган варварларни қочишга мажбур қилди. Искандар биринчи сафларда жанг қилиб, сонидан қилич билан яраланган. Харетнинг ёзишича, иш иккита шоҳнинг бирга-бир сўкишмасигача бориб етган ва Искандарга Доро жароҳат етказган. Бироқ, Искандарнинг ўзи бу жанг ҳақида Антипатрга ҳикоя қиларкан, сонига кимнинг яроғи кирганини айтмайди. У сонига ханжар урилганини ва жароҳатнинг хавфли эмаслигини ёзади, холос.

Искандар жуда муҳим ғалабага эришди. Душманнинг бир юз ўн мингдан ортиқ аскарини қириб ташлади-ю, бироқ Дорони қўлга туширолмади. Искандар уни қуваркан бор-йўғи тўрт-беш стадий[32] масофагина Дорони қутқариб қолди. Искандарнинг қўлига Доронинг жанг араваси ва камони тушди, холос. Эронийлар қароргоҳига

---

[32] Стадий — 177,6 ёки 192-27 метр

қайтаркан Искандар унинг македонлар тарафидан таланаётганини кўрди. Гарчи эронийлар асосий заҳира бойликларини Дамашқда қолдириб, жанг майдонига енгил-елпи чиққанларига қарамай турли-туман қиммат-баҳо нарсалар жуда кўп эди. Македонликлар Искандар учун зеб-зийнат, бойлик ва кўп сонли хизматкорларга лиқ тўла бўлган Доронинг чодирини ажратиб қўйгандилар. Искандар дарҳол қурол-яроғини ечиб, «Жангдаги чангу терни Доронинг ҳаммомида ювиб ташлаймиз», деганча ҳаммомга йўналди. «Доронинг эмас, Искандарнинг, — деди унинг дўстларидан бири. — Ахир мағлубнинг мулки ғолибники ҳисобланишидан ташқари, унинг номи билан ҳам аталади». Искандар тилладан усталик билан ишланган турли мақомдаги кўзалар, тослар, баданга суртиладиган хушбўй дармонмойлар солинган бошқа идишларни кўрганда, хушбўй ўтлар ва мойларнинг ҳидини туйганда ва ниҳоят чодирнинг улканлигини, баландлигини, ётар жой курсиларга кўзи тушганда дўстларига ўгирилди-да: «Подшоҳлик қилиш, афтидан, мана шунақа бўлса, керак!» деди.

XXI. Искандар эндигина овқатга ўтираман деб турган пайтда, асирга олинган Доронинг онаси, хотини ва турмуш қурмаган икки қизи — Доронинг жанг араваси ва камонини кўришиб, уни ўлган ҳисоблаб, кўкракларига уриб фарёд чекаётганлари хабарини етказишди. Искандар узоқ вақт жим қолди. Зеро, Доро оиласининг бахтсизлиги уни ўз тақдиридан ҳам кўпроқ ҳаяжонга соларди. Ниҳоят у, Леоннатни аёллар олдига жўнатиб, Доро тирик, аёллар Искандардан қўрқмасликлари керак, чунки у фақат дунё ҳокимлиги учунгина Доро билан уруш олиб боряпти, сизларга эса Доро ҳукмронлиги давридагидек, ҳамма нарса муҳаё этилади, деб айтишни тайинлади. Искандарнинг бу сўзлари аёлларга катта марҳамат ва ҳурмат бўлиб туюлди. Лекин бундан одамийроғи — Искандарнинг уларга нисбатан қилган ишлари бўлади. У аёлларга ҳалок бўлган эронийлардан истаганча кишини кўмишга ва бунинг харажатлари учун ўлжа олишган кийим-кечак ва зеб-зийнатларни ишлатишга рухсат берди. Шунингдек, Доро оиласининг ҳур-

матини, хизматчи сонини худди бурунгидек сақлашга фармон берди. Оиланинг сарф-харажатларини эса аввалгидан ҳам ошириб қўйди. Аммо, банди бўлиб тушган бу олижаноб ва покиза аёлларга нисбатан Искандар кўрсатган мурувватларнинг энг гўзали ва шоҳонаси шу бўлдики, улар номусларига тегиши мумкин бўлган биронта хатти-ҳаракатни, хавфни сезмадилар, биронта ҳақоратомуз сўз эшитмадилар. Уларнинг олдига бирон кимса киролмасди ҳам, кўролмасди ҳам. Улар душман қароргоҳида эмас, муқаддас ва покиза харамда яшагандек яшадилар. Шуни назардан қочирмаслик керакки, одамларнинг айтишича, Доронинг хотини маликалар ичида энг гўзали, Доронинг ўзи ҳам эркаклар ичида энг баланд ва кўркамидди ва қизларни эса иккови биргалашиб туққанга ўхшарди. Афтидан, Искандар, шоҳнинг ўзини тута билиши — жанговарлик санъатидан ҳам устун туради, деб ҳисоблагани учун банди аёлларга тегмаган. Умуман олганда Искандар то уйлангунига қадар Барсинадан бўлак бошқа аёлни билмаган. Мемнонинг беваси бўлмиш Барсина Дамашқ остоналарида банди қилинган эди. У юнонча тарбия олган бўлиб...[33] хушфеъллиги билан ажралиб турган. Барсинанинг отаси Артабаз — шоҳ қизларидан бирининг ўғли бўлган. Аристобулнинг ёзишича, гўзал ва олижаноб Барсинага яқинлашишни Парменион маслаҳат қилган. Гўзал ва сарвқомат бошқа асирларини кўрганда Искандар ҳазиллашиб, форс аёлларининг қиёфаси кўз учун азобдан бошқа нарса эмас, дер экан. Форс аёлларининг мафтункор кўринишларига Искандар ўзининг сабр ва покизалигини қарши қўяркан, гўё уларни тирик гўзаллар эмас, жонсиз ҳайкалларга ўхшатиб, заррача аҳамият бермасди.

XXII. Кунлардан бир кун денгиз бўйида жойлашган қўшинларнинг қўмондони Филоксен Искандарга хат ёзиб, унинг қароргоҳида тарентинлик Феодор деган бир кимса юрганини ва у иккита чиройли болани сотмоқчи эканлигини айтиб, мабодо, Искандар уларни сотиб олишни

---

[33] Матн бузилган

истамасмикан, деб сўраган. Искандар буни ўқиб, ниҳоятда нафратланиб норози бўлган. Наҳотки, Филоксен менинг ҳақимда бу қадар ёмон фикрдаки, бу қадар маразликни таклиф этади, деб дўстларига шикоят қилган. Филоксеннинг ўзини эса, хат ёзиб жуда қаттиқ койиган ва Феодорни ҳайдаб юборишни буюрган. Коринфдаги энг гўзал ва машҳур Кробил деган баччани совға сифатида олиб бормоқ ниятидалигини хатида ёзган гагнонни ҳам Филоксендан баттар қилиб сўккан. Яна бир мисол: Парменион қўл остида хизмат қилувчи, Дамон ва Тимофей отли икки македонликнинг қайсидир ёлланма аскарларнинг хотинларига тажовуз қилганларини эшитиб, Парменионга хат ёзган ҳамда бу масалани яхшилаб текширишни, рост чиқса, икковини ҳам инсон зотининг бошига бало сифатида яратилган ҳайвонлардек ўлдириб ташлашни буюрган. Ўша хатида шоҳнинг айнан шундай гаплари бор: «Ҳеч бир инсон зоти менга Доронинг хотинини кўрган, уни кўришга интилган ёки унинг гўзаллиги ҳақидаги гапларни эшитган деб, айб қўя олмайди». Искандар, буюк инсонларни ҳам хор қилувчи энг зарарли одатлар — уйқу ва хотин билан алоқа қилишдир, чунки ҳорғинлик ва маишатпарастлик инсоннинг ожизлиги оқибатида пайдо бўлади, деб кўп марта такрорлаган.

Искандар овқат масаласида ҳам қаноатли бўлган ва бунга жуда кўп далиллар мавжуд. Далиллардан бири, тутинган она деб атаб, Карияга подшоҳ қилиб қўйган Ада деган аёлга айтган сўзларидир. Бу аёл Искандарга ҳурмат ва миннатдорчилигини изҳор қилиб, ҳар куни лаззатли овқатлар ва ширин пишириқлар жўнатиб турган. Кейин эса, унга энг уста ошпаз ва нонвойларини юборган. Искандар аёлга маҳсус одам жўнатиб, бундай нарсаларнинг биронтасига ҳам эҳтиёж йўқлигини, чунки тарбиячиси Леонид тайинлаган энг яхши ошпазларнинг овқатига, яъни: камтарин нонуштага ўрганиб қолганлигини айттирган. «Тарбиячим ўзининг одати бўйича, — деган Искандар, — онам биронта ширинлик ёки меъёрдан ортиқча егулик яшириб қўймаганмикин деб тўшакларимни, кийимларимни синчиклаб текшириб чиқарди».

XXIII. Май ичишга ҳам Искандар одамларнинг шов-шувига нисбатан анча кам ружу қўйганди. Одамларнинг шов-шувига эса шоҳнинг базм дастурхони атрофида узоқ ўтириб қолишлари сабабчидир. Аслида, Искандар бу ўтиришларда ичкиликдан кўра суҳбатлашишга интиқ бўлган ва ҳар бир қадаҳга узун лутф дебоча қилган. Базмларни ҳам фақат бўш вақти жуда кўп бўлганда уюштирган. Аммо, масала ишга бориб тақалганда, бошқа саркардаларнинг ҳаракатларида кўп марта учратилганидан фарқли ўлароқ, Искандаршоҳга на май, на уйқу, на кўнгил очиш, на аёлларга иштиёқ тўсиқ бўлолмаган. Буни, унинг қисқа, бироқ иродаси туфайли буюк ва бисёр қаҳрамонликларга тўлдирилган ҳаёт йўли ҳам кўрсатиб турибди. Бўш кунлари Искандар уйқудан турғач, аввало худоларга қурбонлик келтирган, сўнгра дарҳол ўтириб[34] нонушта қилган. Кун давомида ов қилган, баҳсли масалаларни кўриб чиққан, қўшини хусусида топшириқлар берган ва китоб ўқиган. Сафар чори, агар шошилинч бўлмаса, у камон отишда, жанг аравасини тўхтатмасдан, сакраб тушиш ва қайтиб ўтиришда маҳоратини ошириб борган. Унинг кундаликларига қараганда, Искандар кўпинча тулки ва қушларни овлашни ёқтирган. Ҳордиқ кунларида Искандар чўмилган ёки баданига хушбўй доривор нарсалар суртган. Шу орада ош ва нонга қарайдиган ишбошилардан кечки таомнинг қайсилари тайёр — тайёр эмаслигини синчиклаб суриштирган. Одатда Искандар ёнбошлаб олиб овқатланишга киришганда аллақачон қоронғу тушиб бўларди. Дастурхон атрофида улфатларидан бирортасига у-бу нарса тегмай қолмаслигини ёки эътиборсизликдан хафаланмаслигини ўта зийраклик билан кузатиб, меҳрибончилик қилган. Юқорида айтилганидек, Искандар суҳбатни яхши кўрганидан май устидаги базмларда ўтирган. Қолган пайтларда хушмуомалалиги билан бошқа шоҳлардан устун турган ҳамда мулозамати билан истаган одамни ром эта олган. Искандарнинг одамларга оғир

---

[34] Ёнбошлаб эмас маъносида

ботадиган бир заиф жиҳати бор эди: у дастурхон устида ўзини мақташни хуш кўрарди. У ўзини мақташ билан чекланиб қолмай, тилёғламачиларнинг мақтовини илҳақ бўлиб эшитган. Бу эса дастурхон атрофидаги тўғрикўнгил, олижаноб кишиларни ноқулай аҳволга солган. Улар бир томондан тилёғламачилар билан мусобақа қилишни, иккинчи томондан улардан ортда қолишни истамасдилар. Бири улар учун шармандалик, иккинчиси эса хатарлик эди. Базмдан кейин Искандар чўмилган ва эртасига пешингача ухлаган, баъзан эса кечгача тўшакдан турмаган.

Искандар лаззатли таомларга, нозик овқатларга бефарқ қараган. Соҳил бўйидан унга атаб жўнатилган анвойи мева ҳамда балиқларни кўпинча ўзига битта ҳам қолдирмай дўстларига улашган. Бироқ унинг ўзи уюштирган базмлар ҳамиша тўкин-сочин ва гўзал бўлиб, уларга сарфланадиган харажатлар ҳарбдаги муваффақиятлари ортган сари ортиб борган. Лекин бу харажат ўн минг драхмадан[35] ошмаган. Бундан ортиқ шоҳ ҳеч қачон сарф қилмаган ва ўзини меҳмонга чақирганларга ҳам бундан ортиқ сарфга рухсат этмаган.

XXIV. Иссадаги жангдан кейин Искандар Дамашққа қўшин жўнатиб форсларнинг пулларини, бойликларини, хотин ва болаларини қўлга олди. Ўлжанинг катта қисми жангда айрича жонбозлик кўрсатган фессалиялик отлиқларга тегди. Искандар фессалияликларнинг бойиб олишларига имкон яратиш учун атайин уларни жўнатганди. Қўшиннинг бошқа қисмлари ҳам ошиб-тошиб кетишганди. Македонликлар шу аснода биринчи марта олтин, кумуш ва аёлни қадрлашни ўргандилар, варварларча яшаш лаззатини тотиб кўрдилар ва ҳид олган исковуч итлардек, форсларнинг барча бойликларини олиш учун шоша бошладилар.

Бироқ, Искандар аввалига денгиз бўйи юртларни бўйинсундиришга қарор қилди. Тез кунда унинг олдига Кипрнинг подшоҳлари бўйин эгиб келишди. Тир шаҳ-

---

[35] Драхма — пул (оғирлик) бирлиги, 4,366 гр.

ридан ташқари бутун Финикия итоаткорлик изҳор этди. Искандар, тупроқдан кўтарма уюмлар, манжаноқ ва бошқа ҳарбий иншоотлар қуриб, денгиздан икки юзта триера қўйиб, Тир шаҳрини етти ой қамал қилиб турди. Қамал кунларидан бирида, деворда турганча қўл чўзиб уни чорлаётган Геракл тушига кирди. Худди шу кунларда тирликларнинг кўпчилигининг тушига Апполон кириб, мен Искандаршоҳ тарафига ўтиб кетаман, чунки шаҳардаги воқеалар ёқмаяпти, деган. Шунда тирликлар, худди душман тарафга қочиб ўтишда қўлга тушган одамдек, Апполоннинг каттакон ҳайкалини арқонлаб «Искандарпараст» деб ўзларича ҳақоратлаб, тошсупага боғлаб ташлаганлар. Искандар эса яна бир туш кўрган: тушида бир сатир[36] узоқдан туриб, унга ҳар хил қилиқлар, имо-ишоралар қилиб ҳазиллашган. Искандар уни ушламоқчи бўлса, чаққонлик билан қочиб кетаверган. Анча оварагарчиликдан сўнг, илтижолар қилгандан кейингина қўлга тушган. Таъбирчилар бу тушни «Са» (сеники) «тир» деб шарҳлаб беришган. Қамал пайтида Искандар Антиливан тоғларида яшовчи араблар устига юриш қилган. Бу юришда тарбиячиси Лисимах сабабли, ҳаётини жуда катта хавф остига қўйган. Лисимах ўзини Фениксдан кам жойим йўқ, деб ҳисоблаб, доимо Искандарга эргашиб юрарди. Тоққа яқинлашган аскарлар отларини қўйиб, яёв кетишди. Чарчаб қолган Лисимах ҳаммага етиб юролмади. Қоронғу туша бошлагани ва яқин орада ёв жангчилари изғиб юргани учун Искандар қарияни ёлғиз қолдиришни истамади. Чолга гап билан далда бериб бораркан, улар бутунлай ортда қолиб кетишди. Қоронғу тушиб, қаттиқ изғирин бошланди ва Искандар озгина аскари билан ана шундай хавфли ерда тунаб қолишга мажбур бўлди. Узоқда у ер-бу ерларда душман аскарлари ёққан гулханлар кўринарди. Ҳамиша шахсий ўрнак кўрсатадиган ва шу йўл билан македонликлар руҳини кўтаришга эришадиган Искандар, ўзига катта баҳо бериб, энг яқиндаги душман гулханига қараб югу-

---

[36] Сатир — маъбудлар одатта маишатпарастликнинг тимсоли бўлишган

риб борди. У ерда ўтирган икки арабни қиличи билан абгор этиб, ёниб турган ўтин бўлагини олди-да, қайтиб келди. Македонликлар шундай катта гулхан ёқишдики, ёғийларнинг анча қисми қўрқиб қочишди. Ҳужум қилишга юраги бетлаганларни македонлар даф қилишгандан сўнг, туннинг қолган қисмини бехавотир ўтказишди. Бу воқеани Харет ёзиб қолдирган.

XXV. Тир қамали қуйидагича тугади. Кўп уринишлардан кейин Искандар асосий ўзак қўшинларига дам берган, бироқ душманни тинчитмаслик учун шаҳар деворларига кичик бўлинмаларни юбориб турарди. Худди шу кунларда фолбин Аристандр қурбонлик қилиб, жониворнинг ичак-чавоғига қараб ром очди-да, атрофидагиларга, шаҳар, албатта, шу ойда олинади деб эълон қилди. Йиғилганлар унинг гапини кулги билан кутиб олдилар, чунки шу кун ойнинг охири эди. Доимо фолбинчиликка оталик қилиб келган Искандар — Аристандрнинг мулзам бўлиб турганини кўрди-да, бу кунни ойнинг ўттизи эмас йигирма саккизи деб ҳисоблашни буюрди. Сўнгра жанг карнайини чалишга буюриб, аввалгиларига нисбатан жуда катта шиддат билан Тир деворларига ташланди. Ҳужум шундай шиддатли тус олдики, қароргоҳда қолдирилган аскарлар ҳам беихтиёр жангга қўшилиб кетдилар. Тир аҳли қаршиликни тўхтатди ва шаҳар эгалланди.

Бу воқеалардан кўп ўтмай, Искандар Сурияниинг энг катта шаҳри бўлмиш Ғазони қамал қилиб турган пайтида учиб ўтаётган қуш унинг елкасига бир парча тупроқ ташлаб ўтди. Сўнгра манжаноқлардан бирининг устига қўнди-да, арқонлар устидан боғланадиган чарм чилвирларга ўралашиб қолди. Бунинг таъбирини Аристандр тўғри ечиб берганди: тез орада Искандар елкасидан яраланди, аммо шаҳарни қўлга киритди.

Бу шаҳардан қўлга киритган ўлжанинг катта қисмини Искандар Олимпиадага, Клеопатрага ва дўстларига жўнатди. Болаликдаги бир орзуси эсига тушиб қолиб, тарбиячиси Леонидга беш юз талант ладан ва юз талант мирра инъом қилди. Болалик пайти қурбонлик маросимида муаттар моддаларни ҳовучлаб оловга ташлаётган

Искандарга Леонид: «Мушки анбарлари тўкин-сочин бўлган мамлакатларни босиб олганингда бунақа ёқасан. Ҳозирча борини тежашга ўргангин», деб танбеҳ берган эди. Инъомларга қўшиб Искандар «Бундан буён қурбонлик пайтида зиқналик қилмаслиги учун ладан билан мирра бериб юбордим», деган хатни ҳам илова қилган.

XXVI. Куплардан бир кун Дородан олинган ўлжаларни тафтиш қилаётганлар назарига бир қутича тушди-да, улар буни нарсалар ичидаги энг ғаройиби ҳисоблаб Искандарга келтирдилар. Искандар дўстларидан бу қутичада қайси қимматбаҳо буюмни сақлашни маслаҳат берасизлар, деб сўради. Дўстларидан бири у, бири бу деди. Лекин шоҳ, бунинг ичида «Илиада»ни сақлайман, деб жавоб берган экан. Унинг шундай деб жавоб берганига жуда кўп ишончли кишилар гувоҳлик бердилар. Хуллас, сафарларда Искандарга Ҳомер кўп марта ҳамроҳ бўлган. Айтишларича, Искандар Мисрни босиб олгандан кейин бу ерда аҳолиси юнонлардан иборат улкан шаҳар қуришни, унга ўзининг номини қўйишни ният қилган экан. Меъморларнинг маслаҳати билан шаҳар қуриладиган ерни танлаб, уни ўраб бўлгандан кейин ажойиб бир туш кўрган. Тушида бир оппоқ сочли нуроний қария унинг қошига келгану қуйидаги шеърни ўқиган:

Чеки йўқ денгизда туради Мисрга юзма-юз
Бир орол, сўргандик, дедилар — отидир Фарос.

Искандар шу заҳоти уйғонгану Фаросга қараб йўл олган. Бу Каноб дарёсининг денгизга қуйилиши еридан юқорироқда бўлиб, у пайтларда орол эди. Кейинчалик кўтарма ясаб уни соҳилга улаганлар. Искандарнинг кўзи олдида ҳар томонлама қулай бир манзил намоён бўлган. Катта кўрфаз бўлажак бандаргоҳ учун ҳам қулай эди. Кенггина тупроқли ер соҳилдаги катта кўлни денгиздан ажратиб турарди. Буни кўриб Искандар: ҳар бир соҳада қойил қолишга лойиқ Ҳомер, боз устига моҳир меъмор ҳам экан, деб хитоб қилди. Сўнг шу заҳотиёқ, ернинг шаклу шамойилига мослаб шаҳар режасини чизишга буюрган. Қўл остиларида бўр бўлмагани учун арпа

унидан фойдаланиб, икки чеккаси тўғри чизиқлар билан тортилган улкан икки параллел ёй шаклларини ерга белгилаб чиқишган. Бу чизиқ жангга тайёр турган қўшин шаклини олган. Искандар лойиҳа чизгиларидан хурсанд бўлиб турганда осмондан сонсиз-саноқсиз турли тоифадаги қушлар ёпирилиб унии еб битиришган. Бу аломатдан Искандар ниҳоятда ташвишланган, бироқ таъбирчиларнинг шаҳар гуллаб-яшнайди ва турли ўлка одамларини кўп йиллар боқади, деган гапидан кўнгли жойига тушган. Искандар қурилишни назоратчиларга топшириб, Аммон эҳромига йўл олади. Эҳром олис, машаққатли ва тинкани қуритадиган эди. Айниқса, сувсизлик ва кучли жанубий шамол йўловчиларга катта хавф соларди. Чунки улар қумлари кўчиб юрувчи ва оёқ ботиб кетадиган чексиз саҳро узра кетардилар. Айтишларича, қадимда бу шамол Камбиз қўшини атрофига каттакон ғов ясаб, қумни бошдан-оёқ ҳаракатга келтириб, эллик минг кишини кўмиб ҳалок қилган экан. Бу ҳодисаларнинг бари деярли барчага маълум бўлса-да, Искандар бир нарсани режалаштирганда уни тўхтатиб бўлмас эди. Ҳамиша ишларига ҳайрихоҳ бўлаётган тақдир уни ўжар қилиб қўйганди. Искандар нафақат бирон марта мағлубиятга учради, балки кўпинча макон ва замонни ҳам енгиб ўтарди. Бу эса табиий шуҳратпарастлигини тағинда жўштириб, янги-янги жўшқин ниятлар сари етакларди.

XXVII. Бу уқубатли сафарда илоҳиётдан келган ёрдам, оракулларнинг кейинроқ қилган башоратларидан ҳам кўпроқ одамларнинг Искандарга бўлган ишончларини кучайтирган. Мисол учун Зевс юборган ёмғирларни олинг. Шу узоқ муддатли ёмғир сабабли одамлар сувсизлик азобидан, ташналикдан ўлиб кетиш қўрқувидан қутулдилар. Ёмғирлар қизиб ётган қумни совутди, юзасини қотирди, ҳавони тозалаб, нафас олишни енгиллаштирди. Бироқ карвонбошилар учун қўйиладиган йўлкўрсаткичлар йўқ қилинганлиги маълум бўлди. Македонликлар адашиб кета бошладилар. Шу пайтда пайдо бўлган қарғалар йўл кўрсатди. Улар олдинга учиб ўтиб қўнардилар-да, орқада қолиб кетганлар етиб келгунича

кутиб турардилар. Каллисфеннинг ёзишига кўра, энг қизиғи шу эдики, қарғалар тунда қағиллаб тарқалиб кетганларни бир жойга тўплардилар ва то улар йўлни топиб олмагунча қағиллайверардилар.

Ниҳоят саҳро ортда қолиб, Аммон эҳромига яқинлашишганда, коҳин Искандарга, тангри Аммон сени ўғли сифатида олқишлади, деб мурожаат қилган. Шоҳ отамнинг қотилларидан биронта жазосиз қолгани борми, — деб сўради. Коҳин унга куфрлик қилишини тақиқлаб, унинг отаси боқийлар сирасидан эмаслигини айтди. Шунда Искандар саволни ўзгартириб: Филиппнинг қотилларидан жазосиз қолгани борми, деб сўради. Сўнг эса, дунёдаги барча инсонларнинг ҳукмдори бўлиш унга насиб этадими, деб қўшимча савол берди. «Ҳа, ҳукмдор бўлиш насиб этади. Филиппнинг қасоси эса тўлиғича олинган», деб жавоб берди тангри. Искандар тангрига ажойиб туҳфалар ато этиб, одамларга пул улашди.

Коҳиннинг жавоби ҳақида кўпчилик тарихчилар шундай ёзадилар. Бироқ, Искандарнинг ўзи онасига ёзган хатида, унга қандайдир яширин иқтидор берилганлигини, уйга қайтгач, бир-бир ўтириб айтиб беришини таъкидлаган. Айримларнинг ёзишича, коҳин Искандарга дўстона меҳрибонлигини кўрсатмоқчи бўлиб, юнонча: «Эй, пайдион!» («Эй, фарзанд!») деб мурожаат этган. Аммо ўзининг варварча талаффузи туфайли («Эй пай Диос!») (Эй, Зевс боласи!) деб юборган. Искандарга унинг бу чалкаштириши маъқул келган. Тангри Искандарни Зевснинг ўғли сифатида эълон қилган, деган ривоят эса шу ердан бошланади. Яна айтишларича, Искандар Мисрда файласуф Псаммоннинг суҳбатини олган. Файласуфдан эшитганлари орасида, барча одамларни худо бошқаради, зеро, ҳар бир инсондаги бошқарувчилик салоҳиятининг келиб чиқиши — худодандир. Бу масаладаги Искандарнинг ўз фикри эса, бундан ҳам донороқ эди: тангри — ҳамма инсонларнинг умумий отасидир, ёрлақаганларни ўзига яқинлаштиради, деб айтарди.

XXVIII. ***Умуман*** олганда, Искандар варварларга нисбатан худди насл-насаби худолардан келиб чиққандек ва бунга ўзи ҳам қаттиқ ишонгандек, ўзини жуда маг-

рур тутарди. Юнонларга эса варварларга қараганда бир оз камтаринроқ муносабатда бўлар ва ўзини худо деб аташларини талаб қилавермасди. Афиналикларга Самос хусусида шундай хат ёзганди: «Бу озод ва шавкатли шаҳарни сизларга ҳеч ҳам бермаган бўлардим. Модомики, уни ҳукмдорларинг бўлмиш отамдан олган экансизлар, майли эгалик қилаверинглар!» Бу ўринда у Филиппин назарда тутган. Кейинроқ, камон ўқидан яраланиб, қаттиқ азоб тортаётган пайтда шундай деган:

«Бу оқаётган қондир, дўстларим.
Осмон аҳли вужудида югурувчи обизамзаммас!»

Кунлардан бир кун кучли момақалдироқ бўлиб йиғилганларни ваҳимага солганда ўша ерда ҳозир бўлган софист Анаксарх Искандарга «Эй, Зевс ўғли, шунга ўхшаган бир иш қўлингдан келадими?» деб мурожаат қилган. «Келса ҳам қилмайман. Дўстларимни қўрқитиб нима қиламан? — деган Искандар. — Сенга менинг дастурхоним ёқмайди, чунки унда сатрапларнинг калласини эмас, балиқларни кўрасан». Ҳақиқатан ҳам ёзишларича, Анаксарх Искандарнинг Гефестионга юборган балиқларига қараб: ҳаётини хавф остига, жонини азобга қўйиб шоншуҳратга эришадиганлар лаззатланиш ва айш масалаларида оддий одамлардан фарқ қилмайди ёки жуда кам фарқ қилади деб, юқоридагига ўхшаш пичинг тўла бир гап айтган экан. Хуллас, булардан кўриниб турибдики, насл-насаби худолардан эканлигига Искандарнинг ўзи ҳам инонмаган ва бу билан мақтанмаган. Бу уйдирмадан бошқа юртларни забт этишда фойдаланган, холос.

XXIX. Мисрдан Финикияга қайтгач, Искандар худоларга қурбонликлар қилган, тантанали намойиш ва киклик ҳамда трагик хорларнинг мусобақаларини ўтказган. Бу мусобақалар — хорегларнинг[37] Кипрлик подшолар эканлиги назарга олинса, тантанаворлиги билангина эмас, кескинлиги билан ҳам қизиқ эди. Худди филалардан[38] қуръа ташланиб сайланган оддий афиналиклар-

---

[37] Хорег — хор бошлиғи
[38] Фила — Аттикадаги худудий бўлинма

дек, шоҳлар ҳайрон қоларлик даражада жонбозлик кўрсатардилар. Айниқса, саламинлик Никокреонт билан солийлик Пасикрат ўртасидаги мусобақа жуда қизғин ўтган. Қуръа ташлаш билан аниқланганда, улар чекига энг машҳур актёрлар: Пасикратга — Афинодор, Никокреонтга — Фессал тушган. Искандар Фессалнинг галабасига қизиқса ҳам, овоз бериш билан Афинодор ғолиб деб топилгунча ўзининг қайси тарафдалигини билдирмаган. Фақат охирида театрни тарк этаётганда, ҳакамларнинг танловини тан олишини, лекин Фессални мағлуб ҳолда кўрмаслик учун подшолигининг бир бўлагини беришга ҳам тайёрлигини айтган. Бундан қатъи назар, Дион шаҳри шарафига бағишланган мусобақаларга таклиф қилишганига қарамай бормаган Афинодорга афиналиклар жарима солганларида у Искандардан ҳимоя қилувчи хат юборишни сўраган. Искандар хат ёзмаса-да, унинг жаримасини тўлаворган. Шунингдек, саҳналарни гуллатган машҳур актёр — скарфийлик Ликон, қайсидир комедияда роль ўйнаб туриб, асар матнига ўн талант пул сўраш ҳақидаги илтимосини ҳам қўшиб юборган. Искандар кулиб юбориб, актёрнинг илтимосини қондирган.

Бу орада Доро дўстларини бир хат билан Искандарнинг олдига жўнатиб, асиралар учун ўн минг талант пул, Фротнинг бу тарафидаги ҳамма юртларни, қизларидан бирини ҳамда ўзининг дўстлигини таклиф қилган. Искандар бу таклиф билан яқинларини таништирганда Парменион: «Искандар бўлганимда бу шартларни қабул қилардим», деган. Искандар эса: «Зевс номи билан қасам ичаманки, Парменион бўлганимда мен ҳам шундай қилардим!» деб жавоб берган. Дорога эса, агар у македонлар қошига келса, олий даражада кутиб олинишини, акс ҳолда унинг ўзи форслар шоҳи олдига боришини айтган.

XXX. Лекин тез орада Искандар бу жавобидан пушаймон бўлган. Чунки Доронинг хотини янги фарзанд тўлғоғида ўлган. Искандар одамгарчилик қилишнинг катта бир имкониятини йўқотганидан жуда қаттиқ куюнган. Маликанинг дафн маросимини шоҳона қилиб

ўтказиш, бунинг учун ҳеч нарсани аямаслик ҳақида буйруқ берган. Эроний аёллар билан бирга қўлга тушган Тирей отли бир ҳарам ходими бекасининг ўлими ҳақида хабар етказиш учун македонлар қароргоҳидан қочиб, отда кўп йўл юриб, ниҳоят Доронинг олдига етиб борган. Доро хабарни эшитгандан сўнг бошига уриб йиғлаганча хитоб қилган: «О, форсларни таъқиб этувчи золим тақдир! Шоҳнинг хотини ва синглиси тириклигича душман қўлига тушди, оламдан ўтиб эса шоҳона дафнга ҳам насиб бўлмади!» Йўқ, шоҳим! — деб унинг гапини бўлган ҳарам ходими. — Дафн маросимида ҳам, маликаларга лозим бўлган иззат-ҳурматда ҳам тақдирдан шикоят қилишингга асос йўқ. Бекам Статира, онанг, қизларинг бирон нарсада камчилик сезмадилар. Улар сенинг нурафшон сиймоингдан баҳра олишдан бўлак барча хусусда бурунгидек роҳат-фароғатда яшадилар. Тангримиз Хурмузнинг иноятн билан сенинг бошингга яна ёруғ кунлар қайтиб келажак. Бекам Статира ўлганда унинг иззати йўлида қилинмаган биронта маросим қолмади. Ҳатто душманлар ҳам кўз ёш тўкдилар. Ахир Искандар жангда қанчалик шафқатсиз бўлса, асирларга мурувват соҳасида шунчалик саҳоватлидир». Бу гапларни эшитгач, ҳаяжон ва ғам-андуҳ таъсирида Доронинг кўнглида кучли шубҳа уйғонган. Ҳарам огасини бир чеккага олиб шундай деган: «Агар сен ҳам форсларнинг ҳарбдаги омадидек македонлар тарафига ўтиб кетмаган, бурунгидек мени — Доронн ўзингнинг ҳукмдоринг деб ҳисобласанг, Митранинг буюк нурини ҳамда шоҳингнинг ўнг қўлини ўртага қўйиб, ёлвориб сўрайман, айтчи, мен ўйлагандек Статира ғам-андуҳдан адойи-тамом бўлмадими? Хўрлигу ҳақоратлар уни эзиб қўймадими? Унинг ор-номуси йўлида қонхўр ва ваҳший душманга қарши қўрқмасдан жангга отлансам бўлмасмиди? Хотинимга ростдан ҳам кўз олайтиришмадими? Агар муносабатлари пок бўлса, ёш йигит душманининг хотинига шунчалик иззат-икром кўрсатармиди?» Доро шу сўзларни айтиши билан Тирей Искандарни бекорга айбламасликни, хотини ва синглисининг ор-номусига туҳмат қилмасликни айтиб, юзтубан йиқилиб ёлворган.

Бахтсизликка учраганда одам ўзи учун энг катта юпанчни, яъни сени мағлуб этган кимса — ғайриинсоний даражада қудратли эканини инкор этмаслик керак, деган. Яна Тирей, Дорони Искандарнинг форс аёлларига муомаласидаги камтарлиги, форс эркаклари билан тўқнашувлардаги жасоратидан ҳам устун эканлигига тан беришга ундаган. Сўзларининг ростлигини исботлаш учун қасамлар ичган ва Искандарнинг маншатда камтарлигига, олижаноблигига кўплаб мисоллар келтирган. Шунда, Доро мулозимлари олдига қайтиб, қўлларини чўзганча худоларга илтижо қилган: «Эй, менинг авлод-аждодимга ва подшоҳлигимга оталик қилувчи худолар! Кулфатга тушганимда яқинларимга Искандар кўрсатган мурувватга мос мурувватлар қайтаришим учун форсларнинг буюклигини тиклашга, салтанатимни илгаригидек қутлуғ қилишга, ғалаба қозонишимга имкон беринг! Борди-ю, пешонамга бахти қаролик ёзилиб, буюк ўзгаришлар оқибатида форс салтанати қулайдиган бўлса, Қайхисрав тахтига Искандардан бўлак ҳеч ким ўтирмасин». Кўпчилик ёзувчилар бу воқеа ва илтижони худди ана шундай ёзиб қолдирганлар.

XXXI. Фротгача бўлган ерларни босиб олгач, Искандар ўзига қарши миллионга етадиган қўшин билан келаётган Доро томон юриш бошлади. Йўлда унинг яқинларидан бири, шоҳнинг кўнглини чоғ қилиш учун орқадаги юкчиларнинг топган ўйинини гапириб берди. Улар иккки бўлиниб, ўзларича бири Доро, иккинчиси Искандар аталган қўмондон сайлаб, бир-бирларига кесакчалар отиш мусобақасини бошлашган. Сўнгра қизишиб кетиб, муштлашувга ўтишган, ундан сўнг эса, сўйилу гавронларга ва тошларга ўтиб, ишни ҳақиқий жангга айлантирворишган. Бу гапни эшитиб, Искандар иккала қўмондоннинг бирга-бир олишув қилишларини буюради. Ўзи «Искандарни» қуроллантиради, Филот эса «Дорони». Бу олишувни келажак каромати ҳисоблаб бутун аскар аҳли кузатади. Қаттиқ, тинкани қуритадиган олишувдан кейин Искандар деб аталгани ғолиб чиқади. Шоҳ унга ўн иккита қишлоқ совға қилиб, эронийларнинг кийимини кийиш ҳуқуқини беради. Бу ҳақда Эратосфен ёзиб кетган.

Доро билан ҳал қилувчи катта жанг кўпчиликнинг ёзиши бўйича Арбел[39] эмас, Гавгамэл остоналарида бўлиб ўтган. Маҳаллий шевада бу «Туянинг уйи» деганидир. Қадим полшолардан бири, душманларидан бир ўркачли туяда қочиб қутулиб, уни шу ерда қолдирган ва унинг таъминотини бир неча қишлоққа тайинлаган.

Боэдромион[40] ойида тахминан афиналиклар инсжинсларга боғлиқ маросим ўтказадиган пайтда ой тутилиши рўй берган. Ой тутилишининг ўн биринчи куни, қўшинлар бир-бирига кўринадиган ҳолатда ойдин паллада, машъалалар ёруғида Доро қўшинини сафга тизиб қўйиб, кўрик ўтказган. Македонлар ухлаб ётардилар. Искандар эса фолбин Аристандр билан ўзининг чодири олдида қандайдир сирли ва муқаддас удумларга амал қилиб, худо Фобосга[41] қурбонлик келтирарди. Нифат билан Гордией тоғлари ўртасидаги текислик варварлар қўшинларининг машъали билан ёритилган эди. Форсларнинг қароргоҳи тарафидан худди чексиз денгизнинг овозига ўхшаб бир маромдаги бўғиқ гувиллаш келарди. Искандар яқинларининг энг кўзга кўринганлари, душманнинг кўплигидан ҳайратга тушиб, бу қўшинни очиқ жангда енгиб бўлмас-ов деб, бир-бирларига гап уқтиришарди. Айниқса, Парменион шундай фикрда қатъий эди. Улар шоҳнинг қурбонлик маросимини тугатганини кўриб, унга яқинлашдилар-да, македонлар кундузи душман лашкарининг кўплигини кўриб ваҳимага тушишлари мумкин, ваҳиманинг сабабчисини яширувчи қоронғиликдан фойдаланиб, тунда ҳужумга ўтишни маслаҳат бердилар. Искандарнинг «Мен ғалабани ўғирламайман!» деган барчага машҳур бўлиб кетган жавоби атрофдагиларга енгилтаклик ва хатар олдида жуда ўринсиз туюлди. Бошқа бировлар эса Искандар ўз кучига

---

[39] Арбел шаҳри ва ундан 100 км шимолий ғарбда жойлашган Гавгамел қишлоғи Дажла дарёсининг ортида, ҳозирги Ироқнинг шимолида жойлашган эди. Жанг м.ав. 331 йил 1 октябрда бўлиб ўтган.

[40] Боэдромион — сентябр-октябрга тўғри келади

[41] Фобос — даҳшат, қўрқув худоси. Арейнинг ҳамроҳи

тўлиқ ишонган ва келажакни аниқ кўра олган деб ҳисоблайдилар. Аслида Искандар, аввалги мағлубиятларига тоғни, денгизни ва умуман майдоннинг торлик қилганини баҳона қилиб юрган Доронинг бу гал, қоронгиликни баҳона қилишини, яна бир карра юрак ютиб жангга отланишини истамасди. Искандар шунчалик буюк қудратга ва шунчалик катта мамлакатга эгалик қилувчи Доронинг, қурол-яроғ ёки жангчи етишмаслиги важидан урушни тўхтатмаслигини, у фақат очиқ майдонда, очиқ жангда енгилиб, мардлигига путур кетганидан, ғолибликка умиди узилгандан кейин урушни тўхтатишини яхши англаб етганди.

XXXII. Яқин боёнлари кетишгач, Искандар чодирига кириб мизғиб олиш учун чўзилган-у, айтишларича, шундай қотиб ухлаганки, одатига хилоф равишда саҳарда уйғонмаган. Бундан ҳайрон бўлган саркардалар нонушта қилишга ўзлари буйруқ берганлар. Шоҳнинг ҳали ҳам уйғонмаганини, ортиқ кутиш имкони йўқлигини кўрган Парменион чодирга кирган ва Искандарнинг ёнига келиб икки-уч карра чақирган. Уйғонганини кўриб, олдингда энг буюк жанг турибди-ю, сен худди ғолиб чиққандек ухлайсан, деган. Искандар жилмайган ва шундай жавоб қилган: «Ҳа, нима бўпти? Жанг қилишдан қочиб юрган Дорони улкан сўнгсиз мамлакат бўйлаб қувиб юришдан қутулганимизнинг ўзи ғалаба эмасми?»

Фақат жанг олдидан эмас, жанг пайтида ҳам Искандар мардона руҳини йўқотмайдиган буюк саркарда сифатида ўзини намоён қилди. Жанг пайтида қўшинларнинг Парменион бошчилигидаги суронғор қисми Бақтрия отлиқларининг суронли ҳужумига дош беролмай пала-партиш ҳолда чекина бошлади. Бу орада Мазейнинг отлиқлари қўшинни айланиб ўтиб, заҳира аравалари қўриқчиларига ташланишди. Парменион зудлик билан олдинги жанговар сафлардан одам олиб ёрдамга юбормаса, қароргоҳ ҳам, заҳира нарсалар ҳам душман қўлига ўтиши ҳақида Искандарга хабарчи юборди. Искандар бу пайтда ўзини ўраган жангчиларга ҳужумга ўтиш ҳақида буйруқ бераётганди. Ёрдам ҳақидаги ил-

тимосни эшитиб, Парменион ақлдан озибди, ҳаяжонланиб-шошиб қолганидан ғолибга мағлубнинг мол-мулки батамом ўтишини, мағлуб эса бойлиги ва қуллари ҳақида эмас, курашда тик туриб мардона ўлишни ўйлаши кераклигини унутибди, деган.

Шу гапни Пармениона етказишни буюриб, Искандар дубулғасини кийди. Бошқа ҳамма анжомларини у аввалроқ чодиридан кийиб чиққан эди: Сицилияда ишланган камарлик гапендиум[42], Иссадаги жангда ўлжа тушган, асосида икки қават бўз қўйиб ясалган совут. Теофилнинг қўлидан чиққан темир дубулға худди кумушдек ялтирарди. Дубулғага қимматли тошлар тўғналган темир тахтачаси қадалган бўлиб, у бўйин ҳимоясига мўлжалланган эди. Тоби жуда мустаҳкам енгил хитой қиличи Искандарнинг доимий ҳамроҳи бўлиб, у хитой подшосининг совғаси эди. Одатда жангда қилич Искандарнинг асосий қуроли бўларди. Унинг эгнидаги энг бой ва кўркам нарса, бу — Геликонлар авлодининг тўнғичи қўлидан чиққан плашч бўлиб, буни Родос шаҳрининг аҳолиси ҳурмат рамзи сифатида туҳфа этган эди. Жангга киришдан аввал Искандар уни доимо анжомлари устидан кийиб оларди. Сафларни кўздан кечириб, буйруқлар бериб, жангчиларни руҳлантириб, тайёрлик даражасини текшириб айланаркан, у Букефални эмас, бошқа отни минарди. Чунки машҳур дулдулининг ёши ўтиб қолганидан кучини аяб ишлатиш керак эди. Қўшин ҳолатини кўриб чиқиб, бевосита жангга кириш олдидан Букефални келтиришар ва унга мингачгина Искандар жангга ташланарди.

XXXIII. Каллисфеннинг ёзишича, хитоблар билан варварлар устига тезроқ ҳужум бошлашга ундаётган фессалияликлар ва бошқа юнонлар билан қилган узоқ мулоқот Искандарнинг азмини янада қувватлантирди. Найзани сўл қўлига олиб, ўнг қўлини тепага кўтарганча, агар у ҳақиқатда Зевс ўғли бўлса, юнонларга ёрдам беришни, уларнинг юракларига мардлик туйғуларини

---

[42] Гипендима — баданнинг пастки қисмига кийиладиган кийимнинг бир тури

юборишни худолардан сўради. Эгнига оппоқ либос, бошига эса олтин чамбар кийиб, Искандарла ёнма-ён от чоптираётган фолбин Аристандр тепада душман томонга парвоз қилиб кетаётган бургутни қўли билан кўрсатди. Буни кўрган барча аскарлар янада руҳландилар. Бирбирларига, ҳай баракалла, дейишиб аввал отлиқлар, кетидан эса фалангалар ёв устига ташландилар. Варварлар юнон пиёдаларининг биринчи сафлари жангга киргунга қадар чекинишга тушдилар. Искандар ёвни таъқиб қиларкан, уларни марказга, Доро жойлашган томонга қисиб борарди. Ярқираган қуролларини шайлаб, шоҳларини ҳимоя қилишга тайёр отлиқлар қуршовида ўзининг баланд жанг аравасида турган Доронинг келишган, барваста ва гўзал қиёфасини Искандар эронийларнинг бошлари орасидан аллақачон илғаб олганди. Чекинаётганларни ортга қайтариб, ҳали бузилмаган сафларни ҳам ёриб, фақат Дорога қараб интиларкан, бу билан Доронн қуршаб турган хос жангчиларини ҳам саросимага солди, сўнгра эса улар пароканда бўлиб кетишди. Форсларнинг чекинаётганлари билан жангга шай турганлари бир-бирига халақит берардилар. Хос жангчиларшинг фақат энг олижаноблари ва мардларигина Доронинг атрофида қолиб, охирги нафасларигача шоҳларини ҳимоя қилдилар. Яраланиб, ҳолдан тойиб йиқилаётганларида ҳам, жон талвасасида ҳам грек отлиқларига ташланиб ўлардилар. Бу билан подшоларнпп таъқиб қилишга имкон бермасдилар. Воқеаларнинг бари Доронинг кўз олдида бўлаётганди. Вазият шундай эдики, у жанг аравасини орқага ҳам буролмасди, ўликлар кўпайиб кетганидан отлар осмонга сапчир, аравакаш ҳам ҳеч бир иш қилолмай қолганди. Айтишларича, буни кўрган Доро, қуролларини ва жанг аравасини ташлаб, яқинда кўзи ёриган бияга миниб қочган. Аслида, Пармениондан ёрдам сўраб жўнатилган чопар келиб қолмаганда Доро бу гал ҳам қутулиб кетолмасди. Парменион уларнинг қанотида душман ҳали кучли жанг қилаётгани ва ёрдам берилмаса бўлмаслигини айттириб юборганди. Умуман олганда Парменионни бу жангда сусткашлик, фаолиятсизлик қилганликда айблашади. Бунга сабаб си

фатида бировлар, қариб қолганидан илгариги жанговарлиги сусайган дейишса, Каллисфен буни Искандарнинг шон-шуҳрати ортиб бораётганлигини кўролмасликдадир, деб кўрсатади. Нима бўлганда ҳам, Парменионнинг ёрдам сўраётганидан аччиқланган Искандар, жангчиларга асл сабабни айтмай, Дорони таъқиб қилишни тўхтатиш ҳақида буйруқ берди. Жангчиларга, қоронғу тушиб қолганлигини, беҳуда қон тўкиш лозим эмаслигини баҳона қилди. Парменион тарафга ташланаркан, душманларнинг батамом тор-мор ва пароканда этилганлигини йўлда эшитди.

XXXIV. Жангнинг ғалаба билан тугаши форсларнинг қудрати батамом синдирилди деган гап эди. Осиё шоҳи деб эълон қилинган Искандар тантанавор қурбонлик — худойилар берар, дўстларига қимматбаҳо совғалар, бойликлар ва саройларни тарқатар, бутун-бутун вилоятларни инъом этарди. Юнонларнинг ҳурматини қозониш учун ҳамма ердаги якка тиранлар ҳокимияти тугатилиши лозимлиги, барча давлатлар эркин ва тенг ҳуқуқли эканлиги ҳақида махсус номалар юборарди. Шунингдек, у платейликларга-да алоҳида нома юбориб, бир вақтлари уларнинг ота-боболари Юнонистон озодлиги йўлидаги жангларга ўз ерларини бўшатиб берганлиги учун шаҳарларини қайтадан қуриб беражагини ваъда беради. Искандар Италиянинг Кротон шаҳрига ҳам алоҳида мурувват кўрсатиб, форслардан тушган ўлжанинг бир қисмини жўнатади. Чунки, италияликларнинг бари юнонларнинг галаба қилишига ишонмай қўйишганларида Фаилл исмли атлет ўз ҳисобидан кема жиҳозлаб, хавфхатарда бирга бўлиш учун Саламинга[43] етиб келганди. Искандар мардликни, Ватан учун кўрсатилган жонбозликни ана шундай қадрлар ва ёдда тутарди.

XXXV. Ҳеч қандай қаршиликсиз таслим бўлган Бобилистондан ўтаётганда...[44] ги жарликдан отилиб чиқаётган оловга ва жарликдан сал нарироққа бориб кўл

---

[43] Саламин — Саламин жанги Искандардан юз йилларча аввал бўлиб ўтган эди. (Таржимон изоҳи)

[44] Матн бузилган.

ҳосил қилган нефтга, айниқса, ҳайрон қолганди. Нефт дегани тоғ мўмига жуда ўхшайдиган, лекин ўтга жуда таъсирчан суюқлик бўлади. Ўт уёқда турсин ундан чиққан ёруғликнинг ўзиданоқ ёниб, атрофдаги ҳавони ҳам ёқиб юборади. Варварлар нефтнинг табиий кучини Искандарга кўз-кўз қилиш мақсадида, шоҳ қўнғининг айланасига бошдан-оёқ нефт қуйиб чиқдилар-да, қоронғу тушгач, уни нариги бошидан туриб ёқиб юбордилар. Нефт дарров алангаланди ва бу аланга кўз очиб юмгунча кўчанинг охиригача етиб ловуллаб ёна бошлади.

Искандарни ювинтириб, баданларининг парваришига қарайдиган, шу билан бирга турли мутойиба ва қилиқлари билан димоғини чоғ қиладиганлар орасида афиналик Афинофан дегани ҳам бўларди. Бир куни ўта хушовоз бўлса-да, хунук Стефан деган қизиқчи бола ҳам Искандарнинг ҳаммомига чақирилганди. Шунда Афинофан Искандарга: «Шоҳим, истасанг шу суюқликни Стефаннинг баданида синаб кўрамиз? Агар нефт боланинг баданига юқса, боз устига ёнганда ўчмаса, унинг қўрқинчли ва енгилмас кучига шак-шубҳасиз ишонардим», деган. Стефаннинг ўзи ҳам тажрибани ўтказишга бажонидил рози бўлган. Лекин болага нефт суркаб, ўт қўйишгач ва у бошдан-оёқ ёна бошлагач, Искандар жуда кучли хавотир ва даҳшатга тушган. Агар ўша пайтда чўмилиш учун тайёрланган сув идишлари қўлларида турган бир неча хизматкор бўлмаганда бола баданидаги оловни ўчириб бўлмасди. Сувнинг ва одаларнинг тайёрлигини ҳисобга олганда ҳам олов жуда қийинчилик билан ўчирилди ва бола анча вақтгача жуда азоб чекди.

Афсоналарни ҳақиқат билан яқинлаштиришга уринувчи баъзи бировлар, фожеавий асарлардаги мадҳ этилган Медеянинг гулчамбар ва пеплосга суртган суюқлиги айнан шу нефтдир деб, ишонч билан айтадилар. Уларнинг тахминларича, Медеянинг совгаларидан ўт отилиб чиқмаган ёки у нарсалар ўзидан-ўзи ёниб кетмаган, балки олов ёки ёруғлик яқинлаштирилгандан кейин ёнган дейишади. Чунки, деб давом этишади улар, узоқдан келган нур ва ёруғлик айрим нарсаларни фақат ёритади ва иситади, айрим қуруқ, пўк ёки ёғлиқ суюқлик шимди-

рилган нарсаларда эса тўпланади ва охирида ёна бошлайди.

Нефт...ми[45] ёки аслида ёғлиқ ва иссиқ бўлган ернинг қаъридан оқиб чиққан суюқликми деган маъноларда жуда кўп баҳслар бўлган. Бобилистоннинг иқлими жуда иссиқ ўлка. Бу ернинг аҳолиси иссиқ пайтларда сув тўлдирилган чарм тўшакларда ухлащади. Бобилистонда ноиб қилиб қолдирилган Гарпал шоҳ саройини ва сайргоҳларни Юнонистондан келтирилган ўсимликларни кўкартириб безамоқчи бўлганда анча муваффақиятларга эришган. Фақат плюшни тупроқ қабул қилмаган. Чунки плюш салқин ва нам ҳавода ўсади. Ўлканинг оби ҳавоси иссиқ ва қуруқ. Бу икки нарсани эса бир-бирига қўшиб бўлмайди.

XXXVI. Искандар Сузни эгаллаганда ундаги шоҳ саройидан қирқ минг талант тангага, турли қимматбаҳо идишларга, тошларга эга бўлди. Ҳикоя қилишларича, саройдан Гермионда ишланган беш минг талант пурпур[46] топилган бўлиб, у хазинада бир юз тўқсон йилдан бери сақланса-да ҳали ўзининг рангидаги ёрқинликни ва сифатини йўқотмаган экан. Тахмин қилишларича, бунчалик яхши сақланишига сабаб, қирмизи матога рангни асал асосида, оқ рангни эса мой асосида тайёрлашган эмиш. Зероки, бу икки нарса матонинг тиниқ ва ёрқин рангларини узоқ муддат сақлар экан. Дионнинг айтишига кўра, форс шоҳлари бутун дунёни тобе қилганларини, қудратларининг чексизлигини, давлат чегарасининг ниҳоятда катталигини доимо эслатиб туриши учун хазиналарида Нил ва Истра дарёларидан келтирилган сувларни сақлар эканлар.

XXXVII. Персидага юриш катта қийинчиликлар билан боғлиқ эди. Чунки у юрт етиб бориш мушкул бўлган тоғликлардан иборат бўлиб, бундан ташқари уни атоқли форс лашкарбошилари ҳимоя қилардилар (Доронинг

---

[45] Матн бузилган

[46] Пур-пур — тритоний ва қирмизи чиғаноқдан олинган бўёқ билан бўялган мато

ўзи қочиб кетганди). Бироқ Искандарнинг омади келиб, айланма ва қисқа йўлларни биладиган сарбон топилди. Отаси ликиялик, онаси форс бўлган бу одам икки тилни ҳам яхши биларди. Искандарнинг болалигидаёқ форсларга қарши юришида...[47] ликиялик йўлбошловчилик қилади, деб фол очганида Пифия ана шуни назарда тутган экан. Искандар бу жангда асир тушганлардан жуда кўпини ўлдиришга буйруқ берган. Ҳикоя қилишларича, Персидадаги топилган бойлик Суздагидан қолишмасди. Бу ердан ўн мингта хачир арава, беш мингта туяга ортилган бойлик ва хазина олиб чиқиб кетилган.

Саройга ҳар томондан оқиб келаётган оломон томонидан ағдариб ташланган Ксеркснинг (Кайхисрав) ҳайкалига қараб, Искандар худди тирик одамга мурожаат қилганидек гап қотган: «Нима қилай? Юнонларга қарши уруш очганинг учун ётган ерингда қолдираверайми ёки кўрсатган матонат ва олижанобликларинг учун кўтариб қўяйми?» Шу сўзларни айтиб, у хаёлга чўмиб узоқ турган, сўнг индамай узоқлашган. Аскарларига дам бериш учун бу шаҳарда тўрт ойча қолган. Бу қиш ойлари эди.

Ҳикоя қилишларича, тилла бериб тикилган чодир остидаги тахтга биринчи бор ўтирганда Филиппнинг ҳамда Искандарнинг эски дўстларидан бўлган коринфлик Демарат чолларга хос йиғи қилиб шундай деган экан: «Оҳ, бечора шаҳид бўлган юнонлар, улар Искандарнинг Доро тахтида ўтирганини кўриш бахтидан бебаҳра кетдилар».

XXXVIII. Бир куни, яна Доронинг кетидан қувишга тушиш арафасида, Искандар дўстлари билан базм уюштириб шоду ҳуррамлик қиларди. Бу базмда ўзларининг севиклиларига эргашиб келган аёллар ҳам ҳозир эдилар. Базму жамшидда келиб чиқиши аттикалик бўлган, кейинчалик шоҳлик тожини кийган Птолемейнинг махбубаси Таида, айниқса, ажралиб турарди. У гоҳ Искандарни нафосат билан мадҳ қилиб, гоҳ унинг устидан

---

[47] Матн бузилган

ҳазил-мутойибали кулиб, майнинг кайфи таъсирида лутф айтишга қарор қилган. Бу лутф она шаҳридаги урф-одатларга батамом мос бўлса-да, унинг табиатига зид эди. У бугун, калондимоғ форс шоҳларининг маконларини таҳқирлаб, мазах қилиб ўтираркан, Осиё бўйлаб дарбадар юрганларида тортган машаққатлари учун мукофот олаётгандек ҳис қилаётганини гапирган. Бугун шоҳнинг кўзи олдида, Афинага ўт қўйиб, кунпаякун қилган Ксеркснинг саройига ўз қўлим билан ўт қўядиган бўлсам, хурсандчилигим бундан ҳам ортади деган. Искандарга эргашиб юрган аёллар, давом этган у, Юнонистон учун қуруқликдаги ва денгиздаги машҳур лашкарбошилардан ҳам яхшироқ қасос олдилар деб, одамлар гапириб юрсин». Аёлнинг бу гаплари — хайрихоҳ ғала-ғовур, кучли олқишлар билан кутиб олинди. Дўсларининг тинмаётган ҳайбаракалласи таъсирида Искандар дик этиб турган-у, бошига гулчамбарини кийиб, қўлига машъала олиб, йўл бошлаган. Унга эргашганлар ғовур-ғувур, тўполон билан қасрни ўраб олишган, гап нимадалигини эшитган бошқа македонияликлар ҳам машъалалар билан югуриб келишган. Искандар эроншоҳнинг қасрига ўт қўйиб йўқ қилмоқчи экан, демак, варварлар орасида қолиб яшашга эмас, уйга қайтишга қарор қилибди, деб севинишган. Ёнғин ҳақида баъзи бировлар юқоридагидек ҳикоя қилишади. Баъзилар эса, ёнғин аввалдан, хушёрлик пайтида пухта ўйлаб амалга оширилган дейишади. Лекин бу икки тараф ҳам, Искандар дарров фикридан қайтиб ёнғинни ўчиришга буюрган, деган фикрда якдилдирлар.

XXXIX. Салтанати ва қудрати буюклашгандан сўнг Искандарга табиатан хос бўлган саҳийлик хусусияти яна кучли намоён бўла бошлади. Сахийлик эса меҳр билан қўшилганда ҳақиқий қиймат касб этади. Искандарда ана шулар мужассам эди. Бунга баъзи бир мисолларни келтириб ўтаман. Душман жангчисини ўлдириб, узилган калласини кўрсатган пеонияликлар қўмондони Аристон Искандарга шундай деган: «Бу каби совға бизларда олтин қадаҳга лойиқ деб ҳисобланади». «Бор-йўғи бўш қадаҳгами, — деб сўраган кулиб туриб Искандар, — сенга

уни бераман. Лекин аввал уни тўлдириб соғлиғинг учун ичиб олай». Македониялик оддий жангчи бир куни хазинага тегишли тиллани хачирга ортиб ҳайдаб борарди. Хачир ҳолдан тойиб юролмай қолганда жангчи юкни ўзи кўтариб олади. Шоҳ унинг чекаётган азобини кўриб, гап нимадалигини суриштиради ва юкни ерга қўймоқчи бўлган жангчига шундай дейди: «Бардам бўл, яна озгина чидагин-да, юкни ўз чодирингга олиб борақол». Умуман олганда, Искандар совға сўрайверадиганлардан кўра, совға берганда рад этувчилардан кўпроқ аччиқланарди. Фокионга ёзган хатида, агар Фокион бундан кейин ҳам кўрсатилган мурувватдан воз кечавераркан Искандар у билан дўстлик алоқаларини узишини билдирган. Ўзи билан ҳамиша тўп ўйнашда шерикчилик қиладиган Серапион деган йигитчага у ҳеч қандай мурувват кўрсатмас экан, чунки у йигитча бу ҳақда сўрамас ҳам экан. Бир куни тўп ўйинида Серапион унга ҳеч тўп оширмабди. Искандар ундан сўрабди: «Нега менга бугун тўп оширмаяпсан?» Серапион шундай деб жавоб берибди: «Ахир сен сўраётганинг йўқ-ку». Искандар кулиб юборибди-да, йигитчага катта совғалар берибди. Базмларда ҳазил-мутойиба қилиб, латифалар билан шоҳ кўнглини чоғ қилиб юрадиган Протей, ўзининг шоҳга ёқмай қолганини сезибди. Дўстларини ўртага солиб илтимос қилдириб, ўзи йиғлаб кечирим сўрапти. Искандар, кечирдим, дебди. «О, шоҳим, — дебди Протей, кечирганингни билдирувчи бирон нарсангни менга бер». Шунда Искандар беш талант тилла бериб юборишни буюрган экан.

Искандарнинг дўстларига, ясовулларига, тунқотарларига қилаётган инъомларининг не чоглик катталигини онаси Олимпиаданинг унга ёзган хатидан ҳам билса бўлади. «Дўстларингга мурувват ва меҳрибончилик қилишнинг бошқа йўлини топгин. Бу аҳволда сен уларни шоҳга тенглаштириб қўймоқдасан. Уларга дўст ва мулозим орттиришга имкон бериб, ўзингни ёлғизликка мубтало қилаётирсан». Бу мазмундаги хатларни Искандар Олимпиададан тез-тез олар, бироқ уларни сир сақларди. Фақат бир марта, Гефестион одати бўйича муҳр-

ни бузиб, онанинг хатини ҳам ўқиб бермоқчи бўлганда Искандар уни тўхтатмади-ю, бироқ қўлидаги узугини ечиб, муҳрли тарафини унинг лабига теккизиб қўйди.

Доронинг энг атоқли кишиларидан бири Мазейнинг ўғлига Искандар аввал инъом этган сатрапиясига қўшимча тариқасида яна битта, ундан ҳам бойроқ ва кенгроқ сатрапияни инъом қилганда у олмаган ва шундай жавоб берган: «Бурун битта Доро бор эди, сен эса бир неча Искандарни яратдинг». Парменионга Искандар беш минг талантлик кийим-кечак ўлжа олинган Багойнинг қасрини инъом этган. Антипатрга ёзган хатида Искандар унга душманлардан сақланиш учун танқўриқчилар ёллашни маслаҳат беради. Онасига у жуда кўп туҳфалар жўнатган, бироқ давлат ва ҳарб ишларига аралаштирмаган ва онасининг бу хусусдаги таъналарини индамай эшитаверган. Антипатрнинг Олимпиада устидан шикоят қилиб ёзган жуда узун хатини ўқиб бўлиб, «Онанинг бир томчи кўз ёши бунақа хатларнинг мингтасини унуттириб юборишини Антипатр билмайди-да», деган экан.

XL. Искандар ўз яқинларининг ялқовлашиб, ҳашаматга ҳаддан ортиқ берилиб кетганликларини кўриб турарди: теослик Гагнон этикларига кумуш михлар ишлатарди, Леоннатнинг гимнасийи учун қумни Мисрдан туяларга ортиб келтиришарди; Филотникида ов матраплари шунчалик кўп тўплачиб қолгандики, уларни ёзса юз стадийча чиқарди; ҳаммомда пиоҳнинг дўстлари баданларига зайтун ёғидан кўра кўпроқ турли-туман хушбўй ёғларни ишлатардилар, қаерга борсалар ходимигарларини, ётарда уқаловчиларини бирга олиб юрардилар. Буларнинг бари учун Искандар дўстларини юмшоқ қилиб, лекин топиб-топиб, ақл билан койирди. Ҳўв, шунча қақшатқич жангларни кўргансанлар, зафарбардорлар мағлублардан кўра ширинроқ ухлашини наҳотки унутдинглар, деб ҳайронлик билдирарди. Ҳўв, бизнинг ва форсларнинг ҳаёт тарзини солиштириб ўз баданида синаб кўрганлар! Зеб-зийнатга ғарқ бўлган ялқовлик — қулларга хос, меҳнат эса шоҳларга хос эканлигини билмайсанларми?» «Инсоннинг энг қимматли нарса-

си — ўз баданини ўз қўли билан парвариш қилиш эканини наҳотки унутдинглар? — дерди у, — Отига ўзи қарай оладиган, найза ёки дубулғасини ўзи созлай оладиган қолдими ичларингда? Ғалабанинг бизлар учун том мақсади мағлублар қилганни қилмаслик эканлигини билмайсанларми?» Искандарнинг ўзи эса, юриш ва ов пайтлари илгаригига нисбатан ҳам ортиқроқ ўзини хавф-хатарга урар, ўзини ҳар жиҳатдан тобларди. Бир куни овда унинг катта арслонни ўлдирганини кўриб, бирга бўлган лакон элчиси: «Искандар, сен шоҳлик салтанати учун ажойиб жанг қилдинг», — деган экан. Бу ов жангининг тасвирини чизган Кратер, асарини Делфага бахшида этган. Бу тасвирдаги арслон, итлар, жанг қилаётган шоҳ, ёрдамга югуриб келаётган Кратернинг ўзини кейинчалик Лисипп ва Леохар ҳайкал қилиб ясашган.

XLI. Ўзига меҳнат ва машқ машаққатларини юклаб, бошқаларни матонатга ундаркан, хавф-хатарлардан ўзини тортмасди. Бироқ унинг дўстлари бойиб кетганларидан кейин манманликка берилиб, фақат маишатни, ҳузур-ҳаловатни ўйлайдиган бўлиб қолдилар. Дарбадарлик ва ҳарб ишлари уларга оғирлик қила бошлади. Шу кайфиятда улар аста-секин шоҳга танбеҳ берадиган, у ҳақда ёмон фикрлар айтиш даражасига бориб етдилар. Аввалига Искандар буларга унчалик парво қилмади. Яхшиликлари эвазига маломатлар эшитиш — шоҳлар учун янгилик эмаслигини гапириб юрди. Дарҳақиқат, яқин ёр-биродарларига қилган мурувват ва меҳрибончиликлари Искандар уларни не чоғлик севганидан далолат беради. Мен улардан баъзи мисолларни келтириш билан чекланаман. Ов пайтида айиқдан жароҳат еган Певкестга хат ёзиб, ҳамма ёр-дўстлар бунн билибди-ю, мени бехабар қолдирибсан, деб танбеҳ беради. «Энди, — деб илтимос қилади Искандар, — ўзингнинг соғлигинг ҳақида, шунингдек, овдаги хатарли дақиқада сени ташлаб қочган дўстларинг ҳақида менга ёзиб юбор. Зероки, бундай одамлар жазоланишлари керак». Иш билан қаёққадир кетган Гефестионга хат ёзиб, ов пайтида мангустани гиж-гижлаб туришганда Пердиккка беҳосдан найзаси билан Кратерга жароҳат етказга-

нини хабар қилади. Хасталикдан соғайиб чиққан Певкестнинг табибига махсус хат ёзиб, унга миннатдорчилик билдиради. Тушида Кратернинг касалланганини кўриб, эртасига қурбонлик беради ва Кратернинг ўзига ҳам худойи қилиб юборишини илтимос қилади. Кратерни чемерица билан даволамоқчи бўлган Павсанийга ҳавотирланиб хат ёзади ва чемерицадан фойдаланиш йўлларини маслаҳат қилади. Гарпалнинг сотилиб қочиб кетгани ҳақида биринчи хабарни берган Эфиалт билан Киссни туҳматчилар деб кишанбанд қилдиради. Искандар хасталанган ва ёши ўтган жангчиларни ватанга қайтараётганда эгдик Эврилох деган жангчи касаллар рўйхатига кириб олди. Бироқ унинг ёлғони фош бўлади. Шунда Эврилох Телесиппани севиб қолганидан, у билан бирга денгиз бўйига кетиш ниятидалигини айтади. Искандар у аёлнинг кимлигини сўрайди ва озод гетера[48] эканлигини эшитгач, шундай дейди: «Эврилох, биз сенинг севгингга хайрихоҳмиз. Лекин Телесиппани туққанлар озод кишилар экан, шунинг учун уни гап билан ёки совға билан ёнингда қолишига кўндириб кўр».

XLII. Унинг ёр-биродарларига диққат-эътибори кишини ҳайратга солади. Дўстларига тегишли энг майда-чуйда нарсаларгача назардан қочирмай хат ёзишга имкон топади. Масалан, хатларнинг бирида Киликияга қочиб кетган Селевкнинг қулини топтиришни буюради. Певкестга эса Кратернинг Никон деган қулини тутгиргани учун миннатдорчилик билдиради. Мегабизга йўллаган мактубида, эҳромга кириб паноҳ топган қул ҳақида ёзаркан, бир амаллаб уни эҳромдан алдаб чиқариб банди қилишни, лекин эҳром ичида тегинмасликни маслаҳат беради. Искандарнинг подшоҳлик қилган дастлабки йиллари ҳақида ёзганларнинг ҳикоя қилишларича, ўлим жазосига маҳкум этиладиган жиноий ишларни кўриш пайтида, айбловчи гапираётганда у қўли билан бир қулоғини беркитиб ўтираркан. Бунинг маз-муни шуки, айбловчининг таъсирига берилиб кетиб, бе-

---

[48] Гетера — оила қурмаган, оилавий вазифалардан озод аёл

тарафлик туйғусини йўқотиб қўймай деркан. Бироқ кейинчалик, ҳақиқатни яшириш, ҳақиқат ўрнини олишга уринувчи уйдирмаю ёлғонларни эшитавериб, кўравериб қаҳри қаттиқ бўлиб қолган. Умрининг ана шу даврида ўзи ҳақида ҳақоратомуз гаплар эшитгудек бўлса жуда аччиқланадиган, маслаҳат эшитмайдиган, раҳмсиз бўлиб боради. Чунки у шон-шуҳратни жонидан ва подшоҳликдан ҳам устун қўядиган одам эди.

Доро билан жанг қилиш ниятида Искандар яна сафарга чиқди. Доронинг Бесс томонидан асир олинганлигини эшитиб, у фессалияликларга уйларига қайтишга ижозат берди. Уларга маошларидан ташқари иккн минг талант пул ҳадя этди. Доронн таъқиб этиш жуда оғир ва машаққатли бўлди. Ўн бир кун ичида уч минг стадий йўл босишга тўғри келди. Жуда кўп отлиқлар ҳолдан тойиб қолишди. Айниқса, сувсизлик қаттиқ азоб берарди. Шу ерда уларга дарёдан мешда сув ташиётган қандайдир македонияликлар йўлиқди. Қоқ пешин пайти эди. Искандарнинг сувсираб азоб чекаётганини кўрган мешкобчилар дарров битта дубулғага сув тўлдириб унга беришди. Шоҳ улардан сувни кимга олиб кетишаётганини сўраганда, улар шундай дейишди: «Ўгилларимизга; лекин сен тирик бўлсанг, биз буларни йўқотсак ҳам майли, бошқаларини туғдириб оламиз». Қўлида сув тўла дубулгани ушлаб турган Искандар орқасидаги жангчиларга ўгирилди. Уларнинг бари сувдан кўз узмай турарди. Буни кўрган Искандар бир қултум ҳам ичмай дубулғани қайтарди. Миннатдорчилик билдираркан шундай деди: «Мен бир ўзим ичсам буларнинг руҳи чўкади». Шоҳнинг матонат ва олижаноблигини кўрган жангчилар отларига қамчи уриб, ҳеч иккиланмай олға бошлайверишини, шундай шоҳлари бор экан, улар толиқишни, сувсашни ўйлашлари ҳам мумкин эмаслигини, ҳатто ўзларини ўладиган мавжудот деб ҳисобламасликларини айтиб ҳайқиришди.

XLIII. Жангчиларнинг бари бир хилда жонбозлик кўрсатишди. Бироқ душман қароргоҳига шоҳларининг ортидан фақат олтмиш кишигина ёриб кира олди. Олтмишта македониялик атрофда сочилиб ётган олтину ку-

мушларга ҳам, аравакашлари қочиб қолганидан турли тарафга ўрмалаётган бола-бақра, хотин-халаж ўтирган араваларга ҳам қарамай, олдинда қочиб кетаётганлар кетидан — Доро кетидан интилишарди. Ниҳоят улар Дорони топдилар. У ўзининг жанг аравасида ётар, кўп найза жароҳати олган ва ўлим арафасида эди. Доро сув сўради. Полистрат унга совуқ сув келтирди. Доро чанқоғини қондириб бўлиб шундай деди: «Кўрсатган олижаноблигинг учун яхшилик қайтараолмаслигим — бахтсизлигимнинг чўққисидир. Сенга буни Искандар қайтаради. Искандарга эса, унинг онамга, аёлимга, болаларимга кўрсатган олижаноблиги учун худолардан қайтади. Унинг қўлини менинг учун қисиб қўй». Доро гапини тугатиб, Полистратнинг қўлини олди-да, жон берди.

Искандар мурданинг олдига келиб, изтиробини яшириб ҳам ўтирмай эгнидаги ёпинчиғини ечди ва Доронинг устига ёпди. Кейинчалик Искандар Бессни топтириб қатл эттирди. Қатл шундай бўлган эди. Икки тик ўсган дарахт букилиб, учлари бирлаштирилди. Уларга Бессни боғлаб қўйиб юборишди. Куч билан тикланган дарахтлар гавдани бўлиб ташлади. Доронинг шоҳона қилиб парвариш берилган жасадини онасига юборишди. Унинг Эксатр исмли укасини Искандар ўзига мулозим қилиб олди.

XLIV. Сўнг, Искандар аскарларининг энг яхши қисми билан Гирканияга йўл олди. У ерда улар суви бошқа денгизлардагидан чучукроқ бўлган қўлтиққа дуч келдилар. Кўриниши Понтдан қолишмайдиган бу қўлтиқ ҳақида Искандар ҳеч қандай маълумот ололмади ва уни Местиданинг бир чеккаси бўлса керак, деган фикрга келади. Аслида эса табиатшуносларга бу денгиз маълум эди. Искандарнинг юришидан анча бурун улар Гиркан қўлтиғи ёки Хазар денгизи океаннинг тўртта қўлтиғидан энг шимолийси эканлигини ёзиб қўйгандилар.

Бу ерга маҳаллий варварлар тўсатдан отбоқарларга ҳужум қилиб, Букефални обқочиб кетишди. Искандар ҳаддан зиёд аччиқланиб даракчи орқали, агар оти қайтарилмас экан, бари аҳолини — хотину бола-чақаси билан қириб ташлашини эълон қилди. Аммо отини қайта-

риб беришиб, шаҳарлар эса ихтиёрлари билан бўйинсунганларидан кейин Искандар уларга жуда яхши қаради. Букефал учун эса ҳатто, товон ҳам тўлади.

XLV. Гиркаиядан сўнг Искандар қўшини билан Парфияга ўтди. Худди мана шу ўлкада у ҳарб ишларидан дам олар экан, умрида биринчи марта варварларнинг кийимини кийди. Буни маҳаллий аҳолига ёқиш учун атайлаб қилдими ёки ўзининг шахсига сиғинишни жорий қилиш ниятидами, македонияликларни янги урфодатларга ўргатмоқчимиди — аниқ айтиш қийин. Аммо нима бўлганда ҳам Искандар ҳаддан ташқари варварча, алмойи-алжойи бўлган мидияча либосни бутунлай қабул қилмади.

Мисол учун у шалвар, кандия ва тиарани киймай мидия ва форс кийимларидан қўшиб уйғун бир либос танлади.Бу либос биринчидан сал камтарроқ бўлса, иккинчидан сал тантанаворроқ эди. Аввалига Искандар бу либосни фақат варварлар билан учрашганда ёки уйда дўстлари билан суҳбат қурган чоғларида кийиб юрди. Аммо кейинчалик, расмий ташриф ва қабул пайтларида ҳам шу кийимдан фойдаланаверади. Бу нарса македонликларга оғир ботса-да, шоҳларини бошқа ҳамма соҳадаги мардликлари учун бу қилиғини, шунингдек маишатбозликка берилаётганини ва атайин кўз-кўз қилинадиган тантанаворликларини кечиришарди. Бундан ташқари, ҳикоя қилинаётган даврга ча бўлган юришларда чеккан заҳматлари ва олган жароҳатларини айтмаганда ҳам у яқингинада тиззасидан камон ўқи билан яраланганди ва бўйнига тош текканди. Тиззасидаги жароҳат шундай кучли эдики, камон ўқи суякни синдириб, ташқарига чиқариб юборганди. Бўйнига теккан тошдан узоқ вақтгача кўз олдига парда тортилгандек бўлиб юрди. Буларнинг барини македонияликлар ҳисобга олишарди. Искандар эса ҳамон ўзини жасоратларга ташларди. Мисол учун у сурункали ичкетар касалига мубтало бўлганига қарамай Орексарт дарёсини Тананд деб ўйлаб кечиб ўтди ва скифларни юз стадийгача қувиб борди.

XLVI. Кўпчилик, шу жумладан, Клитарх, Поликлит, Онесикрит, Антиген, Истрларнинг ёзишича, Искандар-

га ўша ерларда амазон аёл учраган. Аммо Искандарнинг котиби Харет, шунингдек, Арасту, Птолемей, Антиклид, фивалик Филон, теангенлик Филипп, эретрийлик Гекатей, халкидиялик Филипп, самослик Дуридлар бу гапни уйдирма деб ёзишади. Искандарнинг ўзи ҳам бу — кейингиларини тасдиқлагандек бўлади. Аптипатрга ёзилган батафсил хатида скифларнинг шоҳи қизини хотинликка берганини ёзади-ю, амазон аёл ҳақида оғиз очмайди. Айтишларича, орадан анча йиллар ўтиб, Онесикрит асарининг амазон аёл ҳақида ёзилган тўртинчи жилдини ўқиб бораётганида, Лисимах (бу пайтда у подшоҳ этиб сайланган эди) миннгида кулиб туриб, «Қизиқ, ўша пайтда мен қаерда эканман-а?» деб сўраган экан. Аммо амазон аёл ҳақидаги гапларга биз рост ёки уйдирма деб қарашимиздан қатъи назар, Искандарнинг шахсига қойиллигимиз камаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам.

XLVII. Искандар македонияликлар руҳан чўкиб, сафарни давом эттиришни истамай қоладилар, деб кўрқарди. Шунинг учун у қўшиннинг қолган қисмини безовта қилмай, ўзи билан Гирканиядан ўтган йигирма минг пиёда ва уч минг отлиқни бир жойга тўплаб, мурожаат қилди. Шу пайттача, деди у, варварлар македонияликларни худди тушларида кўргандек бўлдилар. Энди эса, Осиёни алғов-далғов қилиб қўйиб, македонияликлар бу юртни ташлаб, қайтиб кетадиган бўлса, варварлар уларни қўрқоқлар деб ҳисоблаб шу заҳотиёқ орқадан ташланадилар. Искандар, қайтмоқчи бўлганларни ушлаб қолишга ҳаракат қилмайди. Лекин, кейинчалик худолар шоҳид бўлсинки, македонияликлар уни, бутун дунёни македонияликларга олиб беришни ният қилган Искандарни бир тўда дўстлари ва кўнгиллилар билан ёлғиз ташлаб кетган бўладилар. Искандар Антипатрга ёзган хатида ҳам ўз нутқини тахминан мана шу мазмун ва ибораларда баён қилади. Шу хатида, ўз мурожаатини тугатгандан сўнг жангчиларнинг бари уни баралла олқишлаб, дунёнинг чеккасигада у билан боришга тайёр эканликларини изҳор этишганини илова қилади. Қўшиннинг ана шу қисмида муваффақият қозонгач, унинг қолган катта қисмини кўндириш унчалик қийин

эмасди. Аскарларнинг бари шоҳ ортидан боришга кўндилар. Шу пайтдан бошлаб Искандар бир томондан ўз турмуш тарзини маҳаллийчага мослаштиришни кучайтирди. Чунки шу яқинлаштириш ва аралаштириш орқали ўз ҳокимиятини куч билан эмас, яхшилик билан мустаҳкамлайман ва узоқ ўлкаларга юриш қилсам, бу жуда асқотади, деб ҳисобларди. Яна шу мақсадда у маҳаллий болалардан ўттиз мингтасини танлаб олиб, юнонча билимга ва македонча қурол-яроғни ишлатишга ўргата бошлади. Уларга устозликка жуда кўп одамларни жалб этди. Қизларнинг жўр ўйинида учратиб, бир кўришдаёқ севиб қолган гўзал ва сарвиқомат Роксанани никоҳига олгани ҳам унинг ниятларига мос келарди. Бу никоҳ Искандарни варварлар билан алоқасини мустаҳкамлади. Ўзини асир этган қизни ноқонуний йўл билан олишга уринмай, ҳисларини тизгинлаб, одоб сақлагани варварларнинг шоҳга бўлган ишончи, муҳаббатини жуда кучайтирди.

Энг яқин дўстларидан бири Гефестион Искандарнинг варварларга яқинлашаётганини маъқуллаб, ўзи ҳам тақлид этаётганини, иккинчи дўсти Кратернинг эса македон одатларига содиқ қолаётганини кўриб уни ҳам маъқуллади. Варварлар билан ҳамма муомаласини Гефестион орқали, юнон ва македонлар билан эса Кратер орқали олиб бора бошлади. Биринчисига жуда қаттиқ меҳр қўйиб, иккинчисини эса жуда ҳурмат қилиб: Гефестионни — Искандарнинг дўсти, Кратерни эса шоҳнинг дўсти, деб атарди. Шу сабабдан унинг икала дўсти бир-бирига адоват кўзи билан қарашар, тез-тез жанжаллашиб туришарди. Бир куни Ҳиндистондалик пайтларида бу иккаласининг жанжали бир-бирига қилич ялангочлашгача бориб етди. Шу заҳотиёқ икковининг тарафдорлари ҳам бир-бирларига қарши шайланди. Лекин Искандар отига қамчи уриб етиб келди-да, Гефестионни барчанинг олдида: агар Искандарнинг йўқотса қеч нарсага арзимайдиган одамга айланишини тушунмайдиган эси паст, аҳмоқ деб, бақириб урушди. Кратерга ҳам қаттиқ танбеҳ берди. Сўнг икковини ҳузурига чақириб яраштирди-да, Амон ва бошқа худолар номи билан қасам ичиб, тирик-

лар ичида энг яхши кўрадиган одам иккови эканлигини, бироқ агар яна уришишганини билиб қолса — икковини ёки жанжални биринчи бошлаганни, албатта, шахсан ўлдиражагини айтди. Ҳикоя қилишларича, шу танбеҳдан сўнг иккови на ҳазил билан, на иш ёки ҳаракат билан бир-бировини хафа қилишга уринмаган экан.

XLVIII. Филот Парменион ўғли македонияликлар орасида мард, иродаси мустаҳкам одам сифатида катта обрў қозонганди. Сахийлик ва меҳрибончиликда Искандардан кейин ундан ўтадиган одам топилмасди. Ҳикоя қилишларича, бир куни ундан бир дўсти пул сўраганида, у уй бошқарувчисига бериб юбор , деб буюрган. Уй бошқарувчиси пул йўқлигини баҳона қилганида, «Нималар деяпсан ўзи? Биронта қадаҳ ёки либосинг ҳам топилмайдими?» деган экан. Аммо калондимоғлиги, ҳаддан зиёд бойлиги, олий зотга тааллуқли бўлмаса-да, олий зотга хос тарзда яшаши, баданини парваришлаш усулларининг ўта назокатли эканлиги, иззатталабликда қўпол, ғашга тегадиган даражада меъёрдан ошиши одамларда ҳасад ва адоват уйғотганди. Ҳатто отаси Парменион ҳам унга «Ўғлим, сал пастроқ тушсанг бўларди», деб танбеҳ берган эди. Хуллас, шу Филот Искандарнинг ҳам қора рўйхатига тушган эди. Доронинг Киликиядаги мағлубиятидан кейин Дамашқдаги бойликлар билан бирга, кароргоҳга минглаб бандилар келтирилди. Улар ичида гўзаллиги билан ажралиб турадиган пидналик Антигона деган қиз ҳам бўлиб, уни Филот ўлжа сифатида олганди. Барча эркаклар қатори май ичиб олгач, Филотнинг тили ечилиб кетарди. Антигонага ўзининг жасоратлари хусусида мақтанар, буюк ғалабаларга ўзим ва отам туфайли эришдим, Искандар эса болакай, бутун шон-шуҳратининг сабабчиси отам иккимиздир, дерди. Аёл бу гапни танишларидан бирига, таниши эса ўз танишига, хуллас, барча миш-миш каби ўрмалаб, охири Кратернинг қулоғигача етган ва Кратер аёлни яширин равишда Искандарнинг қошига келтирган. Аёлни эшитиб бўлгач, Искандар унга Филот билан учрашувларини давом эттираверишини ва нимаики гап бўлса, шахсан унга етказиб туришни тайинлаган.

XLIX. Бу воқеадан хабари йўқ Филот, Антигонанинг олдида бурунгидек мақтанаверган ва қизишиб кетган чоғларида шоҳ ҳақида номаъқул гапларни ҳам айтаверган. Филотга қарши жиддий айблар қўйилаётганига қарамай, Искандар Парменионнинг садоқатига ишонганидан, ё ота-боланинг куч-қудратидан ҳайиққанидан индамай юраверган. Бу орада Македониянинг Халастра шаҳарчасидан чиққан Димн деган одам Искандарга нисбатан хуфиёна фитнани бошлаб юборган. Фитнага ўзининг Никомах отли баччасини ҳам тортмоқчи бўлган. Никомах таклифдан воз кечиб, бор гапни акаси Кебалинга айтиб берган. Кебалин эса укасини эргаштириб Филот қошига борган ва ака-укани шоҳнинг ҳузурига олиб киришни, жуда муҳим гаплари борлигини айтган. Не сабабданлиги номаълум, бироқ шоҳнинг бундан муҳимроқ ишлар билан бандлигини айтиб пайсалга солган. Бу ҳол иккинчи марта такрорлангач, ака-ука бошқа одамга мурожаат этишган.Шу одам ёрдамида Искандар ҳузурига киришган ва Димн ҳақида бор гапни айтиб беришган, гап орасида Филотнинг шоҳ билан учраштиришни икки марта пайсалга солганини ҳам гуллаб қўйишган. Искандарнинг қони қайнаб, Димнни ҳибсга олиш учун аскар жўнатган.

Димн қаршилик кўрсатгани учун уни ўлдиришдан бошқа илож қолмаган. Бу хабардан Искандар бадтар шубҳага тушган, чунки Димннинг ўлдирилиши фитнанинг очилишидаги энг муҳим гувоҳни йўқ қилиш билан баробар ҳисоблаган.

Парменионинг ўглини азалдан ёмон кўриб юрган одамлар фисқу фасодни кучайтиришган. Искандар фисқу фасод тарқатувчиларни бир жойга тўплаб, уларнинг важларини эшитган. Тўпланганлар қандайдир ҳеч ким назарига илмайдиган Димнининг ўзи бундай катта жиноятга қўл уролмайди, унинг орқасида катта кучлар бор.Ана ўшалар бу ишнинг сир бўлиб қолишидан манфаатдордир дейишган. Шоҳ жим туриб эшитган. Хуллас, Филотга қарши яна мингта айбни юклаб ташлашган. Ниҳоят, шоҳ Филотни банди қилишга буйруқ берган. Филотни шоҳнинг дўстлари иштирокида азоблаб сўроқ

қилишган. Искандарнинг ўзи парданинг орқасида эшитиб турган. Ҳикоя қилишларича, Филот инграб Гефестиондан шафқат сўраганда, «Қандай қилиб сен — Филот, шундай нродасиз ва қўрқоқ бўла туриб, фитна қилишга жазм қилдинг?» — деб юборган экан Искандар.

Филотнинг ўлимидан кейин Искандар шу заҳотиёқ Мидияга отаси Филиппнинг ўнг қўли ва ўзининг ҳам энг ишончли дўстларидан бири, ўзини Осиёга юриш қилишга рағбатлантирган садоқатли Парменионни ўлдиришга одам юборди. Парменионнинг уч ўғли бор эди. Иккитаси жангларда ўзининг кўзи олдида ҳалок бўлганди. Учинчиси эса ўзи билан бирга ўлдирилган.

Буларнинг бари Искандарнинг дўстлари орасида даҳшатли қўрқув уйготди. Айниқса, Антипатр ваҳимага тушганидан этолияликларга яширин одам юбориб сулҳ тузиб қўйди. Этолияликлар бир пайтлар Эниадани вайрон қилганларида, Искандар: «Бу иш учун эниадаликлар эмас, шахсан ўзим қасос оламан», дегани учун ундан жуда қўрқардилар.

L. Бу воқеалардан кейин тез орада Клит ҳам фожеали ўлдирилди. Агар Клитнинг ҳалокатини батафсил баён қилмасам, бу ўлим Филотнинг ўлимидан ҳам кўра шафқатсизлик ва ёвузлик намунаси бўлиб туюлиши мумкин. Аксинча, барча сабаб ва ўша пайтдаги вазият қандай бўлганлиги айтиб берилса, унинг қасддан эмас, тасодифан ўлдирилганлиги, шоҳнинг кайф устида жаҳл отига миниши бу фожеага шунчаки тасодифий сабаб бўлгани ойдинлашади. Воқеа бундай бўлган эди. Денгиз оша келган қандайдир одамлар Искандарга Юнонистондан мева-чевалар совға қилганлар. Меваларни кўриб кўзлари қувонган шоҳ уларни тақсимлаш ва улашиш учун Клитни чақиртирган. Клит бу пайтда худойи қилаётган эди. Шоҳнинг буйруғи келган заҳоти худойини тўхтатган-у, йўлга тушган. Шунда қурбонликка аталган ва май сепилиб, ҳалолланган учта қўй унинг кетидан эргашган. Бундан хабар топган шоҳ бу ҳолатни шарҳлаш учун фолбинлардан Аристандр билан лакедомонлик Аристоменга мурожаат этган. Улар бунинг ёмон аломат эканлиги-

ни айтишган. Искандар зудлик билан Клитнинг ўрнига қурбонлик қилишни буюрган. (Гап шундаки уч кун бурун Клит Искандарнинг тушига кирган. Клит Парменионнинг ўғиллари билан бирга қора кийимда бўлган ва ҳаммаси ўлган эмиш.) Хуллас, Клит худойисини тугатмай; унинг номидан Диоскурларга худойи қилаётган Искандарникига зиёфатга етиб келган. Базм авжига чиққанда, кимдир Праниха деганингми ёки Пиерион деганингми, шеърларига битилган қўшиқларни айта бошлаган. Қўшиқларда илгари замонда варварлардан енгилган айрим кекса қўмондонлар мазах қилинган эди. Базмдагилардан ёши улуғроқ жангчилар шоирни ҳам, ялачини ҳам жаҳллари чиқиб сўка бошлаганлар, лекин Искандар ва ёш жангчилар қўшиқни хурсанд бўлиб эшитишган ҳамда давом эттираверишни буюришган. Табиатан ўжар ва тизгини бўшроқ, боз устига кайфи ошиб қолган Клит бундан қаттиқ норози бўлган. Варварлар ва душманларнинг ичида македонлар устидан кулиш олийжаноблик эмас, ўша кекса македонлар жангда енгилганликларига қарамай, ҳозир устиларидан кулаётган мишиқилардан анча олижаноброқ бўлганлар, деган у. Искандар, эса балки қўрқоқлигини олижаноблик деб ўзингни оқламоқчидирсан, деб луқма ташлаган. Клит сапчиб туриб хитоб қилган: «Эй, худолар бандаси, Спитридат шамшири орқа тарафдан бўйнингни узишга тайёр турганди, сени ана шу қўрқоқлигим асраб қолган! Македонларнинг қони ва мана бу чандиқлар эвазига сен шундай ман-ман бўлиб қолдинг-ки, отанг Филиппдан юз ўгириб, ўзингни Аммоннинг ўғли деб атамоқдасан!»

LI. Газаб Искандарнинг кўзини кўр қилиб қўйган. «Сен ярамас ҳар бир вазиятдан фойдаланиб, мени ҳақорат қилиб келасан? Ҳар бир қулайликдан фойдаланиб, македонларни итоатсизликка ундайсан? Қачонгача бу давом этади?» - дея ҳайқирган Искандар. «Ҳа, биз ўз заҳматларимизнинг бундай «ширин-шакар» меваларидан хурсанд эмасмиз, — деб хитоб қилган Клит. — Биз македонларни Мидия қамчиси билан савалаётганларини кўрмай, ўз подшолари ҳузурига кириш учун форслардан рухсат олишга мажбур бўлаётган македонлар-

ни кўрмай ўлиб кетганларни бахтиёр македонлар деб ҳисобламоқдамиз!» Бундай дадил, лекин шоҳга нисбатан қўпол гаплардан кейин ирғаб жойларидан туриб кетган Искандар тарафдорлари Клитни ўртага олиб қойий бошлашган, ёши улуғроқлар икки тарафни тинчлантиришга киришишган. Искандар эса Ксенодох Кардийлига ва Артёмий Колофонлига қараб: «Назарингларда юнонлар македонлар орасида ўзларини ёввойи ҳайвонлар ичида юрган ярим-худолар каби ҳис қилмаяптиларми?» — деб сўраган. Клит шундан кейин ҳам тилини тиймаган ва Искандардан фикрини очиқ ифода этишни талаб қила бошлаган, акс ҳолда, деган шоҳ бундан кейин базмларига фикрини очиқ айтишга ўрганган озод одамларни эмас, ўзининг форсий белбоғи билан оқ хитонига сажда қиладиган варварлар ва қўлларни таклиф қилаверсин. Искандар ортиқ чидолмаган, олдидаги олмани олиб, Клитга отгану ханжарини қидира бошлаган. Аммо, танқўриқчилардан бўлмиш Аристофан ханжарни вақтида яшириб қўйган эди. Бошқалар уни ўраб олиб, тинчитишга уринишган. Аммо Искандар сапчиб тургану македончалаб шоҳнинг хос қўриқчиларини чақирган (бу энг сўнгги хавфли ҳолат белгиси эди), карнайчига қароргоҳни азот кўтариш мақомини чалишни буюрган, карнайчининг пайсалланаётганини кўриб, унинг башарасига мушт туширган. Кейинчалик эса карнайчи босиқлик қилгани ва бутун қароргоҳни оёққа туришдан сақлаб қолгани учун обрўси ошиб кетган. Ҳамон жавраб ётган Клитни дўстлари итариб ташқарига чиқариб ташлашган, бироқ у бошқа эшикдан кириб, сурбетлик билан Эврипиднинг «Андромаха»сидан ямлаб ўқий бошлаган:

Эллинларнинг шундай бир ёмон одати бор...

Искандар ёнида турган қўриқчининг найзасини олиб, эшик пардасини энди бир чеккага суриб ичкарига кирган, Клитга қаратиб отган, найза эса унинг қоқ кўкрагини тешиб ўтган. Клит йиқилиши билан Искандар аччиқ устида нима иш қилиб қўйганини сезган, ўзини босиб олгач, ҳайкалдай қотиб қолган дўстларини кўриб,

мурдага санчилган найзани суғуриб олган-у, ўз томоғига тиқиб, ўзини жазоламоқчи бўлганда уни ушлаб қолишган. Танқўриқчилари куч ишлатиб, уни хоб хонасига обкириб кетишган.

LII. Тун билан фарёд қилиб, йиглаб чиққан Искандар эртасига ҳам қимирламай ётаверган. Хобхонадан онда-сондагина ожиз инграниш эшитилган, холос. Унинг индамай ётишидан хавотирланган дўстлари рухсатсиз киришга мажбур бўлганлар. Лекин уларнинг гаплари ҳам кор қилмаган. Фақат Аристанд фолбин, Клитни кўрган тушини ҳам худойидаги хунук белгиларни эслатиб, бу нарсалар тақдири азал эканлигини, ундан қутулиб бўлмаслигини айтгандан кейин Искандар бир оз ўзига келган.

Шундан сўнг Искандарнинг олдига абдерлик Анаксарх билан Арастунинг қариндоши бўлмиш файласуфни киритишган. Каллисфен қисқа ва илиқ ваъз айтиб, шоҳнинг кўнглини олишга ҳаракат қилган. Анаксарх эса, умумжамият қонун-қоида ва урф-одатларига менсимай қарайдиган фалсафадан бошқасини назар-писанд қилмайдиган одам эди. Каллисфендан кейин Искандарга яқинлашган Анаксарх шоҳга шундай дея мурожаат этган: «Бутун дунё халоскори дея кўз тикиб турган Искандарнинг аҳволи ҳали шуми? Буни қаранг, у бир ожиз қулдек маломатлардан даҳшатга тушиб, хотинчалиш кайфиятда мотам тутиб ётибди. Ваҳоланки, ҳақиқат ҳам, қонун-қоида ҳам, йиглатувчи ҳам унинг ўзи. У ахир қиз боладай ҳиқиллаб ётиш учун ярим дунёни забт этгани йўқ-ку? У амр этиш ва ҳатто қатл этиш учун дунёга келмаганмиди, ахир илоҳий отаси Зевс ўз ёнига ҳақиқат ва Адлияни ўтқизиб қўйганини унутдими?» Анаксархнинг бу гаплари шоҳни анча юпантирган. Бироқ бора-бора бундай мақтовлар Искандарнинг янада димоғдор ва қонунларни менсимайдиган бўлиб қолишига хизмат қилган. Шу тахлит Анаксарх шоҳнинг ишончига кириб олгач, нафсини тийишга, камтар юришга ундаб, танбеҳ беравергани учун шоҳга ёқмай қолган Каллисфенни бадтар ёмон кўрсатишга уринган. Ҳикоя қилишларича, кунларнинг бирида фасллар ва обу ҳаво ҳақида баҳс кет-

ган. Осиёдаги обу ҳаво Юнонистондагига нисбатан совуқроқ деб ҳисобловчи Каллисфен ўзига эътироз билдирган Анаксархга: «Айниқса, сен эътироз билдирмаслигинг лозим эди. Чунки Юнонистонда қишни битта унниқиб кетган хирқада ўтказардинг, бу ерда эса уч қават гилам ёпиниб ётасан!» - деган ва бу билан Анаксархнинг бадтар ғазабини қўзғаган.

LIII. Каллисфен ўзининг ростгўйлиги, пурмано гаплари, гард юқтирмайдиган даражада покиза ҳаёт тарзи ва ялтоқлик қилмаслиги билан ёшу қарининг меҳрини бирдай қозонган одам эди. Худди ана шу сабабли уни софистлар ва ялтоқи лаганбардорлар жуда ёмон кўришарди. Искандарга она шаҳрини тиклаш ва тўзиб кетган аҳолисини қайта тўплаш учунгина эргашиб юрибман деб айтган гапларига умр бўйи содиқ қолганлиги рост. Душманлари унинг шон-шуҳратига ҳасад қилишарди. Шу билан бирга у бу гапларга ўзини тутиши билан янги-янги ғийбатларга имконият туғдирарди. У кўпинча шоҳ базмига қилинган таклифни рад этар, мабодо қатнашгудек бўлса-да, қаҳрли қиёфаси ва хўмрайиб ўтириши билан базм ёқмаётганлигини ошкора билдириб ўтирарди. Шунинг учун Искандар унга қарата бир ибора айтганди: *«Ҳар қанча донишманд бўлмасин, ўз фойдасини билмайдиган доно, менга ёқмайди».*

Ҳикоя қилишларича, жуда кўп киши тўпланган базмлардан бирида Каллисфенга македонларни олқишлаб қадаҳ сўзи айтишни топширишган. Файласуф шундай маъноли ва чиройли сўз айтган-ки, ҳамма ўрнидан туриб, уни олқишлаган, гулчамбарларга кўмиб ташлаган. Шунда Искандар Эврипиднинг, гўзал нарса ҳақида гўзал сўз айтиш қийин эмас, деган гапини келтириб: «Энди сен ўз нуқсонларини эшитиб тузатиб олишлари учун македонларнинг камчиликлари ҳақида ҳам сўз айт» деб буюрган. Каллисфен шу заҳотиёқ бояги мақтовнинг мутлақо тескарисини гапира бошлаган. Гаплари самимий, мантиқли бўлган. Филиппнинг кучайиб, бутун Юнонистонни забт этишига юнонлар орасидаги низолар ва уларнинг тарқоқлиги сабаб бўлди, деган ҳамда қуйидаги шеърни келтирган:

Билгин, хосдир тўс-тўполон замонга,
Шон-шуҳратнинг берилиши ёмонга.

Бу нутқи билан Каллисфен македонларнинг жуда кучли ғазабини уйғотган. Искандар эса, Каллисфен бу сўзлари билан уста нотиқлигини ва шу билан бирга македонларни қанчалик ёмон кўришини исбот қилди, деган.

LIV. Гермиппнинг айтишича, Стреб бу воқеани айтиб берган. Гермиппнинг гувоҳлик беришича, ўшанда Каллисфен шоҳнинг жаҳли чиққанини сезган ва унга қарай-қарай чиқиб кетаркан, қуйидаги сатрни такрорлаган, «Сен-ку сен, сендан қудратлироқ бўлган Патрокл ҳам ўлди.»

Арасту, Каллисфенга «Ажойиб воиз, лекин тилни тийишни билмаган ноқис», деб баҳо берганда янглишмаган экан. Каллисфен ўзини ерга урмай шоҳнинг ҳузурида юзтубан йиқилиб таъзим қилиш одатига қарши курашавериб ва энг кекса ва олиҳаноб македонлар кўнглидаги гапларни битта ўзи тикка ва очиқ гапиравериб, юнонларни шармандаликдан, Искандарни эса ундан ҳам катта шармандаликдан сақлаб қолган бўлса-да, ўзини адойи тамом қилди. Чунки у шоҳ олдида ўз ғурурини ерга уриб иззат-икром кўрсатиш, қулларча ялтоқланишдек оснёча одатларни қабул қилмасликка Искандарни кўндиришга кўндирди-ю, шу билан бошига бало ҳам орттирди.

Митиленлик Харет шундай ҳикоя қилади: базмларнинг бирида Искандар косадаги майдан хўплаб уни дўстларидан бирига узатган. Дўсти косани олиб қурбонлик қилинадиган жойга ўтган, майдан ичиб, Искандар олдида пешонасини ерга теккизиб, сўнг уни ўпган. Йиғилганларнинг бари бирин-кетин унинг ҳаракатини такрорлаганлар. Каллисфеннинг навбати келганда эса у косани олиб (шу сонияда шоҳ ким биландир гапга чалғиган), майдан ичгану ўпишмоқ учун шоҳга яқинлашган. Шу пайт Фидон лақабли Деметрий: «О шоҳ, уни ўпма, ичимиздагилардан битта шу пешонасини ерга теккизмади», деб шивирлаган. Искандар бошини орқага тортиб, ўпишишдан воз кечганда Каллисфен баланд овозда шундай деган: «На илож, бисотимда бир ўпич кам бўларкан-да».

LV. Ўзининг хатти-ҳаракатлари билан Каллисфен Искандарни қаттиқ ғазаблантирган. Шунинг учун Гефестион, Каллисфен шоҳнинг қошида юзтубан ётишга сўз бериб ваъдасини бажармади, деганда Искандар чиппа-чин ишонган. Гефестиондан кейин Лисимах билан Гагнон ҳам Каллисфенга туҳмат қилишган. Каллисфен, дейишган улар, барча ғалаба ўзи туфайли содир бўлаётгандай гердайиб юради. Бутун қўшин ичида битта шугина эркинлигини, ҳур фикрлилигини сақлаб қолган, деб ҳисоблайдиган ёш йигитчалар олис шаҳарлардан келиб, унга мафтун бўлиб юришипти. Шунинг учун бўлса керак, Гермолайнинг фитнаси фош этилганда Каллисфеннинг душманлари тўқиган айбларда шоҳга ҳақиқат бордек туюлган. Душманлар Искандарга Гермолайнинг қандай қилиб машҳур одамга айланиш мумкин деган саволига, Каллисфен: «Бунинг учун энг машҳур инсонни ўлдириш керак», дея жавоб берганини етказишган. Каллисфен гўё Гермолайни амалий ишларга ундаш учун, у машҳур инсонларнинг ётоғи олтин дегани уларнинг жони темирдан дегани эмас, эсингда турсин-ки, у ҳам бошқа ҳамма одамлар қатори касал бўлади, жароҳатланади деб қўйнига пуфлаган каби иғволар кўпайиб кетган. Бу миш-мишларга қарамай даҳшатли қийноқларга солинса-да, фитначиларнинг биронтаси ҳам Каллисфенни айблашмаган. Искандарнинг ўзи ҳам бир оз вақтдан кейин Кратер, Аттал ва Алкетларга ёзган хатида, қийноқ пайтида фитначиларнинг бари айбни ўзига олиб, бошқа шериклари бўлмаганлигини айтишди, деб тан олган. Бироқ, анча вақт ўтгандан кейин Антипатрга ёзган хатида Каллисфенга-да айб қўяди: «Фитначиларни македонлар тошбўрон қилишди, — деб ёзади у. — Менга тажовуз этиш ниятида юрган фитначиларни ўз шаҳарларида қучоқ очиб кутиб олаётганларнинг барини вақти келиб жазосини ўзим бераман». Бу мактубда Арастуга аниқ ишора бор, чунки Каллисфен унинг холаваччаси Геро исмли аёлнинг ўғли бўлиб, Арастунинг уйида тарбияланган эди. Каллисфеннинг ўлими ҳақида турлича миш-миш юради. Биров уни Искандар дорга остирган деса, иккин-

чилари қамоқда касал бўлиб ўлган дейишади. Харетнинг ёзишича эса, Каллисфенни кейинчалик Арастунинг қошида суд қилиш учун кишанбанд этиб, назорат остида етти ой қамоқда сақлашган. Ва у шу ерда шишиб кетиб, бит босиб ўлган. Унинг ўлими Искандарнинг Ҳиндистонда жароҳат олган кунларига тўғри келган.

LVI. Бу воқеалар анча кейинроқ содир бўлган. У кунлари эса коринфлик Демарат мункиллаб қолганига қарамай Искандарнинг қошига боришга жазм қилган. Шоҳ ҳузурига кириб, Искандарнинг Доро тахтида ўтирганини кўрмай ўлиб кетган юнонлар буюк бахтдан бебаҳра қолдилар, деб айтган. Демаратга шоҳнинг илтифотларидан узоқ вақт баҳра олиш насиб этмади. Қазоси етгач, у жуда катта тантана билан кўмилишга сазовор бўлди, холос. Унинг шарафига аскарлар саксон қулоч баландликда тупроқдан қўргон ясашган. Жасади эса ҳашамдор қилиб безатилган жанг аравасида денгизга олиб борилган.

LVII. Искандар Ҳиндистонга юришни ният қилганида ўлжа кўпайиб кетганлигидан қўшин оғирлашиб, ҳаракатланиш қобилияти сусайганини сезди. Бир куни азонда ўлжаларни араваларга юклашни буюрди-да, аввал ўзи ва дўстларининг араваларига ўт қўйди. Сўнг бошқа македонликларнинг араваларига ўт қўйишни буюрди. Бу ишга қарор қилиш қийин кўчган бўлса-да, амалга ошириш осон кўчди. Жуда оз кишилар норозилик билдиришди. Кўпчилик эса муҳтожларга асқотадиган нарсаларни тарқатишди-да, ғайритабиий шодлик ва қийқириқлар остида барча ортиқча нарсаларни ўтга ташлашди. Бу ҳол Искандарни руҳлантириб, қарорини янада қатъийлаштирди. Ушбу пайтга келиб, у жаҳли чиққанда атрофдагиларни зир титратадиган, айбдорларни жазолашда бешафқат одамга айланганди. Қайсидир қалъадаги бўлинмага бошлиқ этиб тайинланган ўзининг яқинларидан бўлмиш Менандр деган кимсани, шу қалъада қолишини истамагани учунгина қатл эттирди. Хоинлик қилган варвар Орсодатни у шахсан камондан отиб ўлдирди. Тахминан шу пайтларда бир қўзичоқ туғилди.

Қўзичоқнинг бошида ранги ва шакли худди тиарага[49] ўхшаб кетадиган ўсимтаси бўлиб, ўсимтанинг икки тарафида бир жуфтдан мояк ҳам бор эди. Искандар буни хосиятсиз ҳисоблаб, покизаланишга қарор қилди. Бунақа ишларга одат бўйича бобилликларни жалб этди. Дўстларига эса, буни мен ўзимни ўйлаб эмас, сенлар учун қилаётирман, зероки ўлганимдан сўнг тожу тахт бир зоти пастнинг қўлига ўтиб кетишидан хавотирдаман, деб айтди. Аммо тез орада бошқа ишора келиб, Искандарнинг қайғусини тарқатди. Шоҳ оромгоҳларнинг бошлиғи, македонлик Проксен деган одам Окс дарёсининг бўйида Искандар чодири учун жой тайёрлаётиб, қуюқ ва ёғлиқ суюқлик сизиб чиқаётган булоққа дуч келди. Булоқнинг уст қисми тозалангач, ундан мазасию ҳиди худди зайтун мойига ўхшаган тиниқ ва тоза суюқлик отилиб чиқа бошлади. Бунинг яна бир қизиқ томони шу эдики, бу ерлар зайтун ўсмайдиган ерлар эди. Айтишларича, Окснинг суви жуда юмшоқ экан, чўмилганларнинг териси ёғлиқ бўлиб қоларкан. Бу ишорадан Искандарнинг не чоғлик хурсанд бўлганлигини Антипатрга ёзган мактубидан билиш мумкин. Умрим бўйи, тангри томонидан берилган ишораларнинг энг буюги шудир, деб ёзади у хатида. Ромчилар буни бўлажак юришнинг ниҳоятда шарафли, аммо оғир ва уқубатли бўлажагини каромат қилганлар. Зеро, тангри машаққатни енгиллатиш ниятида зайтун мойи юборди, дейишган улар.

LVIII. Жангларда Искандар ўзини кўп хавф-хатарга урар ва бир неча карра оғир жароҳатлар олганди. Лашкар эса ҳаммасидан ҳам озиқ-овқат етишмаслигидан ва оби-ҳавонинг оғирлигидан азобланарди. Искандар тақдир қийинчиликларини дадиллик билан, кучни эса — мардлик билан енгишга интиларди. Зеро, мардлар учун ҳеч қандай тўсқин йўқ, қўрқоқлар учун ҳеч қандай таянч йўқ, деб ҳисобларди. Ҳикоя қилишларича, Искандар Сисимитр ҳимоя қилган қояни узоқ вақт ололма-

---

[49] Тиара —Ассирия, Вавилония, форс шоҳларининг бош кийими.

ган. Жангчиларнинг руҳи тушиб, умидларини узишган. Шунда Искандар Оксиартдан, Сисимитр мард кишими, деб сўраган. Сисимитр — энг қўрқоқ одамлардан биридир, деган жавобни эшитгач: «Демак, биз қояни олишимиз мумкин. Чунки унинг чўққиси бўш экан», деган гапни айтган ва Сисимитрнинг юрагига ғулғула солиб, ғалабага эришган. Бошқа бир ерда, худди юқоридагидек чиқиб бўлмас бир тоғ чўққисини қамал қилганда, ёш македон жангчиларини олға жўната туриб, улардан бирининг оти Искандарлигини билгач: «Сенинг отинг — мард бўлишингни тақозо этади», деган. Бояги йигит мардларча жанг қилиб ҳалок бўлганини эшитиб, Искандар жуда қаттиқ изтироб чеккан.

Нисо деб аталадиган бир қалъага яқинлашганларида македонияликлар олдиларидан чиққан дарё бўйида тўхтаб қолганлар. Соҳилга яқинлашган Искандар: «Эҳ, мен аҳмоқ, нега сузишни ўрганмаганман-а!», деб хитоб қилган. Шунга қарамай, қўлига қалқонини олиб, дарёга ташланмоқчи бўлган...[50] Искандар жангни тўхтатган пайтда унинг қошига қамалдаги шаҳарнинг элчилари келишган. Искандарни оддий кийимда, қўлида қилич ушлаган ҳолда кўришиб, элчилар аввалига жуда қўрқишган. Аекин шу орада ёстиқ келтиришган ва Искандар элчиларнинг бошлиғи Акуфидни ёстиққа ўтиришга таклиф қилган. Искандарнинг олижаноблиги ва хушмуомалалигидан лол қолган Акуфид, сен билан тотувликка нима эвазига эришувимиз мумкин, деб сўраганда шундай жавоб олган: «Юртдошларинг сени ўзларига ҳоким этиб тайинласинлар ва энг яхши одамларингиздан юз кишини бизга жўнатсинлар», Акуфид кулиб юбориб жавоб берган экан: «Эй шоҳ, сенга энг яхши юзтани эмас, энг ёмон юзтани жўнатсам, ҳукмронлик қилишим осон бўлади-ку!»

LIX. Хабар қилишларича, Таксил Ҳиндистонда умум майдони Мисрдан қолишмайдиган, серҳосил, яйловла-

---

[50] Матн бузилган

ри бой бир мамлакатга подшоҳлик қиларкан, ўзи эса донишманд киши экан. У Искандарни хушмуомалаликла кутиб олган ва шундай деган: «Искандар, иккимиз суқишиб нима қиламиз? Сен бизнинг сувимизни ва бошқа тириклик воситаларимизни тортиб олмоқчи эмассан? Ақлли одамлар эса фақат шунинг учун урушсалар арзийди. Модомики, еримиз, сувимиз керак эмас экан, бошқа ҳамма нарсаларимни, агар сендан бойроқ бўлсам, сен билан баҳам кўришга тайёрман ва агар камбағалроқ бўлсам, ташаккурлар айтиб, сенинг туҳфаларингни қабул қилишга тайёрман». Бу сўзларни завқ билан эшитган Искандар, Таксилга ўнг қўлини узатган ва шундай деган: «Бу самимий сўзларинг туфайли ўртамизда жанг бўлмайди деб ўйлаяпсан, шекилли? Янглишмаяпсанми? Сен билан мурувват бобида жанг қиламан, зероки, саҳийликда мени енголмаслигинг учун». Таксилдан катта совғалар олган Искандар ундан ҳам ошириб совғалар қайтарган ва охирида минг талант танга қўшиб берган. Ана шу — танга бергани дўстларини қаттиқ хафа қилган бўлса-да, жуда кўп сонли варварларни у томонга оғдирган. Ҳиндларнинг энг жанговар ёлланма аскарлари шаҳардан шаҳарга ўтиб, Искандарга анчагина талафот етказардилар. Шаҳарларнинг бирида Искандар улар билан сулҳ тузди, бироқ шаҳар ташқарисига чиққанларида ҳужум қилиб уларни банди этди-да, битта қўймай ўлдирди. Бу Искандар номига доғ туширувчи ягона воқеадир. Қолган ҳамма урушларни у ҳалоллик билан шоҳона олиб борган. Ҳинд файласуфлари ҳам Искандарга катта ташвиш ва талафотлар келтирдилар. Улар Искандар тарафга ўтган подшоҳларни ёзғириб, эркин элатларни қўзғолон кўтаришга чақирардилар. Шу боисдан жуда кўп файласуфлар Искандарнинг буйруғи билан дорга осилгандилар.

LX. Пор билан бўлган урушни Искандарнинг ўзи хатларида батафсил ёзиб қолдирган. Икки қароргоҳнинг ўртасидан Гидасп дарёси оқиб ўтарди, деб ёзади Искандар. Филларини анча олдин чиқариб қўйган Пор, кечувни тинмай кузатиб турарди. Искандар эса ўз қароргоҳида ҳар кун шовқин кўтаришни буюрарди. Мақсади

— варварларни бу шовқинга кўниктириш эди. Бир куни, ҳаво совуқ, ойдинсиз кечада Искандар бир қисм пиёдаларни ҳамда сара отлиқларини олиб бир чеккага кетдида, дарёдаги унча катта бўлмаган оролга кечиб ўтди. Шу пайтда қаттиқ шамол туриб, жала ёғди. Чақмоқ чақиб ўқтин-ўқтин қароргоҳга яшин тушарди. Яшин Искандарнинг кўзи олдида бир неча жангчини ўлдириб кулга айлантирди. Бироқ, Искандар барибир кечувга киришди. Ёмғир сувлари туфайли Гидасп тўлиб-тошиб қутурарди. Соҳилнинг кўп ерлари ўпирилиб тушган, ўпирилган жойларга ўкириб сув кирар, дарё тубидаги янги балчиқ туфайли оёқда туриш анча қийин эди. Опесикритнинг айтишича, Искандар ўзининг «О, афиналиклар, сизларга маъқул бўлиш учун ўзимни қандай хатарларга ураётганимни билсангиз эди!» деган гапини шу дақиқада айтган экан. Искандарнинг ўзи эса, солларни тарк этиб, яроқларни қўлга олиб, кўкрак бўйи сувни кечиб кетишганини ёзади. Қирғоққа чиқишгач, шоҳ отлиқлар билан олга интилган. Пиёдалардан йигирма стадийча ўзиб кетган Искандарнинг фикрича, агар душман отлиқларини жангга солса, уларни осон енгишни, агар пиёдаларни солса, ўзининг пиёдалари етиб келишини мўлжаллаган. Бу икки тахминдан биринчиси амалга ошган. Искандар ўзига қарши чиққан мингта отлиқ ва олтмишта жанг аравасини осонликча тўзитиб, барча аравани қўлга киритган.Отлиқлардан тўрт юзтаси ҳалок бўлган. Пор душманнинг дарёдан кечиб ўтганини англаб, бутун қўшини билан кўтарилган. Искандарнинг қолган қўшинидан огоҳ бўлиб туриш учун қароргоҳида бир бўлинма қолдирган, холос. Искандар ўзига қарши келаётган филларни, шунингдек қўшиннинг жуда кўп сонли эканлигини кўриб, қўрқиб кетганидан ўзи биринчи жангга киришган. Искандар душманнинг сўл қанотига ташланиб, Кенни ўнг қанотга йўналтирган. Иккала қанотда душман зил кетган, аммо филлар олдига қайтиб бориб, зич саф бўлиб жангга қайтган. Бу аҳвол ҳадеб такрорланганидан жанг, гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг устунлиги билан давом этаверган. Фақат, саккиз соатдан кейин ҳиндларнинг қаршилиги сўндирилган. Жангнинг тарихини, бу

жангнинг сабабчиси бўлган инсон ўз хатларида ана шу тарзда баён этади. Кўпчилик тарихчилар бир-бирига монанд равишда: тўрт билан ва бир кафт бўйи, шунингдек бақувват гавдаси туфайли Пор филнинг устидалигида отлиқ билан баравар кўринарди[51], гарчи унинг мингани энг катта филлардан бири бўлса-да, бу филнинг ақллилиги, эгасига кўрсатадиган ғамхўрликлари кишини лол қолдирадиган даражада эди. Шоҳ шиддат билан жанг қиларкан фил уни ҳимоя қилади, лекин шоҳнинг жароҳатланиб ҳолдан тойганини сезгач, унинг йиқилиб тушишининг олдини олиб, тиз чўкди ва эгасининг баданига санчилган кўпгина калта найзаларни хартуми билан бирин-кетин суғуриб олиб ташлай бошлади. Порни банди қилиб келтиришганда Искандар унга қандай муомала жоизлигини сўради. «Шоҳона», деб жавоб берди Пор. Балки яна биронта фикр қўшарсан, деб сўради Искандар. «Шоҳона», деган бир сўзда барча фикр мужассам», деб жавоб берди Пор. Искандар уни ўзининг сатрапи этиб тайинлаб, илгари мустақил яшаган ҳиндлардан бир қисмини ҳам унга тобе қилиб, ерларни кўпайтириб берди. Айтишларича, Порнинг подшолигида ўн беш миллат истиқомат қилувчи беш мингта шаҳар ва жуда кўп қишлоқлар бўлган экан. Порнинг еридан уч марта катта бўлган бошқа бир вилоятга, Искандар ўзининг энг яқин дўстларидан бўлган Филиппни сатрап қилиб қўйди.

LXI. Пор билан бўлган жангда Букефал ҳам ҳалок бўлганди. Кўп тарихчиларнинг ёзишича, Букефал шу жангдан сўнг дарров эмас, олган жароҳатларини даволаш жараёнида, кейинроқ ўлган. Онесикритнинг ёзишича эса, Букефал ўттиз ёшида қарилик туфайли ўлган. Искандар севикли отини йўқотганда мисоли энг яқин одамидан ажралгандек жуда қаттиқ қайғурган. Отининг шарафига гидасп бўйида шаҳар қуриб, унга Букефалия деб ном берган. Яна ҳикоя қилишларича, Искандар ўзи

---

[51] Матнда қандайдир чалкашлик бор (тарж.изоҳи)

кичкиналигидан катта қилган Перит исмли ити ўлганда ҳам итнинг шарафига шаҳар бино этган экан. Бу ҳақда Сотион гапириб, воқеани Потамон Лесбосслидан эшитганини хабар қилади.

LXII.Пор билан бўлган жанг македонларнинг попугини анча пасайтириб, Ҳиндистоннинг ичкарисига юриш истакларидан воз кечтирди. Бор-йўғи йигирма минг пиёда, икки минг отлиқ аскарни жангга солган Порни македонлар зўр-базўр енгтандилар. Шунинг учун улар Искандарнинг Гангни кечиб ўтиш ниятига қарши жуда қаттиқ туриб олдилар. Улар Ганг дарёсининг кенглиги ўттиз икки стадийлигини, чуқурлиги юз оргий эканлигини, нариги қирғоқ эса қуролланган пиёдалар, отлиқ ва фил минган аскарларга тиқилиб кетганини эшитгандилар. Шунингдек, нариги соҳилда уларни гандаритлар билан прессийларнинг подшоҳлари саксон минг отлиқ, икки юз минг пиёда, саккиз минг жанг арава, олти мингта жанговар филдан иборат қўшин билан кутиб турганлари ҳақида мишмишлар етиб келганди. Бу мишмишларнинг туғилишига асос ҳам бўлса керак. Чунки орадан бир оз вақт ўтиб, тахтга ўтирган Андрокотт беш юз филни Селевкка инъом этган ва олти юз минглик қўшин билан бутун Ҳиндистонни ўзига тобе қилганди.

Искандар ғазаб ва алам алангасида чодирида қамалиб ётиб олди. Гангдан ўтолмаслигига амин бўлгач, бурунги ғалабалари ва қаҳрамонликлари ҳам кўзига кўринмади. Орқага қайтишни у маглубият деб ҳисобларди. Бироқ дўстларининг ишонарли қилиб келтирган далиллари, шунингдек жангчиларнинг чодир бўсағасида йиғлаб ўтиришлари, охири унинг кўнглини юмшатди ва у қароргоҳдан кўчишга розилик берди. Кетишдан аввал эса шон-шуҳратини янада орттириш йўлида бир ҳийлани амалга оширди: унинг буйруғи билан улкан-улкан, оғир-оғир от сувлуқлари ҳамда қурол-яроқлар ясалиб, атрофга сочиб ташланди. Худоларга атаб бир неча қурбонлик жойлари қурилди. Бу қурбонлик жойларига пресийларнинг подшоҳлари шу кунгача келиб сиғинадилар ва юнон урфи бўйича қурбонликлар қиладилар. Искандарни кўрганда ўсмир бўлган Андрокотт: Искандар да-

рёнинг нариги бетидаги мамлакатни ҳам қийналмай эгаллаши мумкин эди, чунки аҳоли — разил ва таги паст бўлгани учун ўз подшоҳларидан нафратланарди, деб бир неча бор такрорлаган экан.

LXIII. Океанни кўриш илинжида Искандар кўп соллар ҳамда эшкакли кемалар ясаттирди. Македонлар уларга ўтириб дарё бўйлаб аста сузиб кетдилар. Бироқ сузиш жараёнида Искандар бекор ўтирмас, ҳарб ишларини давом эттирарди. Соҳилга тез-тез тушиб, шаҳарларга ҳужум қилар, маъмур жойларни эгалларди. Ҳиндларнинг ичида энг жангариси ҳисобланган маллар юртида Искандар бир ўлимдан омон қолди. Калта найзалар отиб душманларни қалъа деворидан ҳайдаган Искандар биринчи бўлиб нарвондан чиқа бошлади. Лекин нарвон тўсатдан синди ва девор остида турган варварлар уни ҳамда унинг ёнидаги кам сонли аскарларни ўққа тута бошладилар. Искандар душман ғуж-ғуж бўлиб турган ерга сакраб тушганда, омади келиб, тез тик туриб олди. Қилич соллаб душманга ташланганда варварларнинг кўзига ундан нур таралаётгандек кўриниб кетган. Аввалига улар тумтарақай қочадилар. Аммо Искандарнинг ёнида фақат иккитагина македониялик борлигини кўриб, бирдан унга ёпириладилар. Искандар жонжаҳди билан қаршилик кўрсатишга қарамай, қилич ва найзалар анчагина жароҳатлар етказади. Варварлардан бири сал нариоқдан туриб камондан шундай кучли зарб берадики, ўк совутни тешиб ўтиб, эмчак остидаги суякка кириб қолади. Жароҳатдан Искандар икки букилади. Буни кўриб, ўқ отган варвар ўзининг варварча қиличини ялангочлаб шоҳга яқинлашди. Лекин Певкест билан Лимний ўзларини қалқон қиладилар. Иккови ҳам қаттиқ жароҳатлар оладилар. Лимнийнинг шу заҳотиёқ жони узилади. Певкест оёғида тик қолишга ўзида куч топади. Варварни эса Искандарнинг ўзи ўлдиради. Кўп жойдан жароҳатланган шоҳ устига-устак, бўйнидан сўйил зарбасини ҳам ейди ва батамом ҳолсизланиб, юзини душманларга бурганча қалъа деворига суянади. Лекин шу пайтда бошқа македонлар етиб келишади ва ҳушидан кетган Искандарни кўтариб чодирига келти-

ришади. Шу заҳотиёқ қароргоҳда шоҳ ўлди деган гап тарқалади. Табиблар ўқнинг ёғоч дастасини арралаб, минг машаққатлар билан совутни ечадилар ва яна минг машаққатлар билан ўқнинг суякка кирган темир учини чиқариб оладилар. Айтишларича, ўқнинг бу темир учи уч бармоқ кенгликда ва тўрт бармоқ узунликда бўлган. Бу дақиқаларда Искандар ҳеч нарсани билмай ётган ва жони қил устида турган. Лекин ўқ олиб ташлангач, ўзига келган. Искандар бу жароҳат оқибатида кўп вақт мадорсиз бўлиб ётган, тинчлик хотиржамликка муҳтож бўлиб, узоқ даволанган. Ана шундай кунларнинг бирида чодирининг бўсағасида, бир гуруҳ македонларнинг, шоҳни кўришимиз шарт, деган маънода қилаётган тўполонларини эшитиб қолади. Устига ёпинчиғини ташлаб чиқади-да, худолар шаънига қурбонликлар беради. Сўнг яна шаҳар ва ўлкаларни забт этгани сафарга отланади.

LXIV. Искандар Саббани хиёнат қилишга ундаётган гимнософистларнинг энг ашаддийларидан ўнтасини асирга олади. Булар македонларга катта зарар етказаётган эдилар. Ҳар қандай саволга қисқа ва аниқ жавоб бера олишлари билан машҳур бўлган бу кишиларга Искандар бир шарт қўйди. Шарт бўйича, уларга қийин саволлар бериларди. Қайси бири нотўғри жавоб қилса — аввали шу киши ўлдирилади, сўнгра эса навбати билан қолганлари қатл этилади. Гимнософистларнинг энг каттасига қозилик қилиш топширилди. Бу дунёда тириклар кўпми ё ўлганларми, деган саволга биринчи гимнософист: тириклар, чунки ўлганлар йўқдирлар, деб жавоб берди. Иккинчи гимнософист, энг йирик ҳайвонини ер ўстирадими — денгизми, деган саволга, ер, чунки денгиз ернинг давомидир, деб жавоб берди. Учинчисига Искандар, энг айёр ҳайвон қайси, деб савол берди. У, энг айёр ҳайвонни одамзот шу пайтгача учратгани йўқ, деб жавоб берди. Саббани хиёнат қилишга на сабабдан ундадинг, деган савол тушган тўртинчиси: Саббанинг гўзал яшашини ёки гўзал ўлим топишини истадим, деб жавоб берди. Бешинчисига, кун тўғричми, тунми, деган савол тушди. У, кун — бир кун аввалроқдир, деган жавобни берди, сўнг шоҳнинг ҳайрон бўлиб турганини

кўриб, ғалати саволлар берувчи — ғалати жавоблар оладди, деб қўшиб қўйди. Олтинчи гимнософистга Искандар, меҳр-муҳаббат, шон-шуҳрат қозонишда энг биринчи бўлиш учун одам ўзини қандай тутиши лозим, деган савол билан мурожаат этди ва шундай жавоб олди: меҳр қозонишда биринчи бўлиш учун энг қудратли бўла туриб, одамлар қалбида қўрқинч уйғотмаслик лозим. Қолган уч гимнософистнинг бири: инсон қандай қилиб худо бўлиши мумкин, деган савол олиб, қачонки одам — одам боласи қилолмайдиган ишни қилолса, шунда худога айланиши мумкин деган жавобни берди. Иккинчиси, ҳаёт кучлими — ўлимми, деган саволни олиб: модомики, шунчалик машаққатларни кўтариб юришга қодир экан — ҳаёт кучлидир, деб жавоб берди. Сўнгги софистдан Искандар, одам қачонгача яшаши лозим, деб сўради. Софист: токи, яшагандан ўлганим яхшироқ, деган қарорга келгунча, деб жавоб берди. Охирида Искандар қозига юзланиб, қани, ҳукмингни айт, деди. Қози, буларнинг бари нотўғри жавоб қилишди, деганида, Искандар: «Бу ҳукминг учун сен биринчи бўлиб ўлдирилишинг керак», деб хитоб қилди. Софист эътироз билдириб: «Унда сен ёлғончи бўласан, эй шоҳ. Ахир, биринчи бўлиб энг хато жавоб қилганни ўлдираман деб ўзинг айтдинг-ку», деди.

LXV. Искандар буларга совғалар берди, озод қиларкан, гимнософистларнинг узлатга чекинган энг машҳурларини таклиф этиш учун уларнинг қошига Онесикритни жўнатди. Онесикритнинг ўзи ҳам кичик Диогеннинг мактабидан чиққан файласуф эди. Онесикритнинг ёзишича, Калан уни калондимоғлик билан совуқ кутиб олган. Зитонни ечиб, яланғоч ўтириб суҳбатлашмаса, Зевснинг элчиси бўлсанг ҳам гаплашмайман, деб айтган. Дандамид эса анча хушмуомалалик билан кутиб олган. Онесикритнинг Суқрот, Пифагор, Диоген ҳақидаги гапларини эшитиб, бу одамларинг афтидан, ўта иқтидорли эканлар-у, бироқ қонунларни жуда ҳурмат қилишган, дея баҳо берган. Бошқа тарихчиларнинг айтишига кўра, Дандамид: «Искандар шундан-шунга нима мақсадда келди ўзи?» деган бир жумладан бошқа сўз айтмаган.

Таксил Каланни Искандар қошига келишга ниҳоят кўндирган. Бу файласуфнинг асл оти Сфин бўлиб, ҳамма билан «кале, кале» деб ҳиндчасига саломлашгани учун юнонлар уни Калан деб атаворишган. Айтишларича, Калан Искандар подшолигининг чин моҳиятини кўрсатиб берган экан. У ўзи билан олиб келган қуриб, қотиб кетган пўстакни ерга ташлаган-да, бир чеккасини босган. Пўстак эса худди тоғорага ўхшаб кўтарилган. Калан пўстакни гир айланиб, чеккасини босаверган, бу қайтарилаверган. Сўнг Калан пўстакни ўртасидан босганда пўстак қимирламаган. Бу билан Калан Искандар ўз подшолигининг ўртасида мустаҳкамланиши, ундан узоқлашмаслигини айтган экан.

LXVI. Дарё оқимида сузиш етти ой вақтни олди. Океанга етишганда Искандар, ўзининг айтиши бўйича, Скиллустида (бошқаларнинг айтишича Псилтука) оролида тўхтаган. Соҳилга чиқиб худоларга қурбонликлар қилган ва имкони етганда денгиз ва соҳил табиати билан танишган. Кейин у худоларга илтижо қилиб, ўз қўшини билан қадами етган чегарадан нариёғига ҳеч бир одам боласини ўтказмасликларини сўраб дуолар ўқиган. Шундан сўнг ортга қайтиш тараддудига тушган. Кемалар қўмондони этиб Неархни, даргабоши қилиб Онесикритни тайинларкан, Ҳиндистонни ҳамиша ўнг тарафларида ушлаб сузишни тайинлаган, ўзи эса қуруқликдан йўлга тушган. Оритлар ўлкасидан қўшини билан ўтаркан Искандар жуда оғир кунларга қолди. Сафар бошида юз йигирма минг пиёда, ўн беш минг отлиқ аскари бўлса, шундан тўртдан бирини ҳам олиб ўтолмади. Касалликлар, овқат сифатининг ёмонлиги, чидаб бўлмас жазира, айниқса, очлик — одамларнинг кўпчилигини бу ўлкада умрбод олиб қолди. Ўлка эса ниҳоятда унумсиз, мол-мулки уч-тўртта ориқ-тириқ қўйдан иборат, аҳолиси қашшоқ эди. Қўйларини аҳоли денгиз балиғи билан боққани учун гўшти сассиқ, таъми ёмон эди. Ундан ўтиб олиш учун Искандарга олтмиш кун керак бўлди. Гедрозия ўлкасига етиб келгандан кейингина мўл-кўлчиликка эришди. Чунки бу ердаги сатраплари ва яқин атрофдаги шоҳлар унинг дарагини эшитиб, ғамини еб қўйишганди.

LXVII. Куч-қувватларини тиклаб олган македонликлар етти кун давомида шод-хуррамликка кўмилган карвон мисоли Кармания ўлкаси бўйлаб йўл босдилар. Кечаю кундуз тинмай айш-ишратга берилган Искандар саҳна мисол шоҳсупада дўстлари билан жойлашиб олганди. Шоҳсупани саккизта от шошилмай тортиб борарди. Унинг ортидан соябонлари қирмизи ҳамда гулдор гиламлар ёки тинмай алмашлаб турилган ям-яшил шохшабба билан ёпилган аравалар карвони борарди. Бу аравларда Искандарнинг бошқа дўстлари, саркардалари гулчамбарларга безанганча базм қилиб боришарди. Ҳеч қаерда совут, қалқон-найзалар кўринмасди. Коса, кружка, шоҳқадаҳ тутган аскарлар йўл-йўлакай пифос[52] ва кратерларга[53] идишларини ботирганча май олиб бирбирларининг соғлиқлари учун ичиб боришарди. Уриштириб ичганларининг бири яна йўлга кетар, иккинчилари йиқилиб қолаверарди. Чор атрофдан най ва сурнай наволари, ашулалар эшитилар, онда-сонда аёлларнинг ҳирсий қийқириқлари бунга жўр бўларди. Бу тартибсиз сафарнинг бошидан-охиригача ана шундай тизгинсиз ўйин-кулгу давом этди-ки, гўё Вакхнинг ўзи қатнашиб, ўзи бош бўлаётганга ўхшарди. Гедрозиянинг марказига етиб келишгандан сўнг Искандар аскарларига яна дам берди ва байрамлар ташкил қилди. Айтишларича, бир куни маст ҳолда Искандар жўровоз ашулачиларнинг мусобақасида бўлган. Хорларнинг бирида Искандарнинг эркаси Багой раҳбар эди. Багой ғолиб, деб топилгандан кейин шу турган либосида театрни кесиб ўтиб, Искандарнинг ёнига ўтириб олган. Томошабин македонлар уни олқишлаб, Искандар Багойдан бир ўпич олишни сўрай бошлашган ва то Искандар Багойни қучоқлаб ўпмагунча қўйишмаган.

LXVIII. Денгиз бўйлаб жўнатилган Неарх шу байрам устига келиб қолган. Жуда хурсанд бўлган Искандар, Неархдан сафар ҳикояларини эшитган ва бирдан

---

[52] Пифос — винони сувга аралаштирадиган кичикроқ бочка
[53] Кратер — винони сувга аралаштирадиган катта бочка

Фрот оқимида сузиб денгизга тушишни, Арабистон ярим ороли билан Африкани айланиб ўтишни ва Геракл устунлари орқали Ички денгизга кириб келишни ният қилган. Бироқ бу пайтга келиб, Ҳиндистон ичкарисига қилинган сафарнинг ниҳоятда оғир кечганлиги, малл элати билан бўлган жангда Искандарнинг жароҳатланганлиги, аскарларнинг кўпчилиги қирилиб кетганлиги ҳақида миш-мишлар бутун империя бўйлаб тарқалиб кетган эди. Шоҳнинг тирик қайтиши гумонлиги ҳақида фикрлар айтиларди. Бу нарсаларнинг бари бўйсундирилган халқларни қўзғолон кўтаришга ундар, сатраплар, шунингдек, жойларда қолдирилган лашкарбошиларни эса адолатсизлик ва ўзбошимчаликка мойил қила бошлаганди. Умуман, жойларда хотиржамлик йўқолиб, бебошликка интилиш руҳи ҳукмрон бўлганди. Олимпиада ва Клеопатранинг Антипатр билан батамом жанжаллашиб, подшоликни иккига бўлишганлари ҳам худди шу вақтларга тўғри келганди. Олимпиадага — Эпир, Клеопатрага — Македония текканди. Бундан хабар топган Искандар: онам ақллироқ экан, чунки македонлар ўзларига хотин кишининг подшолик қилишига тоқат қилолмайдилар, деб луқма ташлаганди. Вазиятни ўрганиб чиққан Искандар, Неархни яна денгизга қайтариб, соҳилбўйи юртларни қиличдан ўтказиб, талон-тарож қилишни буюрди, ўзи эса бебошлик қилган лашкарбошиларни жазолаш учун йўлга чиқди. Абулитнинг ўгилларидан бири Оксиартни у ўз қўли билан найза санчиб ўлдирди. Абулит эса ем-хашак тайёрламасдан унинг қошига уч минг талант хос танга совға келтирди. Искандар Абулитга бу тангаларни отларга ташлашни буюрди. Отлар турган гап бу «озиққа» бурилиб қарамадилар. Искандар: «Сенинг озуқангдан бизга не фойда!», деб хитоб қилганча Абулитни зиндонга тиқишни буюрди.

LXIX. Персида ўлкасига келганда Искандар бурунги шоҳларнинг одатини бузмай аёлларга пул тарқаттирди. Аввалги шоҳлар қадам ранжида қилганларида, бу ерлик аёлларга бир тилладан улашиб чиқарканлар. Айтишларича, худди шу одат борлиги учун баъзи шоҳлар

Персидага жуда кам қадам ранжида қилганлар. Ох[54] эса, зиқналиги учун бир марта ҳам ташриф буюрмай, ўзини ўзи бу ўлкадан бадарға қилгандай бўлган экан.

Кирнинг мақбараси талон-тарожга учраганлигини ва буни Поламах қилганлигини билиб, гарчи Поламах бу ўлканинг энг атоқли одамларидан бири бўлишига қарамай, уни қатл эттирган. Кирнинг қабридаги ёзувни ўқиб, Искандар унинг юнончасини ҳам ўйиб ёздирди. Мазмуни шундай эди: «Эй инсон, киму қаердан бўлишингга қарамай, зероки сенинг, албатта, келишингни биламан — мен, форслар салтанатини қурган — Кирман. Жасадимни ёпиб ётган бир кафт тупроқдан мени маҳрум этма». Бу сўзлар Искандарга жуда чуқур ва қаттиқ таъсир қилди. Инсон тақдирининг не чоғлик омонат эканлиги хусусида қайғули фикрларга чулғанди.

Кўпдан бери қорин оғриги билан азобланиб юрган Калан шу қабрга яқин жойда ўзи учун ўтин қалашни ва ёқишни илтимос қилди. Ёна бошлаган гулхан яқинига от устида келди. Отдан тушиб дуо ўқиди, гўё қурбонликка аталгандек ўзи устига сув сачратди, сочидан, бир тутам ва тирноқларини кесиб худоларга бағишлади. Кейин гулхан тепасига чиқиб, атрофдаги македонлар билан видолашди. Улардан ва шоҳдан бугунги кунни қувноқ май базми қилиб ўтказишларини илтимос қилди. Искандарга алоҳида мурожаат қилиб, ўзини тез орада Бобилда учратажагини айтди. Сўнг бошдан-оёқ ёпиниб олиб, жим қолди. Олов унга тобора яқинлаша бошлади. Бироқ Калан, на жойидан жилди, на оёқ ёки қўлини қимирлатди. Шундай қилиб, ҳинд юртидаги донишмандларнинг қадимий одатлари бўйича ўзини худоларга қурбонлик қилди. Орадан кўп йиллар ўтиб, Цезар мулозимлари орасида юрган бир ҳинди ҳам Африка босқинида худди шундай қилган экан. Ўша ерга қурилган ва «ҳиндининг қабри» деб ёзилган кичик мақбарани ҳозир ҳам кўриш мумкин.

---

[54] Артаксеркс III м. Ав. 360-337 й.й. форс шоҳи (тарж.изоҳи)

LXX. Каланнинг ўзини қурбонликка тиккан маросимидан қайтишгач, Искандар дўстлари ва қўмондонларини базмга чақиради. Базмда у ғолибга гулчамбар соврини белгиланган май ичиш мусобақасини таклиф қилди. Мусобақада тўрт хой май ичган Промах ютиб чиқди. Унга бир талант қимматига гулчамбар берилди. Бироқ Промах уч кундан кейин ўлди. Харетнинг ёзишича, Промахдан бошқа яна қирқ бир киши ўлган. Майхўрликдан сўнг уларни қаттиқ безгак тутган.

Сузга келганда Искандар Доронинг қизи Статирага уйланди, ўзининг энг яхши жангчи дўстларига форсларнинг энг гўзал қизларини олиб бераркан, ўзининг ва дўстларининг тўйини бир вақтнинг ўзида ўтказди. Хотини бор македонлар учун умумий базм уюштирди, айтишларича, бу ерга таклиф этилган тўққиз минг кишининг ҳар биттасига биттадан тилла қадаҳ совға этилди. Шоҳнинг ҳотамтойларча сахийлиги барча аскарларининг қарзларини тўлаб юборганида ҳам кўринади. Айтишларича, бу қарзни тўлаш учун Искандарнинг ёнидан тўққиз минг саккиз юз етмиш талант ақча кетган экан. Яна айтишларича, Антиген Биркўз бундан фойдаланиб қолиш ниятида ўзининг номини ҳам қарздорлар рўйхатига киритган ва курсининг олдига қарз берган киши сифатида бир одамни етаклаб келган ва пулни олиб кетган. Лекин бу ёлғон тез орада фош бўлган ва аччиқланиб кетган шоҳ Антигенни саройдан қувиб, қўмондонликдан маҳрум этган. Бу Антиген дегани зўр жангчи сифатида танилганди. Ҳали ёш йигитлик даврида Перинтни қамал қилаётган Филиппнинг аскарлари сафида бўлган. Кўзига камон ўқи келиб текканлигига қарамай, то душман қочиб, чиққан дарвозасига киритиб юборилмагунча ўқни олдирмай жангни давом эттираверган. Антиген шарманда бўлганидан жуда қаттиқ изтироб чеккан ва ўзини ўзи ўлдиришга ҳам тайёрланган. Бундан хавфсираган шоҳнинг кўнгли юмшаб, пулни ўзида қолдиришга ижозат берган.

LXXI. Искандар танлаб олиб, тарбиялаш ва чиниқтиришга топширган ўттиз минг бола бақувват, келишган эканликларидан ташқари, ҳарбий ишларга моҳир ва чақ-

қон бўлиб етишиб қолгандилар. Искандар буни кўриб жуда қувонар, лекин энди бизнинг қадримиз тушади, деб ўйлаётган македонлар эса қаттиқ ташвишланардилар. Шу сабабдан-да, Искандар касал ва майибларни денгиз бўйига жўнатишга қарор қилганди, македонлар буни ўзларига иснод ҳисоблаб ранжидилар. Сувимизни сиқиб, қўлимиздан келадиган ҳамма ишни қилиб бўлганимиздан кейин шармандаларча бир четга чиқариб ташлаяпти. Ота юртимиздан, туққанларимиздан бизни лашкарликка олганида қандоқ эдик, энди бутунлай кераксиз бўлиб қолганимизда бизни ҳайдаяпти. Шоҳ барча македонларни кераксиз деб қайтариб юборақолсин, ўша она сути оғзидан кетмаган раққослари билан қолаверсин дейишган. Македонларнинг бу гаплари Искандарга алам қилди. Аччиқ-аччиқ урушиб, барини ҳайдади-да, танқўриқчиларни, туғ ва асо тутувчиларни ҳам форслардан танлаб олди. Искандарни форслар қуршовида, ўзларини эса шармандали қувғин ва кераксиз аҳволда кўриб, македонларнинг жуда руҳи тушиб кетди. Бир-бирлари билан ҳасратлашарканлар, уларни чулғаган ғазаб ва алам ақлларидан оздириши мумкинлигини тан олишарди. Ниҳоят эс-ҳушларини йиғдилар-да, қурол-яроқсиз эгнларига фақат хитон кийган ҳолда Искандар чодири томон йўл олдилар. Етиб келгач, имон-ихтиёрларини шоҳга топширганларини, энг ярамас кўрнамаклар сифатида жазоланишга лойиқ эканликларини, йиғлаб-сиқтаб айта бошладилар. Искандарнинг кўнгли бир оз юмшаса-да, уларни қабул қилмади. Бироқ македонлар икки кеча-кундуз сабр билан фарёд қилдилар ва ўз ҳукмдорларини чақирдилар. Учинчи куни ниҳоят, Искандар македонларга пешвоз чиқди ва уларнинг бу қадар ночор аҳволдалигидан ўзи ҳам йиғлаб юборди. Сўнг уларга юмшоққина таъна қилиб, барига катта совғалар берди ва ҳарбга ярамай қолганларини уйларига жўнатди. Антипатрга хат ёзиб, ҳар қандай мусобақаю театр томошаларида бу жангчилар ҳамиша гулчамбарларга безанган ҳолда биринчи қаторларда ўтириши лозимлигини, шунингдек, ҳалок бўлганларнинг маошлари болаларига тўланиши шартлигини тайинлади.

LXXII. Мидиянинг Экбатанига келганда Искандар салтанатга оид ишларни саранжомлаб яна театр ва байрамларга қатнай бошлади. Чунки бу пайтда Юнонистондаги уч минг актёр унинг паноҳига келган эди.

Шу кунларда Гефестион оғир хасталикка учради. Ёшлиги, бунинг устига жангчилик феълидан келиб чиқиб, бу йигитча табиби Главкнинг белгилаган қатъий тартибига чидай олмайди. Бир куни табиби театрга кетганида нонуштага қайнатиб пиширилган хўрозни бутунича еди, устидан катта жомдаги майни ичди. Шу сабаб бўлиб ўзини ёмон сезди ва тез орада ўлди. Буни эшитган Искандар қайғусининг чеки-чегараси бўлмади. Мотам белгиси сифатида барча от ва хачирларнинг ёлларини кесишни, қалъа девори данданаларини олиб ташлашни буюрди, бечора табибни тўртмиҳга торттирди, қароргоҳда най чалишни бутунлай таъқиқлади. Шу даврда уруш унинг учун аламбости дорисига айланди. Бироқ урушни ҳам у одам овлашга айлантирди. Коссейлар қабиласини енгиб, яроқ тақишга лойиқ барча аъзоларини ўлдирди. Буни Искандарнинг яқинлари марҳумга аталган қурбонлик деб аташди. Гефестионш кўмишга, қабрига ясалажак қўрғонга, барча маросимлардаги тартиб ва тозаликка, йигиштириш ишларига Искандар ўн минг талант ҳаражат режалаштирди. Аммо маросимларнинг, ҳамма русумларнинг тўкис ва тартиблилиги ҳаражатдан ортиқ бўлишини талаб этди. Бошқа барча усталардан кўра Искандар Стасикратни қадрларди. Бунга сабаб, Стасикратнинг режалари дабдабалилиги, бировда учрамайдиган янгиликни киритишда дадиллиги, ёрқинлиги билан ажралиб туришида эди. Бу воқеалардан бир оз бурун Стасикрат Фракиядаги Афон тоғини бошқалардан фарқли ўлароқ, инсон қиёфасига солиш осонроқ ва агар буюрса, шу тоғда Искандарнинг энг улкан ва энг мустаҳкам ҳайкалини ясаб бериши мумкинлигини ва бу ҳайкал бир қўли билан катта шаҳарни, иккинчи қўли билан эса денгизга қуйилаётган серсув дарёни қучиб туражагини таклиф қилганди. Ўшанда бу таклифни рад этган Искандар, кейинги воқеаларда нуқул усталар билан юрар, бир-биридан ғалати, бир-биридан серхарж ғояларни тўқиб чиқаришдан бўшамасди.

LXXIII. Бобил тарафга йўл олишганда Буюк денгиздан кемалари Фротга кириб келган Неарх Искандарга қўшилди. Неарх йўлда қандайдир халдейлар билан учрашганини ва улар, шоҳ Бобилга кирмасин деб илтимос қилишганини айтди. Бироқ Искандар бунга эътибор бермади. Бобил деворларига келганида, шоҳ тепада катта қарға галасини кўрди. Қарғалар қағиллаб бир-бирлари билан жанжаллашишар, жон-жаҳдлари билан чўқишардики, айримлари таппа-таппа ўлик ҳолда оёқ остига тушарди. Орадан кўп ўтмай Бобилдаги қўшин қўмондони Аполлодор қурбонликка сўйилган моллар ичак-чавоғидан Искандарнинг тақдирини кўрмоқчи бўлганлигини хабар қилишди. Искандар бу воқеада ромчилик қилган Пифагорни чақирди ва ичак-чавоқларнинг қандай бўлганлигини сўради. Молнинг жигари касал чиққанини эшитиб: «Афсус, — деди Искандар, — бу ёмон аломат!» Пифагорга ҳеч нарса қилмай қўйиб юборди, лекин Неархга қулоқ солмагани учун ўзини қаттиқ койиди. Искандар кўп вақтини Бобилдан ташқарида, турли ерларда қароргоҳлар қуриб ўтказар, Фрот бўйлаб кемаларда сайр қиларди. Бўлаётган воқеаларни ишорат билиб, ҳар биридан хавфсирай бошлади. Ҳайвонотхонадаги энг катта ва чиройли шерга эшак ҳужум қилиб, тепиб ўлдириб қўйди. Бир куни Искандар баданига мой суртиш учун ечинди-да, тўп ўйнай бошлади. Кийиниш вақти келганда, тўп ўйинда шериклик қилаётган йигитчалар — тожни кийиб индамай ўтирган бир кишини кўриб қолишди. Кимлигини сўрашганда у анчагача гапирмади. Ниҳоят, ўзига келиб, оти Дионисийлигиш, мессенияданлигини, бир жиноятда айбланиб, денгиз орқали бу ерга келтирилганлигини, узоқ вақт кишанбанд ётганлигини, ҳозиргина бу ерга Серапис олиб келганини, шоҳнинг либосларини ва тожини кийишни, сўнгра тахтда миқ этмай ўтиришини буюрганини айтди.

LXXIV. Искандар фолбинларнинг маслаҳатига кўра бу одамни қатл эттирди-ю, бироқ тушкунлиги янада ортди. У худоларнинг мададидан умидини узди, дўстларига ишонмай қўйди. Айниқса, Антипатрдан ва унинг ўғилларидан қаттиқ хавотирда эди. Антипатрнинг Иол

деган бир ўғли кўпдан Искандарнинг бош соқийси бўлиб хизмат қилар, яна бир Кассандр дегани эса яқинда хизматга келганди. Мана шу Кассандр бир куни шоҳнинг олдида юзтубан йиқилиб таъзим қилаётган иккита варварни кўриб қолди-ю, эллин руҳида тарбияланиб, бунақа аҳволни учратмагани учун кулиб юборди. Аччиқланган Искандар икки қўллаб Кассандрнинг сочидан ушлаб калласини деворга бир неча бор урди. Бошқа бир куни, Кассандр — Антипатр устидан шикоят қилиб, айблаган кишиларга қаршилик қилмоқчи бўлди. Искандар уни шарт кесди: «Нима деб чалғитяпсан? Бирор алам ўтмаса, булар шунча узоқ йўлни бекорга босиб келармиди?» Кассандр эътироз билдирди, худди ана шу узоқ масофа айбнинг ҳаққоний эмаслигини кўрсатади, чунки буларни текшириб бўлмайди, деди. Искандар кулиб юбориб шундай деди: «Аристотелча софизмларинг, бир нарсани ҳам яхши, ҳам ёмон дея олиш санъатларинг бир кун бошларингни ейди — агар бу одамларни заррача хафа қилганларинг фош бўлиб қолса!» Ёзишларича, Искандардан қўрқиш Кассандрнинг вужуд-вужудига жуда қаттиқ сингиб кетган экан. Бир куни, орадан йиллар ўтиб, Кассандр македонларнинг шоҳи, бутун Юнонистоннинг ҳукмдори бўлган даврда, Дельфада сайр чоғида, қатор ҳайкалларни томоша қилиб юриб, ногоҳ Искандарнинг ҳайкалини таниб қолиб, боши айланиб, аъзойи баданига қалтироқ кириб, базўр ўзига келган экан.

LXXV. Хавотирланаверганидан довдираб қолган Искандар турли гаройиботларга ишонувчан бўлиб қолди. Салгина меъёрдан четга чиқувчи, галатироқ ҳодиса юқоридан келган ишорат бўлиб кўринаверарди. Шоҳ саройида ҳар хил қурбонликлар қиладиган, покизаланиш удумларини амалга оширадиган, кароматчи одамлар ёғилиб кетди. Худоларга ишонмаслик, уларни назарписанд қилмаслик не чоғлик ҳалокатли бўлса, сувга ўхшаб пастқамликка сизадиган удумпарастлик ҳам ундан бадтар ҳалокатлидир.

Бу воқеалар бир бўлиб, боз устига Гефестионга тааллуқли ишорани Аммондан олгач, Искандар мотамни тўхтатди-да, яна диний байрамларга қатнаб, базмларга

ружу қўйди. Бир куни Неарх ва унинг сафдошлари шарафига ўтказилган қабул базмидан сўнг Искандар одати бўйича ётиш олдидан ванна қабул қилган ва ётишга ҳозирланган. Лекин Медийнинг ёлворишларидан ўтолмай уникига базмга борган. Базмда Искандар шу кеча ва эртанги куннинг охиригача май ичган. Кечқурунга бориб уни безгак тутган. Айрим ёзувчиларнинг таъкидлашича, Искандар Гераклнинг қадаҳини сипқоргану шу заҳоти кураги остида найза зарбасига ўхшаш оғриқ сезган. Ёзувчилар билиб туриб, буюк драмага фожеавий ва ҳаяжонлантирувчи хотима тўқиб чиқариш лозимдир деб, Геракл қадаҳи воқеасини ёқлайдилар. Аристобул эса оддийгина қилиб ёзади: Искандар безгакдан кучли азоб чекканидан ташналик сезади, кўп май ичади. Сўнг эса иситмалаб алаҳсирай бошлайди ва десий ойининг ўттизинчи куни оламдан ўтади.

LXXVI. «Кундаликлар»да Искандарнинг бетоблиги ҳақида қуйидагилар ёзилган. Десий ойининг ўн саккизинчи куни ҳаммомдалик пайтида у баданида кучли ички қалтироқ сезди ва ўша ерда ухлаб қолди. Эртасига эрталаб ювиниб оромгоҳига ўтди ва бутун кунни Медий билан соққа ўйнаб ўтказди. Кечқурун ванна қабул қилди, кундалик қурбонлик келтирди, овқатланди. Кечаси уни безгак тутди. Ойнинг йигирманчи куни у ванна қабул қилди, кундалик қурбонлик келтирди ва ҳаммомда ётганича, Неарх билан суҳбатлашди. Неарх унга Буюк денгизга қилган сафари ҳақида сўзлаб берди. Йигирма биринчи кунни ҳам у худди шундай ўтказди. Лекин иссиғи ошди ва кечаси ўзини ёмон ҳис қилди. Эртаси куни бўйи безгак тутиб ётди. Катта ҳаммомга олиб ўтилган Искандар қўмондонлар билан қўшиндаги бўшаган мансабларга муносиб кишиларни тайинлаш ҳақида суҳбатлашди. Ойнинг йигирма тўртинчи куни Искандарда кучли безгак хуружи бошланди. Қурбонлик қилиш учун уни кўтариб боришга тўғри келди. У юқори лавозимдаги қўмондонларнинг барига саройда қолишни, таксиарх ва пентаксиархларга тунни сарой атрофида ўтказишни буюрди. Йигирма бешинчи кун, саройнинг бошқа қисмига олиб ўтилган Искандар бир оз ухлади, лекин қалтира-

ши тўхтамади. Олдига қўмондонлар келганда у бир оғиз сўз ҳам айтолмади. Йигирма олтинчи куни ҳам шу ҳол такрорланди. Македонлар, шоҳ ўлгану, булар биздан яширяпти деган гумонда қилиб, гетерлардан[55] саройга киритишни талаб қилишди. Ниҳоят улар айтганларини қилдирдилар. Сарой дарвозалари очилди. Эгниларига фақат хитон кийган македонлар битта-битта шоҳнинг тўшаги атрофидан айланиб ўтишди. Шу куни яна, Серапис эҳромига Питон билан Селевк жўнатилди. Улар маъбуддан, Искандарни эҳромингга кўчиришимиз жоиз эмасми, деб сўрашлари керак эди. Маъбуд Искандарни жойида қолдиришни буюрди. Ойнинг йигирма саккизинчи куни кечга бориб Искандар ўлди. (LXXVII.) Буларнинг барини «Кундаликлар»да сўзма-сўз ўқиш мумкин.

Ўша кунларда Искандар заҳар бериб ўлдирилган, деган шубҳа ҳеч кимда туғилмаган. Бироқ, ҳикоя қилишларича, беш йил ўтгандан кейин миш-мишга ишонган Олимпиада кўп кишиларни қатл эттирган. Заҳарни берган шу деб, ўлганига анча бўлган Иол жасадининг қолдиқларини гўрдан чиқариб отишни буюрган. Заҳарни Антипатр юборган, Антипатрга бу маслаҳатни Арасту берган деювчилар Гагнотемид деган кимсанинг ҳикоясига суянадилар. Гагнотемиднинг ўзи эса бунн Антигон-шоҳдан эшитганман деб, унга илова қилади. Айтишларича, заҳар тариқасида Нонакрид яқинидаги қоядан шудрингга ўхшаб томчи-томчи бўлиб оқиб тушадиган муздек сув ишлатилган. Бу сувни эшак туёғидан қилинган идишда тўплаб, ўшанинг ўзида сақлашаркан. Жуда муздек ва ўткир бўлгани учун ҳар қандай идишни ўйиб емириб ташларкан. Аекин бошқа кўпчилик солномачи-ёзувчилар бу нарсалар тўқима, ҳеч қандай заҳарлаш бўлмаган деб айтишади. Бу гапнинг ишончли исботи сифатида, лашкарбошилар бир-бирлари билан жанжаллашиб марҳумни эсдан чиқариб юборганларидан бир неча кун иссиқ ва дим жойда қолиб кетган жасадда зиғирча

---

[55] Гетер — ўзга. Бу ерда сарой хизматини эгаллаб олган бошқа миллат вакиллари маъносида (тарж.изоҳи)

ҳам заҳар асорати кўринмагани, у ҳозиргина жони чиқ-қан жасаддек турганини далил қилишади.

Роксана бу пайтда ҳомиладор бўлгани учун македон-лар орасида ҳурмати жуда катта эди. Ўта рашкчилиги учун Статирани жуда ёмон кўрганидан, бир куни сохта мактуб ёрдамида Статирани синглиси билан уйига авраб келтиради-да, икковини ҳам ўлдириб, жасадлари-ни қудуққа ташлаб кўмиб юборади. Пердикка буни би-либгина қолмай, ўзи ҳам ёрдам берган. Пердикка Ис-кандарнинг ўлимидан кейин катта кучга эга шахс бўлиб қолганди. Чунки қаерга борса-да, Арридейни бирга олиб юрган. Арридей Филиппнинг бузуқ хотини Филиннадан туғилган ўғли эди. Хасталик оқибатида телбанамо бўлиб қолган ва тахтда ўтирган қўғирчоқдан бошқа нарса эмасди. Арридейнинг хасталиги туғма эмасди, боз устга ўзидан-ўзи пайдо бўлмаганди. Айтишларича, Арри-дей болалигида соғлом бўлган, олижаноблик, саҳоватли-лик каби хислатлари кўрина бошлаган. Кейинчалик, ҳар хил ўт-ўландан эзибичкилар бераверib, уни шу аҳволга Олимпиада солган[56] ...

---

[56] Искандар Мақдунли «Умр йўли»нинг охирги парчалари йўқолган

ПОДШОҲЛАР ВА САРКАРДААРНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИ

Плутарх подшоҳ Траянга омад тилайди.Эй, буюк ҳукмдор Цезар Траян, бизга ҳикоя қилишларича, гўёки форс подшоҳи Артаксеркс подшоҳлик ва одамшавандалик фақатгина олий туҳфалар қилишнигина эмас, балки арзимаган кичкина совғаларни қабул қилишни ҳам талаб қилади деб тушунар экан; бир куни у йўлда кетаётиб оддий, тўпори бир одамни кўриб қолди, бу одамнинг қўлида подшоҳга ҳадя қилишга арзигулик ҳеч нарсаси бўлмаганидан ариқдан кафтига сув олиб подшоҳга тутибди. Подшоҳ ҳадяни қувониб олиб, табассумла кўнглини кўтарибди, совға фойдаси учун эмас, балки совға қилувчининг яхши ниятига миннатдорчилик изҳор қилибди. Ликул эса ўз Спартасида, фуқаролар ўзларидаги бор нарса билан қийналмай ва оғринмай худоларини эъзозлашлари учун худоларга оддийгина қурбонлик қилишни жорий этган. Мен ҳам худди шундай фикрда ушбу ҳамма ҳам эришиши мумкин бўлган фалсафанинг бошланғич ҳосилини арзимас дўстона туҳфа сифатида келтирдим, токи сен бу сатрларда менинг эзгу ниятимни кўрарсан, балки бу ёзувлар хоқонларнинг ишлари билан эмас, сўзлари билан ифодаланган одат ва мойилликларини тушунишга имкон бериб фойдали ҳам бўлиб қолар. Рост, Рим ва эллинларнинг шон-шуҳратли хоқонлари, қонуншунослар ва подшоҳларнинг ҳаётлари ҳақида рисолаларим бор, уларнинг кўп ишлари тасодифнинг аралашиши орқали рўёбга чиққан, сўзлаган сўзлари, билдирган фикрлари, қилган ишлари, бошларидан кечирганлари, машаққатлари билан солиштирилганида улардан ҳар бирининг мулоҳазалари силсиласини, мушоҳадаларини кўзгуда кўргандек аниқ кузатиш, кўриш мумкин бўлади. Масалан, форс Сирамнга яқинлари унинг сўзлари оқилонаю, қилган ишлари эса муваффақиятсиз эканлигини айтиб ҳайрон бўлганларида у, сўзларимга ўзим ҳукмдорман, ишларим эса тасодиф ва буюк подшоҳ ҳукмида, деган экан. Менинг ўша, бошқа китобимда қаҳрамонларнинг ҳикматли сўзлари ва уларнинг қилган ишлари бир ерда баён этилган, шунинг учун хайрихоҳ ўқувчига уларни идрок этишга вақт зарур, бу ерда эса барча ҳикматлар ҳаёт тарзлари ва ман-

ба сифатида айрим ва жамланган ҳолда келтирилган, шул сабабдан ўйлайманки, сени (беҳуда) вақт сарф қилишга мажбур этмайман, сен эса қисқа муддатда эслаб турса арзигулик мардлар билан танишиб чиқасан.

1. КИР

1. Подшоҳлари ичида энг севимли бўлган Кир бургут бурун бўлгани учун форслар бургут бурунларни яхши кўрадилар ва ундай одамларни энг чиройли одамлар деб ҳисоблайдилар.

2. Кир айтар экан: ким ўзига ўзи яхшиликни истамаса, ундай одамни бошқаларга яхшилик қилишига мажбур этиш керак; бошқарилувчилардан яхшироқ бўлмаган ҳукмдорликка нолойиқдир.

3. Форслар ўзларининг тошлоқ, тоғли юртларини бошқа водийдаги юмшоқ ерга алмаштирмоқчи бўлганларида Кир бунга рухсат бермади ва ўсимликлар уруғи каби одамларнинг фесл-атворлари ҳам ерлари қандай бўлса, шундай бўлади, деди.

2. ДОРО

1. Доро, Ксерксининг отаси ўз шаънига: жангларда ва хавф қаршисидагина оқил бўлиб қоламан, дер эди.

2. Фуқароларга ўлпон белгилашда барча вилоятларнинг бошлиқларига чопар юбориб, уларга ўлпон оғирлик қилмаяптими деб сўради; улар меъёрдагидан ортиқча эмас деб айтдилар, шунда Доро уларнинг ҳар биридан ўлпонни икки баравар камайтиришга ҳукм қилди.

3. У бир куни анор олмасини (Плутарх анорни шундай атайди) сўйган эди, кимдир: шу анорда қанча дона бўлса, шунча нимани хоҳлашини сўраганида, у: «Шунча Зопирни!», — деб жавоб берди, чунки Зопир — шавкатли, мард ва дўст эди.

4. Бурни ва қулоқларини кесиб ўзини майиб, бадбашара қилган ва бу билан бобилликларнинг ишончини қозониб уларнинг шаҳрини Дорога олиб берган — шу Зопир эди, аммо Доро: Зопирни бешикаст кўрмоқ учун юзта Бобилни берганим афзал эди, деб кўп марта гапирган.

3. СЕМИРАМИДА

Ўзиға мақбара қурдириб Семирамида унга ушбу сўзларни ёздириб қўйди: «Қайси подшоҳ пулга муҳтож бўлиб қолса, ушбу мақбарани бузиб ўзига керагича олсин». Қарангки, Доро мақбарани бузиб вайрон қилди, аммо пул тополмади, лекин бошқа бир лавҳани топди, унда ушбу сўзлар ёзилганди: «Сен ярамас одамсан ва пулга ортиқча хирс қўйгансан, — бўлмаса сен ўликларни безовта қилмас эдинг».

4. КСЕРКС

1. Ксеркс, Доронинг ўғли, Бақтриядан унинг устига келаётган биродари Ариамен билан ҳокимият талашарди. Ксеркс унга совғалар юборди ва элчиларга бундай дейишни буюрди: «Бу совғалар билан биродаринг Ксеркс сенга ўз эҳтиромини маълум қилади; агар у подшоҳ бўлса, унинг ҳузурида сен ҳаммадан каттароқ бўласан». Ксеркс ҳақиқатан ҳам, подшоҳ деб эълон қилингач, Ариамен унинг қаршисида тиз чўкди, сўнгра унинг бошига тож кийгизди, Ксеркс эса, уни форслар устидан ўзидан кейинги иккинчи одам этиб тайинлади.

2. Ксеркс, исён кўтарган бобилликларга жаҳл қилиб, уларнинг қўзғалонини бостиргач, уларга қурол олиб юришни ман қилди ва уларда фақат рақс, сурнай, бўзахўрлик, фахш ва қатма-қат, бурамалик кийимлар бўлсин, деб буюрди.

3. Унга май тайёрланадиган аттикнинг қуруқ меваларидан олиб келганларида, у: пулга олинган бу меваларни емаслигини, бу меваларни етиштирадиган ерни фатҳ этгандагина уларни ейишини айтди.

4. Ўз қароргоҳида тутиб олинган эллин айғоқчиларига у ҳеч қандай ёмонлик қилмади, фақат эҳтиёткорлик билан қўшинларини кўришларини буюрди ва қўйиб юборди.

5. АРТАКСЕРКС

1. Бир қўли иккинчисидан узун бўлгани учун Узунқўл деб лақаб берилган, Артаксеркс Ксеркснинг ўғли, гап

шундаки, подшоҳнинг иши олиш эмас, беришдур, деб айтар экан.

2. У биринчи бўлиб, ўзи билан овга чиққанларга, агар хоҳиш ва имкониятлари бўлса, сайд-ҳайвонга ўзидан олдин ҳужум қилишга руҳсат берди.

3. У биринчи бўлиб, бирон-бир амалдорни гуноҳ иши учун уни калтакламаслик ва сочини юлмасликни, буни ўрнига ечиб ташланган кийимини қамчилаш ва унинг бош кийимидан ипларни суғуриб ташлашни буюрди.

4. Соҳиби хоб Сатибарзан бир ноҳақ ишда ундан ёрдам сўради. Бу илтимос учун у (Сатибарзан) 30000 дарик пул олганлигини эшитиб Артаксеркс хазинадан 30000 дарик олиб келишни буюрди ва бу пулни бериб, унга: «Буни ол Сатибарзан! Бу пулни сенга бериб мен фақир бўлиб қолмайман, аммо сен илтимос қилган ишни қилиб адолатсиз бўлиб қоламан», — деди.

6. КИЧИК КИР

Кичик Кир, лакедемонияликларга иттифоқчи бўлишларини таклиф этиб, айтди-ки, у акасига қараганда руҳоният томондан кучлироқ, аралашмаган майни акасидан кўпроқ ичаолади, аммо унча маст бўлмайди; акаси эса овда от устида зўрга ўтирганидай, қийинчилик кунларида — тахтда ҳам омонат ўтиради. Хизматига навкарларни таклиф қилганида, пиёдаларга от, оти борларга енгил аравалар, ери бор заминдорларга — қишлоқлар, қишлоқлари борларни эса, шаҳарларга ҳоким этишни; улар кумуш ва олтинни саноқ билан эмас, оғирлик ўлчовида олишларини ваъда берди.

7. АРТАКСЕРКС МНЕМОН

1. У (Кичкина Кир)нинг укаси Артаксеркс Мнемон, ҳар бир ўткинчи одамга ўз ҳузурига бемалол кираверишга рухсат берибгина қолмай, йўлда ҳар бир мухтож одам мурожаат қила олеин, деб хотинига аравасининг пардаларини олиб ташлашни буюрди.

2. Бир камбағал одам унга ҳаддан ташқари катта олма совға қилганида у мулойимлик билан олди ва: «Митра

билан қасам ичаман, ўйлайманки, агар бу одамга кичик бир шаҳарни ишониб топширилса, уни ҳам катталаштириб юбораолади», — деди.

3. Бир сафар қочоқликда, бор-йўғидан ажралиб қолганида, у қуритилган анжир ва арпа унидан қилинган нон еди-да: «Шундай ширин, мазали нарсаларни билмаган эканман!» деди.

8. ПАРИСАТИДА

Кир ва Артаксерксларнинг оналари Парисатида (Паризод?): подшоҳ билан эркин сўзлашишни хоҳлаган одамга ипакдай (майин) сўзлар зарур, дер эди.

9. ОРОНТ

Подшоҳ Артаксеркснинг куёви Оронт, унинг (Артаксеркснинг) ғазабига учраб, шарманда этилиб жазоланганч: «Бармоқ билан ҳисоблашда бармоқлар гоҳ бирлик, гоҳо мингларни ифодалаганидай, подшоҳнинг дўстлари ҳам гоҳ ҳамма нарса, гоҳида ҳеч нима бўлиб қолишлари мумкин», — деди.

10. МЕМНОН

Искандарга қарши, Доро томонида жанг қилган Мемнон, ёлланган бир навкарнинг Искандарни сўкиб, ёмонлаётганини эшитиб қолиб, найзаси билан урди-да: «Мен сенга сўкканинг учун эмас, Искандарга қарши жанг қилганинг учун ҳақ тўлайман», — деди.

11. МИСР ПОДШОҲЛАРИ

Миср подшоҳларининг мансабга тайинланаётган қозилардан, агар подшоҳ улардан ноҳақ ҳукм чиқаришни талаб қилса ҳам уни амалга оширмаслик ҳақида қасамёд олиш одатлари бор.

12. ПОЛТИС

Полтис, Фракия подшоҳи, Троя уруши вақтида бирданига ҳам трояликлар, ҳам ахеяликлардан элчилар

келганида у, Искандарга Еленани беришни, буни эвазига икки гўзални ўзидан қабул қилишни таклиф этди.

13. ТЕРЕЙ

Терей, Ситалкнинг отаси: жангга кирмай ялло қилиб юрганимда ўзимга ўзим оддий отбоқардан афзал кўринмайман, дер эди.

14. КОТИС

1. Котис, ўзига қоплон совга қилган одамга жавобан арслон туҳфа қилди.

2. У табиатан жаҳлдор бўлиб, ўзига хизматда бўлганларни ножўя ишлари учун бешафқат қаттиқ жазоларди. Бир куни келган меҳмон унга енгил ва нозик, гўзал нақшланган ноёб кўзалар ҳадя қилганида меҳмонни у ҳам туҳфа ила хурсанд қилди-да, барча кўзаларни уриб синдирди ва: «Агар бировлар кўзаларни синдириб қўйсалар, дарғазаб бўлиб уларни ҳаддан ортиқ жазолаб қўймаслик учун», — деб тушунтирди.

15. ИДАНФИРС

Иданфирс, скифлар подшоҳи, унинг юртига Доро босиб келаётганида, ионийлик подшоҳларга Истр дарёсидаги кўприкни подшоҳ (Доро) ундан ўтгач бузиб ташлашни ва тарқалиб кетишни маслаҳат қилди; улар Дорога садоқатда қолиб бунга кўнмаганларида, уларни қуллар, одоблилар ва қочишга лаёқатсизлар, деб атади.

16. АНТЕЙ

1. Антей подшоҳ Филиппга бундай мактуб жўнатди: «Сен одамлар билан жанг қилишга ўрганган македонияликлар устидан ҳукмронлик қиласан, мен эса, очлик ва чанқоқлик билан кураша оладиган скифлар устидан ҳукмдордурман».

2. Қашлагич билан отини тозалаётиб, у Филиппнинг элчиларидан: «Филипп ҳам шундай қиладими?», деб сўра-

ди; улар «Йўқ», — деб жавоб берганларида, «У қандай қилиб мен томонга урушга келмоқчи?», — деди.

3. Машҳур найчи Исменийни асир олганида унга най чалиб беришни буюрди; ҳамма хурсанд бўлиб шодланганида, у: «Онт ичаманки, отнинг кишнаши менга кўпроқ хуш ёқади!», — деди.

17. СКИЛУР

80 та ўғли бўлган Скилур, ўлим тўшагида ётганида уларга дасталаб боғланган камон ўқларини синдириб кўришни сўради; аммо улар кўнмадилар. Шунда у ўқларни бирма-бир олиб осонгина ҳаммасини синдириб ташлади ва насиҳат қилиб айтдики, агар улар аҳил ва бирга бўлсалар барчалари куч-қудратли бўладилар, агарда жанжаллашиб, бир-бирларидан узоқлашсалар беҳол, кучсиз бўлиб қоладилар.

18. ГЕЛОН-ТИРАН

1. Гелон-тиран, каффагенликларни Гимер остонасида енгганидан кейин, сулҳ тузиш пайтида сулҳ шартига улар ўз болаларини Кроносга қурбонлик қилиш учун олиб келмасликни ёзиб қўйишга мажбур қилди.

2. Сиракузликларни ер ишланиб яхши бўлиши учун ва бекорчиликдан одамларнинг ахлоқи бузилмаслиги учун, бир неча марта худди урушга олиб боргандай, далага экин экишга — зироат ишларига олиб чиққан.

3. Бир сафар фуқаролардан у пул беришни талаб қилганида, улар норозилик билдирдилар, шунда: қайтиб бериш шарти билан олаётибман, деди ва ҳақиқатан ҳам уруш тугагач қайтариб берди.

4. Бир куни базм пайтида, лира созини қўлдан қўлга узатиб чалиб, ашула айтишаётганларида у саман отини олиб келишни буюрди ва енгил сакраб осонгина миндида, чоптириб кетди.

19. ГИЕРОН

1. Гелондан сўнг тиран бўлган Гиерон, ҳеч кимнинг эркин нутқи унинг ҳузурида ноўрин бўлган эмас, дер эди.

2. Унинг фикрича, сирни очгувчи ҳам, уни эшитгувчи ҳам бирдай қабиҳ иш қиладилар, чунки бизга хуш келмайдиган бу ошкоралик сабабчиси бўлмиш гапиргувчигина эмас, уни эшитувчи ҳам қаҳримизни келтиради.

3. Кимдир унинг оғзидан нохуш хид келишини айтиб танбеҳ берди, шунда буни айтмагани учун хотинидан хафа бўлди; аммо хотини «Ҳамма эркакларда шундай хид бўлса керак деб айтмагандим», — деган экан.

4.Ксенофан Колофоний: икки қулни боқиш қийин бўлмоқда, деб зорланган эди, у: «Сен устидан кулиб юрадиганинг Гомер ҳатто ўлган бўлса-да минглаб одамларни боқмоқда-ку, бунга нима дейсан?» дебди.

5. Хотини ҳузурида ножўя сўз айтгани учун комедиялар ёзувчи Эпихармни жазолади.

20. КАТТА ДИОНИСИЙ

1. Катта Дионисий, халқ мажлисида нотиқларнинг сўзга чиқиш тартибини харфлар-қуръаси ила белгиланганида Шни олди; шунда унга: «Шарманда бўласан, Дионисий!», — деганларида, у: «Йўқ, адашасизлар, мен Шоҳ бўламан!», — деб эътироз билдирди. Дарҳақиқат, нутқ сўзлаб бўлиши билан сиракузликлар уни стратег қилиб сайлашди.

2. Ҳукмдорлигининг дастлабки пайтларида исёнкор фуқаролар ҳужумига учраганида, шаҳид ўлишни истамаса ҳокимиятдан воз кечишни дўстлари маслаҳат бердилар; аммо қассоб зарбасидан қулаётган хўкизга қараб: «Шундай қисқа муддатда ўтадиган ўлимдан қўрқиб, узоқ ҳукмдорликдан воз кечиш менга уят эмасми?», — деб жавоб берди.

3. Валиаҳд этиб тайинламоқчи бўлган ўғли бир эркин одамнинг аёлига тажовуз қилганини билиб қолиб у ғазаб билан ўғлига: «Сен менинг шундай иш қилганимни биласанми?», — деди.

Йигит: «Аммо сенинг тиран-отанг бўлмаган», — деб жавоб берди. Шунда Дионисий ўғлига: «Агар сен бундай ишларни тўхтатмасанг, тиран-ўғлинг бўлмайди», — деди.

4. Бошқа бир кун, у ўғлининг олдига бориб, унда кўп олтин ва кумуш идишларни кўриб: «Сендан тиран-ҳукмдор чиқмайди! Сен мендан меҳмондорчилик учун шунча кўп қимматбаҳо идиш олиб, биронта ҳам дўст орттирмадинг», — деб хитоб қилди.

5. Сиракузликларга у ноқонуний солиқ солди; улар оҳ-вой қилдилар, йигладилар, ҳеч нарсамиз йўқ деб арз қилдилар. Бундай аҳволни кўриб яна солиқ олишни буюрди, сўнг учинчи марта яна шундай қилди. Кейин янада кўпроқ талаб қилганида сиракузликлар унинг устидан кулиб, ошкора уни мазах қила бошлаганларини эшитиб, бундай торожни тўхтатишни буюрди: «Энди биз кулги бўлаётган эканмиз, — деди у, — демак ҳақиқатан ҳам уларда ҳеч нарса қолмаган».

6. Унинг онаси қариб қолган пайтида яна эрга тегмоқчи бўлганида у, давлат қонунларини ўзгартира оламан, аммо табиат қонунларини ҳеч ўзгартира олмайман, деди.

7. Барча жиноятчиларни бешафқат жазолаб, фақат йўлтўсарларни енгил жазоларди, у сиракузликларни кечқурун бир-бирларининикига меҳмонга ва араҳхўрликка боришларини тўхтатишни истарди.

8. Бир мусофир унга яккама-якка суҳбатда фитналарни фош қилиш воситаси борлигини айтиб беришни таклиф этди. Дионисий уни ҳузурига чақириб айтиб беришни буюрди. У: «Сен менга талант (пул) бергин, шунда одамлар ҳақиқатан ҳам фитначиларни қандай топиш сирини ҳақиқатан айтиб берибди, деб ўйлайдилар», — дебди. Дионисий унга талант берди ва ўзини хоҳлаган нарсасини билиб олгандай тутди; суҳбатдоши-мусофирнинг айёрлигидан бениҳоя ҳурсанд бўлди.

9. Ундан бўш вақти борми, деб сўраганларида, у: «Йўқ, ҳеч қачон бўлмасин ҳам!», — деб жавоб берди.

10. Икки йигит май ичиб унинг ҳақида ва мустабид ҳокимият тўғрисида ножўя, хунук гаплар гапирганларини эшитиб қолиб, уларнинг иккаласини кечки овқатга таклиф қилди. Шунда, у йигитлардан бири кўп ичиб, кўп гапираётганини, бошқаси эса оз ва эҳтиёткорлик билан ичаётганини кўрди. Биринчисини ич-

киликка табиатан, ғийбат, фисқ-фасодга эса шаробхўрликдан мойил деб мулоҳаза қилиб қўйиб юборди, иккинчисини эса ишончсиз ва душманликни кўзловчи одам деб қатл этди.

11. Номақбул ва ҳамма ёмон кўрадиган бир одамни эъзозлаб, баланд мансабларга кўтараётгани учун унга дашном берардилар. Шунда у: «Мен, ҳеч бўлмаса кимдандир мендан кўпроқ нафратланишларини хоҳлайман», — деб жавоб берди.

12. Коринф элчилари, элчиларга ҳукмдорлардан совғалар олиш манъ этилган қонунни пеш қилиб, унинг бермоқчи бўлган совғаларини олмадилар; Дионисий уларга бундай танбеҳ берди: «Сиз тиран ҳукмдорлар қилишлари мумкин бўлган бирдан-бир яхши ишдан маҳрум этмоқдасиз ва одамларга тирандан ҳайрихоҳлик ҳам хавфли эканлигини кўрсатмоқдасиз».

13. Бир фуқаронинг уйида пул беркитилганини эшитиб, уни олиб келишни буюрди. Аммо пул эгаси озроғини беркитиб олиб қолиб бошқа шаҳарга қочиб кетди ва ўша пулига ер сотиб олди. Шунда Дионисий, унинг олдига одам юбориб бойлигини ер олиб ишлатгани ва энди бойликни кўмиб қўймайдиган бўлгани учун қолган пулини (яъни Дионисий тортиб олгани) қайтариб олишини сўради.

21. КИЧИК ДИОНИСИЙ

1. Кичик Дионисий, шунча софистларни боқаётганининг боиси улардан ҳайратланиши эмас, балки улар ундан ҳайратланишлари учун, дер эди.

2. Диалектик Поликсен сени (Кичик Дионисийни) баҳсда енгдим деди. «Баҳсу баҳс, — жавоб берди Дионисий, — мен сени амалда енгдим: ўз ишларингни ташлаб менга ва менинг тарафдорларимга хизмат қилишга мажбур этдим».

3. Тахтдан ағдарилгач, файласуфлар ва Афлотун (Платон) қандай ёрдам бердилар, деган саволга, у: «Уларнинг ёрдамлари билан мен ҳозир ҳеч азият чекмай тақдирнинг бундай ўзгаришига чидамоқдаман», — деб жавоб берди.

4. Отаси Сиракуз ҳукмдори бўлса-ю, у тиран-отасининг ҳокимиятига эга бўлатуриб қандай ундан айрилиб қолгани ҳақидаги саволга, у: «Менинг отам демократия фуқаролар жонига текканида ҳокимият тепасига келди, мен эса уларга мустабидлик хуш ёққанида», — деб жавоб берди.

5. Бошқа бир одамга шу саволга, у: «Отам менга бахтини эмас, ўз ҳокимиятини қолдирди»— деб жавоб берди.

22. АГАФОКЛ

1. Агафокл, кўзагарнинг ўғли эди, Сицилия хожаси бўлгач ва подшоҳ қилиб кўтарилганидан кейин у базмузиёфатларда лойдан ясалган кўзаларни олтин кўзалар қаторида намойиш этарди. Бу кўзаларни ёшларга кўрсатиб, аввал лойдан мана бундай кўзалар ясардим, энди эса қудратимга ярашадиган ишларни қилмоқдаман, буларнинг барчаси саъй=ҳаракат ва жасорат туфайлидир, дер эди.

2. У бир шаҳарни қамал қилганида, қалъа деворидан унга: «Ўз ёлланма (сотқин) аскарларингга қандай ҳақ тўлайсан?», — деб қичқирганларида у хафа бўлмай кулиб: «Шаҳарни фатҳ этиб олгунимча сабр этинг», — деб жавоб берди. Шаҳарни жанг билан олганидан кейин аҳолини қулликка сотди, ва уларга: «Мени сизлар ҳақорат қилган эдингиз, аммо ҳисобини хўжайинларингиз билан ҳал этаман», деди.

3. Итаки аҳолиси, оролга келган унинг маллоҳлари (денгизчилари) уларнинг чорваларини олиб кетганларидан шикоят қилдилар. У: «Сизларнинг подшоҳингиз бизнинг юртга келганида қўйларни олиб кетганидан ташқари кетишдан олдин чўпоннинг кўзини ҳам ўйган!», — деб жавоб берди.

23. ДИОН

Дион, Дионисийни тахтдан ағдаргач, дўстларидан энг ишонгани Каллипп, унга қарши фитна қилмоқчи эканлигидан хабар топди, аммо уни фош этмай бундай деди:

«Фақат душманлар олдида эмас, дўстлар кўйида ҳам хавфсираб яшагандан ўлган яхшироқ!»

24. АРХЕЛАЙ

1. Зиёфат пайтида Архелайнинг энг яхши ҳамсуҳбатларидан бири ундан олтин жомни (туҳфа қилишни) сўраганида қулга олтин жомни Еврипидга олиб келиб беришни буюрди; сўрагувчининг ҳайрон бўлиб қараганига жавобан у: «Сен сўрашинг мумкин, Еврипидга эса — сўрамай (туҳфа) олмоқ жоиздир», — деб жавоб берди.

2. Маҳмадона сартарош ундан сочини қандай олишни сўраганида, у: «Гапирмасдан!» деб жавоб берди.

3. Бир куни зиёфатда Еврипид соқоли чиқиб қолган, барно Агафонни қучоқлаб, эркалай бошлади. «Сизлар ҳайратланманг, — деди Архелай дўстларига, — гўзалнинг, кузи ҳам гўзал».

4. Кифара чалувчи машшоқ Тимофей ундан бой туҳфа олиш умидида эди, аммо кўнгли тўлмайдиган совға олди ва хафа бўлди. Бир куни қўшиқ айтаётиб, ушбу «Соф кумушда — сенинг шону шарафинг...» мисрани айтиб туриб, у Архелайга имо қилди; у эса (Архелай): «Илтимос эса — сеники», — деб жавоб берди.

5. Кимдир унинг устидан сув қуйиб юборди, шунда дўстлари ул беадабни жазолаш керак, дедилар. «Аслида у менинг устимга эмас, — деди Архелай, — бошқа одам деб ўйлаганининг устига сув қуйган».

25. ФИЛИПП

1. Филипп, Искандарнинг отаси, Феофрастнинг сўзларига қараганда, нафақат подшоҳлар ичида (буюк) бўлган, балки тақдир ишларида ҳам, табиатига кўра ҳам афзалроқ ва меъёрдан ошмайдиган бўлган.

2. У, афиналикларга ҳавасим келади дер эди, чунки, улар ҳар йили сайловларда ўнта саркардани топа оладилар, у эса кўп йиллар мобайнида фақат биргина — Парменионни топди.

3. Бир куни унга бирданига кўпгина суюнчли омадлар ҳақида хабар келтирганларида, у: «Шунча хайрли ишлар эвазига эй тақдир, бир нохушлик ҳам бергин!» — деб хитоб қилди.

4. У эллинлар устидан ғалаба қозонганида, унга эллин шаҳарларида ҳарбий қисмлар қолдиришни маслаҳат беришди, у эса: «Узоқ вақтларгача жабрловчи деб донг чиқарганимдан, узоқ вақтларгача раҳмдил деб донг чиқарганим яхшироқ», — деб жавоб берди.

5. Дўстлари унга ҳузуридаги бир ғийбатчини ҳайдаб юборишни маслаҳат бердилар. «Мен бу ишни қилмайман, — деди Филипп, — токи у менинг устимдан янада кенгроқ миқёсда ғийбат қилиб юрмасин!»

6. Смикиф, кўпинча Никанор доимо Филипп ҳақида ёмон гаплар гапиради, дерди, шунда подшоҳнинг яқинлари уни (Никанорни) ҳайдаш ва жазолашни маслаҳат бердилар. «Аммо Никанор, — македонияликлар ичида энг ёмон одам эмас-ку! — деди подшоҳ. — Келинг, яхшиси билайлик, у биздан нега хафа?» Ўзининг шоҳона лутф-карамисиз Никанор камбағалчиликдан хароб аҳволда эканлигини билиб, Филипп унга ҳадялар беришни буюрди; Смикиф энди, Никанор подшоҳ ҳақида ҳаммага мақтовлар айтаётганини гапирабошлади. «Мана, кўрдингизми, — деди Филипп, — Ўз ҳақимизда яхши ёки ёмон сўз эшитиш, ўзимизга боғлиқ экан».

7. У, турли маломатлар билан ўзининг ҳам ақлан, ҳам ахлоқан яхши бўлишига сабабчи бўлган афиналик сафсатабозларга миннатдорлигини изҳор қилар, ва: «чунки мен сўзимда ҳам, амалимда ҳам улар—қаллоблар эканликларини кўрсатишга ҳаракат қиламан», — дерди.

8. Херонее яқинида асирга олинган барча афиналикларни улардан бадал олмай қўйиб юборди, шунда ундан ўз тўнлари ва кўрпаларини қайтариб беришни талаб қилиб македонияликлар устидан арз қилганларида у: «Афиналиклар гўё ошиқ ўйинида ютқаздик деб ўйлаётган бўлсалар керак!», — деди кулиб.

9. Урушда унинг кураги жароҳатланди, уни даволаётган шифокор ҳар сафар бирор нарса тиланарди. «Ха-

зинадан хоҳлаган нарсангни (кураб) олавер, — деди Филипп, — курак ўз қўлингда!»

10. Икки биродар бор эди: Амфотер («Иккиси») ва Гекатер («Иккита»); Гекатер ақлли ва тадбирлик; Амфотер эса бемаъни ва гўл эди. Филипп: «Гекатер ўзигина Иккиси, Амфотер эса — Бир ҳам эмас», — деди.

11. Унга афиналикларни қаттиқ жазолашни маслаҳат берганларида у: «Шон-шуҳрат учун ҳаракат қилаётган ва ҳамма нарсага чидаётган одам, шул шон-шуҳрат томошабинларидан ўзини ўзи маҳрум этишни маслаҳат бериш фаросатсизлик эмасми?», — деди.

12. Икки бадбахт орасига тушиб қозилик қилишга тўғри келиб қолганида улардан бирига Македониядан қочиб кетишга, бошқасига эса қочоқни қувлашга ҳукм чиқарди.

13. Гўзал, хушҳаво жойда тўхтаб, қароргоҳ қилмоқчи бўлди, аммо юк ташувчи ҳайвонлар ўтлашига кўкат йўқлигини билиб қолиб, бундай деди: «Бизнинг ҳаётимиз шундай: эшаклар таъбига мос бўлса бўлди!»

14. Мустаҳкам бир қалъани олмоқчи бўлганида, хабарчилари у ерга ҳар тарафдан бориш қийинлигини айтиб келдилар, шунда Филипп: «Олтин ортилган бир эшак ҳам ўтолмайдиган даражадами?», — деб сўради.

15. Олипфлик Ласфеннинг ўртоқлари, «Филипп, сенинг дўстларингдан бири бизни «сотқиплар», деб ҳақоратламоқда» дея арз қилдилар ва норози бўлдилар. Филипп: «Македонияликлар — қўпол ва жоҳил халқ, улар тоғорани тоғора деяверадилар» деди.

16. Куч-қудрати ошиши учун ўғлига македонияликларга хушмуомалада бўлишни маслаҳат берди, агар мабодо уларнинг подшоҳи бўлолмасанг ҳам яхшилигинг ила шуҳрат қозонасан, дер эди у.

17. Бирларидан фойдаланиш учун, бирларидан фойдаланишга йўл қўймаслик учун, шаҳарлардаги аъёнларга у яхши одамлар ичида ҳам, ёмон одамлар ичида ҳам дўстлар орттиришни маслаҳат берарди.

18. У Фивада гаровга ушланиб турилганида унга меҳмондўст бўлиб яхшиликлар қилган, фивалик Филон кейин ундан ҳеч қандай туҳфа олишга кўнмаганида унга:

«Сен мени енгилмаслик (шуҳрати)дан маҳрум этмагин — мендан яхшилик ва сахийликда устун бўлма!», — деди.

19. У жуда кўп асир олганида уларни қулликка сотарди. Шундай кунларнинг бирида, устки кийими хунук турмаланиб қолганини сезмади. Асирлардан бири: «Филипп менга раҳм қил — мен хонадонингга дўстман!», — деб қичқирди. «Қандай дўстсан, — ундан сўради Филипп, — ким орқали?» «Сенга яқинроқ боришга рухсат берсанг айтаман», — жавоб берди ўша асир. Ва унинг яқинига келиб: «Кийимингни тортиб тузатиб ол, хунук ўтирибсан», — деди. «Уни қўйиб юборинглар, — деди Филипп, — у ҳақиқатан ҳам менга хайрихоҳ, мен бехабар бўлган дўст экан».

20. Бир куни сафар чоғи уни меҳмондўст бир одам зиёфатига таклиф қилганида у ўзи билан кўп дўстларини бошлаб борди. Мезбон ҳаммага овқат етмайди, деб қўрқиб кетди. Буни сезиб қолиб Филипп дўстларига гўштли нонга қоринда жой қолдиришни маслаҳат берди, дўстлари унга ишониб гўштли нон илинжида меъёрида овқатландилар; шундай қилиб овқат ҳаммага етди.

21. Евбейлик Гиппарх ўлганида у жуда хафа бўлди. Унга: «У узоқ умр кўрди-ку», —дедилар. «Ўзи учун у узоқ яшади, мен учун эса йўқ, — деди Филипп, — чунки ҳаётимда мен унинг дўстлиги учун миннатдорчилигимни изҳор этишга улгура олмадим».

22. Турли хотинлардан бўлган кўп фарзандлар учун Искандар ундан хафалигини эшитиб, у бундай деди: «Подшоҳлик учун шунча талабгорларни кўриб, сен баркамол ва софдил бўлишинг, хукмдорликка мен эмас, ўзинг туфайли эришмоғинг керак!»

23. У, Искандарга Арасту (Аристотел)дан таълим олиш ва фалсафа билан шуғулланишни буюрди. «Шунда сен, — деди у, — мен қилган ва афсуслангган ишларни қилмайсан».

24. Антипатрнинг дўстларидан бирини у судя-қози этиб тайинлади, аммо унинг соч-соқолини бўяшини билиб қолиб, «Сочининг рангига ишониб бўлмайдиган одамга ишда ҳам ишониб бўлмайди», — деб ишдан бўшатди.

25. Махет исмли бир одамни тергов қилаётиб у мудраб қолди ва унинг тушунтириш сўзларини эшитмай, жазолашга ҳукм чиқарди. Махет қозини ёрдамга чақирабошлади. «Қайси қозини?» сўради жаҳли чиққан Филипп. «Сенинг ўзингни чақирмоқдаман, ҳукмдор, — жавоб берди Махет, — сен қачон уйғониб диққат билан қулоқ соласан?». Филипп уйғонди, ўзига келиб, ноҳақ ҳукм чиқарганини тушунди, шунда ҳам, ҳукмни ўзгартирмади, аммо айбдор деб айтилган Махет тўлаши керак бўлган пулни ўзи тўлади.

26. Ноҳақ ишлари учун Кратет терговга чақирилганида, унинг қариндоши ва дўсти Гарпал, подшоҳ Филиппдан дўсти учун бадал олишни ва унинг ҳақида ёмон гаплар гапирмасликлари учун суд қилишдан халос этишни сўраганида, Филипп: «У туфайли бизнинг ҳақимизда ёмон гапирганларидан кўра, унинг тўғрисида ёмон гапирганлари яхшироқ!», — деб жавоб берди.

27. У кўп мурувват кўрсатган Пелопоннесликлар Олимпия ўйинларида хуштак чалиб уни ҳақорат қилганларида дўстларининг жаҳллари чиқди, шунда у: «Агар мен уларга ёмонлик қилсам нималар бўлишини тасаввур қиласизми?» — деди.

28. Бир ҳарбий юришда у узоқ ухлади, уйғонгач: «Мен Антипатр уйғоқлигини билганим учун, бемалол ухладим!», — деди.

29. Бир сафар у кундузи ухлади, эшик олдида тўпланиб турган эллинлар уни чақириб, бетоқат сўкинишарди. «Унинг ухлаётганига нега ҳайрон бўласизлар? — деди уларга Парменион, — сизлар ухлаётганингизда у бедордур!»

30. Бир куни базмда у бир созандага танбеҳ бериб, торларни қандай чертиш кераклиги ҳақида гапирабошлади. Созанда унга: «Бу пшни подшоҳим, мендан афзалроқ билиш сенга насиб қилмасин!», — деди.

31. У ўз хотини Олимпиада ва ўғли билан хафалашиб юрган кезлари ҳузурига коринфлик Демарат келди, подшоҳ ундан эллинлар бир-бирлари билан қандай муроса қилишларини сўради. Демарат: «Ўз уйингда шунча нохушликлар бўлиб турганида эллинларга қайғурасанми?»,

— деб жавоб берди. Шундан кейин подшоҳ ўз хатосини тушунди ва яқинлари билан яраштди.

32. Бир мискин кампир арзини эшитишни талаб қилиб тез-тез ғашини келтириб турарди, шунда кампирга: «Менинг вақтим йўқ», — деди, кампир қичқириб: «Бўлмаса подшоҳлик қилма!», — деди. У бундай сўзларга ҳайратланди-да, шундан сўнг фақат капирнигина эмас, бошқалар арзини ҳам дарҳол эшита бошлади.

26. ИСКАНДАР

1. Искандар, болалик пайтларида Филиппнинг муваффақиятларига хурсанд бўлмасди ва дўстларига: «Отам менга ҳеч нарса қолдирмайди», — дер эди. Болалар эса: «У сен учун йиғмоқда-ку!», — деганларида, у: «Менда кўп бойлик бўлса-ю, иш бўлмаса — бунда қандай нафъ бўлади?», — деди.

2. У тез югурар эди, отаси унга Олимпиадада югурувчилар билан қатнашишини таклиф қилди. «Агар мусобақадошлар подшоҳлар бўлса — майли», — деди Искандар.

3. Унга бир кечага аёл келтирдилар, вақт кеч, ярим тун эди, аёлдан: «Нега бунча кеч келдинг?», — деб сўради. Аёл: «Эрим ухлашини кутдим», — деди. Искандар, аёлни олиб келган қуллар сабабли зинокор бўлиб қолишимга сал қолибди, деб ўз қулларини қаттиқ жазолади.

4. Худоларга у хотамона совғалар келтиргани ва хушбўй нарсаларни аямагани учун уни ҳузуридаги амакиси Леонид: «Хушбўй ўсимликлар ўсадиган ерларни фатҳ этганингдан кейин хайрияга сахий бўласан!», — деди. Искандар ҳақиқатан шундай ерларни забт этгач Леонидга бундай мактуб юборди: «Хушбўй ўсимликлар ўсадиган ерларга ҳам эга бўлганимизни билгин-да, энди худолар қошида пачакилашиб ўтирмагин, деб сенга бутун бир талант хушбўйликлар ва долчин юбормоқдаман».

5. Граникадаги жангга тайёрланаётиб, у македонияликларга кечқурун заҳирадаги барча овқатларини еб яхшилаб қоринларини тўйдиришни буюрди, негаки, эртага душман овқатини ейиш керак бўлади, деди у.

6. Дўстларидан бири Перилл қизини узатиш учун сепига ёрдам беришни сўради. Искандар унга эллик талант олишни буюрди. Дўсти ўн талант етади, деди. «Сенга олмоқ учун етади, — деди Искандар, — аммо менга, бермоқ учун етарли эмас».

7. Хазиначига, файласуф Анаксарх қанча сўраса шунча беришни буюрди. Хазиначи, (файласуф) юз талант сўраётганини айтди. «Яхши, — деди Искандар, — демак, шундай совға беришни хоҳлайдиган ва бера оладиган дўсти борлигини у билар экан».

8. Милетда, Олимпия ва Делфада ғолиб бўлган баҳодирлар тасвирланган анчагина суратларни кўриб, у: «Варварлар шаҳрингизни олаётганларида бу паҳлавонлар қаерда эдилар?», — деди.

9. Кария маликаси Ада, ҳамма вақт унга ўз ошпазлари ва нонвойлари тайёрлаган овқатлар ва ширинликлар юбориб тураман, деб мақтанар эди. Маликага у, мазали нонушталарим ҳақида тунги юришлар, мазали кечки овқатларим эса ҳақида камсуқум нонушталарим ғам ейдилар, деб жавоб берди.

10. Жангга ҳамма нарсани тайёрлаб қўйганидан кейин, саркардаларнинг яна буйруқлар бўладими, деган саволларига у: «Йўқ, — фақат, македонияликлар соқолларини қириб ташласинлар», — деб жавоб берди. Парменион ҳайрон бўлди, шунда у: «Жангда энг осони соқолдан ушлаб олиш эканлигини билмайсанми?», — деди.

11. Доро унга 10000 талант ва Осиё устидан ярим ҳукмдорликни таклиф қилганида, Парменион: «Агар мен Искандар бўлсам қабул қилардим», — деди. «Зевс гувоҳки, мен эса, — деди Искандар, — агар Парменион бўлсам». Дорога у ер устида икки қуёш бўлмаганидек, Осиё устида ҳам икки подшоҳ бўлмайди, деб жавоб берди.

12. Арбела яқинида, миллионга яқин навкарли душман қўшини билан бўладиган жанг барча нарсани ҳал қилиши керак эди; жанг олдидан унинг дўстлари жангчилар жангдан сўнг ўлжани подшоҳ хиргоҳига олиб бормай ўзларига олиб қолмоқчи эканликларини арз қилдилар. Искандар табассум билан бундай деди: «Сизлар

менга хуш хабар олиб келдингиз: бу — қочишга эмас, ғалаба қозонишга қарор қилган мардларнинг сўзларидир!» Жангчилар эса унинг ҳузурига келиб: «Душманларнинг бунчалик кўплигидан қўрқма подшоҳ, жасур бўл, улар бизнинг ҳидимизга ҳам дош беролмайдилар!», дейишди.

13. Қўшин саф тортаётганида бир жангчининг кичик найзасидаги камарни тузатаётганини кўриб қолди ва сафдан ҳайдаб юборди: «Қуролни ишга соладиган пайт келганида уни тайёрлаётган навкар жангга ярамайди!», — деди у.

14. Бир куни Антипатрга қарши пинхона айблар ва ғийбатлар ёзилган ўз онасининг мактубини ўқиётганида, Гефестион ҳар вақтдаги каби мактубни у билан бирга ўқиди. Искандар унга хатни ўқишга халақит бермади, аммо ўқиб бўлиб, узугини бармоғидан чиқариб узук муҳрини Гефестион лабларига босди.

15. Аммонда соҳибкаромат уни Зевснинг ўғли, деб эълон қилди. «Зевс ўз табиатига кўра барчанинг отаси, аммо яхшиларнинг яхшисини ўғил қилса, — ажабланмаса ҳам бўлади», — деди Искандар.

16. Оёғига камон ўқи санчилиб яралганида, уни одатда худо деб шарафлайдиганлар олдига югуриб келаётганларини кўриб, уларга қувноқлик билан: «Мана кўраяпсизми, бу — қон, асло: *«Осмоннинг бахтиёр аҳлиндан оққан суюқлик, эмас»*, — деди.

17. Кимдир Антипатрни одми ва зоҳидона ҳаёт тарзи учун мақтади, шунда Искандар: «Антипатр ташқи кўринишдан оппоққина, ботинан эса у қип-қизилдур.

18. Унинг дўстларидан бири қаҳратон қиш кунларининг бирида меҳмонга чақирди, аммо ўчоғи кичкина, олов зўрга ёнарди; Искандар унга ё ўтин ёҳуд хушбўй елим келтиришни буюрди.

19. Бир куни Антипатрид базмга кифара чалувчи гўзални олиб келди, унинг кўриниши Искандарни ҳаяжонга солди; Антипатриддан унга ошиқмисан, деб сўраганида Антипатрид қизни севишини айтди, шунда у: «Бечора! Нега сен уни дарҳол базмдан олиб кетмайсан?», — деди.

20. Бошқа бир кун Кассандр, най чалувчи Эвий яхши кўрадиган Пифонни зўрма-зўраки эркалаётганида Эвий буни кўриб азоб чекарди, шунда Искандар Кассандрга жаҳл қилиб, ғазаб билан: «Сенингча ҳеч ким суюкли ҳам бўлолмайдими?» — деди.

21. Бемор ва ярадор македониялик жангчиларни денгиз орқали уйларига жўнатаётганида, уларнинг орасида ўзини касалликка солган, соғлом бир жангчи ҳам чиқиб қолди. Шу одамни подшоҳнинг олдига олиб келдилар, терговда у ўзини касалликка солганининг сабаби, кемада кетаётган Телесиппага бўлган муҳаббати эканлигига иқрор бўлди. Телесиппа ҳақида ким билан гаплашиб кўриш мумкин, деб сўради Искандар. Кейин у — эркин аёл эканлигини билиб: «Бўлмаса Антиген, Телесиппа биз билан қолсин, кел уни кўндирамиз, у эркин, ҳур аёлни мажбур этишга ҳаққимиз йўқ!» деди.

22. Рақибларига хизмат қилаётган эллинлик ёлланган аскарларни асир олгач, улар орасидаги афиналикларни шаҳар ҳисобига кун кўришга имкониятлари бўлатуриб ёлланганлари учун, фессалияликларни эса ҳосилдор яхши ерларда яшасалар ҳам унда деҳқончилик қилмаганлари учун кишанларга солишни буюрди; аммо фиваликларни озод этди, ва бундай деди: «Фақат уларга биз на шаҳар ва на ер қолдирганмиз».

23. Ҳиндлар орасида камондан ўқ отиб узук кўзидан ўтказаоладиган машҳур тирандоз бор эди. Уни асир олиб, Искандар унга ўз санъатини кўрсатишни буюрди; у кўнмади, шунда ғазабланган Искандар уни қатл этишга буюрди. Уни олиб кетаётган навкарларга ҳинд анча кундан бери камонда машқ қилмагани учун яхши отолмасликдан қўрқанини айтди. Буни эшитиб Искандар ҳайратланиб, ўз шуҳратидан паст тушишдан кўра ўлимни афзал кўргани учун уни қўйиб юборди ва тақдирлаб совғалар берди.

24. Ҳинд подшоҳи Таксил, Искандарга қарши чиқиб, уруш бошламаслик ва жангга кирмасликни таклиф этди: агар Искандар кучсизроқ бўлса, унинг ҳомеълигини қабул этсин, агарда кучлироқ бўлса, унга ҳомеълик қилсин. Искандар унга, иккимиздан қайси биримиз ҳомеъ

ва валинеъмат бўлишимиз кераклигини билиш учун урушмоқдамиз, деб жавоб берди.

25. Ҳиндистондаги Аорн қоялари олдида унга бу ердан ўтиб бўлмасликни, аммо у ерда турган қўмондон қўрқоқлигини айтдилар. «Бундай бўлса бу ердан ўтиш ҳам осон!», — деди Искандар.

26. Чиқиш қийин бўлган тоғлик жойда турган бошқа бир қўмондон, бу жойни Искандарга топширди ва ўзи ҳам таслим бўлди. Искандар унга ўз юртига ҳукмдорлик қилишни топширди ва: «Мана оқил инсон, турган ерининг қудратига кўра, марднинг сўзига кўпроқ ишонади», — деб, яна ерлар қўшиб берди.

27. Баланд тоғ, чиқиб бўлмас қояларни олганида дўстлари, унинг ишлари Гераклнинг ишларидан юксак дедилар. «Йўқ, — деди Искандар, — мен подшоҳ бўлганимдан кейинги барча ишларим Гераклнинг бир сўзига ҳам арзимайди».

28. Баъзи дўстлари эрмак учун эмас, жиддий ошиқ ўйнашларини билиб қолиб уларга жарима солиб жазолади.

29. Ўзининг энг яқин ва нуфузли дўстларидан Кратерни кўпроқ эъзозларди, Гефестионни эса севарди. «Бу шунинг учунки, Кратер подшоҳга содиқ, Гефестион эса, Искандарга содиқ», — дер эди у.

30. Искандар файласуф Ксенократга совға қилиб 50 талант юборди, аммо файласуф пулга муҳтож эмасман, деб рад қилди. «Наҳотки Ксенократнинг ҳатто бирор дўсти бўлмаса? — сўради Искандар. — Менинг дўстларимга эса ҳатто подшоҳ Доронинг барча бойликлари зўрға етди».

31. Подшоҳ Пордан жангдан сўнг: «Сен билан қандай муомалада бўлиш керак?», — деб сўради. «Шоҳона», — деб жавоб берди Пор. «Яна бирор сўзинг борми?», — сўради Искандар. «Шунинг ўзи етарли», жавоб берди Пор. Искандар унинг юксак руҳияти ва жасурлигидан ҳайратланиб, унга аввалги ерларидан ҳам кўпроқ ер берди.

32. Унинг ҳақида кимдир ёмон сўзлар сўзлаётганини айтганларида, у: «Подшоҳлар қисмати — яхшилик қилиш, нохушликни эшитишдур», — деб жавоб берди.

33. Жон бераётиб, у дўстларига қараб: «Қабрим устида буюк қурбонлар бўлишини кўрмоқдаман!», — деди.

34. У вафот этганида нотиқ Демад: «Ҳозирда македонияликлар шундай раҳбарсизликки, уларнинг қароргоҳи кўзи ўйиб олинган киклопга ўхшайди», — деди.

27. ПТОЛЕМЕЙ

Лаганинг ўғли Птолемей кўпинча ўз дўстлариникида овқатланар ва ухларди; унинг ўзи уларни зиёфат қилишига тўғри келганида бунинг учун шоҳ уларнинг ўзидан столлар, дастурхонлар ва идишлар оларди, чунки унда энг зарур нарсалардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди: подшоҳ, дерди у, ўзини эмас, ўзгаларни бадавлат этмоғи керак.

28. АНТИГОН

1. Хирож олишда Антигон шафқатсиз эди. Унга: «Искандар ўзини бошқачароқ тутарди», — дедилар. «Бу тушунарли, Искандар Осиёда ҳосил йиғиштирди, мен эса унинг кетидан фақат бошоқ термоқдаман», — жавоб берди Антигон.

2. Совут ва дубулғаларини ечмай, копток ўйнаётган жангчиларни кўриб хурсанд бўлди ва миннатдорчилик изҳор этиш учун уларнинг бошлиқларини чақиришни буюрди. Унга бошлиқлар майхўрлик қилишаётганларини айтдилар; шунда у уларни мансабларидан бўшатди, ўринларига эса ўша навкарларни тайинлади.

3. Кексайиб қолганида жуда мулойим ва шафқатли ҳукмдорлик қилаётганига ҳамма ҳайрон бўларди. «Бунинг сабаби, аввал менга салтанат керак эди, ҳозир эса шон-шуҳрат ва яхши ном керак», — деди у.

4. Унинг ўғли Филипп одамлар ҳузурида қароргоҳдан қўзғолиш ҳақида буйруқ қачон бўлади, деб сўради. «Сен нега ҳаяжонланасан, ёки сурнай овозини эшитмай қолишдан қўрқасанми?», — деди Антигон.

5. Бу йигит (Филипп) учта гўзал қизи бўлган бева хотин уйида тўхташни жуда хоҳларди. Антигон, аскарларни жойлаштирувчиларнинг бошлиғини чақиртирди, ва:

«Менинг ўғлимни ҳолироқ уйга ўтказиб қўй!», — деб буюрди.

6. Узоқ касалликдан кейин тузалгач, у: «Яхши бўлди! Бу касаллик бизни мағрурланиб кетишдан огоҳлантиради, чунки биз ҳам боқий эмасмиз», — деди.

7. Гермодот ўз шеърларида уни «Қуёш ўғли», деб атади. Антигон: «Бу гапларинг ёлғон, буни мен ва тунги тувагимни олиб чиқадиган қул иккаламиз яхши биламиз», — деди.

8. Қачондир, кимдир: «Подшоҳлар нимаинки қилсалар, гўзал ва адолатлидир!» — деган экан, у: «Жоҳилларда (варварларда) — шундайдир, бизда эса, фақат гўзаллик — гўзал ва адолат — адолатлидир», — деб жавоб берди.

9. Унинг биродари Марсий судга чақирилди ва тергов берк эшиклар ортида ўтказилишини талаб қилди. «Йўқ, — деди Антигон, — биз ҳеч қандай ёмон иш қилмаганимиздан кейин, суд ишни майдонда кўрсин!»

10. Бир кун изғиринда, овқат йўқ жойда қароргоҳ қилишга тўғри келди, унинг шу ерда эканлигидан бехабар баъзи жангчилар уни сўкабошладилар. Шунда у қўлидаги салтанат таёғи билан уларнинг чодирларига уриб: «Агар мени сўкишни хоҳласангиз — узоқроққа боринглар, бўлмаса пушаймон бўласиз!», — деди.

11. Ошпазнинг ўғли бўлган унинг дўсти Аристодем унга ҳаражат ва совғалар қилишда тежамкорроқ бўлишни маслаҳат берди. «Сенинг сўзларингдан, Аристодем, — деди Антигон, — ошпазликнинг ҳиди келмоқда!»

12. Афиналиклар, унинг қулига худди эркин одамдек, афина фуқаролигини бердилар, аммо Антигон: «Мен афина фуқаросини қамчи билан жазолашни хоҳламайман!» — деди.

13. Ваъзхон Анаксименнинг шогирдларидан бири унинг олдида аввалдан тайёрлаб қўйилган нутқини сўзлади, Антигон ундан ниманидир қайта сўраган эди у жимиб қолди. «Нима бўлди? — сўради Антигон, — ёки сенда: «Бари тахтачаларда битилганми?»

14. Бошқа бир нотиқ унинг олдида, «Ер заҳрин кетказиб бўлди, қор ёғиш фасли ...» деб гап бошлади. «Ме-

нинг ҳузуримда оломон олдида гапиргандай гапирма!», — деди унга Антигон.

15. Киник Фрасилл ундан бир драхма (пул) сўради. Унга Антигон: «Подшоҳга бунча (оз) пул ярашмайди!», — деб жавоб берди. У эса: «Бўлмаса (бир) талант бер!», — деди. Антигон: «Киникка бунча (кўп) олиш ярашмайди!», — деб жавоб берди.

16. Ўғли Деметрийни қўшинлар ва кемалар билан Эллада озод қилишга юборaётиб, у: «Эллада шон-шуҳрат нурини бутун дунёга таратувчи маёқ кабидир», — деди.

17. Шоир Антагор ўзига илонбалиқ қовуриб ўтирарди, Антигон унинг олдига бориб: «Антагор, айт-чи, Агамемнон жасоратларини ёзаётганида Ҳомер ўзига илонбалиқ қовурганми?», — деб сўради. Антагор жавоб берди: «Подшоҳ, айт-чи, Агамемнон ўша қаҳрамонликларини қилаётганида, ўрдусида ким илонбалиқ қовураётгани билан қизиққанмикин?» — деб жавоб берди.

18. Бир куни тушида Митридат олтин бошоқлар ўриб олаётганини кўрди; Митридатни у қатл этишга қарор қилди ва бу қарорни ўғли Деметрийга гапирмасликка онт ичтириб айтди. Аммо у (яъни ўғли) Митридатни денгиз бўйига бошлаб борди ва сайр қилиб юриб қумга найза учида: «Ўзингни қутқар, Митридат», — деб ёзди. У тушуниб Понтга қочди ва то вафотигача ўша ерда подшоҳлик қилди.

29. ДЕМЕТРИЙ

1. Деметрий, родосликларни қамал қилганида шаҳар яқинидаги қишлоқда Протоген мўйқаламига мансуб, қаҳрамон Иалис тасвирланган суратни ўлжа олди. Родосликлар элчилар юбориб сувратни йўқ қилиб юбормасликни илтимос қилдилар. Деметрий, отамнинг сувратининг йиртиб ташлашим мумкин-у, аммо бундай сувратни сақлайман, деб жавоб берди.

2. Родосликлар билан сулҳ тузгач, Деметрий ўз қаҳрамонликлари ва родосликлар жасоратига бир ҳайкал сифатида уларга ўзининг кўп қаватли мошинаси («гелеполис»)ни қолдирди.

3. Афиналиклар ундан ажралишгач, очликдан тинкалари қуриганида яна ўзига бўйсундириб дарҳол уларга дон тарқатиш учун халқ анжуманини чақирди. Бу хайрия ҳақида нутқ сўзлаётиб у адашиб нотўғри ибора ишлатди, шунда ҳозир бўлганлардан бири унинг сўзини бўлиб тўғрилади, у: «Бу тузатиш учун, мен сизларга яна 5000 медим дон бераман!» — деб хитоб қилди.

30. АНТИГОН-II

1. Антигон-IIга, унинг асир тушиб қолган отаси Деметрий ўз дўстини юбориб, агар Селевканинг тазйиқи остида мактуб ёзиб юборса асло ишонмасликни ва биронта ҳам шаҳарни унга (Селевкага) бермасликни буюрди, шунда Антигон-II ўзи Селевкага мактуб ёзиб ҳокимиятдан бутунлай воз кечишни маълум қилди ва отасини қўйиб юбориб ўзини гаровга олинишини таклиф этди.

2. Птолемей саркардаларига қарши денгиз жангига тайёргарлик кўраётганида кема дарғаси унга душман кемалари кўпроқ деди, шунда у: «Мен ўзим сенингча қанча кемага тенгман», — деб эътироз билдирди.

3. Босиб келаётган ёғийдан чекинаётиб, у: «Мен қочаётганим йўқ, мен ўз фойдамни қувиб бормоқдаман, у эса ҳозир менинг ортимдадир», — деди.

4. Отаси жасур бўлган, аммо ўзи унчалик бўлмаган бир йигит, отасига берилганидек маош берилишини талаб қилганида, Антигон унга: «Мен эса, йигитча, маош ва туҳфаларни отангнинг жасурлиги учун эмас, ўзингнинг жасоратингга бераман!» — деди.

5. Файласуфлар орасида энг ҳурмат қиладигани Китийлик Зенон вафот этганида у, энди қаҳрамонликларимни кўрадиган одам қолмади, деди.

31. ЛИСИМАХ

1. Дромихет томонидан Фракияда енгилган ва чанқов азобидан таслим бўлишга мажбур бўлган Лисимах, асир тушиб, тўйиб сув ичгач: «Худолар! Шундай арзимаган лаззат учун мен подшоҳликдан қулга айландим!», — деди.

2. Дўсти ва яқин одами бўлмиш комик шоир Филиппиддан у: «Сен билан нимани баҳам кўрсам экан?» — деб сўрабди. У: «Сир-асрорингдан бошқа ҳамма нарсани!», — деб жавоб берибди.

32. АНТИПАТР

1. Антипатр, Искандар томонидан Парменион қатл этилгани ҳақида хабарни эшитиб: «Агар Парменион фитначи бўлса - унда кимга ишонмоқ керак? Агар фитначи бўлмаса — унда нима қилмоқ керак?», — деди.

2. Қариб қолган нотиқ Демад ҳақида, ундан худди қурбонлик қилинган ҳайвондан қолгани каби фақат қорин ва тил қолган, дер эди.

33. АНТИОХ-III

1. Антиох-III ўз тасарруфидаги шаҳарларга, қонунларга қарши буйруқ бераётган бўлса, бўйсунмаслик мумкинлиги ҳақида мактуб юборди, чунки бу ишни гофилликдан қилган (бўлиши мумкин).

2. Артемиданинг коҳини бўлмиш аёл унинг кўзига беиҳоя малоҳатли кўрингани учун, ўз иродасига қарши номуссизлик қилиб қўйишдан қўрқиб, шу заҳоти Эфесдан кетди.

34. ЛОЧИН ЛАҚАБЛИ АНТИОХ

Лочин лақабли Антиох ўз биродари Селевк билан подшоҳлик талашарди. Аммо, галлардан енгилган Селевк ном-нишонсиз йўқолганида ва ҳамма уни ўлди, деб ўйлаганида, Антиох қизил, шоҳона чопонини ечиб, қора жома кийди, кейинчалик Селевк қутқарилибди, деган хабар келганида у худоларга қурбонлик келтирди, ўз тасарруфидаги шаҳарларга эса ҳамма фуқаролар байрам кийимларини кийишлари ҳақида буйруқ юборди.

35. ЕВМЕН

Персейнинг маккорона ҳужумига учраган Евмен, ўлган деб ҳисобланарди; бу хабар Пергамга етиб келга-

нида унинг укаси Аттал бошига тож кийиб, акасининг хотинига уйланди ва подшоҳ бўлиб олди. Аммо, акасининг тириклигини ва қайтиб келаётганини эшитиб, одатдагидай хос қўриқчилари ва қўлида найза билан унинг истиқболига чиқди. Евмен уни мулойимлик билан ардоқлади, қулоғига эса: «Ўликни кўрмайин уйланишга шошилма», — деб шивирлади. Шундан сўнг то ҳаётининг охиригача, на бирор сўз билан ва на амалда укасига ишончсизлик билдирмади, ўлаётиб эса унга хотинини ҳам, подшоҳликни ҳам берди. Ул эса (яъни укаси) бу (илтифот) эвазига ўз ўғилларидан ҳеч бирига (ўғиллари кўп эди) подшоҳлик қилиш учун тахтни бермади; бунинг ўрнига ўзи ҳаётлиги давридаёқ Евменнинг ўғли балоғатга етиши билан унга подшоҳликни берди.

36. ПИРР

1. Пирр, ўз ўғилларининг, қайси бирларига подшоҳликни қолдиради, деган саволларига, у: «Кимнинг қиличи ўткирроқ бўлса, ўшанга», — деб жавоб берди.

2. Кафисий яхшироқ най чаладими ёки Пифонми, деган саволга, у: «Энг яхши саркарда — Полиперхонт», — деб жавоб берди.

3. Римликлар билан жанг қилиб, у икки марта ғалаба қозонди, аммо кўп ўғиллари ва саркардаларидан ажралиб қолди. «Яна битта шундай ғалаба бўлса — мен ҳам ҳалок бўламан», — деди у.

4. Сицилиядан кемада қайтар экан, у орқасига ўгирилиб, дўстларига: «Биз римликлар ва карфагенликларга қандай жанг майдонини қолдириб кетмоқдамиз!», — деди.

5. Жангчилар шарафлаб уни Бургут деб атаганларида, у: «Бошқача бўлиши мумкинми? Сизларнинг шамширларингиз менинг парвозимда қанотларим патлари бўлиб хизмат қилмайдиларми?» — деб жавоб берди.

6. Унга бир неча йигитлар майхўрлик устида, унинг ҳақида ёмон гаплар гапиришганини етказдилар. Уларнинг ҳаммасини эрталаб олиб келишни буюрди ва улардан бирига мурожаат қилиб ростдан ҳам менинг ҳақимда

шундай дедингми, деб сўради. «Худди шундай, подшоҳ, — жавоб берди йигит, — агар бизда май кўпроқ бўлганида, унда яна қандай гаплар гапирилмасди».

37. АНТИОХ

1. Антиох парфянлар билан иккинчи уруши вақтида ов қилиб бир ҳайвонни қувиб, дўстлари ҳамда мулозимларидан ажралиб кетди ва фақирлар кулбасига кирди, уни танимадилар. Шу ерда, кечки овқат пайтида у ҳам ўтирганида подшоҳ ҳақида гап бўлиб, подшоҳ ҳар томонлама яхшиё, фақат номақбул дўстларига кўп қулоқ солади, шунинг учун кўп нарсадан бехабар ва овга берилиб кетиб муҳим ишларни бой беради, дедилар. У индамади. Фақат тонгда хос қўриқчилари кулбага кириб келганларида ўзини танитиб, шоҳона чопон ва тож кийди, сўнг: «Сизларнинг ҳукмдорингиз бўлганимдан бери кечаги кунгача ўзим ҳақимда мен бир оғиз ҳам ҳаққоний сўз эшитмаган эдим», — деб қўйди...

2. У Қуддус (Иерусалим)ни қамал қилганида яҳудийлар ундан асосий байрамларини ўтказиш учун бир ҳафтага сулҳ тузишни сўрадилар; у улар билан сулҳ тузибғина қолмай, яна уларнинг шаҳарларининг дарвозаси олдига шохлари зарҳалланган буқа, ҳушбўй елим ва ҳушбўй ўсимликлар олиб бориб, коҳинларга қурбонлик учун берди, ўзи ўрдусига қайтди.

38. ФЕМИСТОКЛ

1. Фемистокл ўспиринлигида аёллар билан ишратга ва майхўрликка берилган эди, аммо Милтиад варварларни Марафон яқинида енгганидан кейин уни бундай бемаъниликлар билан шуғулланганини кўрмадилар. Одамлар ундаги бу ўзгаришга ҳайрон бўлганларида, у: «Милтиаддаги бой ўлжалардан бери менга на уйқу, на ҳур ҳаёт бор», — деди.

2. Ахилл бўлишни афзал кўрасанми ёки Ҳомер бўлишними деган саволга, у: «Сен ким бўлишни хоҳлайсан, олимпия ғолибими ёки ғолибларни эълон қилувчи жарчи бўлишними?» деб жавоб берди.

3. Ксеркс улкан босқин билан Элладага келаётганида Фемистокл, агар сафсатабоз Эпикрид стратег бўлиб қолса, у ҳолда ўз қўрқоқлиги ва шуҳратпарастлиги билан шаҳарни хароб этади, деган хавфда, стратегликка даъво қилмаслиги учун унга (Эпикридга) пул берди.

4. Еврибиад денгиз жангига журъат қилмаётган пайтда, Фемистокл эса эллинларни қўллаб уларни жангга киришга даъват этаётганида Адимант унга: «Фемистокл, кимки мусобақаларда вақтидан аввал шошилиб югуриб кетса, уни урадилар!», — деди. Фемистокл унга: «Адимант, ким жуда кечикиб югура бошласа у фахрли гулчамбарни ололмайди!», — деб жавоб берди.

5. Еврибиад унга таёқ ўқталганида, у: «Ур,аммо сўзимга қулоқ сол!» — деди.

6. Еврибиад денгиз бўғозида жангга киришига унча ишонмай, у (Фемистокл) пинҳона равишда подшоҳга эллинларнинг чекиниш йўлларини тўсиб қўйиш ҳақида маслаҳат (ёзиб) юборди; у қулоқ солиб, эллинлар жанг қилишлари қулай бўлган бўғозда жангга кирди ва мағлубиятга учради. Шунда Фемистокл тезроқ Геллеспонтга чекиниш ҳақида яна унга (подшоҳга) маслаҳат юборди, чунки эллинлар ўша ерда қурилган кўприкни бузишни режалаштирганлар, деб тушунтирди. У шундай қилиб, гўё подшоҳни қутқармоқчи бўлиб, аслида эллинларни қутқаришга ҳаракат қилди.

7. Бир серифиялик унга ўз шон-шуҳратимга сен туфайли эмас, балки ўз шаҳрим сабабли эришдим деди. «Сен ҳақсан, — деди унга Фемистокл, — мен серифиялик бўлганимда мен ҳам, сен афиналик бўлганингда сен ҳам шон-шуҳратга эриша олмаган бўлардик».

8. Фемистокл ошиқ бўлиб қолган бениҳоят чиройли йигит Антифат, Фемистоклдан ўзини узоқ тутар ва уни унча менсимас эди, аммо Фемистокл шуҳрат ва шарафга эришгач, унинг ўзи унга эркаланиб келадиган бўлди. «Кеч қолдинг, болажон, — деди Фемистокл, — энди иккимизнинг ҳам анча ақлимиз кириб қолди».

9. Ноҳақ ҳукм чиқаришни илтимос қилган Симонидга, у: «Агар вазну оҳанг қонунларини бузсанг сен яхши шоир бўлмас эдинг, тергов қонунларини бузсам — мен яхши ҳукмдор бўлмас эдим», — деди.

10. Онаси эркалайдиган ўз ўғли ҳақида, эллинлар орасида энг қудратли одам, ўғлим дер эди; чунки эллинлар устидан Афина ҳукмдор, Афина устидан — унинг ўзи, унинг ўзи устидан — хотини, хотини устидан эса — ўғли.

11. Унинг қизига бир яхши одам ва бир бадавлат одам совчи бўлиб келганларида у биринчисини танлаб, бундай деди: «Пул одамга мухтож бўлганидан, одам пулга мухтож бўлгани афзал».

12. Ер чекини сотаётиб у, қўшниси ҳам яхши қўшни эканлиги ҳақида эълон қилишни буюрди.

13. Афиналиклар уни хақорат қилаётганларини эшитиб, у: «Ҳамма вақт бир одамдан эҳсон олиш қандай жонингизга тегмайди?» — деди. Ўзини эса у чиноргa ўхшатар эди: ҳаво бузуқ бўлса уни тагига беркинадилар, ҳаво очиқлигида эса шохларини синдириб, барглaрини юладилар.

14. Киноя қилиб у эретрияликларни денгиз молюскасига ўхшатарди: унинг ниши бору юраги йўқ.

15. Афинадан, кейинроқ эса Эллададан ҳайдалганидан сўнг подшоҳ ҳузурига келди; подшоҳ гапиришга руҳсат берганида, у бундай сўз бошлади: «Нутқлар нақшлар солинган гиламга ўхшайдилар: улар ёйиб қўйилганларида (гўзалликлари) кўриниб турадi, ўраб қўйилса, худди ҳеч нақши йўқдек бўлади...».

16. Подшоҳ билан таржимон орқали эмас, тўғридан-тўғри гаплашиш мумкин бўлсин, деб форс тилини ўрганишига муддат сўраб олди.

17. Кўпдан кўп сахий туҳфалар билан тақдирланиб, тезда бойиб кетгач, у ўз одамларига: «Болаларим! Агар ҳалок бўлмаган бўлсак, ана энди ҳалок бўлмоқдамиз», — деди.

39. МИРОНИД

Миронид стратеглиги пайтида Афинада беотияликларга қарши юриш эълон қилди, белгиланган муддат келди-ю, аммо юзбошилар ҳали ҳамма етиб келмади, деб арз қилдилар. «Жанг қилишни хоҳлаганлар келдилар», — деди у ва уларнинг жанговор жаҳд-жадалларидан фойдаланиб душманни мағлуб этди.

40. АРИСТИД

1. Аристиди Одил давлатнинг ҳар қандай ишини якка ўзи ҳал қилар, дўстлар кўмагида қўлга киритилган ҳокимият, адолатли бўлишга халақит беради, деб дўстликдан ўзини узоқроқ тутарди.

2. Афиналиклар уни бадарга қилиб ҳайдаш учун баҳириб-чақириб юрган кезлари, таълим олмаган, саводсиз бир одам қўлида синган сопол билан унинг ҳузурига келди ва унга Аристид номини ёзиб беришни сўради. «Сен Аристидни биласанми?» сўради Аристид. «Йўқ, аммо уни ҳамма одил, одил, деб аташлари жонимга тегди», — жавоб берди у. Шунда Аристид сопол парчасига ўз номини ёзди-да, унга қайтариб берди.

3. Бир сафар, бир-бирларига душман бўлсаларда Фемистокл билан бирга у элчиликка юборилди. «Кел Фемистокл, адоватимизни чегарада қолдирайлик, қайтишда эса, агар сен хоҳласанг яна адоватимизни олволамиз», — деди.

4. Давлатларга иттифоқ бадалларини бўлиб чиқиш учун борганида, сафар ҳаражатлари билан анча камбағаллашиб қайтди, холос.

5. Амфиарая ҳақида Эсхил бундай ёзган:

У одил кўринишнимас, одил бўлишни истар:
Қалб экинзоридан йигар бой ҳосил,
Дилда эзгу ниятлар етишар доим.

Бу сўзлар театрда айтилган пайтда барча нигоҳлар Пристидга қаратилди.

41. ПЕРИКЛ

1. Перикл, стратег бўлиб сайлангач, ҳар сафар ҳарбий кийим кияётганида ўз-ўзига: Перикл эҳтиёт бўл: сен эркин одамларга ва бунинг устига эллинларга ва бунинг устига афиналикларга ҳукмдорлик қиласан», — дер эди.

2. У афиналикларга Пирея кўзига тушган оқ сифатида Эгинани йўқ қилишни таклиф этганди.

3. Бир дўсти, ибодатхонада онт ичиб уни ҳимоя қилиб ёлғон сўзлашни илтимос қилди; Перикл унга: «Менинг

дўстлигим — фақат ибодатхонагача», — деб жавоб берди.

4. Ўлим тўшагида у ўзини мақтаб, унинг дастидан ҳеч бир афиналик мотам либоси киймаганлигини айтди.

42. АЛКИВИАД

1. Алкивиад болалигида майдонда кураш тушарди. Бир курашда рақиби тарафидан маҳкам қучоқлаб олинганида ўзини қутқаролмай уни қўлидан тишлаб олди. Шунда рақиби: «Сен хотинлардай тишланғич экансан», — деди. Унга Алкивиад: «Йўқ, арслонлардай», — деб жавоб берди.

2. 7000 драхмга сотиб олинган зотдор итининг думини кесиб ташлаб, бундай деди: «Афиналиклар ҳеч нарсага бурунлариш суқмай менинг ҳақимда шуни гапириб юрганлари яхши».

3. Бир куни у дарсхонага кириб: «Илиада»ни сўради, ўқитувчи Ҳомер йўқлигини айтди; шунда уни мушти билан бир уриб чиқиб кетди.

4. Бир куни у Перикл ҳузурига келганида, унга: «У банд, афиналикларга қандай ҳисоб беришни ўйлаб ўтирибди», — дедилар. Алкивиад: «Яхшиси уларга ҳеч қандай ҳисобот бермасликни ўйласа бўларди», — деди.

5. Жиноий иш айби билан Сицилиядан Афинага чақирилганида қочиб беркинди, ва: терговдан қочиш мумкин бўлганида ҳукм ўқилгандан кейин қочиш ақлдан эмас, деди.

6. Кимдир ундан: «Сен ўз ватанингга, сени тергашини ишонмайсанми?», — деб сўради. «Ҳатто туққан онамга ҳам ишонмайман, чунки ул ҳам адашиб оқ соққача ўрнига қорасини қўйиб қўйиши мумкин», — жавоб берди у.

7. Уни дўстлари билан биргаликда ўлимга ҳукм қилганларини эшитиб, у: «Бўлмаса биз уларга тириклигимизни кўрсатиб қўяйлик!», — деб хитоб қилди ва лакедемонияликлар тарафига ўтиб, афиналикларга қарши Декелей урушини бошлади.

43. ЛАМАХ

Ламах бир юзбошига хатоси учун танбеҳ берган эди, у бошқа қайтармаслигини айтди. «Урушда ҳеч ким икки марта адашмайди», — деди Ламах.

44. ИФИКРАТ

1. Ификрат этикдўзнинг ўғли сифатида танилгани учун уни менсимас эдилар. Бир жангда ярадор бўлишига қарамай, душман навкарини қурол яроғи билан ушлаб ўз тарафига олиб ўтганидан сўнг у биринчи марта шуҳрат қозонди.

2. Иттифоқдош ва дўстона юртда қароргоҳ қилганида унинг атрофини хандақ ва тўсиқлар билан ўраб яхшилаб муҳофаза қиларди. «Сен нимадан қўрқасан?» — деб сўраганларида, у: «Саркарданинг «Мен буни кутмагандим!» деганидан ёмон иш йўқ», — деб жавоб берди.

3. Варварларга қарши навкарлари сафланаётганларида у: бошқа барча душманлар қўрқадиган Ификрат номи баногоҳ уларга нотаниш бўлишидан қўрқаман, деди.

4. Жиноий ишда айбланганида терговчига у: «Бадбахт, сен нима қилаяпсан ўзи? Душман шаҳар остонасига келиб қолди-ю, сен эса фуқароларни мен билан маслаҳатлашишни ўргатиш ўрнига, менга қарши бўлишга ўргатасанми?» — деди.

5. Қадимги Гармодий авлодидан бўлмиш Гармодий уни насл-насабсиз деб таъна қиларди. Ификрат унга: «Мени насабим мендан бошланади, сеники сенда тугайди», — деб жавоб берди.

6. Йиғинда бир нотиқ унга: «Сен нимангга мақтанасан? Сен кимсан? Чавандозми, совутли навкарми, тирандозми, пелтаст (пиёда аскар)мисан?» — деди. «Ҳеч қайсиси эмас, аммо уларнинг ҳаммасига раҳбарлик қила оламан», — деб жавоб берди.

45. ТИМОФЕЙ

1. Тимофей саркардалар орасида омадлик ҳисобланарди; хасадгўйлар унинг ухлаб ётганини ва шу пайтда

Омад ўзи тўр ташлаб унинг учун шаҳарларни овлаётганини сурат қилиб тасвирлашди. Тимофей: «Агар мен шунча шаҳарни тушимда олсам, уйғонганимда сизнингча қанчасини оламан?», — деди.

2. Бир жасур саркарда афиналикларга ўз жароҳатини кўрсатар эди. Тимофей: «Самос урушида мендан нарироққа манжаниқ отган тош тушганида (чўчиб кетиб) мен жуда хижолат бўлгандим», — деди.

3. Нотиқлар Харетни мақтаб кўкларга кўтаришарди, афиналиклар уни стратег этиб сайламоқчи эдилар. «У стратег эмас, балки стратеглар кетидан тўшакча кўтариб юрадиган бўлиши керак», — деди Тимофей.

46. ХАБРИЙ

1. Энг яхши қўмондон, душман ишини бошқалардан яхшироқ биладиган қўмондондир, дер эди Хабрий.

2. Ификрат билан биргаликда у сотқинликда айбланганида, Ификрат, шундай хавфли шароитда у гимнасияга бориб зиёфатларни канда қилмаслигини таъна қиларди. «Нима бўлибди, агар афиналиклар бизни қатлга ҳукм қилсалар, сен оч-нахор, қуруқ чўпдай бўлиб, мен эса ароланган ва тўқ ҳолда борамиз», — деди.

3. У доимо, арслон бошлиқ бўлган оҳулар тўдаси, оҳу бошлиқ бўлган арслон тўдасидан қўрқинчлироқдир, деб юрарди.

47. ГЕГЕСИПП

Тароқча лақабли Гегесипп, афиналикларни Филиппга қарши ташвиқот қилиб нутқ сўзларди; йиғин қатнашчилардан кимдир: «Сен уруш бўлишини хоҳлайсанми?» — деб қичқирди. «Ҳа, — жавоб берди Гегесипп, — урушни ҳам, мотамни ҳам, бутун халқ қатнашувчи жаноза-ларни ҳам, мозорлардаги нутқларни ҳам, агар биз македонияликлар кўрсатмаси билан эмас, озод ва ҳур яшашни хоҳлайдиган бўлсак».

48. ПИФЕЙ

Ҳали жуда ёш Пифей, Искандарни шарафловчи қарорларга қарши сўзга чиқди; кимдир унга: «Сен, ёш

бола, шундай нарсалар ҳақида сўзлашга қандай ботингдинг?» деб қичқирди. «Сизлар худо деб ҳисоблашга қарор қилганингиз Искандар, мендан ҳам ёшдир», — деб жавоб берди.

49. ФОКИОН

1. Афиналик Фокионни на кулганини ва на йиғлаганини ҳеч ким кўрмаган.

2. Йиғинда кимдир унга: «Сен ҳали ҳам ўйламоқдамисан?» — деди.

«Сен ҳақлисан, дарҳақиқат мен афиналикларга қарши айтадиганимни қандай қилиб айтмасликни ўйламоқдаман», — деб жавоб берди у.

3. Афиналикларга башорат бўйича улар орасида ҳамма фикрлаганидек фикрламайдиган бир одам борлиги маълум бўлди ва улар бу одамни топиш керак, деб эҳтирос билан талаб қилдилар. Фокион, бу менман, чунки фақат менгина кўпчилик айтган гаплар ва ишлардан норозиман, деди.

4. Бир куни у халқ ҳузурида нутқ сўзлаб муваффақият қозонди, ҳамма унинг нутқини бир хил қониқиш билан кутиб олди, буни кўриб у дўстларидан: «Беихтиёр бирон ахмоқона сўз айтиб қўймадимми?»— деб сўради.

5. Афиналиклар қандайдир хайрия учун маблағ тўплаётган эдилар, ҳамма пул бериб бўлганида ундан ҳам талаб қилабошладилар, шунда у: «Сизларга пул бериб, бунга эса бермасам, мен уят иш қилган бўлардим», — деб ўзига қарз берган одамни кўрсатди.

6. Нотиқ Демосфен унга: «Афиналиклар сени қатл этадилар», — деди. «Агар эсларини йўқотсалар — шундай бўлади, агар эсларини йиғсалар — сени қатл этадилар» — жавоб берди Фокион.

7. Сикофант Аристогитон ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлиб ҳукм ижросини зиндонда кутарди. У(Сикофант) Фокионни ўз ҳузурига келишини илтимос қилди, лекин Фокионнинг дўстлари унинг бундай бадбахт ҳузурига боришига розилик бермадилар. «Қўйинг, — деди Фокион, — Аристогитон билан, яна қаерда денг, зиндонда гаплашиш менга ёқади».

8. Филиппга қарши курашиш учун қўшин билан юборилган Харетни қабул қилмаганлари учун Византия (Рум) аҳолисига афиналиклар норозилик билдиришди. Шунда Фокион: «Ишонч билдирмаган иттифоқдошлардан эмас, ишонч билдирилмаган стратегдан норози бўлмоқ керак», — деди. Шундан сўнг унинг ўзини стратег этиб сайлашди; Рум аҳолиси унга ишонганлари учун у, Филиппнинг ҳеч нарсага эриша олмай чекинишига муваффақ бўлди.

9. Подшоҳ Искандар унга совға қилиб юз талант юборди, совға келтирилганда у, нега Искандар шунча афиналиклардан фақат биргина унга совға берганининг сабабини сўради. «Чунки у фақат сени олижаноб ва раҳмдил, деб ҳисоблайди», — деб жавоб бердилар. «У менга шундай ҳисобланишгагина эмас, шундай бўлишга изн берсин», — деди Фокион.

10. Искандар афиналиклардан катта кемалар беришларини талаб қилганида, халқ Фокион ҳузурига маслаҳат сўраб келди. Фокион ўрнидан туриб бундай деди: «Сизларга ё қудратли бўлишни, ёки қудратлига дўст тутинишни маслаҳат қиламан».

11. Искандарнинг вафоти ҳақида шубҳали хабар тарқалганида, нотиқлар бирин-кетин минбарга кўтарилиб тезда қўлга қурол олишни талаб қилдилар, шунда Фокион, сабр қилиб, аввал хабарларни текшириб кўришни таклиф қилди: «Агар бугун у ўлик бўлса, — деди у, — у ҳолда, эртага ҳам индинга ҳам ўлик бўлади».

12. Леосфен афиналикларни озодлик ва ҳукмдорликка бўлган ажойиб умидлар билан руҳлантириб уларни урушга даъват этганида, Фокион, унинг нутқлари сарв дарахтига ўхшайди: сарбаланд ва гўзал, аммо мевасиз, деди. Дастлабки жанговар ҳаракатлар муваффақиятли чиқди, фуқаролар ҳам хуш хабарларни қурбонликлар қилиб байрам билан кутиб олдилар. Фокиондан, у бундай муваффақиятларни истамасмиди, деб сўрадилар. У: «Бундай муваффақиятларни истардим, аммо бу каби қарорларни эмас», — деб жавоб берди.

13. Македонияликлар Аттикага босиб келиб денгиз бўйини хонавайрон қилдилар; Фокион қурол кўтаришга

қодир барча одамлар билан қарши чиқди. Уларнинг кўпчилиги унинг орқасидан югуриб фалон тепаликни олиш, фалон жойга бўлинма қўйиш керак, деб маслаҳат беришарди. «Буюк Геракл! — хитоб қилди у, — менинг жангчиларим жуда озу, саркарда-стратегларим жуда ҳам кўп!». Шундай бўлса-да, жангда у ғалаба қозонди ва македонияликлар қўмондони Никионни ўлдирди.

14. Тез орада афиналиклар енгилдилар ва Антипатр ҳарбий бўлинмасини қабул қилдилар. Унинг қўмондони Менилл, Фокионга пул таклиф қилди, аммо у: «Сен Искандардан афзал эмассан, мақсадинг эса уникичалик яхши эмас: Искандардан қабул қилмай, қандай сендан оламан?», — деди жеркиб.

15. Антипатр, Афинада икки дўстим бор, дер эди: бири Фокион, уни бирор нарса олишга мажбур этиб бўлмайди, иккинчиси Демад, унга нарса бериб тўйдиролмайсан.

16. Антипатр ундан бир адолатсиз ишни қилиб беришни илтимос қилганида Фокион: «Фокион бирданига ҳам дўст, ҳам лаганбардор бўлиши мумкин эмас, Антипатр», — деб жавоб берди.

17. Антипатр вафотидан кейин Афинада демократия тикланди; Фокион дўстлари билан халқ йиғини томонидан ўлимга ҳукм қилинди. Фокион жим борарди, бошқалар йиғлардилар; душманлардан бири жаҳд билан келиб унинг юзига тупирди, у қўмондонлар томон ўгирилиб: «Бу ахлоқсизни тийиб қўядиган йўқми?» — деди.

18. У билан бирга қатлга ҳукм этилганлардан бири тинмай норозилик билдирар, ғудиранарди, Фокион унга: «Фудипп, нима Фокион билан биргаликда ўлаётганингдан яна норозимисан?» — деди.

18. Унга заҳар бераётиб, ўғлингга ниманидир васият қилишни хоҳлайсанми, деб сўрадилар. У: «Ундан бир нарсани: афиналикларга кин сақламасликни илтимос қиламан!» — деди.

50. ПИСИСТРАТ

Афиналик тиран

1. Афиналик тиран Писистрат, ундан баъзи дўстлари ажралиб, Филани босиб олганларида, уларнинг ҳузурларига кўрпа-тўшагини орқалаб чиқди; ундан нимани хоҳлаётганини сўраганларида, у: «Сизларни қайтишга кўндиришни, агар кўндира олмасам, сизлар билан қолишни: шунинг учун кўч-кўронимни олиб келдим», — деб жавоб берди.

2. Унинг онаси бир йигитга хуштор бўлиб қолиб пинхона учрашаётганини, йигит эса хавфсираб қочиб юришини етказдилар. Писистрат ул ўсмирни кечки овқатга таклиф қилди ва овқатдан сўнг ундан хуш келдими, яхши бўлдими, деб сўради. У: «Ажойиб», — деди. — «Агар менинг онамга ёқсанг, ҳар куни шундай бўлади», — деди Писистрат.

3. Унинг қизига ошиқ бўлиб қолган йигит Фрасибул, қиз билан учрашганида уни ўпди, шунда Писистрат хотинини жаҳли чиқди. Писистрат унга: «Агар бизни яхши кўрганларни жазоласак, бизни яхши кўрмаганларни нима қиламиз?», — деди ва қизини Фрасибулга берди.

4. Бир тўда сайр қилувчилар унинг хотинига тегишиб, хафа қилдилар; эртасига эрталаб улар Писистрат ҳузурига кўз ёш қилиб узр сўраб келдилар. У: «Энди ақллироқ бўлинг, хотиним эса, шуни билингки, кеча уйдан чиқмаган ҳам эди», — деди.

5. У иккинчи марта уйланаётганини эшитиб ўғиллари, биздан хафа эмасмисиз, деб сўрайбошладилар. «Ҳеч ҳафа эмасман, мен сизлардан шундай хурсандманки, яна сизга ўхшаш ўғилларим бўлишини хоҳлайман», — деб жавоб берди.

51. ДЕМЕТРИЙ ФАЛЕРИЙ

Фалерлик Деметрий, Птолемейга подшоҳ ҳукмдорлиги ва ҳукмдорлик санъати ҳақида китобларни топиб ўқишни маслаҳат берди: «Китобларда дўстлар подшоҳнинг юзига айтишга ботина олмайдиган нарсалар ёзилган», — дер эди у.

52. ЛИКУРГ

1. Лакедемонлик Ликург ватандошларига сочга эътибор беришни маслаҳат берарди: яхши таралиб текисланган соч чиройли одамларни янада чиройлироқ, ҳунукларни эса душманга даҳшатлироқ қилиб кўрсатади.

2. Шаҳарда демократия ўрнатишни таклиф этган бир одамга, у: «Аввал ўз уйингда демократия ўрнат», — деди.

3. У уйларни фақат болта ва арра билан қуришни буюрди: оддий уйларга, қимматбаҳо жомлар, гиламлар ва таомлар олиб кириш уят, дер эди.

4. Жангчилар ҳатто ўйинларда ҳам рақибларини аяшга ўрганиб қолмасинлар, деб муштлашиш ва турли кураш мусобақаларини таъқиқлаб қўйди.

5. Айнан бир душман билан жанг қилишга кўникиб қолмасликлари учун, тез-тез урушишни ман қилди. Шунинг учун, кейинроқ Агесилай яралганида, Анталкид, бу унга фиваликлардан сабоқ ҳаққи, урушга кўникмани ҳам, уруш тажрибасини ҳам унинг ўзи ўрганишга мажбур этган, деди.

53. ПОДШОҲ ХАРИЛЛ

1. Подшоҳ Харилл, нега Ликург бунча кам қонунлар чиқарган, деган саволга: «Кимнинг қонунлари кам бўлса унга кўп қонунлар керак эмас», — деб жавоб берди.

2. Одобсизлик қилган бир илотга, у: «Диоскурлар билан онт ичаманки, агар ғазабланмай турганимда мен сени ўлдирардим», — деди.

3. Нега спарталиклар соч силлиқлашга бунча кўп эътибор берадилар, деган саволга у: «Чунки, ҳамма зеб-зийнат орасида энг арзони — шу», — деб жавоб берди.

54. ПОДШОҲ ТЕЛЕКЛ

Подшоҳ Телеклга укаси, фуқаролар мени подшоҳ каби ҳурмат қилмайдилар, деб зорланганида, у: «Чунки сен қаттиқ сўзларга чидамайсан», — деб жавоб берди.

55. ФЕОПОМП

Феопомпга бир шаҳарда деворни кўрсатиб, етарли даражада яхши ва баланд эканми, деб сўраганларида, у: «Ҳатто аёллар учун ҳам ярамайди», — деди.

56. АРХИДАМ

Пелопоннес урушида иттифоқдошлар аниқ бадалларни белгилаб беришни сўраганларида, у: «Урушнинг бадали бўлмайди», — деб жавоб берди.

57. БРАСИД

1. Брасид, қуритилган анжир орасида сичқон ушлаб олди, сичқон уни тишлаган эди, уни қўйиб юборди-да, ҳузуридагиларга: «Хафа қилганлардан ўзини жасур ҳимоя қилган энг кичкина жонивор ҳам қутилиб кетади», — деди.

2. Жанг пайтида отилган найза унинг қалқонини тешиб ўтиб яралади; аммо у суғуриб олди-да, найза отганни шу найза билан ўлдирди. Қандай ярадор бўлганини сўраганларида, у: «Сотқин қалқон яралади», — деб жавоб берди.

3. Фракиялик эллинларни озод қилиш учун бўлган юришда у ўлдирилганида, Лакедемонга юборилган чопарлар унинг онаси ҳузурига келдилар, онаси даставвал, Брасид қандай жон берганини сўради. Фракияликлар уни мақтадилар ва бошқа бундайи бўлмайди, дедилар, аммо онаси: «Йўқ, мусофирлар, сизлар билмайсиз, Брасид яхши эркак эди, аммо Лакедемонда яхшироқлари ҳам кўп», — деб эътироз билдирди.

58. ПОДШОҲ АГИД

1. Подшоҳ Агид лакедемонликлар душман ҳақида улар кўпми, деб эмас, улар қаерда, деб сўрайдилар, дер эди.

2. Мантиней бўсағасида душманлар кўпчилик деб уни жанг қилишга қўймадилар, шунда у: «Ким кўпчилик устидан ҳукмдорлик қилишни истаса, у кўпчилик билан жанг ҳам қилиши керак», — деди.

3. Олимпиядаги адолатли суд учун элидияликларни мақтаётганларини эшитиб у: «Тўрт йилда бир марта адолатли бўлаолсалар ажабланадиган жойи борми?» — деди. Мақтаётганлар фикрларидан қайтмадилар, шунда у: «Яхши нарса бўлмиш — адолатдан фойдаланишга умуман ажабланиб бўладими?», — деди.

4. Спарталиклар орасида энг яхшиси ким, деб бир одам уни кўп қийнарди. Агид унга: «Сенга энг кам ўхшайдигани», — деб жавоб берди.

5. Лакедемонлар умуман кўпми, деб сўраган бошқа бир одамга: «Разилларни қўрқитиш учун етарли», — деб жавоб берди.

6. Шу саволни берган учинчисига, у: «Улар жангга бораётганларида назар сол, ўзинг улар кўп, дейсан», — деди.

59. ЛИСАНДР

1. Лисандр, қизлари учун тиран Дионисий кўйлаклар юборганида, «Улар бу кийимларда бадбашара бўлиб кўринадилар», — деб қимматли ва энг чиройлиларини олмади.

2. Геракл (авлодлари)га муносиб бўлмаган кўп айёрликлари учун унга таъна қилардилар; у эса: «Арслон териси ярамайдиган жойда тулки терисини ёпинмоқ керак», — деб жавоб берарди.

3. Аргивликлар лакедемонликлар билан ер тўғрисида кўп баҳслашардилар ва уларнинг далиллари анча адолатлироқ эди; шунда Лисандр, шамширини яланғочлаб: «Кимнинг қўлида мана бу бўлса — чегаралар ҳақида ўша яхшироқ ҳукм чиқаради», — деди.

4. Коринф деворлари олдида лакедемонликларни журъатсиз турганларини кўриб, у шаҳардан хандақ орқали қуён югуриб чиққанига кўзи тушди, ва: «Дангасаликларидан деворлари ортида қуёнлар ухлаб ётадиган душманлар сизларга шунчалик қўрқинчликми?» — деб хитоб қилди.

5. Йиғинда бир мегариялик шаддодлик билан унга қарши сўзлади. Лисандр: «Сенинг сўзларингни қувватлашга ортингда фақат шаҳар етишмайди», — деб жавоб берди.

60. АГЕСИЛАЙ

1. Осиё аҳолиси — ҳеч нарсага арзимайдиган эркин фуқаролар, аммо яхши қуллардир, дер эди Агесилай.

2. Улар одатланиб қолганларидай, форс подшоҳини «Буюк», деб атаганларини эшитиб, у: «У мендан ақллироқ ва адолатлироқ бўлмаганидан кейин қандай қилиб мендан буюк бўлади?» — деди.

3. Жасурликми ёхуд адолат яхшими, деган саволга, у: «Агар бизда адолат бўлса, жасурлик нимага керак бўларди?» — деди.

4. Душман томонидаги ўрдудан тунда зудлик билан кўчаётиб, унинг эркаси бўлмишни «ожиз» деб ташлаб кетаётганларидан йиғлаб турганини кўриб, у: «Шафқат ва ақлга бирга бўлиш мушкул!» — деди.

5. Ўзини Зевс, деб улуғловчи табиб Менекрат унга мактуб юборди: «Менекрат Зевс подшоҳ Агесилайга бахт тилайди», Агесилай: «Подшоҳ Агесилай Менекратга соғлом ақл тилайди», — деб жавоб юборди.

6. Лакедемонликлар, афиналиклар ва уларнинг иттифоқдошларини Коринф яқинида мағлуб этганларида, у ерда қанча душман ҳалок бўлганлигини эшитиб, у хитоб қилди: «Бечора Эллада! Сен барча варварлар устидан галаба қозонишга етгулик ўз йигитларингни йўқ қилдинг».

7. Олимпияда Зевсдан керакли башорат олгач, эфорлар буйруғига кўра шундай савол билан Пифий башоратчисига ҳам мурожаат қилиши керак эди, Делфага у чопар юбориб: «Феб ўз отасининг сўзларини тасдиқлайдимп?» — деб сўрашни буюрди.

8. Бир дўстини ҳимоя этиб Карийлик Гидриейдан илтимос қилиб унга бундай хат ёзди: «Агар Никий айбдор бўлмаса, уни қўйиб юбор, агар айбдор бўлса, менинг ҳурматим юзасидан қўйиб юбор, аммо қўйиб юбор».

9. Булбулга ўхшатиб сайрай оладиган қушиқчини эшитишга таклиф этган одамга: «Мен булбулнинг ўзини ҳам эшитганман», — деди.

10. Левктрадаги жангдан кейин журъатсизлик қилганлар қонун бўйича ҳуқуқларидан маҳрум бўлишлари керак эди, аммо эфорлар шаҳар бунда фуқаросиз қоли-

шини кўргач, қонунни бекор қилишга қарор қилдилар ва буни Агесилайга топширдилар. У нутқ сўзлаб, буюрди: «Қонунга эртадан бошлаб риоя қилинсин».

11. Миср подшоҳига ёрдамга юборилганида подшоҳ билан биргаликда у бир неча баравар кўп бўлган душман томонидан қуршаб олинган ўрдуда ҳимояда туриши керак эди. Подшоҳ жангга кириб қуршовдан чиқишни буюрди, аммо Агесилай душман кучларни тенглаштиришни хоҳлаётган экан, душманга халал бермасликни буюрди; душман ҳалқаси бирлашадиган жойда озгина жой қолганида ўша ерга қўшинини тўплаб сафлади-да, тенг кучлар билан жанг қилиб енгди.

12. Ўлаётиб у ўғилларига, унга на ясама ва на чизма (сурат, тасвирларни у шундай атарди) ёдгорлик қўймасликни буюрди: «Агар мен бирор яхши иш қилган бўлсам, шунинг ўзи менга ёдгорлик бўлади, агар қилмаган бўлсам, у ҳолда бундай ҳайкаллар ҳам бўлмайдилар», — деди у.

61. АРХИДАМ

Агесилайнинг ўғли Архидам, яқиндагина Сицилияда ихтиро этилган манжаниқ ўқини кўргач хитоб қилиб: «Буюк Геракл! Мана ҳарбий жасоратлар ҳам барҳам топди», — деди.

62.КИЧИК АГИД

1.Кичкина Агид, Демаднинг, лакон шамширлари шундай калтаки, худди ўшаларни кўзбўямачилар ютадилар, (томоқларидан ўтказадилар) деган сўзларига: «Аммо душманни жароҳатлаш учун шунинг ўзи лакедомонликларга етарли» — деб жавоб берди.

2.Эфорлар унга, жангчиларни сотқин бир одамга топширишни буюрганларида, у: «Ўзимникини сотганга, бегоналарни ишонмайман» — деб жавоб берди.

63.КЛЕОМЕН

Ўлгунча урушадиган хўрозлар беришни ваъда қилган одамга Клеомен: «Менга яхшиси ғалаба қозонгунча урушадиганларини бер!» — деди.

64. ПЕДАРИТ

Спарта қўшинида энг эътиборли ҳисобланувчи уч юзлар бўлинмасига Педарит киритилмади, аммо у давлатда мендан яхши уч юзта жангчи бор экан, деб хурсанд ва шодон кулиб кетди.

65. ДАМОНИД

Кўпчилик бўлиб қўшиқ айтиш вақтида раҳбари томонидан энг орқа қаторга қўйилди, шунда Дамонид: «Сен бу ерни шарафли этиш йўлини топдинг, қойил!» — деди.

66. НИКОСТРАТ

Архидам аргослик саркарда-стратег Никостратни лакедемонликларга қалъани топширишга кўндирмоқчи бўлиб, унга кўп пул ва подшоҳ авлодидан ташқари бошқа хоҳлаган авлоддан хотин олиб беришни ваъда қилганида, Никострат: «Архидам ўзини Геракл авлодиданман деб ёлғон гапиради: Геракл бу дунёдан ёмонликларни йўқ қилар эди, Архидам эса, яхшилик бор жойга ёмонлик уруғини сепмоқда», — деди.

67. ЕВДАМИД

1. Евдамид Академияда ўз шогирдлари билан шуғулланаётган қариб қолган Ксенократни кўриб, унинг эзгулик истаётганини билиб: «Уни топганида нима қиларкин?» — деб сўради.

2. Бошқа бир сафар, файласуфнинг фақат донолар яхши саркарда бўладилар, деган фикрини эшитиб: «Яхши сўз сўзлабди! Фақат бу сўзни айтган одам жанговар карнай овозини ҳеч қачон эшитмагани ачинарлидир», — деди.

68. АНТИОХ

Антиох эфор бўлган пайтида, Филипп мессенияликларга енр берганлигини эшитиб, уларга шу ер учун курашмоққа куч ҳам бердими, деб сўради.

69. АНТАЛКИД

1. Анталкид, лакедемонияликларни «уқувсиз» деб кесатган афиналикка: «Сен ҳақсан, фақат бизларгина сизлардан ёмонликларни ўрганмадик», — деди.

2. «Биз сизларни Кефис қирғоғидан тез-тез қувлаб турардик», — деган афиналикка, у: «Биз сизларни Еврот қирғоғидан бир марта ҳам (ҳайдамадик)», — деб жавоб берди.

3. Бир нотиқ Геракл шарафига мақтов сўз айтмоқчи эди, Анталкид: «Ким уни хақорат қилди?», — деб сўради.

70. ЭПАМИНОНД

1. Эпаминонд Фивада стратег — қўмондон бўлиб турганида ўз ўрдусида ваҳималарга йўл қўймас эди.

2. Жангда ҳалок бўлиш — худоларга қилинган қурбонлик, дер эди у.

3. Аскарлар ўз баданларини фақат полвонлик учун эмас, жанг қилиш учун ҳам машқ қилдиришлари керак дер эди. Шунинг учун у семиз-бақалоқларни ёмон кўрар, ҳатто шундайлардан бирини қўшиндан ҳайдаб юбориб, бундай бақалоқ қоринни беркитишга учта, ҳатто тўртта қалқон етмайди, деган эди.

4. У шундай оддий яшар эдики, бир куни қўшнисиникига турли таомлар, ширинликлар, хушбўй ёғ қўйилган кечки дастурхонга таклиф этилганида, у: «Мен бу ерда худоларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишади, ҳақорат қилмайдилар, деб ўйлагандим», — деди-да, чиқиб кетди.

5. Қўшин ошпази қўмондонларга бир неча кунлик ҳаражат ҳақида ҳисобот бераётганида Эпаминонд ёғ миқдоридан норози бўлди. Дўстлари ҳайрон бўлишганида, у ёғ сарфига хафа эмаслигини, балки бу ёғ машқларга эмас, овқатга ишлатилганидан хафа бўлдим, деб жавоб берди.

6. Ҳамма ичиб, ўйнаётган бир байрамда унинг ўйланиб, қовоғи солиниб, жиддий юрганини кўрган бир одам уни бундай аҳволда юрганидан ҳайратланган эди, унга:

«Сиз ҳеч нарсани ўйламай ичаверишингиз учун ўйлаяпман», — деб жавоб берди у.

7. Бир норасо одам кичкина айб иш қилиб қўйганида Пелонид уни кечиришни сўради, аммо Эпаминонд рад қилди, унинг ўйнаши кечиришни сўраб келганида эса Эпаминонд уни қўйиб юборди ва: «Бундай илтимос енгилтак аёлга муносиб, саркардага эса номуносибдир», — деди у.

8. Спарталиклар босқини олдидан фиваликлар башоратлар йиғдилар: бу башоратларнинг бирлари мағлубиятни башорат этса, бошқалари ғалабани кўрсатарди. Эпаминонд улардан бир хилларини чап тарафга, бошқаларини ўнг томонга қўйишни буюрди ва ўзи ўрнидан туриб: «Агар сизлар бошлиқларингизга қулоқ солсангиз ва душманга қарши якдиллик билан хужум қилсангиз мана бу башоратлар сизникидир», — деб яхшиликдан (ғалабадан) хабар берувчи башоратларни кўрсатди, «агар хавф қаршисида журъатсизлик кўрсатсангиз унда - мана булар», — деб нохуш башоратларга қараб қўйди.

9. Бошқа бир сафар, у душман устига юриш қилаётганида чақмоқ чақилиб момақалдироқ бўлди, ҳамроҳлари, бу билан худо нима демоқчи, деб сўрадилар. У: «Душманлар яшин ургандай қирғин бўлади, чунки улар яхши жой турганида ноқулай бир жойда тўхтадилар», — деб жавоб берди.

10. Тақдир менга насиб қилган яхшиликларнинг энг қувонарлиси, менинг Левктрдаги ғалабамни отамнинг ҳам, онамнинг ҳам ҳаётликларида бўлиб, улар ғалабани кўрганларидир, дерди у.

11. Одатда у одамларга ороланиб, очиқ юз билан кўринишга чиқарди, аммо бу галабадан кейин эрталаб хўмрайиб, ороланмай чиқди. Дўстларининг бирор нохушлик рўй бермадими, деб сўраган саволларига, у: «Йўқ, кеча мен оқил одам йўл қўйиши мумкин бўлганидан кўпроқ қувониб кетдим, ортиқча шодлигим учун мана бугун ўзимни жазоламоқдаман», — деб жавоб берди.

12. Спарталиклар ўз йўқотишларини яшираётганларини эшитиб, жанг майдонида халок бўлганларни ҳамма бирданига йиғиштириб олишига рухсат бермай ҳар

бир шаҳар ўзига тегишли бўлган жасадларни олиб кетсинлар, деди; шунда маълум бўлишича ҳалок бўлганлар орасида лакедемонликларнинг ўзи мингдан ошиқ экан.

13. Фессалия ҳукмдори Ясон, Фивага иттифоқдош бўлиб келди ва Эпаминонд учун икки минг олтин юборди. Эпаминонд жуда ночор яшарди, аммо пулни олмади, Ясонни кўрганида унга: «Нопок қўллар билан ҳукмдорлик қиласан!», — деди. Ўзи Пелопоннесга юриш қилаётганида эса, бир фиваликдан юриш ҳаражатларига эллик драхм қарз олишга мажбур бўлган.

14. Худди шунга ўхшаш, форс подшоҳи унга 30000 дарик юборганида, Эпаминондни сотиб олиш учун шунча масофа босиб келибсан, деб Диомедонт кўп уришди, подшоҳга эса, агар у Фивага хайрихоҳ бўлса Эпаминонд унга бепул, порасиз дўст бўлишини, агар хайрихоҳ бўлмаса душман бўлишини айтиб қўйишни буюрди.

15. Аргивияликлар фиваликларга иттифоқчи бўлганларида, афиналиклар Аркадийга элчилар юбордилар, элчилар иккала тарафни кўп койиб ҳақоратлар қилдилар, устод нотиқ Каллистрат аргивияликларни Орест билан, фиваликларни эса — Эдип билан таъна қилди. Бу сўзларни эшитиб, Эпаминонд ўрнидан турди-да: «Ҳа, бизда падаркуш, аргивияликларда эса модаркуш бўлган, аммо биз унисини ҳам, бунисини ҳам ҳайдадик, афиналиклар эса қабул қилдилар», — деди.

16. Спарталиклар фиваликларга кўп оғир айблар қўйишди. Шунда Эпаминонд: «Аммо улар сизни лўнда фикрлаш одатингизни ташлатдилар», — деди. (Яъни, улар туфайли соддаликдан халос бўлдингиз, демоқчи. Таржимон).

17. Фер ҳукмдори подшоҳ Искандар фиваликлар душмани бўлиб қолганида афиналиклар у билан иттифоқ туздилар. Искандар уларни гўшт билан таъминлашга ваъда берди. Эпаминонд: «Уни қовуриш учун биз афиналикларга текин ўтин берамиз: агар улар сал қўзғалсалар юртининг охирги дарахтигача кесиб ташлаймиз!» — деди. (Бу ерда қиличдан ўтказамиз маъноси ҳам бор).

18. Беотияликлар бемалол дам олишни хоҳлардилар, у эса уларни доимо қуролланган ҳолда кўришни истар-

ди, ҳар сафар уни қўмондон этиб сайлаганларида, у: «Ватандошлар, агар мен қўшинбоши бўлсам, сизлар қўшиним бўлмоғингиз зарур, шундай эмасми!?» — деди. Уларнинг текис ва ясси ерларини у: «уруш қилиш майдончаси», — деб атар ва агар қўлда доимо қалқон тутиб турмасангиз унга эгалик қилолмайсиз, дер эди.

19. Хабрий, Коринф яқинида дарвозадан чиққан қизиққон бир неча фиваликларни ўлдириб, трофей (ёдгорлик) қўйганида Эпаминонд кулиб, бу Аресга трофей эмас, Гекатага қўйилган бир белги, узун қозиқдир деди, чунки бундай устунлар йўл чорраҳалари яқинидаги барча дарвозалар олдига қурилади, деди.

20. Афиналиклар Пелопоннесга янги қурол билан жиҳозланган қўшин юборилгани ҳақида хабар берганларида, у: «Агар Теллидда янги най бўлса, Антигенид хавфсирай бошлайдими?», — деб сўради. Теллид ёмон найчи, Антигенид эса — моҳир найчи эди.

21. Хос қалқон кўтариб юрувчисининг бир асирдан бадал сифатида кўп пул олганини билиб қолиб, унга: «Менга қалқонни бер-да, ўзингга дўконча сотиб олиб умрингни охиригача шундай яшагин: сен энди бой-бадавлат бўлгач, жон фидо қилишга журъат қилмайсан», — деди.

22. Қайси бири, Хабрийми ёки Ификрат яхши саркардами, деган саволга, у: «Биз ҳаммамиз то тирик эканмиз, айтиб бўлмайди», — деб жавоб берди.

23. Лаконикадан қайтганида, белгиланган муддатдан тўрт ой кўпроқ вақт қўмондонлик (беотархлик) қилгани учун қўмондонликдаги яқин ўртоқлари билан жиноий айбдор бўлишига сал қолди. У ўз дўстларидан барча айбни унга тўнкашни илтимос қилди, ўзи ҳақида эса айтдики, иш қилишга қараганда сўз сўзлашни ёмонроқ билади, аммо агар ҳакамлар ҳузурида гапириш зарур бўлиб қолса, бундай дерди: «Агар мени қатл этадиган бўлсангиз, эллинлар билишлари учун қабр тошига ўз ҳукмингизни ёзиб қўйинг: фиваликлар иродасига қарши Эпаминонд, 500 йилдан бери ҳеч ким тарафидан ёндирилмаган Лаконикани ёндириб юборишга, 230 йил аввал вайрон этилган Мессенани қайта қуришга, Ар-

кадияни йиғиш ва бирлаштиришга, барча эллинлар учун эса мустақилликка эришишга муваффақ бўлди, чунки худди шу юришда буларнинг барчаси амалга оширилди». Овоз бериш учун қўлларига тошчаларни ҳам олмай ҳакамлар кулиб тарқаб кетишди.

24. Охирги жангда яраланиб жангтоҳдан олиб чиқилганида у Даифантни, кейин Иолаидни чақиртирди, унга улар ўлганлар, деб айтдилар, шунда у Фивада бошқа саркардалар қолмагани учун душман билан сулҳ тузинг, деб буюрди. Унинг сўзлари кейинчалик тасдиқланди — у ўз ватандошларини яхши биларди.

71. ПЕЛОПИД

1. Ҳарбий қўмондонлик бўйича Эпаминонднинг ўртоғи Пелопидга дўстлари пулсиз яшаш мумкин эмас, деб унинг пулга бепарволигини юзига солганларида, у: «Агар мумкин бўлмаса, мана бунга мумкин эмас», — дерди ва чўлоқ, соғ жойи йўқ, мажруҳ Никомедни кўрсатарди.

2. У урушга кетаётганида хотини ундан ўзини эҳтиёт қилишни сўради. «Бу гапни бошқаларга айтмоқ керак, — деди Пелопид, — саркарда эса ўз юртдошларини эҳтиёт қилмоғи керак».

3. Аскарлардан бири: «Биз рақибларимиз қўлига тушиб қолдик!» — деган эди, Пелопид: «Нега улар бизнинг қўлимизга эмас?» — деб сўради.

4. Ферлик Искандар томонидан маккорона қўлга туширилиб зиндонбанд этилганида Искандар уни қаттиқ сўзлар айтиб жеркиб ташлади. «Сен ўлишга шошиляпсанми?», — сўради Искандар. — «Ҳа, — жавоб берди Пелопид, — фиваликлар бундан ғазабга келиб, сен тезроқ жазоланишинг учун».

5. Ҳукмдорнинг хотини Фива, зиндондаги Пелопид олдига келиб, унинг кишанда бўлса-да қувноқлигини кўриш ҳайратли ҳол деди. Шунда у: сенга кишан солинмаган бўлса-да, ўз эркинг билан Искандарга бўйсунишинг менга янада ҳайратланарлироқ кўринади, деб жавоб берди.

6. Эпаминонд томонидан озод қилингач у, Искандардан миннатдорман деди; чунки энди фақат уруш кўзи-

га тик қарай олишгагина эмас, ўлим кўзига ҳам тик қарай олишига ишонч ҳосил қилган эди.

72. МАНИЙ КУРИЙ

1. Мағлуб бўлганлардан тортиб олинган ернинг фақат озгина қисмини ҳаммага бўлиб бериб, қолганини умум эгалик қилишига қолдиргани учун койиганларида, у: «Кун кўриш, яшаши учун етарли бўлган ерни кам деб билган одам римлик бўлмасин!» — деб жавоб берди.

2. Ундан енгилган самнитлар унга олтин олишни таклиф этиб келиб, уни қумғонда турп қайнатаётгани устидан чиқдилар; токи у бундай овқатга тўяр экан, унга олтин керак эмас, чунки олтини бўлгандан, олтини борларга ҳукмронлик қилиш афзал, деб жавоб берди у самнитларга.

73. ГАЙ ФАБРИЦИЙ

1. Гай Фабриций, римликларни Пирр мағлуб этганини эшитиб: «Эпиротлар римликларни эмас, аслида Пирр, Левинни енгди», — деди.(Бу ерда: саркарда саркарданн енгди маъносида.-Тарж.)

2. Фабриций эваз бериб асирларни қайтариб олиш учун Пирр олдига келганида, шоҳ унга кўпгина олтин бермоқчи бўлди, аммо Фабриций олмади. Эртасига Пирр, Фабрицийнинг чодири олдида ўкириб қўрқитсин, деб ўзининг энг катта филини билинтирмай келтириб қўйди, фил роса ўкирди, аммо Фабриций кулимсираб: «Сен кеча олтининг билан, бугун баҳайбат ҳайвонинг билан ҳайратлантира олганинг йўқ», — деб қўяқолди.

3. Пирр ҳузурида қолишни ва биргаликда ҳукмдорлик қилишни таклиф этди; Фабриций: «Бу сенинг фойдангдаги иш бўлмайди: эпиротлар сени ҳам мени ҳам қандайлигимизни билганларидан сўнг улар сени эмас, мени ўз подшоҳлари бўлишимни афзал кўриб қолишади», — деди.

4. У консул бўлиб турган пайтда подшоҳ Пиррнинг табиби унга, Пиррни заҳарлаб ўлдириши мумкинлигини билдириб мактуб ёзди. Фабриций бу хатни Пиррга

юборди ва ўзининг дўстлари ва душманларини қандай ёмон билишини бу воқеадан англаб олишни маслаҳат берди.

5. Пирр бу сотқинликни билгач, табибни дорга осди, Фабрицийга эса римлик асирларни пул олмай қайтарди, у (Фабриций) бундай совғани қабул этмай ўзи ҳам шунча эпирлик асирларни қўйиб юборди. Хизмати учун ҳақ олган бўлиб туюлмасин, деб шундай қилди — чунки сотқинликни Пиррга хизмат кўрсатиш учун фош этмади; бундай қилганининг боиси, токи римликлар гўё куч билан енга олмайдилар-у, шундай муттаҳамлик билан ўлдирадилар, деган фикр пайдо бўлмасин, дея ўйлаган.

74. ФАБИЙ МАКСИМ

1. Фабий Максим, (рақиби) Ганнибал билан жанг қилишни хоҳламай, уни силласини қуритиб, овқат, маблағ танглигидан фойдаланиб енгишни истарди; шул сабабдан унинг кетидан тоғлар ва далаларда изма-из борар, унинг барча хатти-ҳаракатини такрорлаб соядек эргашиб юрарди; бундан ҳамма кулар, Ганнибалнинг амакиси деб кесатишарди, аммо у буларга ҳеч эътибор бермай ўзи ўйлаганидек иш қиларди, дўстларига эса, кесатиш, киноядан қўрқиш, душмандан қўрқишдан ҳам уятлироқдир, дерди.

2. Унинг дўсти Минуций баъзи рақибларнинг бўлимларини мағлубиятга учратгач, унинг ҳақида, мана Римга муносиб одам, деган шов-шув кўтарилганида, Фабий: Минуцийнинг муваффақиятсизликларидан кўра кўпроқ муваффақиятларидан хавотирланишини айтди. Кўп вақт ўтмай бу гап тасдиқланди, Минуций пистирмага дуч келиб бутун қўшини билан ҳалок бўлишига оз қолганида Фабий ёрдамга етиб келди, душманни қаттиқ талофатга учратди, Минуцийни эса қутқарди. Шунда Ганнибал дўстларига: «Мен сизга, тоғдан келган бу булутдан бизга кучли бўрон бўлади демабмидим?» — деди.

3. Канндаги мағлубиятдан сўнг у, ҳокимиятни жасур инсон, Ганнибал билан жанг қилишга иштиёқи баланд Клавдий Марцелл билан бирга қабул қилди, аммо ўзи (Фабий) Ганнибал қўшини билан жангга киришмай тин-

касини қуритиб, беҳол бўлишга эришишга аввалгидек умидвор эди. Ганнибал ҳам: Марцеллнинг жанг қилаётганига кўра, Фабийнинг жангдан ўзини олиб қочишидан кўпроқ хавфсирайман, дер эди.

4. Лукалик бир аскар йигит тунлари қароргоҳдан тез-тез ўз маҳбубасининг олдига боришини сезиб қолди; Фабий бу йигитни жангда жуда жасоратли эканлигидан хабардор эди. Фабий бу йигитнинг маҳбубасини пинҳона ушлаб ҳузурига келтиришни буюрди; кейин уни чақиртириб: «Биламан, сен тунлари қоидани бузасан, аммо сенинг яхши аскарлигингни ҳам биламан; хизматларинг учун шўхликларингни кечираман! Энди эса марҳамат қилиб ўрдудан тунлари қочишни тўхтат: мана бу аёл сенга кафилликка қолади», — деб аёлни бошлаб келиб унга берди.

5. Акрополдан ташқари ҳамма ери Ганнибал аскарлари қўлида бўлган Терентни у узоқдан айланиб ўтиб, айёрлик билан қўлга киритди ва талон-торож этди; котиб ундан, ибодатхоналардаги ҳайкалларни нима қилишини сўраганида, у: «ғазабланган худоларни торентликларга қолдирамиз», — деб жавоб берди.

6. Акрополни эгаллаб турган Марк Ливий, шаҳарни қутқарган менман, деб мақтанарди, ҳамма бунга кулади, Фабий эса: «Сен ҳақсан: агар сен шаҳарни қўлдан чиқармаганингда, мен уни ололмасдим», — деб жавоб берди.

7. Ўғли консул бўлиб, катта йиғинда иш олиб борадиган бўлган пайтлари, кексайиб қолган Фабий у ерга отда келди, аммо ўғли у ерга хизматчиларни юбориб отдан тушишни буюрди. Одамларга бу хуш ёқмай тескари қараб олишди, аммо Фабий отдан сакраб тушиб ёшлардай югуриб бориб ўғлини қучоқлади, ва: «Тасанно ўғлим, кимнинг устидан ҳукумронлик қилаётганингни ҳам, қандай улуғ ҳокимиятни олганингни ҳам яхши тушунишингга балли!» — деб хитоб қилди.

75. КАТТА СЦИПИОН

1. Катта Сципион ҳарбий ва давлат ишларидан бўш вақтларида илмий машғулотлар билан машғул бўларди

ва айниқса бўш вақтларда жуда ишим кўпайиб кетади, дерди.

2. Янги Карфагенни забт этганида навкарлар асир олиб унга бир гўзал қизни келтиришди, шунда у: «Агар қўмондон бўлмай оддий жангчи бўлганимда мамнуният билан олар эдим», — деди.

3. Афродита ибодатхонаси салобат билан юксалиб турган Батия шаҳрини қуршаб олганида, у барчага бир-бирлари билан ўзаро битимлар тузишни буюрди ва уч кундан сўнг ўша ибодатхонада баҳсларни ҳал қилиб беришни айтди. Шаҳарни олиб ваъдасининг устидан чиқди.

4. Сицилияда ундан, Карфагенга юришда нимага ишонаётганини сўрашганида, у ўзининг (шу пайтда) қуролланиб машқ қилаётган уч юзта навкарига ва денгиз бўйидаги баланд минорага ишора қилди ва: «Агар мен мана шу минорадан калла ташлагин дейдиган бўлсам, бу қисмда ўзини ташламайдиган бирон аскар топилмайди», — деди.

5. Сувдан ўтиб, ғалаба қозониб ва душман ўрдусига ўт қўйганида карфагенликлар шартнома тузиш учун элчилар юбордилар ҳамда филлар, кемалар ва пуллар беришга ваъда бердилар; аммо Ганнибал Италиядан қайтганида улар дадиллашиб шартномадан воз кечдилар. Сципион буни эшитиб, улар 5000 талант тўлаб Ганнибални яна чақиришлари учун барибир шартнома тузар эдим, деди.

6. Карфагенликлар бутунлай мағлуб этилиб унга сулҳ тузиш учун элчиларни юборганларида, токи Луций Теренцийни олиб келмагунларича уларнинг сўзларини эшитмаслигини айтиб элчиларни қайтариб юборди: Теренций эса Карфагенга асир тушиб қолган Римнинг мўътабар фуқароси эди. Улар Теренцийни унинг ҳузурига олиб келганларида Сципион карфагенликлар билан то сулҳ тузгунича музокараларни уни ўз ёнига ўтказиб олиб борди.

7. Шу Теренций, унинг тантаналари (триумфи)да уни енгил аробаси ортида озодлик берилганлар киядиган қалпоқда борди; Сципион ўлганида эса уни дафн мароси-

мида, у асал қўшилган май қуйиб, дафн этишда бажариладиган урф-одатларни бажарди; аммо бу анча кейин бўлганди.

8. Подшоҳ Антиох унга қарши римликлар ўз қўшинларини Осиё қирғоғига кемаларда ўтказганларида, Спиционга музокаралар учун элчиларини юборади, у эса, (Сципион): «Ҳозир эгар ва жилов тайёр турганида эмас, аввалроқ бу ишни қилиш керак эди», — деб жавоб берди.

9. Сенат унга хазинадан пул беришга қарор қилди, аммо хазинабонлар (квесторлар) шу куни уни очишдан бош тортдилар. «Ўзим очиб оламан, — деди Сципион, — чунки мен уни тўлдириб қўйганим учунгина у қулфлаб қўйилгандир!»

10. Петиллий ва Квинт халқ олдида унга кўп айбларни қўйдилар. У эса, худди шул кун карфагенликлар ва Ганнибални енганини, ҳозир бўлса бошига шараф чамбарини кийиб Капитолийга кўтарилишни ва қурбонлик қилишни хоҳлашини айтди, сўнг кимда-ким сайлаш ниятида экан сайлайверсин, деб ўзи Капитолийга томон юрди, халқ ҳам унга эргашди, айбловчилар эса эшитувчиларсиз қолдилар.

76. ТИТ КВИНКЦИЙ

1. Тит Квинкций ёшлигидан (фазилатлари ила) ҳаммадан бутунлай ажралиб турарди, ҳатто у трибун, претор ва эдилликдан аввал консул этиб сайланган эди. Филиппга қарши урушга юборилганида у билан музокаралар учун учрашишга рози бўлди, аммо Филипп ёлғиз ўзи бўлгани учун гаровга қўйиладиганларни талаб қилди, Квинкций билан эса яна бошқа саркардалар бор эди. Аммо Квинкций унга: «Ёлғизлигингга ўзинг айбдорсан, чунки сен ўзингнинг барча дўстларинг ва яқинларингни қириб ташладинг», — деб жавоб берди.

2. Филиппни енггач, Истмий ўйинларида эллинларни озод ва мустақил деб эълон қилди. Миннатдорчиликдан эллинлар, Ганнибал давридан бери бўлган рим асирларини ҳар бирига 500 драхм тўлаб қутқариб олишди ва Тит Квинкцийга совға қилдилар, рим тантанаси (три-

умфи)да улар озод этилганлар қалпоғини кийиб унинг кетидан бордилар.

3. Ахейликлар Закинфга юришга ҳозирланаётганларида уларга эҳтиёт бўлишни маслаҳат берди: уларга, худди тошбақалар каби, Пелопоннесдан ташқарига бош чиқаришлари хавфлидир, дея уқтирарди.

4. Подшоҳ Антиох Элладага катта қўшин билан юриш бошлаганида ҳамма у қўшиндаги аскарлар сони кўплиги ва қуролидан хавфсираган бир пайтда Квинкций ахейликларга: «Бир кун мен Халкидда меҳмон бўлганимда дастурхонга тортилган гўштларнинг хили кўплигига ҳайрон бўлдим; мезбон менга, бу гўштларнинг ҳаммаси ҳам чўчқа гўштидан, фақат турли равишда, турли зиравор билан тайёрланган, деб тушунтирди. Сиз ҳам, шунинг учун подшоҳнинг шамшир осган, найза кўтарган, совутли суворий, ўқёйли суворийлари бўлган қўшинига ҳайрон бўлманглар: буларнинг ҳаммаси ўша сурияликларнинг ўзлари холос, фақат турлича қуролланганлар», — деди.

5. Отлиқ аскарлар ва пиёдалари кўп-у, аммо пули оз бўлган, ахейлик саркарда (стратег) Филопеменга у ҳазиллашиб, қўл-оёғинг бут-ку, қорнинг йўқ дерди; дарҳақиқат, Филопемен кўринишдан ҳам шундай эди.

77. ГАЙ ДОМИЦИЙ

Буюк Сципион ўз биродари Луций билан бирга Антиохга қарши юборган Гай Домиций уни ҳозироқ жангга киришга ундаётган қўмондонларга душман фавжларини кўриб, бугун бунча аскарларни қириш, уларнинг бойлигини торож этиб, ўлжа билан қайтиш фурсати эмас, бундай пайт эртага бўлади, деди; эртасига ҳақиқатан жанг қилиб душманнинг 50000 аскарини ҳалок этди.

78. ПУБЛИЙ ЛИЦИНИЙ

Публий Лициний консуллиги пайтида македониялик Персейдан енгилди ва суворийлар жангида ўлганлар ва асир тушганлар ҳисобланганда 2800 навкарни йўқотди; шундай бўлса-да, жангдан сўнг Персей унинг ҳузу-

рига сулҳ тузиш ва тотувлик сўраб элчи юборди ва қарангки мағлуб, ғолиб бўлганга римликларга бўйсунишни талаб қилди.

79. ПАВЕЛ ЭМИЛИЙ

1. Павел Эмилий иккинчи марта консулликка талабгор бўлди-ю, мақсадига эришаолмади, аммо саркардаларнинг тажрибасизликлари ва лоқайдликлари туфайли македониялик Персей билан уруш узоқ чўзилиб кетгач, уни консул этиб сайлашди. Аммо у, унга бошлиқ бўлиш кераклиги учун уни сайламадилар, аксинча римликларга бошлиқ кераклиги учун сайладилар, деб миннатдорчилик билдирмади.

2. Бир куни форумдан қайтиб келаётиб, қизи Терецияни йиглаб турганини кўрди ва нима бўлди, деб сўради, шунда қизи: «Персей ўлди!» — деб жавоб берди, унинг кучукчасини оти шунақа эди. «Айни муддао!» — деди Эмилий, — қизим, буни яхшилик далолати деб тушунаман».

3. Қўшинни у ҳаддидан ошган ва интизомсиз аҳволда кўрди, ҳар ким қўмондонлик ишлари ҳақида ўзича фикр юритар, ҳамма нарсага бурнини суқар эди. Эмилий ҳаммага осойишталикни сақлаш ва қуролни тартибда тутишни буюрди ва қолган нарсаларни ўзи уддалашини айтди.

4. Тунги ҳарбий қоровулларга қоровуллик пайтида найза ва шамшир олиб юрмасликни буюрди, шунда душманга қарши турган қуролсиз навкарлар уйқу билан яхши курашадилар, дерди у.

5. Македония тепаликларидан ўтиб, қаршисида душман сафларини кўрганида, унга шу заҳоти ҳужум қилишни маслаҳат берган Назикага: «Агар сендек навқирон бўлганимда, албатта шундай қилардим; аммо, жанговор сафда турган душманга шунча йўл босиб келиб бирданига ҳужум қилмаслик учун менинг етарли тажрибам бордир», — деди.

6. Персейни енггач, галаба шарафига катта зиёфат берди, бу ишини у қуйидагича тушунтирди: қўшин душ-

манга қанчалик хавфли бўлса, дўстлар учун зиёфат шунчалик ширин бўлмоғи керак.

7. Асирга олинган Персей тантанали юриш маросимида қатнашишни хоҳламади. «Бу сенга боғлиқ», — деди унга Эмилий, унинг ўз-ўзини ўлдиришига имконият бергандай бўлиб.

8. Беҳисоб ўлжани қўлга киритиб, ўзига ҳеч нарса олмади, фақат куёви Туберонга жасорати учун беш литр оғирликдаги кумуш жом берди ва: «Эмилийлар уйига келган биринчи кумуш идиш бу», — деди.

9. Унинг тўртта ўғли бор эди; улардан иккисини бошқа уйларга ўғил қилиб берди, қолган иккиси ўлдилар: бири унинг тантанаси (триумф)дан беш кун олдин-ўн тўрт ёшида, бошқаси эса, унинг тантанасидан беш кун кейин, ўн икки ёшида. Кейин у уйидан чиққанида халқ унга ачиниш ва ҳамдардлик билдириб ўраб олди, шунда у, барча омадлар учун тақдир ёлғиз ундан ўч олганини, ҳамда ҳамма учун унинг ўзи ҳисоб-китоб қилганини ва ватан учун энди у хавфсиз ва зарарсиз эканлигини айтди.

80. КАТТА КАТОН

1. Катта Катон, халқни исрофгарчилик ва пулни совуришда айблаб: «Қулоғи бўлмаган қоринга гап уқдириш қийин!» — деди.

2. У яна: «Лжабо, буқага кўра балиқ қимматроқ турадиган шаҳар ҳануз қандай турибди!?», — деди.

3. Аёллар борган сари кўпроқ ҳокимиятига эга бўлаётганидан норози бўлиб, у: «Ҳамма ерда эркаклар аёллар устидан ҳукмронлик қиладилар, фақат биз барча эркаклар устидан ҳукмронлик қиламиз-у, аёлларимиз эса бизнинг устимиздан (ҳукмронлик қиладилар)», — деди.

4. У хайрли ишлар учун миннатдорчилик изҳор этмасликларини, жиноят учун жазоламасликдан афзал кўраман ва бошқаларга жиноятларини кечиришим мумкин-у, ўзимга асло кечира олмайман, дер эди.

5. Магистратларни жиноятларга қаҳрли бўлишни уқдирарди, кимки ёмонликларга йўл қўймасликка қуд-

рати ета туриб йўл қўйиб берса, у менга ғаламислик қилган бўлади, дер эди.

6. Ёш йигитлар ичида ранги оқарадигани эмас, қизарадигани яхшироқдир, дер эди.

7. Ҳарбий юришда қўлига, жангда эса оёғига эрк берадиган, ҳамда жанговар ҳайқириқларидан тунги хурраклари баландроқ бўлган навкарларни кўришга тоқатим йўқ, дер эди у.

8. Ўзига ҳукмдорлик қилолмаган ҳукмдор, энг тубан ҳукмдордур, дерди у.

9. Инсон аввал ўзидан уялмоғи керак, деб ҳисобларди: чунки одам ўзидан нари қочиб кетолмайди.

10. Кўпдан-кўп қўйилган ҳайкалларга қараб, у: «Менинг ҳақимда одамлар, нега Катонга ҳайкал йўқ деб сўраганлари, нега унга ҳайкал қўйилган деганларидан яхшироқдир», — деди.

11. Ўзбошимчалик қилишни хоҳлаганларга у, бундай имкониятни доимо сақлаб қолишлари учун ўзларини тийишни маслаҳат берарди.

12. Кимки эзгуликдан мақтовни тортиб олса, ул (одам) ёшлардан эзгуликни тортиб олади, дер эди у.

13.Давлат ёки суд ҳокимияти бошқарувида бўлатуриб, на адолат қошидақайсар бўлиш ва на адолатсизликка бош эгиш мумкин эмас, дер эди у.

14. Адолатсизлик, мабодо адолатсизларнинг ўзлари учун ҳалокатли бўлмаса-да, қолган ҳаммага ҳалокатлидир, дер эди у.

15. Кексалик ўзи номаъқул, уни яна адабсиз ҳам этмаслик керак.

16. Ғазаб, жоҳилликдан фақат қисқа муддатлиги билан фарқ қилади, дер эди у.

17. Ўз бахтидан ким меъёрида ва одоб билан фойдаланса унга ҳасад таъсир қилмайди: чунки бизга эмас, бизни қуршаган нарсаларга ҳасад қиладилар, дер эди у.

18. Кимки кулгили ишларда жиддий экан, ул одам жиддий ишларда кулгили бўлади, дер эди у.

19. Хайрли ишлар устига хайрли ишлар қилмоқ керак, токи ҳайрли шон-шуҳрат сўнмасин, дер эди у.

20. Давлат мансабларига фуқаролар ҳар йили айнан ўша одамларни қайта сайлашларидан у норози бўларди, ва: «Демак сизнингча, ё ҳокимият ҳеч нарсага арзимайди, ёки ҳокимиятга кам одам арзийди», — дер эди у.

21. Бир одам денгиз бўйидаги чорбоғини сотганида Катон сохта қувонч билан: «У денгиздан кучлироқ: у (денгиз) бу қирғоқни қанча ялаб юлқади, ул (ер сотган) эса қулт этиб ютди қўйди», — деди. (Яъни ерни сотиб пулини тезда совуриб юборди. -Таржимон).

22. Цензорликка талабгор бўлиб, бошқалар халққа илтимос ва тилёрламалик қилаётганларини кўргач, халққа табиб пичоғи ва кучли покловчи восита зарур, шунинг учун мулойим кўринганни эмас, қаттиққўлроқни сайлаш лозим, деди. Шундан сўнг у бир овоздан сайланди.

23. У ёш йигитларни жасур жанг қилишга ўргатаётганида кўпинча, қиличдан кўра сўз билан, қўлга кўра овоз билан душманга зарба бериш ва енгиш осонроқ бўлиши мумкин, дер эди.

24. Бетикада уруш қилаётиб, кўп сонли душман томонидан хавфли вазиятга туширилиб қўйилди. Келтиберлар 200 талантга ўз ёрдамларини таклиф қилдилар, аммо римликлар варварларга ҳақ тўлашни унга ман этдилар. «Сиз ноҳақсиз, — деди Катон, — агар биз енгсак, у ҳолда биз эмас, душман бу маблағни тўлайди, агарда душман ғолиб бўлса, унда на олувчи ва на тўловчи қолади».

25. Урушда ўтказган кунларига қараганда кўпроқ шаҳарни олиб (у шундай дер эди), ўлжадан фақат ичибеганича миқдорда фойдаланди холос.

26. Ҳар бир жангчига у бир фунтдан кумуш бўлиб берди ва: камчилик олтин билан қайтганидан, кўпчилик кумуш билан қайтгани афзал, қўмондонларга эса, ўз мавқелари бўйича шон-шуҳратдан бошқа ҳеч нарса керак эмас, деди.

27. Ҳарбий юришда у билан бешта қул бор эди; улардан бири ўзига уч асирни сотиб олди, кейин Катон бундан хабардор бўлганида унинг кўзига кўринишдан қўрқиб қул ўзини осиб қўйди.

28. Африкалик Сципион ундан аҳейялик қувғинларга ўз юртларига қайтиш учун ёрдам беришини сўрага-

нида, бу менга тааллуқли эмас, деб баёнот берди, кейинчалик сенатда бу ҳақда узундан-узоқ тортишувлар бошланганида у ўрнидан туриб: «Биз мажлисларимизда қариб-тўкилиб қолган қандайдир юнонларни бизнинг гўрковларми ёхуд аҳейя гўрковлари кўмишлари керакми, деб баҳслашишдан бошқа ишимиз йўқми?» — деди.

29. Постумий Албин тарихни юнон тилида ёзди ва эшитувчилардан бунинг учун узр сўради. «Уни нега афв этилар экан, нима, уни бирон амфиктион фармойиши юнонча ёзишга мажбур этганмиди?» — деди у ҳазил қилиб.

81. КЕНЖА СЦИПИОН

1. Айтишларича, Кенжа Сципион ўзининг 54 йиллик умри давомида ҳеч нарса сотиб олмаган, ҳеч нарса сотмаган ва уйида ҳеч нарса йиғмаган; унинг вафотидан кейин фақат 33 фунт кумуш, 2 фунт олтин қолган эди, гарчи у Карфагенни енгиб, ўз аскарларига бошқа ҳеч қайси саркарда беролмаган бой ўлжа берган бўлса ҳам.

2. Полибийнинг маслаҳатига риоя қилиб, форумдан у доимо кимгадир яхшилик қилмай ёки янги бир дўст орттирмай кетмасликка ҳаракат қиларди.

3. У ёшлигидан ўз ақли ва жасурлиги билан машҳур бўлган. Ҳатто Катта Катон бир куни Карфаген уруши қатнашчилари ҳақида, улар орасида Сципион ҳам бўлган, сўраганларида бундай деган эди:

Ёлгиз ул ақлли, қолганлар ақлсиз соядай кезар.

4. Ҳарбий юришдан консулликни ихтиёр этиб Римга келганида у оддий бир талабгор сифатида эмас, балки Карфагенни забт этган инсон сифатида консул этиб сайланди.

5. У шаҳар деворини олгач, карфагенликлар ўз арклари (акропол)дан туриб қаршилик кўрсатаётганларида, оралиқдаги денгиз саёз эканлигини билиб қолди. Полибий унга ўша ерга темир тиканаклар ташлашни ёки ўткир қозиқлар қоқиб қўйишни маслаҳат берди, токи рақиб сувни кечиб ўтиб хокрезга ҳужум қилолмасин. Унга Сципион: «Қалъа деворини олиб, шаҳарга киргач,

душман билан жангга киришдан қочиш кулгили эмасми?», — деб жавоб берди.

6. Шаҳарни олгач, у ерда жуда кўп эллин ҳайкаллари ва Сицилия ибодатхоналаридан олиб келинган нарсаларни кўрди, шунда у ўзи билан бирга бўлган сицилияликларга ўз мулкларини топсалар юртларига олиб кетишларига руҳсат берди.

7. У ўз қулларига ва ҳатто озод этилганларига ҳам нафақат ўлжадан олиш, ҳатто сотиб олишни ҳам манъ этди, бошқалар эса, ким нима ололса, хоҳлаганларича олиб кетар эдилар.

8. Унинг яқин дўсти Гай Лелий консулликка талабгор эди, Сципион унга ёрдам бериш ниятида Помпейдан у ҳам консулликка талабгорми деб сўрабди; ушбу Помпей, айтишларича, най чалувчининг ўғли эди. У (Помпей) консулликка талабгор эмаслигини, аксинча жон-дили билан Лелийга ёрдам беришга, сайловчилар билан биргаликда учрашишга тайёр эканлигини айтди, улар унга ишонганларидан кейин, унинг форумга бориб фақат ўз манфаатида одамларга кўриниш бераётганини, ўзлари алданганларини билиб қолдилар. Ҳамманинг жаҳли чиқди, аммо Сципион: «Биз ахмоқлар эканмиз, биз гўё одамларга эмас, худоларга мурожат қилишимиз керакдай, найчидан шунча ёрдам кутиб ўтирибмиз», — деди кулиб.

9. У билан цензорликка даъвогарликда беллашаётган Аппий Клавдий, ўзи ҳар бир рим фуқаросини исмини айтиб саломлашишини, Сципион эса деярли ҳеч кимни билмаслигини айтиб мақтанарди. Унга Сципион: «Сен ҳақсан, мен ҳаммани билишга эмас, ҳамма мени билишига интилганман», — деб жавоб берди.

10. Ўша пайтда келтиберлар билан уруш бўлаётганлиги сабабли у, иккалаларини ҳам (яъни Сципион билан Аппий Клавдийни. Тарж.) қўшинга легат (вакил) ёки қўшин трибуни этиб юборишни таклиф этди, токи жангчиларнинг ўзлари уларнинг ҳар бирларининг жасоратларига гувоҳ ва баҳоловчи бўлсинлар.

11. Цензор бўлганидан кейин, Карфаген уруши пайтида катта зиёфат бериб, шаҳар кўринишидаги асал қат-

лама (пирог) қўйган ва буни Карфаген, деб унга ташланиб йўқ этишни таклиф этган йигитни суворийлар сафидан ҳайдаб юборди. Йигит нега бундай қилганини сўраганида, Сципион: «Сен Карфагенни мендан аввал олганинг учун», — деб жавоб берди.

12. Гай Лициний текширувдан ўтаётганида Сципион: «У қасамхўр, хоинлигини биламан, аммо уни айбловчилар йўқ, мен эса бир пайтда ҳам айбловчи, ҳам қози бўлолмайман», — деди.

13. Сенат уни учинчи марта халқлар, шаҳарлар ва подшоҳликларга Клитомах ибораси бўйича,

Қонун бузар кимму ким унда тўғрилик кўрар,

дея, кўриб, текшириб келишга юборди. У, Искандарияга келиб кемадан тушди ва енгил уст кийимини бошига ташлади-да, шаҳарни айлана бошлади. Искандария аҳолиси унга эргашиб юриб, юзини очишни сўрадилар — улар унинг чеҳрасини кўришни истардилар, у юзини очганида уни шодиёна қийқириқ ва олқишлар билан муборакбод этдилар. Подшоҳ дангаса ва нимжон бўлгани учун зўрға унга етиб юрарди; Сципион секин Панэтийнинг қулоғига шипшиди: «Ўз сафаримиз билан биз искандарияликларга бир ажиб хизмат бажо келтирдик: уларга подшоҳлари қандай пиёда юришини кўрсатдик!»

14. Файласуф Панэтий у билан дўст сифатида сафарда бўлди, яна унга бешта қул ҳамроҳ эдилар, улардан бири ўлганида, ўзга юртдан қул сотиб олишни хоҳламай, Римдан бир қулни келтиртирди.

15. Нумантияликлар билан уруш бўлаётганида, уларни енгиш мумкин эмасдай туюларди, чунки — улар шунчалик кўп саркардаларни мағлуб этган эдилар. Бунга жавобан халқ уларга қарши Сципионни иккинчи маротаба консул этиб сайлади. У катта ҳарбий сафарбарликни бошлаганида, Италия кимсасиз қолмасин, деб сенат буни ман қилди, хазина заҳирасидан унга пул бермади, уруш эҳтиёжлари учун ҳали йиғиб олинмаган солиқларни тайин этди. Сципион пулга мухтож эмаслигини, бунинг учун ўзининг ва дўстларининг пуллари етарли эка-

нини, маълум қилди, аммо навкар йиғиш манъ этилганидан бениҳоя ғазабланди ва: «Шунча ғалабаларга эришган душман билан урушиш қийин, чунки биринчидан шундай жасурларга қарши бормоқ ва иккинчидан бундай журъатсизлар билан бўлмоқ керак», — деди.

16. Ўрдуда у, тартибсизлик, интизомсизлик, бемалол ҳаёт ва ваҳима ҳукм сураётганини кўрди. Аввало, у барча фолбинларни, қурбонлик ҳизматчиларини ва қўшмачиларни ҳайдади, кейин, чодирларда кўза, сих ва сопол косадан бошқа идиш-товоқ бўлмасин, агар кимда-ким кумуш идишлари бўлишини хоҳласа, у икки фунт оғирликдан ошмасин деб буюрди; таҳорат қилишни манъ этди, хушбўй нарсалар суртиб ороланишни хоҳлаганларга ўзлари, бировнинг ёрдамисиз ороланишни рухсат берди (фақат қўли йўқ ҳайвонгина бошқа бир одам уни қашлаб қўйишига мухтождур», — дер эди у); фақат тик туриб ва фақат хом овқат билан нонушта қилишга, тушликни-сўриларда, фақат нон, ёвғон шўрва, қайнатиб ёки қовуриб пиширилган гўшт билан қилишга буюрди; ўзи эса, қора, енгил чопон (плаш)га ўраниб юрар ва бу унинг рим қўшининининг шармандалигига тутган мотами эканлигини айтарди.

17. Трибун Меммийнинг ўрдусида у, Ферикл ясаган, жавоҳирлар билан зийнатланган совутгич идишлар топиб олди. Шунда, у: «Менга ва ватанга сен ўзингни бир ойга фойдасиз этдинг, ўз-ўзингга эса бутун умрга», — деди.

18. Кимдир унга ниҳоятда чиройли зийнатланган қалқон кўрсатди. Шунда, у «Зўр қалқон экан, йигитча, аммо римлик чап қўлидагига эмас, ўнг қўлидаги нарсага кўпроқ ишониши керак», — деди.

19. Тўсиқ қилиш учун қозиқ ташиб юрган навкар оғир иш деб унга зорланди. Шунда, у: «Албатта, сен қўлингдаги шамширдан кўра ушбу қозиққа кўпроқ ишонасан», — деди.

20. Душманларнинг ножўя ҳаракатларини сезиб қолиб, у: «Вақт бизнинг фойдамизга ишламоқда: яхши саркарда, яхши шифокор жарроҳга ўхшаб тиғни фақат ўта зарурият туғилсагина қўлига олади», — деди. Қулай

фурсат пойлаб нумантияликларга зарба берди ва қочишга мажбур этди.

21. Нумантиялик оқсоқоллар енгилганларга таъна билан, неча марталаб мағлубиятга учратганларимиздан қочдингиз, дедилар; шунда кимдир уларга: «Қаршимизда ўша қўйлар эдику-я, чўпони бошқа эди-да», — деб жавоб берди.

22. Нумантияни олиб, иккинчи зафар-триумфни байрам қилиб бўлгач; у сенат ва иттифоқчиларнинг ҳуқуқлари ҳақида Гай Гракх билан тўқнашиб қолди. У минбарга чиққанида норози халқ уни шовқин-тўполон билан кутиб олди. Шунда, у: «Мени ҳатто ҳарбий қароргоҳ шовқини қўрқитолмаган, Италия ўз онаси эмас, ўгай онаси бўлганларнинг ҳайқириқлари эса асло қўрқитолмайди», — деди.

23. Гайнинг тарафдорлари: «Мустабидга ўлим!» — деб қичқирдилар. Шунда, Сципион: «Тўғри, кимки Ватанга қарши уруш қилмоқчи бўлса, у менинг ўлимимни хоҳлайди, — чунки, токи Сципион бор экан Рим асло қуламагай, Рим қулаган чоғи, Сципион асло яшамас» — деди.

82. ЦЕЦИЛИЙ МЕТЕЛЛ

1. Цецилий Метелл бир истеҳкомга қандай ҳужум қилишни мулоҳаза этиб юрганида бир центурион, агар у (Метелл) ўн жангчини қурбон қилса шу истеҳкомни олишини айтди. Метелл унга: «Сен ўзинг шу ўнлар орасида бўлишни истармидинг?» — деб сўради.

2. Ёш трибун-мансабдорлардан бири унинг режалари қандайлигини сўради. Шунда, у: «Агар уларни менинг кўйлагим билиб қолса, уни дарҳол ўтга ташлар эдим» — деб жавоб берди.

3. Сципион ҳаётлигида у билан муроса қилолмас эди; аммо Сципион ўлганида Цецилий Метелл жуда қайғурди ва ўз ўғилларига унинг дафн этилиш маросимида қатнашишни буюрди ва: «Худолар Римга буюк марҳамат кўрсатдилар — Сципион бошқа бир халқда эмас, бизда туғилди» — деди.

83. ГАЙ МАРИЙ

1. Гай Марийнинг аждодлари машҳур эмас эдилар, давлатдаги мансабдорликка у фақат ўзининг ҳарбий хизматлари билан интиларди. Бир сафар у катта эдилликка номзод бўлди, кейин сайловлар унинг фойдасига ҳал бўлмаганини билгач, шу куниёқ у кичик эдил мансабига номзод бўлди, бу ҳам амалга ошмаган бўлса-да, римликлар устидан биринчи бўлиш фикридан воз кечмади.

2. Унинг иккала оёғида ҳам қон томирлари шишиб кетди, у табибга оёғини тилдирмоқчи бўлди, табиб унинг қўл-оёғини боғлашига кўнмади ва бутун жарроҳлик пайтида ҳеч инграмади, афтини буриштирмади ҳам, аммо, давонинг фойдаси каму азоби кўп экан, деб иккинчи оёғини тилишга бермади.

3. Унинг иккинчи консуллиги даврида унинг жияни Луций ўз навкари Требонийни зўрламоқчи бўлган эди, у Луцийни ўлдирди. У айбланганида ўлдирганини инкор этмади, фақат унинг сабабини айтиб далиллар келтирди. Марий шуҳрат гулчамбарини олиб келишни буюрди ва уни ўзи Требонийнинг бошига кийгизди.

4. Тевтонларга қарши юришда сувсиз биёбонда қароргоҳ қилди, навкарлар сувсизликдан чанқаб зорланардилар. У душман истеҳкоми олдидан оқиб ўтадиган дарёчани кўрсатди ва: «Ана сизларга сув, фақат унинг учун ҳун тўламоқ керак, қон тўкиш зарур», — деди. «Чанқоқдан қонимиз қуриб қолмасдан туриб, бошла бизларни!» — талаб қилдилар улар.

5. Кимврлар билан урушда камеринлик мингта аскар алоҳида жасорат кўрсатдилар, уларга ҳеч қандай қонуний асос бўлмаса ҳам у фуқаролик мақомини берди, таъналарга эса у, қуроллар жаранги остида қонун овози эшитилмабди, деди.

6. Фуқаролар уруши даврида бир куни у хандақга тушиб, яхши жойда истеҳком қилиб, қулай фурсат пойлаб турди. Помпедий Силон унга мурожаат этиб: «Агар сен Марий, буюк саркарда бўлсанг, жангга чиқ!», — деди. Унга Марий: «Агар сен буюк саркарда бўлсанг, ихтиёримга қарши мени жангга киришга мажбур қил», — деб жавоб берди.

84. ЛУТАЦИЙ КАТУЛ

Лутаций Катул кимврлар билан бўлган урушда Натисон дарёси бўйида ўрдуда турарди, унинг римлик аскарлари, варварлар сувни кечиб ўтабошлаганларини кўриб чекиниб қочабошлаганларида, уларни тўхтатишга кучи етмай, римликлар қочмай қўмондонлари ортидан югуриб кетаётгандай кўринсин, деб у қочаётганларнинг олдиларига тушиб чопди.

85. САОДАТМАНД СУЛЛА

Саодатманд Сулла ўзининг энг олий омадлари деб икки ҳолни ҳисобларди: биринчиси, Метелл Пийнинг у билан дўстлиги ва иккинчиси, у Афинани ёндириб юбориши мумкин эди, аммо аяди.

86. ГАЙ ПОПИЛИЙ

Гай Попилий сенатдан хат билан Антиох ҳузурига юборилган эди, мактубда, оталаридан етим қолган Птолемейнинг ўғилларидан тахтни тортиб олмай (Антиохга) Мисрдан қўшин билан чиқиб кетиш буюрилганди. У (Гай Попилий) Антиохнинг қароргоҳига келганида, Антиох унга узоқдан салом берди, аммо Попилий жавоб бермай сўзсиз мактубни узатди. Подшоҳ уни ўқиб чиқиб, мулоҳаза қилиб ўйлаб кўриб сўнг жавоб беришини маълум қилди, шунда Попилий унинг атрофидан айлантириб доира чизди ва: «Шу ерда эканингда ўйлаб кўр ва жавоб бер», — деди. Бундай қўрсликдан ҳамма ҳайратланди, аммо Антиох, римликлар талабларини бажо келтиришга рози бўлди, Попилий фақат шундан кейин Антиохнинг саломига жавоб берди ва у хоҳлагандай кучоқлашиб кўришди.

87. ЛУКУЛЛ

1. Ўн минг пиёда ва мингта суворий билан Лукулл Арманистонда бир юз эллик минг навкарли қўшини бўлган Тигран устига бостириб борарди, воқеа октябр ойида содир бўлиб худди шу кунлари аввал қачонлар

дир Цепион бошлиқ рим қўшинлари кимврлар тарафидан мағлуб этилганди. Кимдир, бу кунни римликлар хосиятсиз ва хавфли ҳисоблашларини эслатди. «Келинг бўлмаса, бахтсиз ва қора шу кунни Римга порлоқ ва қувончли этмоқ учун бугун жасур жанг қилайлик», — деб жавоб берди Лукулл.

2. Унинг аскарлари совут кийган суворийлардан жуда қўрқишарди. «Қўрқманглар, — деди уларга Лукулл, — улардан совутларини олишдан кўра ғалабани тортиб олиш осонроқ!» Тепалик устига чиқиб, душман орасида бўлаётган хатти-ҳаракатни кўргач: «Сафдошлар, ғалаба бизники!», — деб хитоб қилди ва ҳеч қаршиликка учрамай душманни қочишга мажбур этди, римликлардан фақат беш киши, рақиблардан ўн мингдан кўпроғи ҳалок бўлди.

88. ГНЕЙ ПОМПЕЙ

1. Отасидан қанчалик нафратлансалар, Гней Помпей Римда шунчалик севимли эди. Навқирон йигитлик пайтидаёқ бутун қалби билан Суллага эргашди, на бирор мансабдор ва на сенатор бўлмай туриб Италияда каттагина қўшин тўплади; Сулла уни ўз ҳузурига чақирди, аммо у, жанговар ўлжа олмай ва қиличим қонга беланмай туриб қўшинни ҳукмдорга кўрсатмайман, деб жавоб берди; дарҳақиқат, унинг ҳузурига душманлар саркардалари устидан кўпгина ғалабалар қозонгачгина борди.

2. Сулла уни Сицилияга қўмондон этиб юборганида, ҳарбий юришларда аскарлар талон-тарож қилиш учун қўшиндан ажралиб кетганларини кўрди, ўзбошимчалик билан дайдиб, тентираб юрганларни бунинг учун жазога ҳукм қилди, ўзи (топшириқ билан) юборганларнинг қиличлари қинига муҳр босиб қўярди.

3. Мамертинликлар рақиб томонида бўлиб қолганлари учун уларнинг ҳаммасини ҳеч иккиланмай қатл этишга ҳукм қилмоқчи бўлди. Аммо сафсатабоз (демагог) Сфенний, бир одамнинг айби учун шунча одамни қатл этиш адолатдан эмас, чунки у Сфенний, ўша Марий томонига ўтишга дўстларни ишонтирдим, душманларни эса мажбур этдим, деб арз қилди. Шунда ҳайратланган

Помпей, мамертинликларни шундай зотга, Ватанни жондан азиз билган одамга қулоқ солганлари учун афв этишини айтиб, шаҳарни ҳам, Сфеннийни ҳам омон қолдирди.

4. Домицийга қарши Африкага кемаларда ўтгач катта жангда унинг устидан ғалаба қозонди, жангчилар уни император деб эълон қилдилар. «Токи душман истеҳкоми олинмай турар экан, мен бундай шарафни қабул қилолмайман!» — деб хитоб қилди у. Шунда, қаттиқ ёмғир ёғаётганига қарамай жангчилар ҳужумга ўтиб, истеҳкомни олдилар.

5. У қайтиб келганида Сулла унга эҳтиром кўрсатди ва уни Буюк, деб табрик этди, аммо тантанали шарафлаш-триумфни рад этди, чунки Помпей ҳали сенатор эмас эди. Помпей ўз одамларига: «Сулла, ботаётган қуёшнинг ихлосмандларидан, чиқиб келаётган қуёшнинг ихлосмандлари кўпроқ эканлигини билмас экан-да!» — деди. Сулла (буни эшитиб): «Тантанали шарафлаш маросими ўтказилсин!» — деб хитоб қилди.

Машҳур Сервилий ўз норозилигини яширмас, чунки, кўп жангчилар триумф, яъни шарафлаш маросими боис алоҳида совғалар талаб қилар эдилар. Помпей қўшинга ён босишдан кўра яхшиси шарафлаш маросимидан воз кечишини эълон қилди; ва шунда Сервилий: «Мана энди Помпейнинг ҳақиқатан ҳам буюк ва шарафлашга муносиб эканлигини кўрмоқдаман», деди.

6. Римда бир одат бор эди, бу одат бўйича отлиқлар ҳарбий хизмат муддати тугагач, форумда (шаҳарнинг марказий майдонида) икки цензор олдидан отларини етаклаб ўтишлари керак бўлиб, отлиқ қайси урушда қатнашгани ва қайси саркардалар қўл остида жанг қилганларини айтишлари зарур эди, цензорлар эса ё уларни мақташар ёки танбеҳ беришарди. Помпей ҳам (шу одат бўйича) цензорлар Геллий ва Лентул, ҳузурларида от етаклаб ўтди, улар одатдагидек, барча урушларда қатнашганмисан, деб сўраганларида, у: «Барча урушларда, ўз қўмондонлигим остида», — деб жавоб берди.

7. Иберияда у Серторийнинг мактуб орқали ёзишмаларини қўлга туширди, булар орасида тўс-тўполон чи-

қариш ва давлат тўнтариши уюштириш учун Римга бўлган юриш бўйича Серторийни билган машҳур одамларнинг мактублари бор эди. Бадниятларга тавба қилишлари ва ахлоқларини тузатишларига имконият бериш учун бу мактубларнинг барчасини ёқиб юборди.

8. Парфия подшоҳи Фраат римликлар ва парфияликлар ўрталаридаги чегара Ефрат бўйича бўлиши таклифи билан элчилар юборганида, Помпей: «У — адолат бўйича бўлгани маъқулроқ эмасми?» — деб жавоб берди.

9. Луций Лукулл, ҳарбий қўмондонликдан истеъфога чиққач, ҳузур-ҳаловатда ва зебу зийнатда яшар, Помпейни эса у ёшига қараб иш қилмайди, деб сўкарди. «Қари одам, ҳукмроннинг эмас, ишратпарастнинг ҳаётини кечиргани — ёшига қараб иш қилмагани, деса бўлади», — деди Помпей.

10. Бетоб бўлиб қолганида табиб унга қораялоқ ейишни буюрди, аммо йилнинг бу мавсумида ҳеч ким қораялоқ топиб келтиролмади, шунда кимдир, бу қуш Лукуллда бўлади, у уларни йил бўйи боқади, деди. «Демак Лукулл очофат бўлмаганида, Помпей тирик қолмас эканда!» — деб хитоб қилди Помпей ва табиб тавсиясига эътибор бермай, топилиши осон бўлган нарсаларни тановвул қила бошлади.

11. Римда қаттиқ очарчилик бўлганида уни озиқ-овқат бошлиғи этиб, аслида эса уни қуруқлик ва денгизда якка ҳоким этиб тайинладилар. У Ливия, Сардиния, Сицилияга қараб сузиб кетди ва жуда кўп дон захирасини ғамлаб Римга қайтишга шошилди, аммо қаттиқ бўрон бошланиб дарғалар денгизга чиқишга журъат қилмадилар. Шунда у биринчи бўлиб кемага чиқди-да, лангарни кўтаришга буюрди, сўнг: «Менга сузиш буюрилган, яшаш эмас!» — деб қичқирди.

12. Цезар билан унинг келишмовчилиги аниқ бўлиб қолганида, унинг ўзи (яъни Помпей) юқори мансабга кўтарган , сўнг Цезар тарафига ўтиб кетган Марцеллин номли шахе сенатда унга (Помпейга) қарши сўзга чиқди. Шунда Помпей унга: «Сендай гунг бир одамни ширинсухан этган, сендай очни кўнгул айнир даражада тўқ

этган мени ҳақорат қилишга уялмайсанми, Марцеллин?» — деб жавоб берди.

13. Цезарнинг ҳукмронлик доирасининг кенгайиши республика манфаатига тўғри келмайди, деб огоҳлантирган бўлса-да, Катоннинг гапига қулоқ солмагани учун Катон ундан қаттиқ ранжиганида, Помпей: «Сен кўпроқ кароматгўй бўлгансан, мен эса дўст бўлганман», — деб жавоб берди.

14. У ўзи ҳақида юксак жасорат билан, ҳар қандай ҳокимиятни ўзи кутганидан олдинроқ олганини ва бошқалар кутганидан олдинроқ топширганини айтарди.

15. Фарсал жангидан кейин, Мисрга қочиб кетишга тўғри келганида, подшоҳ юборган қайиққа ўз триера (уч қатор эшкакли, елканли кема)сидан тушаётиб хотини ва ўғлига ўгирилди-да Софокл мисраларини ўқиди:

Подшоҳ паноҳига келса ким, шаксиз,
Шоҳ қулидур, эркин-озод бўлса ҳам.

Қирғоққа тушгач, қилич зарбидан йиқилганида, бир оғиз сўз ҳам демай инграб қўйди, бошини беркитиб, жон таслим этди.

89. НОТИҚ ЦИЦЕРОН

1. Нотиқ Цицерон ўз исми туфайли ҳазил ва кесатишларга учрарди ва дўстлари унга исмини ўзгартиришни маслаҳат беришарди, у эса: «Йўқ, Цицерон (нўхот) исмини, Катон (мушук), Катул (лайча) ёки Скавр (йўғон сон) кабилардан шарафлироқ қиламан», — деб жавоб берарди.

2. Худоларга кумуш жом бағишлаётиб, ўзининг аввалги иккки исмини харфлар билан ёзди, «Цицерон» исмини ўрнига нўхот (расмини) ўйиб қўйди.

3. Бақироқ нотиқлар ҳақида у чўлоқлар кучсизликдан отга минганларидек, улар ҳам кучсизликларидан бақирадилар, дер эди.

4. Ўгли йигитлик одобларига риоя қилмайдиган Веррас Цицеронни бузуқиликда айблаб ҳақорат қилганида, Цицерон: «Сенинг фарзандларингни қилмишларидан эшикни беркитиб сўкинмоқ зарур эмасми?» деди.

5. Метелл Непот унга: «Сен ҳимоячи бўлиб қутқарган одамлардан, сен гувоҳ бўлиб бошига етганларинг кўпроқдур», — деди. Цицерон: «Демак, мен ширинсухан эмас, ишончли одам эканман», — деб жавоб берди.

6. Метеллнинг: «Сенинг отанг ким?» — деган саволига, у: «Онангни шарофати ила бундай саволга жавоб бериш, менга қараганда сенга қийинроқ», — деб жавоб берди. Дарҳақиқат, Метеллнинг онаси суюқоёқ деб танилган, Метеллнинг ўзи эса, енгилтабиат, ишониб бўлмайдиган, ишқибоз одам эди.

7. Шу Метелл, нутқ санъати бўйича устози Диодот қабри устига қарганинг тош ҳайкалини қўйганида, Цицерон: «Тасанно, у Метеллни сўзлашга эмас, парпираб учишга ўргатган», — деди.

8. Душмани, ахлоқсиз одам бўлган Ватиний ҳақида уни ўлди, деб эшитди, кейинчалик унинг тириклиги ҳақида хабар келди. «Бундайин алдамчилик учун у энг ашаддий, ёмон ўлим топмоғи керак!» — деди Цицерон.

9. Кўринишидан африқолик бўлган бир одам унинг нутқини эшитолмаганини айтди. «Сенинг қулоқларингни тешиги бор-ку!» — дерди Цицерон.

10. Бир куни суд мажлисига гувоҳлик бериш учун, ҳуқуқшунос бўлишни жуда хоҳлаган, аммо бунга етарли на билимга ва на қобилиятга эга бўлмаган Котта Попилийни чақиртирди. «Ҳеч нарсани билмайман!», — деди Котта. «Мен Рим ҳуқуқи тўғрисида сўраётганим йўқ-ку!» — хитоб қилди Цицерон.

11. Қачонлардир қилган хизматлари учун Веррэсдан совғага кумуш сфинкс олган нотиқ Гортензий бир куни Цицероннинг қандайдир пардали сўзларига: «Мен топишмоқ топувчи эмасман!» — деди. — «Уйингда сфинкс бор-ку!» — жавоб берди Цицерон.

12. Ниҳоятда ҳунук бўлган уч қизи ҳамроҳлигида келаётган Воконийни учратиб, дўстларига: «Унинг фарзандлари ФЕБ ихтиёрисиз туғилишган», — деб шивирлади.

13. Сулланинг ўғли Фавст, ўз мулкини қарзга сотиши ҳақида эълон осиб қўйди; шунда Цицерон: «Отасининг қонундан ташқари дейилганлар рўйҳати (проскрипциялар) ҳақидаги эълонларидан кўра бундай эълонни ўқиш кўнгилга хушроқдир», — деди.

14. Помпей ва Цезар орасидаги рақобат авж олганида, у: «Мен кимдан қочишни биламан, аммо кимнинг олдига қочиб боришни билмайман!» — деди.

15. Аҳволи Фемистокл аҳволидек эмас, Перикл аҳволига ўхшаб кетса-да, Фемистоклдек Римни ташлаб кетгани учун у Помпейдан жуда норози бўлди.

16. Помпейга қўшилгач, тез орада бунга пушаймон бўлди ва унинг (Помпейнинг): «Куёвинг Пизонни қаерда қолдирдинг?» — деган саволига, у: «Сенинг қайинотангникида, Помпей!» — деб жавоб берди.

17. Цезардан Помпейга қочиб ўтган бир одам, шошилинч ва ховлиқишдан отини ҳам эсидан чиқариб қолдирганини айтди. Шунда Цицерон: «Ўзингга қараганда, отингни тузукроқ эҳтиёт қилибсан!» — деди.

18. Кимдир Цезарнинг дўстлари хафахон юришибди, деб келди. «Улар Цезар ҳақида яхши фикрда эмас эканлар!» — деди Цицерон.

19. Фарсал жанги ва Помпей қочиб кетганидан сўнг, Ноний исмли бир одам: «Бардам бўлинг! Бизда яна еттита бургутлар легиони-қўшини бор!» — деди. Цицерон унга: «Агар биз қораялоқлар билан жанг қилганимизда, бу зўр бўларди», — деб жавоб берди.

20. Помпейни енггач Цезар, унинг йиқитилган ҳайкалларини шараф билан тиклашни буюрди. Шунда Цицерон: «Помпей ҳайкалларини тиклаб, Цезар ўз (ҳайкалларини) мустаҳкамлади», — деди.

21. Сўзамоллик, ширинсуханликка шу даражада катта эътибор берар ва шундай сайъ-ҳаракат қилардики, бир куни центумвирлар ҳузурларида нутқ сўзлаши керак бўлганида, унинг Эрот номли қули келиб кенгаш бир кунга кечиктирилганини айтганида, у хурсандчиликдан Эротга озодлик бериб юборди.

90. ГАЙ ЦЕЗАР

1. Гай Цезар ўсмирлик чоғларида Сулладан қочиб, денгиз қароқчилари қўлига тушиб қолди. Ундан озод бўлиши учун катта пул сўраштди, у хахолаб кулди-да, қароқчилар кимни қўлга туширганларини билмайдилар, деб ўзи бу пул миқдорини икки баробар кўп белгилади.

Пул келишини пойлаб уларнинг назоратларида яшар экан, ўзи ухлаётганида сукунат бўлиши, шовқин қилмасликларини талаб қилди; у шеърлар ёзар, нутқлар тайёрлар, уларга ўқиб берар ва агар улар етарли даражада ҳайратланмасалар, уларни саводсиз ва варвар-жоҳиллар деб атар, кулиб туриб, уларни осиб қўяман, деб қўрқитарди.

У дарҳақиқат шундай қилди ҳам: бадал пули йиғилиб, тўлангач уни қўйиб юбордилар, Осиёда у ўзига одамлар ва кемалар тўплади, денгиз қароқчиларига ҳужум қилиб, уларни тутиб, чормихга тортди.

2. Римда у давлатдаги биринчи одам бўлган Катул билан олий коҳинлик мансаби учун рақобатга киришди, уни сайловга кузатаётган онасига остонада туриб: «Бугун, она, сиз ўз ўғлингизни ё сайланиб-қутланган ё қувланган ҳолда кўрасиз», — деди.

3. Хотини Помпея ва Клодий ҳақидаги ёмон мишмишлар туфайли хотинини талоқ қилди, аммо кейинчалик Клодий судга тортилиб, Цезар гувоҳ сифатида чақирилганида хотини ҳақида у бир оғиз ёмон гап айтмади, қораловчининг: «Нега сен хотинингни талоқ қилгансан?» — деган саволига, у: «Шунинг учунки, Цезарнинг хотини туҳматдан ҳам покиза бўлмоғи керак», — деб жавоб берди.

4. Искандарнинг зафарли ишларини ўқиб у йиғларди, дўстларининг саволига у: «Менинг ёшимда у Доро устидан ғалаба қозониб бўлган эди, мен эса ҳали ҳеч нарса қилолмадим», — деб жавоб берарди.

5. У дўстлари билан Алпдаги кичкинагина бир шаҳарчадан ўтиб борарди, дўстлари бу ерда ҳам наҳотки биринчилик учун кураш ва баҳс боради, деб қизиққанларида, у тўхтади-да, ўйлаб туриб: «Менинг ўзим Римда иккинчи бўлишдан кўра, бу ерда биринчи бўлишни афзал кўрардим», — деди.

6. Жасур ва буюк ишларни ўйлаб, мулоҳаза этавермай, қилмоқ керак, дер эди у.

7. Унинг ўзи «Қуръа ташланди!» — деб Галл ўлкасидан Рубикон орқали Помпей томон юришни бошлади.

8. Помпей Римдан денгиз ортига қочиб кетганидан кейин Цезар давлат хазинасидан пул олмоқчи бўлди, аммо хазинабон Метелл қаршилик кўрсатиб, хазинани бер-

китиб қўйди. Цезар уни қатл этаман, деб қўрқитди, Метелл ваҳимада қолди. «Билиб қўй йигитча, — деди Цезар, — буни айтишим қийин-ку, аммо бажаришим жуда осон!»

9. Унинг қўшинларини Брундизиядан Диррахийга (кемаларда) ўтказиш кечикаётганлиги сабабли у ҳаммадан пинҳона кичкина қайиқча олиб, денгиз орқали сузиб кетди. Қайиқчани тўлқинлар қаттиқ чайқата бошлаганларида, у қайиқ ҳайдовчига юзини очиб кўрсатди-да: «Омадга ишонавер: сен Цезарни олиб кетмоқдасан!» — деб бақирди.

10. Кучли бўрон туфайли ҳамда аскарларининг бизга ишонмай яна қўшимча куч келишини кутмоқдасан, деб уни ҳоли=жонига қўймаганлари учун у қўшинларни олиб ўтолмади. Жанг бўлиб Помпей енгди, аммо маглуб бўлганларни қувламай ўрдусига қайтди. Шунда Цезар: «Ҳозир ғалаба душман томонда, аммо ғолиб бўлишни уларнинг ҳеч бири билмайди», — деди.

11. Фарсал яқинида Помпей ўз сафларига тўхтаб душман келишини кутишни буюрди. «Бу хато, — деди Цезар, — у жангчилардаги эҳтиросли ҳужумнинг суронли интилишини йўққа чиқарди».

12. Понтийлик Фарнакни бир зарба билан маглуб этгач, у дўстларига: «Келдим, кўрдим, енгдим», — деб мактуб ёзди.

13. Африкада Сципион қочиб, маглуб бўлган, Катон эса ўзига суиқасд қилган пайтда Цезар: «Катон, худди сен менинг авфимга ҳавас этганингдек, мен сенинг ўлимингга ҳавас қиламан!» — деди.

14. Антоний ва Долабелла уни шубҳали одамлардан эҳтиёт қилардилар, шунда у: «Мен дангаса ва бақалоқлардан қўрқмайман, озғин ва рангпарлардан қўрқаман», — деди ва Брут ҳамда Кассийни кўрсатди.

15. Бир куни кечки овқат пайтида қандай ўлим яхши эканлиги ҳақида гап борди, Цезар: «Ногоҳоний», — деди.

91. ЦЕЗАР АВГУСТ

1. Цезар Август ўспиринлигида (бу лақабни у биринчи бўлиб олган), Цезар ўлдирилганида унинг уйидан олиб кетилган 25 миллион драхмни Антонийдан талаб қилди, бу маблағни Цезарнинг васияти бўйича у ҳар бир римликка 75 драхмдан бўлиб бермоқчи бўлди. Антоний пулни бермади ва агар у ақлли одам бўлса, буни унутишни маслаҳат берди. Шунда у (Цезар Август) ким ошди савдосида ота мерос мулкини сотди-да, пулини барчага бўлиб берди ва бу билан римликларнинг иззатини қозониб Антонийдан эса (римликлар) нафрат қилишларига эришди.

2. Антонийдан ўзи томонига қочиб ўтган Фракия подшоҳи Риметалк базмда ортиқча ичиб қўйди ва бу иттифоқ учун таъналар қилавериб жигига тегди. Шунда Цезар, шу ерда ҳозир бўлган бошқа подшоҳ шарафига қадаҳ кўтариб: «Сотқинлик менга хуш ёқади, сотқинлардан эса жирканаман», — деди.

3. Искандария забт этилгач, шаҳар аҳолиси таҳликада қолганди, аммо у минбарга ўзи билан искандарияликлар Арийни олиб чиқди-да: «Шаҳарингиз биринчидан буюк ва гўзал бўлгани учун, иккинчидан, унга Искандар асос солгани учун, ва учинчидан дўстим Арий учун мен омонлик бераман», — деди.

4. Унинг Мисрдаги рўзғор бошқарувчиси Эрот қушлар жангида ҳеч енгилмаган бедана сотиб олиб, уни қовуриб еганини эшитиб, уни ўз ҳузурига чақиртирди, сўроқ қилди ва у иқрор бўлгач, кеманинг тик ёғочида чормихга торгишни буюрди.

5. Сицилияда Феодор ўрнига Арийни тайинлади; шунда унга ғаламис хат юборишди: «Тарслик Феодор калми ё ўғрисифатми, сен нима деб ўйлайсан?» Шунда у: «Ўйлаганимни ўйлайман», — деб жавоб берди.

6. Доимий ҳамсуҳбати Меценатдан у ҳар йили туғилган кунида совғага (заррин) жом оларди.

7. Файласуф Афинодор, қариб қолган пайтида уни уйига келишини илтимос қилган эди, у келди. Хайрлашув чоғида яхши тилаклар билан Афинодор унга: «Агар Цезар, ғазабланадиган бўлсанг, илтимос, ичингда алифбонинг барча йигирма тўрт ҳарфини айтиб чиқмагунинг-

ча ҳеч нарса гапирма ҳам, ҳеч нарса қилма ҳам», — деди. Шунда Цезар унинг қўлларини маҳкам ушлаб: «Сен менга ҳали кераксан!», — деб хитоб қилди ва унинг деярли яна бир йил умр кўришига ёрдам берди; у ушбуни кўп қайтарарди:

Сукутдадир — энг олий туҳфа.

8. Искандар ўттиз икки ёшида деярли бутун дунёни забт этгач, энди нима қиламан, деб ташвишланганини эшитиб, Искандарнинг мавжуд бўлганни оқилона бошқаришдан буюк фатҳларни афзал кўрганига ҳайрон бўлди.

9. Зинокорларга қарши қонун чиқарди, бу қонунда айбланувчиларни қандай тергаш, айблари исбот этилганларга қандай жазо бериш ёзилганди, аммо бир йигит унинг қизи Юлия билан яқинлигини унга етказганларида, у шундай ғазабландики, ҳатто унга тарсаки урди. Шунда у (йигит): «Цезар, қонунинг-чи?..» — деб қичқирган эди, у шундай пушаймон бўлдики, ҳатто шу куни тушлик овқатини емади.

10. Набираси Гайни Арманистонга жўнатаётиб худолардан у Помпей саҳоватини, Искандар жасоратини ва доимо ўзига ёр бўлган омадни сўраб илтижо қилди.

11. Римликларга бир ишни икки марта ўйлаб ўтирмайдиган ворис қолдираяпман дер эди: Тиберий ҳақида у шундай фикрда эди.

12. Унга эътибор бермай шовқин солаётган аслзода йигитларни тинчитиш учун, у сўзини бундай бошлади: «Йигитлар, йигитлигида ҳатто мўйсафидлар ҳам қулоқ солган мўйсафидга қулоқ солинг...».

13. Афиналиклар қандайдир айб иш қилиб қўйганларидан бўлса керак, Эгиндан уларга бундай (мактуб) ёзди: «Мени сизлардан хурсанд, деб ўйламанг, бўлмаса мен Эгинда қишламас эдим», — аммо бошқа ҳеч нарса демади ҳам, бирор нарса қилмади ҳам.

14. Евриклни айбловчилардан бири талтайиб, ғашга тегиб, ҳатто шундай деб юборди: «Цезар, агар сенга бу камлик кўринса, унга Фукидиднинг еттинчи китобидан ўқиб беришни буюр!» Цезар жаҳл устида унга кўзимга кўринма, деб буюрди, аммо у Брасид авлодларининг охир-

гиси эканлигини эшитиб, уни қайтариб келтиртирди ва юмшоққина туртиб, қўйиб юборди.

15. Асосидан то томигача жуда катта эътибор билан ўзига (мустаҳкам) уй қурган Пизонга у: «Сенинг тиришқоқлигинг — мен учун қувончдир, чунки буни кўриб Рим абадий туради, деб ўйлайсан киши», — деди.

КЕЛИН-КУЁВЛАРГА НАСИҲАТЛАР

Поллиан ва Евридикага Плутарх энг яхши тилакларини юборади.

Деметранинг коҳинаси сиз келин-куёвларга бағишлаган қадимий қўшиқларидан кейин менинг сизларга тааллуқли сўзларим ҳам фойдали таъсир ўтказиб, ёр-ёр оҳангларига қўшилади ва ҳамоҳанг таронага айланади, деб умид қиламан. Машшоқлар қачонлардир бурғу куйларидан бирини «отга оид», деб атардилар, бундай аталишининг сабаби, эҳтимол, бу куй отларда ишқий эҳтирос уйғотиб, жуфтлашишга ундаганидандир. Гарчи фалсафада ажойиб, зебо нутқлар кўп бўлса ҳам, ушбу, тўй нутқи уларнинг ҳеч биридан қолишмайди, чунки ўзларини эр-хотинлик ришталари ила боғлашга аҳд қилганларни бир-бирларига хушмуомала ва назокатли бўлишга ундагани билан маҳлиё қилади. Эслаб қолиш осон бўлиши учун қисқа таққослашлар билан баён этилган, сизлар фалсафадан баҳраманд бўлиб кўп марта эшитган фикрларни иккалангизга умумий туҳфа сифатида юбормоқдаман ва бу билан Афродитага ёрдам ва кўмак беришни Музалардан илтижо этаман: зеро, эр-хотинлик ва оила ўчоғини қандайдир лира ёки кифарадан кўра кўпроқ, сухандонлик, санъат ва фалсафа (ҳикмат) ёрдамида тотувлик ва уйғунликка келтириш муҳимроқ-ку. Қадимгилар Афродита ҳайкали ёнига Гермес ҳайкалчасини бекорга қўймаганлар-ку, бу билан улар никоҳ билан боғлиқ бўлган ҳузурлар аввало соғлом фикрлашга муҳтож эканига ишора қилганлар; яна Пито ва Харит ҳайкалларини қўяр эканлар, бу билан улар, эр-хотин жамики истакларига жанжал ва бақириб-чақиришлар орқали эмас, ўзаро ишонч ва келишув йўли билан эришсинлар, демоқчи бўладилар.

1. Солон, келинчакка куёв билан чимилдиқда танҳо қолишдан аввал беҳи еб олишни буюрар эди; эҳтимол бу, келиннинг рухсори ва овозидан олинган дастлабки таассурот ширин ва маҳлиё этадиган бўлсин, деган ниятда айтилгандир.

2. Беотияда келинчакни бутунлай ўраб қўядилар, бошини эса сарсабил гулчамбари билан безайдилар: зеро, анчагина қаттиқ (ва ўткир) тиконлари бўлган ушбу ўсим-

лик жуда мазали мева беради; худди шунга ўхшаб ёш қайлиқ ҳам, аввалги шаддод, оғир хулқидан безор бўлиб қочиб кетмаган куёвига кейинги ҳаёти мобайнида мулойимлик ва бўйсунишни ҳадя айлар. Ёш хотин билан биринчи жанжалларга бардош бера олмаганларнинг эса, худди ҳали пишиб етилмагани учун узумни бошқаларга қолдириб кетадиган одамлардан ҳеч фарқлари йўқ. Эндигина эрга тегиб, шу ондаёқ эридан норози бўлган келинчаклар эса, асаларининг чаққанини тотиб кўриб асалини ташлаб қочганларга ўхшайдилар.

3. Ҳатто елимлаб ёпиштирилган кўзачалар ҳам дастлаб сал туртиб юборилса парчаланиб кетишига эътибор бериб, ёш келин-куёвлар энг аввало тушунмовчиликлар ва жанжаллардан эҳтиёт бўлишлари зарур; зеро, вақт ўтиб, бирлашган жойлар мустаҳкам бўлганида на олов, на темир уларни синдиролмайди.

4. Худди қамиш, похол ва қуён юнгидан тез аланга олган олов, агарда ўзига бошқа бир озуқа тополмаса тез ўчгани каби, муҳаббат ҳам, барқ уриб гуллаган ёшлик ва жисмоний жозиба билан осонгина ёрқин алангаланади, аммо агарда ёш келин-куёвларнинг гўзал фазилатлари ва яхши хулқи уни озиқлантирмаса тез орада ўчиб қолади.

5. Заҳарли модда осон ва тез балиқ овлашга имкон беради; лекин, уни еб бўлмайдиган қилиб бузади; худди шунга ўхшаб, эрларини жоду ва иситадиган сеҳрли дамламалар билан ушлаб туришга интилган хотинлар уларни (эрларини) ром этадилар-у, фақат кейин ақлдан озганлар ва тентаклар билан умр ўтказадилар. Ҳатто Киркага ҳам у сеҳрлаб қўйганлардан ҳеч қандай фойда бўлмаган ва у уларни — эшак ва чўчқага айланганларни нима қилишни билмай боши қотган, лекин ўз ақли ила қолган ва у (Кирка) билан эҳтиёткорона муомалада бўлган Одиссейни эса худди телбалардек севиб қолган.

6. Ақлли эрга қулоқ солишдан кўра, калтафаҳм эр устидан зулм ўтказишни афзал билган хотинлар, йўлда кўзи очиқ ва йўл биладиган одам кетидан юришдан кўра ўзи бир кўрни етаклаб юришни афзал биладиган одамларни эслатадилар.

7. Баъзи эрга теккан аёллар қаттиққўл, вазмин эрларини хуш кўрмайдилар, лекин ит ёки такасифат такасалтанг булҳаваслaрга иштиёқ билан яқинлашадилар, бупи кўриб турсалар-да, подшоҳнинг хотини бўлса ҳам, Пасифая буқасифат эркакни севиб қолишига аёллар ишонмайдилар.

8. Касаллиги ёки нимжон-кучсизлигп туфайли отга минолмайдиган одам, отни тиз чўкишга ўргатади. Худди шунга ўхшаб баъзилар бадавлат ва аслзода аёлга уйланиб, ўзи камолот касб этишга интилмай, мутеъ ва журъатсиз аёлга ҳукмини ўтказиш учун уни хўрлайди. Аксинча, отга кўрсатиладиган муомала каби у аёлнинг қадр-қиммати ва номусини сақлаб, фақат жиловдан фойдаланиш зарур эди.

9. Ой қуёшдан узоқлаша бориб ёрқин ва равшан нур сочади, аммо яқин келганида хиралашади ва кўринмайдиган бўлиб қолади; оқила аёл эса, аксинча, одамларга фақат эри билан биргаликда кўриниши, эри сафарда бўлса кўринмай туриши зарур.

10. Аёл кўйлаги билан бирга ўзидан ҳаёни ҳам ечади, деганида Ҳерадот (Геродот) ноҳақ эди; аксинча, покиза аёл кийимини ечаётиб ҳаё пардасига ўралади ва эр-хотин орасида ҳаё қанчалик кучли бўлса, бу шунча кучли муҳаббатни англатади.

11. Икки овоз ҳамоҳанг бўлганида оҳангдорлик жилосини уларнинг қайси бири паст бўлса, ўша белгилайди; оқил эр-хотинлар ўртасидаги барча иш иккаласининг розилиги билан ҳал бўлади, аммо эрнинг устунлиги равшан бўлиши ва охирги сўз уники бўлиши даркор.

12. Офтоб бўрон устидан ғалаба қозонди. Кучли шамол одам устидаги тўнни юлқиб олмоқчи бўлганида у яхшироқ ўраниб олди-да, ўзини ечинтиришга қўймади; шамолдан кейин қуёш қизитган пайтида унга иссиқ ўтди, сўнгра у исиб кетди ва тўннигина эмас, хитонини (ички кўйлагини) ҳам ечиб ташлади. Кўпчилик аёллар ҳам шундай қиладилар: қачонки эрлари уларнинг зебзийнатга бўлган ҳаражатларини зўрлик билан чекламоқчи бўлсалар, аёллар норози бўладилар ва жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатадилар, лекин, агар уларни

оқилона далиллар билан ишонтирилса, осонликча кўнадилар ва тежамкор бўладилар.

13. Катон, қизи ҳузурида ўз хотинини ўпгани учун кимнидир сенатдан чиқариб юборди. Балки бу жуда ҳам қаттиққўллиқдир, аммо бошқалар олдида эркалаш, ўпишиш ва қучоқлашиш одобсизлик (бу ҳақиқатан ҳам шундай) бўлса, бошқалар олдида сўкишиш ва жанжаллашиш, хотинини пинҳона эркалаб ва ардоқлаб, лекин унга ошкора ва ҳамма эшитадиган қилиб танбеҳ бериш ундан ҳам уятлироқ иш эмасми?

14. Агар кўзгу ўхшаш суратни кўрсатмаса, ҳатто олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган бўлса ҳам мутлақо бефойдадир; худди шунга ўхшаб агар ўз хатти-ҳаракати ва кайфияти билан эрига хайрихоҳлик ва ўхшашликни намоён этмаса бой хотиндан ҳам ҳеч нафъ тегмайди. Зеро, қувноқ чеҳра тунд, хафахон ва тунд чеҳра қувноқ ва нурли бўлиб кўринса бундай кўзгу бузилган ва яроқсиздир; агар эри ширин суҳбат қургиси келганида тумтайиб олса, жиддий иш билан шуғулланаётганида шўхлик қилса ва шодон кулса, бундай хотинга ҳам тоқат қилиш қийиндир: биринчиси, унга эри хушёқмаслигини, иккинчиси — у (аёл) эрига бефарқ эканлигини билдиради. Геометр (олим)лар, чизиқлар ва юзалар ўз-ўзларича ҳаракатсиздирлар, балки жисмлар билан биргаликда ҳаракатда бўладилар, деб тасдиқлайдилар; аёл ҳам ўз ҳис-туйғуларига эга бўлмаслиги зарур, у эри билан биргаликда хафа бўлиши, қувониши, хавотирланиши ва кулиши керак.

15. Хотинлари ўзлари билан бир дастурхон устида овқатланишларини хушламайдиган эрлар аёлларини танҳо тановул қилишга ўргатадилар. Шунга ўхшаб, хотинларига қаттиққўл бўлиб, уларни ҳазил ва кулгудан бенасиб этадиган эрлар, аёлларини ҳузур-ҳаловатни бошқа бир ердан излашига мажбур этадилар.

16. Форс подшоҳлари овқатланаётганларида қонуний хотинлари улар билан ўтиради ва бирга овқатланади, подшоҳлар шаробхўрлик ва вақтичоғлик қилишни ихтиёр қилсалар, қонуний хотинларини базмга киритмай созанда қизлар ва канизакларни чақирадилар, улар

ўзларининг дилхуш майхўрликларига хотинларини киритмай жуда тўғри қиладилар. Агарда оддий эр, бунинг устига у беқарор ва енгилтак бўлса, баъзида чўри ёки гетера (енгилтак аёл) билан кўнгил очса, хотини жанжал қилиб, ғазабланмасин, у ўйласин-ки, унинг (аёлининг) ҳурмати юзасидан эри ичкиликбозлик, базми ишратнинг қатнашчиси этиб бошқа бир аёлни танлаган.

17. Агар подшоҳлар мусиқани севсалар, уларнинг салтанати кўпдан-кўп машшоқларни етиштиради, агар олимликни яхши кўрсалар — илм-фан яшнайди, агар кураш мусобақаларини яхши кўрсалар — полвонлар кўпаяди. Худди шунга ўхшаб, ўзига оро беришни яхши кўрадиган эр ҳам хотинини зеб-зийнатга ўч бўлишга ўргатади; булҳавас (беқарор) эр хотинини енгилоёқ ва фоҳиша этади; ҳалол ва эзгу ишлар қилувчи эрнинг хотини камтар ва покдомон бўлади.

18. Спарталик ёш қиздан бир куни кимдир, сен эркак билан бирга бўлганмисан, деб сўрабди. «Йўқ, йўқ! — жавоб берди у. — Эркак мен билан бўлган.» Эри бор аёл, менингча, худди шундай бўлмоғи керак: эр шундай майлни билдирса норозилик қилиб рад этмаслиги зарур, чунки бу такаббурлик ва совуққонликни англатади, аммо аёлнинг ўзи ҳам ташаббус кўрсатмаслиги даркор, зеро, беҳаё, енгилтак аёлларгина шундай қиладилар.

19. Хотин ўзига айрим дўстлар орттирмаслиги керак; эрининг дўстлари ҳам унга етарлидир. Аммо (дўстларнинг) энг асосийлари ва қудратлилари — худолардир, шунинг учун, хотин фақат эри сиғинадиган худоларнигина улуғлаши ва тан олиши керак, бефойда расм-русумлар ва ажнабий бидъатларнинг кириб келишига уй эшигини берк сақламоқ керак. Агар хотин беркитиб ва пинҳона сиғинадиган бўлса, бу иш ҳеч бир худога хуш келмайди.

20. Платон (Афлотун) айтади-ки, «меники» ва «меники эмас» деган сўзлар энг ёмон сўзлар бўлган ва фуқаролари ўз интилишларининг барини умумий ишга сарф этадиган давлат, нашъали ва бахтиёр давлатдир. Аммо бундай сўзларни оила ҳаётидан чиқариб ташлаш янада маъқулроқ бўларди. Шифокорларнинг тасдиқлашлари-

ча, чап томондаги жароҳат ўнг томонда оғриқ келтирганидай, хотин эрининг иши учун, эр хотинининг иши учун жон қуйидириши керак, агар бири кўрсатган ғамхўрликка бошқаси ҳам шундай гамхўрлик билан жавоб берса, худди занжирлар бир-бирига ўралиб мустаҳкамроқ бўлганидек эр-хотин ҳам бир-бирига шундай боғланиб қоладилар. Табиатнинг ўзи бизларни жисмонан бирлаштириб, ҳар биримиздан улуш олиб битта қилиб қориштиради, шундай қилиб, иккала томон учун умумий бўлган авлод дунёга келади, ва эндн ҳеч ким ундаги ўз белгиларини бошқаникидан асло ажрата олмайди. Ўзининг ва ўзганинг нарсасини ажратмаслик, аксинча, қаммаси ўзиники, ҳеч нарса ўзганики эмас, деб ҳисоблашлари учун, бор нарсани қўшиб ва эритиб, умумий бир бойликка айлантирган бундай умумий мулк эр-хотинни зийнатлайди. Гарчи сув кўпроқ улушдан иборат бўлса-да, (сув билан) аралаштирилган шаробни шароб деб атаганимиздек, худди шунга ўхшаб бутун уй ҳам ундаги бор ҳамма нарса билан биргаликда, эрнинг мулки, деб ҳисобланиши керак, ҳатто унинг кўпроқ қисмини сеп сифатида хотини олиб келган бўлса ҳам.

21. Елена очкўз, Парис шаҳватпараст, Одиссей оқил, Пенелопа вафодор эди. Шунинг учун бир турмуш бахтли ва ибрат олишга муносиб, бошқаси эса Илиадада эллиларга ҳам, варварларга ҳам ҳалокат келтиради.

22. Оқила, бадавлат ва гўзал хотини билан ажрашган римликка дўстлари таъна қилганларида у оёғини чўздида, бундай деди: «Кўринишда бу ковуш ҳам чиройлик ва бутун, аммо унинг қаери оёғимни сиқаётганини ҳеч ким билмайди!» Демак, хотин на сепига, на зотига, на чиройига ишонмай, эрни ҳақиқатан нима билан мойил қилиш мумкин бўлса, ўшанга, яъни: ширинсўзлик, хуш ахлоқ ва ёнбосишга ишониши, бу фазилатларни зўрмазўраки, хоҳламасдан эмас, чин дилдан, қувноқ ва очиқ чеҳра билан намоён этиши керак. Шифокорлар пинҳона, билинтирмай ва аста-секин кучайиб бораётган безгакни, сабаби аниқ ва равшан бўлганидан хавфлироқ, деб ҳисоблайдилар: эр-хотиннинг атрофидагилардан яширин бўлган майда-чуйда, узлуксиз жанжаллари уларнинг биргаликдаги турмушларини бошқа ҳамма нарса-

дан кўра кўпроқ бузишга олиб келади.

23. Подшоҳ Филипп, айтишларича, унга сеҳрли дамламалар бериб ўзига ром қилиб олган фессалиялик бир қизга ошиқ бўлиб қолибди. Бу аёлни топиш учун Олимпиада бор кучини ишлатди. Малика ҳузурига у аёлни келтирганларида у нафақат жуда гўзал, балки сўзлашганда ҳам оқила ва обрўсини сақлай оладиган эканлиги маълум бўлди, шунда: «Ғийбат, йўқол!» — деб хитоб қилди Олимпиада. — Сеҳрли дамламанг сенинг ўзингда экан». Шундай қилиб, агар аёл ўз эрини жамики бойлиги, яъни, сепни ҳам, зотни ҳам, сеҳрли дамламалар ва ҳатто Афродитанинг белбоғини ҳам ўзида мужассам этадиган ҳусни хулқи ва яхши фазилати билан ром этса, ҳар қандай рақобат қонуний хотин учун қўрқинчли эмас.

24. Яна ўша Олимпиада, гўзал, аммо бузуқлиги билан машҳур бўлган аёлга уйланган най чалувчи бир ёш машшоқ ҳақида бундай деган экан: «У ақлдан озган, бўлмаса кўзлари билан уйланмаган бўларди». Ҳақиқатан ҳам биргаликда турмуш қуришда қайлиқ қандай бўлишини аниқлашдан кўра, қанча сепи борлигини ҳисоблаб кўзлари ва бармоқлари билан уйланадиган баъзиларга ўхшаб уйланмаслик керак.

25. Суқрот ёшларга кўзгуга кўпроқ қарашни — бадбашараларга — хунуклигини хайрли ишлар билан чиройли қилиш учун; чиройликларга — гўзалликни ёмон ахлоқ билан шарманда қилмаслик учун маслаҳат берган. Эрга теккан аёл қўлига кўзгу олиб, агар хунук бўлса: «Бунинг устига яна бадхулқ ҳам бўлсам, унда қандай бўларкинман?»; агар чиройлик бўлса: «Бунинг устига яна камтарин бўлсам, унда қандай бўлар эканман?» — деса яхши бўларди. Гўзаллиги учун яхши кўрганларига қараганда ҳусни хулқи учун кўпроқ яхши кўрсалар, унча чиройли бўлмаган аёлга кўпроқ шараф бўлар эди.

26. Лисандрнинг қизларига Сицилия тирани қиммат-баҳо ёпинчиқлар ва маржонлар юборди, аммо Лисандр: «Бундай зеб-зийнатлар менинг қизларимни безашдан кўра кўпроқ шармисор қилади» — деб уларни қабул қилмади. Аммо Лисандрдан олдин Софокл бундай деган:

Йўқ, зийнат эмас, балки у аксинча —
фақат шармандалик ва телбалик бўларди.

Зеро, Кратет айтганидек, «зийнат», «зийнатлайдиган нарсадир», аёлни эса, нима янада гўзалроқ қилса, ўша нарса зийнатлайди, безайди, аммо уни олтин, зумрад ва қимматбаҳо кийимлар эмас, балки камтарлик, ҳусни хулқ ҳаё, ва иффат зийнатлайди, безайди.

27. Ҳера (Гера) Никоҳ қилувчига қурбонлик келтирилаётганида, ўтпуфакни бошқа ички аъзолардан ажратадилар ва меҳроб олдига кўмиб қўядилар: бу билан соҳиби қонун оилавий турмушда жаҳлдорлик ва қизиққонлик бўлмаслиги кераклигига ишора қилади. Эри бор хотинга жиддийлик ярашади, аммо бу жиддийлик худди май (шароб)даги каби ширин ва фойдали бўлсин, асло сабур (алоэ) каби аччиқ ва дору каби нохуш бўлмасин.

28. Бирмунча тунд феъл-атворли, лекин қолган барча нарсада беназир Ксенократга Платон (Афлотун) Харитларга қурбонлик қилишни маслаҳат берар эди. Оқила аёл ҳам, Метродор айтганидек, ўзининг «яхшиликлари билан ғашига тегмай» эрига хуш ёқадиган аёл бўлмоғи керак. Камтарин хотин — покизаликка, эрини яхши кўрадиган аёл — назокатга бефарқ бўлмаслиги зарур; қаттиққўллик (ўта жиддийлик) хотиннинг оқилалигини нохуш этгани каби, ивирсиганлик — унинг оддийлигини хушёқмас қилиб қўяди.

29. Шаддод ва бебош бўлиб қолишдан қўрқиб эрининг ҳузурида кулиш ва ҳазил қилишга журъат этмайдиган аёл эса, хушбўй моддалар суртганга ўхшаб қолмаслик учун ҳатто бошига мой суртмайдиган, атир-упа суртганга ўхшаб қолмаслик учун юзини ҳам ювмайдиган аёлга ўхшайди. Шоирлар ва нотиқлар, оддий халқ муомаласидаги, қўпол ва тубан сўзларни ишлатмай, эшитувчини баённинг равонлиги ва мазмуннинг яхши ахлоқийлиги билан қизиқтиришга ҳаракат қиладилар. Эри бор хотин ҳам, агар енгилтак, тутуруқсиз, кўча-кўй одатларини қўлламаса ва эзгу ишлар билан биргаликда ёқимтойлик билан ўзига мойил қилишга интилиб, эрини

ҳаётий ва ахлоқий фазилатлари билан ром этса, тўғри иш қилган бўлади. Агар аёл такаббур ва меҳрсиз бўлса, эр унга нисбатан кечиримли бўлгани маъқул ва худди Антипатр нолойиқ ва хунук ишни бажаришни талаб қилганида: «Мен ҳам дўст, ҳам лаганбардор, хушомадгўй бўлолмайман», деган Фукионга ўхшаб, эр ўзининг оқила, лекин ўта жиддий хотини ҳақида: «Бир аёлнинг ўзида ҳам хотинга, ҳам сатангга эга бўлиб бўлмайди», деб мулоҳаза қилиш керак.

30. Қадимги одатларга кўра, кўпроқ уйда ўтиришлари учун, Мисрда аёллар пойабзал киймас эдилар. Агар бизнинг аёлларимиздан олтин ипи билан безатилган ковушлари, маржонлари ва билакузуклари, қимматбаҳо либослари ва гавҳарларини олиб қўйилса, улардан кўплари меҳмондорчиликларга бормас эдилар.

31. Феано устига енгил ёпинчиғини ташлаётганида бехосдан қўли тирсагигача очилиб кетди. Кимдир: «Қандай гўзал қўл!» — деб хитоб қилди. «Аммо ҳамма ҳам унга етишолмайди!» — эътироз билдирди аёл. Иффатли аёл қўлинигина эмас, ҳатто овозини ҳам намойиш этмаслиги зарур ва бегоналар ҳузурида овоз чиқариш, худди уларнинг олдида ечинишдек уятли бўлмоғи даркор, чунки овоз, сўзлаётганнинг ахлоқи — табиатини ҳам, унинг қалбидаги хислатларини ҳам, кайфиятини ҳам ошкор этади.

32. Фидий, элейлилар учун Афродитанинг ҳайкалини тайёрлаганида уни тошбақани босиб турганини тасвирлади, бу аёлларга уй бекаси бўлиш ва сукут сақлаш маъқуллигининг тимсоли эди. Хотин фақат эри билан гаплашиши зарур, ўзгалар билан эса — эри орқали сўзлашсин, ва бундан хафа бўлмасин, зеро худди най (флейта) чалувчига ўхшаб, аёл гарчи ўз лаблари билан бўлмаса ҳам, салобатлироқ, таъсирчанроқ товуш чиқаради.

33. Давлатмандлар ва подшоҳлар файласуфларни иззат қилиб, уларга ҳам, ўзларига ҳам обрў келтирадилар, аммо бойлар олдида хушомадгўйлик қилиб файласуфлар бойларнинг обрўсини орттирмайдилар, ўзлари беномус бўлиб қоладилар. Аёллар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин: аёллар эрларига бўйсуниб мақтов ва ҳур-

матга лойиқ бўладилар, эрлари устидан ҳукмронлик қилишга интилиб нафақат уларни, кўпроқ ўзларини шарманда қиладилар. Адолатли эр эса, хотинига мулкдор ўз мулкига ҳукм ўтказгандек эмас, балки дил баданга ҳукм этгандек: баданнинг ҳис-туйғулари билан ҳисоблашиб ва албатта, яхши ният билан ҳукм ўтказади. Баданнинг ҳирс ва инжиқликларига ёнбосмай ҳам унга ғамхўрлик қилса бўлади; бошқарув хотинга ҳам қувонч ва ҳузур берадиган бўлиб уни бошқариш мумкин.

34. Файласуфларнинг тасдиқлашларича, жисмлар уч хил бўлади: баъзилари алоҳида қисмлардан иборат бўлади, масалан, кемалар мажмуи (флот) ёки қароргоҳда турган қўшин; бошқалари — бирлаштирилган (туташ) қисмлардан иборат бўладилар, масалан, уй ёки кема; учинчилари бирликни, пайвандланиб кетган бутунликни ташкил этади, худди ҳар қандай ҳайвонга ўхшаб. Эр-хотинлик иттифоқи ҳам агар ўзаро севгига асосланган бўлса, тахминан шундай бирликни, пайванд бўлган бутунликни ташкил этади; агар бу иттифоқ сеп учун ёки авлодни давом эттириш учун бўлса, у ҳолда у бирлаштирилган (туташ) қисмлардан ташкил топган бўлади; агарда — фақат бирга ётиш учун бўлса, у ҳолда у алоҳида қисмлардан иборат бўлади ва уни биргаликдаги турмуш эмас, балки бир том остида яшаш деб ҳисобласа тўғрироқ бўларди. Табиатшуносларнинг сўзларига кўра, қўшилганларида бир-бирида эриб кетадиган суюқликларга ўхшаб, турмуш қураётганлар баданларни ҳам, мулкни ҳам, дўстларни ҳам, танишларни ҳам бирлаштиришлари зарур. Рим соҳиби қонуни эр-хотинларнинг бир-бирларига совға беришларини бекорга манъ этмаган: токи улар шахсий мулкка эга бўлолмасинлар ва ҳамма нарсани умумий, деб ҳисобласинлар.

35. Ливиянинг Лепта шаҳрида қадимий одат бор, унга кўра ёш келинчак тўйнинг эртасига қайнонасидан ошхона хумчасини сўратиб одам юборади, у эса хумча йўқ, деб жавоб беради, ва бу шунинг учун қилинади-ки, қайнона хушмуомала бўлмаслигини келин дарҳол билсин, ва кейин улар орасида жиддийроқ ҳолат рўй берса, буни у сабр-тоқат билан ва ортиқча хафа бўлмай ўтказсин.

Буни эсда сақлаб, хотин ўз қайнонаси билан жанжал қилмаслиги керак, зеро оналарга ўз ўғилларини келинга рашк қилишлари умуман табиийдир, ва бу ўринда фақат бир нарса ёрдам бериши мумкин: эр хайрихоҳлигини шундай қозониш керак-ки, токи эрнинг ўз онасига меҳр-муҳаббати камаймасин ва кучсизланмасин.

36. Ёрдам беришга ва ҳимоя қилишга қодир бўлганлари учун оналар ўғилларини, оталар эса, оталар ҳимояси ва ҳомийликларига муҳтожликлари учун қизларини кўпроқ яхши кўрадилар шекилли, аммо агар эр ва хотин бир-бирларини бир хилда ҳурмат қилсалар, улардан бири бошқасининг мойилликларига эҳтиром кўрсатади. Айтиш керакки, бу унча муҳим эмас, аммо хотин эрнинг ота-онасига ўз ота-онасига нисбатан кўпроқ ҳурмат кўрсатса ва бирор кор-ҳол юз берганида ўз ота-онасидан яшириб эрининг ота-онасига айтиб берса, таҳсинга лойиқ иш бўлади. Чунки, ишонч туйғуси, қайта ишончни ва меҳр кўрсатиш — худди шундай — меҳр-муҳаббатни уйғотади.

37. Кир қўшинларида хизмат қилган эллинларга саркардалар, агар душман қийқириб ҳужум қилса, уни индамай (овоз чиқармай) қутиб олишни, ва, аксинча, агар душман жим турса, унга қийқириб ташланишни буюрар эдилар. Ақлли хотин, ғазабланган эр бақирса ва сўкинса, сукут сақлайди, ва у жим бўлгандагина уни тинчитиш ва юмшатиш учун гаплаша бошлайди.

38. Шаробхўрлик пайтида лира чалаётганга танбеҳ берганида Еврипид ҳақ эди: мусиқа, усиз ҳам ҳузурланаётган одамларни бўшаштириш учун эмас, балки, ғазабни жиловлаш ва ғам-андуҳни юмшатиш учун керак. Ҳузур олишни хоҳлаганларида бирга ухлаб, жанжаллашиб қолганларида айрим ётадиган хотинлар нотўғри қиладилар, деб ҳисоблайверинг; чунки худди шундай пайтларда улар бунга ўхшаш ноҳушликларнинг энг яхши даволовчиси Афродитани ёрдамга чақиришлари керак. Қаердадир Ҳерани бундай деяётганини тасвирлаб ҳатто шоир бундай ўгит беради:

... тугатаман олдиндан бошланган жанжалларини, яна муҳаббатла қовушсинлар, деб ўринга ётқизаман.

39. Эр хотин билан, хотин эр билан тўқнашувларга ҳамма вақт ва ҳамма жойда йўл қўймаслиги лозим, айниқса, эр-хотин тўшагида бундан эҳтиёт бўлган маъқулдир. Туғаётганида инграб ва азоб чекаётган аёл уни ўринга ётқизаётганларга: «Тўшак ўзи келтириб чиқарган дардни енгиллата оладими?» — дебди. Жанжаллар, ҳақоратлар ва бир-бирига адоват агар ўринда (тўшакда) бошланса, бошқа пайтда ва бошқа жойда уларни бартараф қилиш осон бўлмайди.

40. Бундай деганида Гермиона ҳақ бўлганга ўхшайди:

Бадхулқ дугоналар давраси маҳв этди мени.

Айтиш керакки, ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди, бу ҳол фақат эр билан адоват ва рашк бундай хилдаги аёлларга наинки эшикларни, балки қулоқларни ҳам очганидагина пайдо бўлади. Худди шунда оқила аёл, оловга олов қўшмаслик учун, пичир-пичирлардан эҳтиёт бўлиб, қулоқларини беркитиб олиши керак ва у Филиппнинг ушбу ҳикматли сўзига амал қилсин. Дўстлари Филиппни гўёки эллинларга яхшилик қилса ҳам уни ёмонлашади, деб эллинларга қарши қайраганларида, айтишларича у: «Агар, биз уларга ёмонлик қилганимизда нима бўлардийкин?» — деб жавоб берибди. Шунинг учун ғийбатчи аёллар: «Сен эрингни севасан ва унга вафо қиласан, у эса сенга фақат ғам-ташвиш келтиради» — деганларида, «Агар уни ҳақорат қилабошласам ва ёмон кўрсам у ҳолда нима бўлади?» — деб жавоб бериши керак.

41. Қочган қулни кўриб қолиб хожаси уни қувлай бошлади, қул қочаётиб тегирмонга беркинганида хожа: «Бу ердан бошқа яна қаерда сени кўриш менга бунчалик хуш ёқарди!» — деб хитоб қилди. Рашк туфайли ажралишга аҳд қилган ва шунинг учун азобланаётган аёл ўзига бундай десин: «Ғам ила ёниб, эримга қарши исён қилиб ўз уйим ва ётар жойимни ташлаб кетишдан бошқа яна нима билан ва қандай қилиб ўз рақибамга қувонч бахш эта оламан?»

42. Афиналикларда ер ҳайдаш маросимини уч маротаба муқаддас байрам, деб ўтказилади: биринчиси Ски-

росда, энг қадимги буғдой сепишнинг хотираси учун; иккинчиси, Рарияда; учинчиси Бузигий байрами деб номланувчиси Пелий тоғи ёнбағрида ўтади. Аммо никоҳ ҳайдови ва дон сепилиши улардан ҳам муқаддасроқдир ва «мева берувчи Киферея» деб атаб, Софокл Афродита ҳақида жуда гўзал лутф қилган. Шунинг учун эр ва хотин бунга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан қарашлари керак, никоҳдан ташқари нопок ва ноқонуний алоқалар билан ўзларини булғамасликлари, кейин уятга қолмаслик ва беркитиб юрмаслик учун мева кўришни хоҳламаган ерларига уруғ сепмасинлар.

43. Нотиқ Горгий Олимпда эллинлар орасидаги тотувлик ҳақида нутқ сўзлаганида, Меланфий: «Ҳали бу бизга ҳамжиҳатлик ҳақида маслаҳат бермоқдами — унинг ўзи ҳаммаси бўлиб учта одам: ўзи, хотини ва чўриси орасида тотувликка эриша олмаган-ку!» — деб хитоб қилди. (Горгий чўри қиз билан ишқий алоқада бўлгани учун хотини рашк қилганга ўхшайди). Дарҳақиқат, кимки, дўстларининг ишларини ёки жамоа ишларини тартибга келтиришни хоҳласа, аввало ўзининг уйидаги муносабатларни тартибга солиши зарур; зеро, хотинларга нисбатан қилган қилмишларини оломондан яширишдан кўра, хотинларнинг қилмишларини яшириш осонроққа ўхшайди.

44. Айтадиларки, мушуклар хушбўй моддаларнинг ҳидидан қутирар ва қонлари қайнаб, ғазабланар эмишлар, агарда хотинлар ҳам ҳеч бўлмаса бир марта ана шундай ғазабнок бўлганларида ва қутурганларида эди, эрлари бундан кейин мой суртишга ва ўзлари учун арзимаган ҳузур деб уларни бунчалик баджаҳл этишга журъат этмасдилар. Ростики, бундай ҳол эрлар хушбўй мой суртганларида эмас, балки бошқалар билан бўлиб бевафолик қилганларидан бўлгани учун, ўткинчи бир ҳирс деб хотинларига бунча ғам ва андуҳ келтириш адолатдан бўлмайди. Эрлар хотинларига қўл теккизишдан аввал фақат пок ва тоза ҳолатда, гуноҳ иш қилмай яқинлашишлари керак, ривоятларга кўра асаларилар аёл (асалари) билан ҳозиргина бирор алоқада бўлганига ўчакишиб ҳужум қилар эканлар.

45. Филларга оқ, буқаларга эса қизил кийимда яқинлашиб бўлмайди, зеро бу ранглардан ушбу ҳайвонлар ўта ғазабга келадилар, йўлбарслар эса, айтадилар-ки, тимпан (ноғора) овозидан шундай жунбушга келар эканларки, ҳатто ўзларини юлиб-юлиб ташлар эмишлар. Агар эрлар ҳам шундай ҳолатга келар эканлар, яъни оловранг ва қип-қизил кийимларнинг кўринишини ёки кимвал (чанг) ва тимпан овозини хуш кўрмас эканлар, хотинлар тинч-тотувликда эрлари билан яшашлари учун ўша нарсалардан воз кечсалар яхши бўлмайдими?

46. Филипп зўравонлик билан ўз ҳузурига олиб келмоқчи бўлган бир аёл: «Мени тинч қўй! Қоронғуликда ҳамма аёллар бир хилдирлар», — деб илтижо қилибди. Енгилтак ва бузуқларга нисбатан бу сўзлар адолатлидир; қонуний хотин борасида эса у шам ўчирилиши билан биринчи учраган аёлларга ҳеч ҳам ўхшамаслиги керак, аксинча, у бадани кўринмай турганида, фақатгина эрга насиб этадиган ҳаё, тобеълик ва назокат билан нурланиб туриши керак.

47. Платон (Афлотун) кексаларга, ўсмирларга нисбатан алоҳида камтар бўлишни маслаҳат бсрар эди, токи ўсмирлар ҳам уларга нисбатан ҳурмат кўрсатсинлар, зеро қаерда қариялар беномус бўлсалар, ўсмирларнинг камтар ва тавозеълик бўлишлари мумкин эмас. Буни эсда сақлаб, эр ўз хотинига нисбатан ундан кам бўлмаган камтарлик кўрсатсин, у билсинки, эр-хотин ётоғи аёл учун эзгуликнинг ҳам, енгилтакликнинг ҳам мактаби бўлиши мумкиндир. Ўз хотинига манъ этган ҳузурларга ўзи берилиб кетган эр эса, душманга асирга тушиб, бошқа жангчига охиригача жанг қилишни маслаҳат берган одамга ўхшайди.

48. Сен, Евридика, зеб-зийнатларни яхши кўриш ҳақида Тимоксена Аристиллага ёзганларини ўқигансан: уни эсда сақлашга ҳаракат қил. Сен эса Поллиан, сенинг бошқа нарсага: зарҳал қадаҳлар, деворий нақшлар, хачирлар ва отлар учун ажойиб эгар-жабдуқлар ва ёпинчиқларга бўлган эҳтиросингни сезиб қолса, хотининг-нинг ортиқча ҳашаматдан воз кечишига ишонмагин. Агар ҳашам эркак оромгоҳида авж олиб турса, аёллар фикру хаёлидан уни ҳайдаб чиқариб бўлмайди.

Ёшингга кўра Поллиан, сен фалсафа учун роса етилгансан; ўз ахлоқингни назокатли билимдонлик ила безагин, бунинг учун бу ишга фойдаси тегиши мумкин бўлганлар билан мулоқотда ва суҳбатда бўлгин; хотининг учун эса, худди асаларидай барча яхшиликларни йиғиб кел ва уйга олиб келиб у билан баҳам кўр ва суҳбат қур, ўзинг ўқиган ва эшитганларингнинг энг яхшиларини унга таништир. Энди сен унга «ҳам ота, ҳам ака, ҳам муҳтарама онасан», аммо аёлидан ушбу сўзларни эшитиш ҳам жуда муҳимдир: «Хожам, эрим, шу ондан бошлаб зебо, гўзал ва илоҳий ҳамма нарсалар борасида сен менинг устозим, донишмандим ва ўқитувчимдирсан». Бундай таълимот хотинларни кераксиз ва зарарли нарсалардан энг маъқул равишда чалғитади: геометрияни ўрганаётиб, хотин рақс тушишга уялади, шунингдек Платон (Афлотун) ва Ксенофонт асарларига бўлган иштиёқ, жодугарларнинг сеҳрларига алданишига йўл қўймайди. Агар кимдир осмондан ойни олиб бераман деса, бунга ишонган аёлларнинг жоҳиллигига ва гўллигига фақат кулимсираб қўяди холос, чунки у фалакиёт илмига бегона бўлмагани учун, фессалиялик Гегеторнинг қизи Аглаоника ҳақида эшитган бўлади; Аглаоника ой тутилишини билганлигидан, бу ёритқич қачон сояга беркинишини олдиндан ҳисоблаб кўриб, аёлларни алдар эди, гўёки у ойни осмондан олиб қўйгандек. Таъкидлашларига кўра ҳали ҳеч ким эркак билан мулоқотда бўлмасидан бола туғмаган, она қорнида нотўғри ривожланиш туфайли шаклсиз, қотиб қолган нарсани «тегирмон тоши» дейилади. Аёл дили (руҳияти) борасида ҳам худди шундан эҳтиёт бўлмоқ керак. Агар эр билан мулоқотда у оқил ўгитлар уруғини олмаса, маърифатга эришмаса, у ҳолда ўз ҳолига қолиб кўпдан-кўп бидъатлар, ёмон фикрлар ва истакларни ўйлаб топади.

Сен эса, Евридика, доно ва фойдали ҳикматларга тўла фалсафага риоя қилишга ҳаракат қил, эрингни хурсанд қилиш, бошқа аёлларни эса бепул, текин, ажойиб зебо безаклар билан ҳайрон қолдириш учун болалик чоғингдаёқ биздан ўрганган сўзларни тез-тез эслаб, такрорлаб тур. Ана у бой аёлдаги каби дурлар олиш, ёки ана у аж-

набий аёлдек шойиларга ўраниш катта ҳаражатлар қилмай мумкин эмас, лекин Феано, Леонид Горгонинг хотини Клеобулина, Феаген Тимоклейнинг синглиси, қачонлардир машҳур бўлган Клавдия, Сципионнинг қизи Корнелия ва бошқа донгдор, шуҳратли хотинларнинг зебзийнатларига текинга эга бўлиш мумкин ва улар билан ороланиб бахтиёр ҳамда шарафли ҳаёт кечириш мумкин бўлади. Агар Сапфо ўз қўшиқлари назокатидан ғурурланиб, бир бой аёлга:

Ажалингдан сўнг сени унутиш тўни кутади:
сени Пиерий атир гулларига алоқанг йўқдир, —

деб ёзган бўлса, гарчи атир гулларга тааллуқли бўлмаса-да, илм-фан ва фалсафа ихлосмандларини Музалар сахийлик билан тақдирлайдиган мевалардан ғурурланишга сенда кўпроқ асос бўлмайдими?

«ПОДШОҲЛАР ВА САРКАРДАЛАРНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИ» ГА ИЗОҲЛАР

Кир (Кир II) — милоддан аввалги 559-530 йилларда Эрон подшоҳи бўлган. Камбиз (Қўмбиз)нинг ўғли.

Доро (Доро I) — милоддан аввалги 522-486 йилларда Эрон подшоҳи бўлган. Унинг подшоҳлиги даврида Эрон жуда ривожланган.

Семирамида —Вавилон маликаси (милоддан аввалги 9 аср)

Ксеркс (Ксеркс I) — милоддан аввалги 485-465 йилларда Эрон подшоҳи бўлган. Доро I нинг ўғли.

Артаксеркс (Артаксеркс I) — милоддан аввалги 465-425 йилларда Эрон подшоҳи бўлган.

Кичик Кир — милоддан аввалги 401 йилда вафот этган. Доро II Нотнинг ўғли.

Артаксеркс Мнемон (Артаксеркс II) — милоддан аввалги 404-359 йилларда Эрондаги Ахоманийлар давлати подшоҳи.

Парисатида — Доро II Нотнинг хотини, Кичик Кир ва Артаксеркснинг онаси.

Оронт — Артаксеркснинг куёви

Полтис — афсонавий шахс, Посейдоннинг ўғли.

Терей — милоддан аввалги V аср. Фракиядаги Одрис подшоҳи.

Котис — милоддан аввалги 380-358 йилларда Фракия подшоҳи.

Иданфирс — Скифлар подшоҳи. Доро I га қарши курашган.

Антей — Милоддан аввалги IV аср ўрталарида скифлар подшоҳи.

Скилур — милоддан аввалги II-I асрларда скифлар подшоҳи.

Гелон — милоддан аввалги 491-483 йилларда Гела ҳукмдори, 485-478 йилларда Сиракуз ҳукмдори.

Гиерон — милоддан аввалги 478-467 йилларда Сиракуз ҳукмдори.

Катта Дионисий — милоддан аввалги 405-367 йилларда Сиракуз ҳукмдори, саркарда.

Кичик Дионисий — милоддан аввалги 367-357 ҳамда 347-344 йилларда Сиракуз ҳукмдори.

Агафокл — милоддан аввалги 318-289 йилларда қадимги Сицилия ҳукмдори.

Дион — милоддан аввалги 410-354 йилларда Сиракуз ҳукмдори.

Архелай — милоддан аввалги 413-399 йилларда Македония ҳукмдори.

Филипп — милоддан аввалги 382-336 йилларда яшаган, 359 йилдан то 336 йилгача Македония подшоҳи. Искандарнинг отаси.

Искандар — милоддан аввалги 356-323 йилларда яшаган, 336 йилдан Македония подшоҳи. Аристотел (Арасту) унинг устози бўлган.

Птолемей — милоддан аввалги 305-285 йилларда подшоҳ бўлган. Мисрдаги Птолемейлар сулоласининг асосчиси. Македониялик Искандарнинг саркардаларидан бири бўлган.

Антигон — милоддан аввалги 306-301 йилларда Македония подшоҳи бўлган. Искандарнинг саркардаларидан бири.

Деметрий II — милоддан аввалги тахминан 240-230 йилларда Македония подшоҳи бўлган. Антигон Гонатнинг ўғли.

Антигон II Гонат — Милоддан аввалги 283-239 йилларда подшоҳ. Деметрий Полиоркет ўғли.

Аисимах — Ҳукмдор, милоддан аввалги 361-281 йилларда яшаган. Искандарнинг саркардаларидан бири.

Антипатр — Филипп II ва Искандарлар даврида саркарда бўлган, милоддан аввалги 397-319 йилларда яшаган. Македониялик Филиппнинг яқин дўсти.

Антиох III — милоддан аввалги 242-187 йилларда яшаган подшоҳ.

Лочин лақабли Антиох — Антиох II нинг кичик ўғли.

Евмен (Евмен II) — милоддан аввалги 197-159 йилларда подшоҳ бўлган. Аттал I нинг ўғли.

Пирр — милоддан аввалги 319-273 йилларда яшаган. 307-302 ва 296-273 йилларда Эпир подшоҳи бўлган.

Антиох (Антиох VII) — милоддан аввалги 137-128 йилларда подшоҳ бўлган.

Фемистокл — Милоддан аввалги, тахминан 528-462 йилларда яшаган афиналик саркарда.

Миронид — мил. ав. V асрда яшаган Афина стратеги.

Аристид — мил. ав. тахминан 520-468 йилларда яшаган Афина саркардаси. Фемистоклнинг рақиби. Лисимахнинг ўғли. (Бошқа бир манбада яшаган йиллари 540-467 деб кўрсатилган.)

Перикл — мил. ав. тахминан 490-429 йилларда яшаган афиналик стратег (бош қўмондон). 443-429 йилларда стратег. Машҳур хайкалтарош Фидий унинг дўсти бўлган. Ўлат касалидан вафот этган.

Алкивиад — мил.ав. тахминан 450-404 йилларда яшаган афиналик давлат арбоби. 421 йилдан стратег. Суқротнинг шогирди.

Ламах — Афиналик саркарда. Мил. ав. 414 йилда вафот этган.

Ификрат — мил.ав. IV асрда яшаган Афина саркардаси.

Тимофей — афиналик саркарда, узоқ йиллар давомида ҳарбий денгиз кемалари қўмондони бўлган. Аекин милоддан аввалги 350 йилда ҳарбий юришда мағлубиятга учрагач сотқинликда айбланган.

Харбий — мил.ав. 390-389 йилларда Афина стратеги, 357 йили ўлдирилган.

Гегесипп — афиналик нотиқ, Демосфеннинг замондоши.

Пифей — афиналик нотиқ, Демосфеннинг рақиби бўлган.

Фокион — мил.ав. 402-318 йилларда яшаган Афина давлат арбоби.

Писистрат — мил.ав. 560-527 йилларда Афинада ҳукмдорлик қилган.

Фалерлик Деметрий — мил.ав. тахминан 345-283 йилларда яшаган, файласуф Кассандр унга Афинани бошқаришни топширган.

Ликург — мил.ав. 9-8 асрларда яшаган Спарта қонунчуноси.

Подшоҳ Харилл — қадимги спарта подшоҳи, Ликург даврида яшаган деб айтилади.

Подшоҳ Телекл — милоддан аввалги YIII асрда яшаган афсонавий подшоҳ

Феопомп — Спарта давлатининг асосчиларидан бўлган подшоҳ.

Архидам — мил.ав. 469-427 йилларда Спарта подшоҳи бўлган.

Брасид — Спартанинг машҳур саркардаларидан бири. Мил.ав. 422 йили жангда ҳалок бўлган.

Подшоҳ Агид (Агид II) — мил.ав. 427-401 йилларда Спарта подшоҳи. Архидамнинг ўғли.

Лисандр — милоддан аввалги тахминан 450-395 йилларда яшаган Спарта саркардаси, денгиз жангида афиналикларни енгган.

Агесилай — мил.ав. тахминан 442-358 йилларда яшаган, 401 йилдан Спарта подшоҳи.

Архидам (Архидам III) — мил.ав. 361-338 йилларда Спарта подшоҳи, Агесилайнинг ўғли.

Кичик Агид — мил.ав. 338-331 йилларда Спарта подшоҳи, Архидамнинг ўғли.

Клеомен (Клеомен II) — мил.ав. 370-309 йилларда яшаган Спарта подшоҳи.

Педарит — Спарта саркардаси. Пелопоннес уруши қатнашчиси.

Дамонид — спарталик. Номаълум шахс.

Никострат — аргос саркардаси.

Еедамид (Евдамид I) — мил.ав. тахминан 331-305 яшаган. Архидамнинг ўғли.

Антиох — эфор бўлган.

Анталкид — спарталик ҳарбий денгиз кемалари бошлиғи (наварх)

Эпаминонд — мил.ав. тахминан 418-362 йилларда яшаган Беотия саркардаси.

Пелопид — мил.ав. тахминан 410-364 йилларда яшаган Фива саркардаси.

Маний Курий — мил.ав. 290 йил ва 275-274 йилларда консул бўлган.

Гай Фабриций — мил.ав. 282 ва 278 йилларда консул.

Фабий Максим — мил.ав. 275-203 йилларда яшаган саркарда.

Катта Сципион — мил.ав. тахминан 235-183 йилларда яшаган Рим саркардаси. 205 ва 194 йиллари консул бўлган. Африкада Ганнибал устидан ғалаба қозонгани учун «Африкали» лақабини олган.

Тит Квинкций — мил.ав. 198 й. консул. Машҳур саркарда.

Гай Домиций — мил.ав. 192 й. консул.

Публий Лициний Красс — мил.ав. 171 й. консул.

Павел Эмилий — мил.ав. 228-160 йилларда яшаган саркарда, сиёсий арбоб.

Катта Катон — мил.ав. 184 й. цензор. Мил.ав. 234-149 йилларда яшаган. Нотиқ, ёзувчи.

Кенжа Сципион — мил.ав. тахминан 185-129 йилларда яшаган Рим саркардаси. 147 йили консул.

Цецилий Метелл — мил.ав. 143 йилда консул.

Гай Марий — мил.ав. 150-86 йилларда яшаган Рим саркардаси. 105 йилда консул бўлган.

Лутаций Катул — милоддан аввалги 102 йилда консул бўлган.

Саодатманд Сулла — милоддан аввалги 138-78 йилларда яшаган саркарда ва давлат арбоби.

Гай Попилий — рим саркардаси, 172 йилда консул бўлган.

Лукулл — мил.ав. тахминан 117-56 йилларда яшаган рим саркардаси. Жуда бой бўлган экан.

Гней Помпей (Буюк Помпей) — мил.ав. тахминан 106-48 йилларда яшаган Рим саркардаси ва сиёсат арбоби.

Цицерон — мил.ав. 106-43 йилларда яшаган машҳур нотиқ, давлат арбоби, адиб.

Гай Цезар — мил.ав. 100-44 йилларда яшаган давлат арбоби, саркарда, адиб, 49 - йилдан ҳукмдор.

Цезар Август (Октавиан) — мил.ав. 63-йил — милодий 14-йилларда яшаган, милоддан аввалги 27- йилдан Рим императори.

Цезар Траян (асарнинг бағишлов қисми) — 53-117 йилларда яшаган Рим императори. Траян 98- йилдан бошлаб император бўлган.

Зопир (2-3) — Мегабазнинг ўғли, Доронинг дўсти.

Ариамен (4/1) — Ксеркснинг укаси, Доро I нинг ўғли.

Исмений (16/3) — фивалик машҳур найчи (флейта чалувчи)

Колофонлик Ксенофан (19/4) мил.ав. 570-480 йилларда яшаган файласуф, шоир ва рапсод.

Еврипид (24/1) — афиналик трагик, мил.ав. 480-408 й.

Агафон (24/3) — мил.ав. 448-397 йилларда яшаган буюк трагик. Архелай саройида 407 йилдан бошлаб хизматда бўлган. Суқротнинг дўсти.

Эпихарм — комик шоир, Сицилияда яшаган.

Гомер (Ҳомер) — мил.ав. тахминан VIII-VII асрларда яшаган шоир, «Илиада» ва «Одиссея» достонларининг муаллифи.

Смикиф (25/6) — Македониялик Филиппнинг яқинларидан.

Олинфлик Аасфен (25/15) — мил.ав. 347 йилда Филиппга сотилиб, ўз шаҳрига хиёнат қилган шахс.

Евбейлик Гиппарх (25-21) — Филипп томонидан 343-йили Эретрияни бошқаришга қўйилган, аммо кўп ўтмай у вафот этган.

Кратет (25/26) — Фивалик файласуф — киник (мил.ав. 365-285 йиллар)

Гарпал (25/26) — Македониялик зодагон (мил.ав. 355-323). Искандарнинг ҳарбий хазинаси хазинабони бўлган.

Леонид (26/4) — Искандарнинг муаллими.

Анаксарх (26/7) — Абдерлик юнон файласуфи.

Ада (26/9) — мил.ав. 343-338 йилларда Карий малкаси (подшоҳи) бўлган.

Парменион (26/11) — Аввал Филипп, сўнгра македониялик Искандарнинг саркардаси. Мил.ав. 320 йили ўлдирилган.

Антипатр (26/14) – Искандарнинг дўсти, саркарда.

Антипатрид (26\19) — Искандарнинг дўсти.

Таксил (26/24) — Ҳинд подшоҳи, Искандарнинг иттифоқдоши.

Кратер (26/29) — Искандарнинг буюк саркардаси, мил.ав. 321 йили вафот этган.

Ксенократ (26/30) — Халкедонлик, (мил.ав. 339-314) файласуф.

Пор (26/31) — Искандарнинг ҳарбий юришлари давридаги ҳинд подшоҳи.

Антагор (28/17) — мил.ав. III аср, родослик шоир.

Митридат (Митридат I) (28|18) — Понтия подшоҳи (мил.ав. 337-302 йиллар); Антигон билан курашда ўлган.

Дромихет (31/1) — «варварлар» доҳийси; мил.ав. 292 й. Лисимахни енгган.

Демад (26/34) — афиналик нотиқ, Демосфеннинг рақиби. Мил.ав. 318 йили Антипатр томонидан ўлдирилган.

Персей (35) — мил.ав. 179-168 йилларда Македония подшоҳи; римликлардан енгилган ва асирликда вафот этган.

Еврибиад (38/4) — Евриклиднинг ўғли, лакон саркардаси; эллин флоти қўмондони бўлган.

Адимант (38/4) — Афина саркардаси.

Симонид (38/9) — мил.ав. 556-468 йилларда яшаган қадимги юнон шоири.

Эсхил (40/5) — мил.ав. 525-456 йилларда яшаган буюк юнон драматурги. Уни «трагедиянинг (фожианинг) отаси» деб ҳам атайдилар.

Гармодий (44/5) — афиналик, ҳукмдор Гиппархнинг қотили (мил.ав. 514 йил); суиқасд қилганидан кейиноқ ўзи ҳам ўлган.

Демосфен (49/6) — Демосфеннинг ўғли, мил.ав. 385-322 йилларда яшаган афиналик машҳур нотиқ.

Менилл (49/14) — Фокионнинг дўсти, Антипатр ҳарбий горнизони бошлиғи.

Фудипп (49/18) — Фокионнинг дўстларидан бири, у билан бирга қатл этилган.

Фрасибул (50/3) —Писистратнинг куёви.

Деметрий Фалерлик (51) — мил.ав. тахминан 345-283 йилларда яшаган файласуф.

Анталкид (52/5) — спарталик наварх.

Менекрат (60/5) — Сиракузлик шифокор; мил.ав. 359 йили македониялик Филипп саройига таклиф этилган.

Гидрией (60/8) — мил.ав. IV асрда яшаган Карий ҳукмдори.

Ксенократ (Халкедонлик) (67/1) — файласуф.

Ясон (70/13) — мил.ав. IV асрда яшаган; Фессалия ҳукмдори.

Ферлик Искандар (71/4) — Фер шаҳри ва Фессалия ҳукмдори (мил.ав. 397 йилда ўлган);

Фива (71/5) — Ферлик Искандарнинг хотини.

Ганнибал (74/1) — Гамилкар Барканинг ўғли; мил.-ав. 247-183 йилларда яшаган Карфаген саркардаси.

Клавдий Марцелл, Марк (74/3) — Рим саркардаси, мил.ав. 196 йилда консул бўлган; 177 йили вафот этган.

Луций Теренций (75/6) — карфагенлилар асир олган римлик.

Филопемен Мегаполлик (76/5) — мил.ав. 253-183 йилларда яшаган машҳур саркарда, қўмондон.

Персей Македониялик (78) — мил.ав. 179-168 йилларда Македония подшоҳи.

Постумий Албин (80/29) — мил.ав. 151 йилда консул; шоир ва ёзувчи. Юнон тилида ёзилган Рим тарихининг муаллифи.

Полибий (81/5) — мил.ав. 201-120 йилларда яшаган сиёсий ва ҳарбий арбоб; тарихчи, унинг «Тарихи»нинг 40 китобидан 5 китоб сақланиб қолган.

Гай Лелий (81/8) — Римнинг сиёсий арбоби, файласуф ёзувчи; Кенжа Сципионнинг дўсти. 142 йили — консул.

Гай Лициний Красс (81/12) — мил.ав. 145 йилда халқ трибуни.

Панэтий (81/13) — машҳур файласуф, мил.ав. II аср.

Гай Гракх (81/22) — мил.ав. 153-121 йилларда яшаган, халқ трибуни (123 ва 122 йиллар).

Помпедий Силон (83/6) — Гай Марийнинг рақиби.

Метелл Пий (85) — мил. ав. 80 йилда консул бўлган.

Цепион, Квинт (87/1) — Рим саркардаси; 106 йили консул бўлган.

Геллий (88/6) — мил.ав. 72 йилда — консул, 70 йилда эса цензор бўлган.

Лентул Клодиан (88/6) — рим сиёсий арбоби ва нотиқ; 72 йилда консул, 70 йилда цензор.

Серторий, Квинт (88/7) — Марийнинг саркардаси, Испанияда уруш олиб борган; мил.ав. 72 йилда ўлдирилган.

Марцеллин, Гней (88/12) — милоддан аввалги 56 йили консул бўлган.

Софокл (88/15) — мил.ав. 496-406 йилларда яшаган буюк юнон драматурги.

Метелл Непот (89/5) — 143 йилда консул.

Диодот (89/7) — ритор, Метелл Непотнинг устози.

Ватиний (89/8) — Рим сиёсий арбоби; 63-йилда квестор, 59- трибун, 47-да консул; Цицероннинг душмани.

Гортензий (89/11) — мил.ав. 114-50 йилларда яшаган машҳур римлик нотиқ.

Пизон (89/16) — претор, Цицероннинг куёви.

Помпея (90/3) — Квинт Помпей Руфнинг қизи, Цезарнинг хотини.

Клодий, Публий Пулхр (90/3) — 59 йили халқ трибуни, Цицероннинг рақиби.

Метелл Хазинабон (90/8) — Луций Цецилий Метелл, мил.ав.49- йилда халқ трибуни.

Понтийлик Фарнак (90/12) — мил.ав. 63-47 йилларда Понтий подшоҳи.

Антоний, Марк. (90/14) — мил.ав. 83-30 йилларда яшаган рим саркардаси, Цезарнинг тарафдори.

Долабелла (90/14) — мил.ав. 47 йилда халқ трибуни, 44 йилда консул.

Брут, Марк Юний (90/14) — Рим сиёсий арбоби; Юлий Цезарнинг қотилларидан бири.

Кассий (Гай Кассий Лонгин) (90/14) — Юлий Цезарнинг қотилларидан бири.

Риметалк (91/2) — милодий I асрдаги Фракия подшоҳи.

Искандариялик Арий (91/3) — файласуф, Цезар Августнинг дўсти.

Меценат Гай Цилний (91/6) — мил.ав. 8 йили вафот этган Цезарнинг дўсти, илм ва санъат ҳомийси.

Афинодор Кордилион (91/7) — Гарслик файласуф, Пергам кутубхонасининг кутубхоначиси.

Юлия (91/9) — Цезар Августнинг қизи.

Гай (91/10) — Цезар Августнинг набираси; М.Агриппа ва Юлиянинг ўғли.

Тиберий Цезар (91/11) —милодий 14-37 йилларда Рим императори, Цезар Августнинг ўгай ўғли.

Еврикл (91/14) — наварх, Лохарнинг ўғли.

Фукидид (91/14) — мил.ав. тахминан 460-400 йилларда яшаган машҳур тарихчи.

Пизон (91/15) — Цицероннинг куёви; претор.

БАЪЗИ СЎЗЛАРГА ИЗОҲЛАР

Амфиктион — Қадимий Юнонистонда қабилалар ва шаҳарларнинг диний-сиёсий иттифоқи.

Гелепол (гелеполис) — кўп қаватли, силжиб юрадиган ёғоч минора; қадимги замонларда қалъаларга ҳужум қилинганда ишлатилган.

Консул — Қадимги Римда сайланадиган икки олий мансабдорнинг унвони.

Легат — қадимги римликларда ўзга юртларга сиёсий топшириқлар билан борадиган элчи; саркарданинг ёрдамчиси.

Магистрат — давлат мансаби.

Наварх — қадимги юнонларда флот бошлиғи.

Претор — Қадимги Римда: аввал консуллар ва диктаторларнинг унвони; кейинроқ эса — олий суд ҳокимиятини ижро этувчи ва ички тартиб ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи мансабдор.

Проскрипция — Қонундан ташқари шахслар рўйхати.

Стратег — ҳарбий қўмондон, бош қўмондон.

Трибун — Қадимги Римда плебейлар (сиёсий ҳуқуққа эга бўлмаган ҳур аҳоли)нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мансабдор шахс.

Триера — Қадимги Юнонда ва Римда уч қатор эшкакли кема.

Форум — Қадимги Римдаги халқ мажлислари ўтказиладиган майдон;

Фунт — оғирлик ўлчови;

Цензор — Қадимги Римда фуқароларнинг ахлоқи ва сиёсий ишончлиликларини кузатувчи ва ценз ўтказишга жавобгар икки мансабдор шахс номи.

Центумвирлар — фуқаролар ишларини олиб борувчи ҳакам (судя) лар.

Центурион — Қадимги Рим армиясида юз аскарлик бўлинма (центурия) бошлиғи.

Эдиллар — Қадимги Римда трибунларнинг ёрдамчилари; эдиллар жамоат бинолари ва ибодатхоналар, йўллар, байрамлар, бозорлар, шаҳарларни озиқ-овқат билан таъминлашни кузатиб борадилар.

Эфорлар — Қадимги Спарта (Юнонистон)да халқ йиғини томонидан ҳар йили сайланадиган бешта шахс, улар асосан мансабдор шахсларнинг фаолиятларини кузатиш билан машғул бўлганлар.

МУНДАРИЖА

Урфон Отажонов. Сўзбоши 5
Искандар Мақидунли 7
Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари 94
Келин-куёвларга насиҳатлар 172
«Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари» га изоҳлар 189
Баъзи сўзларга изоҳлар 198

ПЛУТАРХ

Подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзлари

Муҳаррирлар Н. Абдураҳмонова, Т. Ғофуржонова
Мусаввир ва бадиий муҳаррир Б. Бозоров
Тех. муҳаррир Е. Демченко
Мусаҳҳиҳ Г. Мирзаева
Компьютерда саҳифаловчи Р. Есауленко

ИБ № 4089

Босишга рухсат этилди 22.03.2006. Бичими 84x108 1/32.
Босма тобоғи 6,25. Шартли босма тобоғи 10,50.
Адади 1000 нусха. Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма № 58.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.